

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**М.ТОЖИЕВ, Б.ЗИЁМУХАМЕДОВ,
Б.УСМОНОВ, А.ХУРРАМОВ**

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Монография

Тошкент
«TURON-IQBOL»
2017

УДК: 372.851(072)

КБК: 74.202

Ў 97

М.Тожиёв, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов.

Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: Узлуксиз таълимда модулли технология // Монография / **М.Тожиёв, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов.** Масъул муҳаррир **М.Қ.Қодиров**, физика-математика фанлари доктори. Педагогика фанлари номзоди, доцент **М.Баракаевнинг** умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TURON-IQBOL», 2017. – 280 б.

И. Зиёмухамедов, Бўри; II.Усмонов, Ботир, Шукуруллаевич; II. Хуррамов, Анвар, Жуманазарович.

КБК: 74.202

Монография ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолиятини амалга оширишда замонавий педагогик технологияда миллий моделнинг ўрни ва аҳамияти, уни долзарблиги ва узлуксиз таълим тизимида фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концептуал асоси сифатида берилган.

Монография узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларига таълим-тарбияни ривожлантириш ҳамда услубий ишланмаларни тақомиллаштиришда методологик асос вазифасини ўтайди.

Педагогика фанлари номзоди, доцент **М.Баракаевнинг** умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррир:

М.Қ. Қодиров, физика-математика фанлари доктори.

Тақризчилар:

Н.Муслимов – педагогика фанлари доктори, профессор,

З.Давронов – фалсафа фанлари доктори, профессор,

А.Мавлянов – физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Мазкур монография Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш Маркази Илмий Кенгашининг 2017 йил 27 мартдаги 3/4-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-14-422-4

© «TURON-IQBOL», 2017

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
26 йиллигига бағишланади*

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда юксак ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассислардан маънавий етуқликни касбий билимларни, юксак маданиятни ва кенг дунёқарашни талаб этади. Ушбу талаблар ва интилишлар асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда инсон ва жамият эҳтиёжларини қондиришни тобора такомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Буни ривожланган мамлакатлар мисолида яққол кўриб турибмиз. Маълумки, юртимизда хорижий давлатлар ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин қадар ҳал қилинмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат ривожини юксалтириб бўлмайди. Республикамизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чўра-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-2909 сонли қарорининг қабул қилиниши таълим жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш жараёнини жадаллаштириш асосида таълим сифатини янада яхшилаш масаласини кўйди[3]. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар педагогик технология тамойиллари асосида фанларнинг ўқув машғулотларини босқичма-босқич лойиҳасини тузиб чиқишлари талаб этилади.

Таълим-тарбияни самарали ташкил қилиш учун таълим технологияларига сифат жиҳатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келган, чунки ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги янгиланиш жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам туб ўзгартиришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Ҳеч бир ўқитувчи бу жараёндан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари фан, таълим-тарбия ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграцияси, ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурияти буларни илмий-методик асослаш эҳтиёжининг туғилишида объектив омил бўлиб қолмоқда.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолиятини лойиҳаларини тузиб чиқиш ҳамда уни амалиётда қўллашда файдаланиладиган анъанавий, замонавий ва интерактив усулларнинг асосларини яратиш асосида амалга оширилади.

Аслида, ўқитувчи фаолияти албатта таҳсил олувчи (талаба-ўқувчи) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўқув жараёнини лойиҳаларини тузиб чиқиш ва шу асосида таълимни ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир.

Педагогик технология ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалашнинг мазмуни, моҳияти, мақсади ва вазифаларини очиб бериш, уларни таълим жараёнига тадбиқ этишда хорижлик педагог олимлардан Т.Сакомото[10], Bloom B.S.[11], Cobb C.W., Douglas P.H., Pimbley G., Pimbley G. Pimbley G.[12] ва б., МДХ педагог-олимларидан Б.П.Беспалько[13], В.М. Монахов[14], М.В.Кларин[15], Т.К. Смыковская[67], С.В. Васекин[68] ва бошқа педагогларнинг хизматлари катта бўлди. Педагогик технологияни такомиллаштириш ва уни таълим жараёнига тадбиқ қилиш борасидаги муаммоларни ҳал этишда юртимиз педагог-олимларининг ҳам хизмати бор. Хусусан, Н.Н.Азизхўжаева[17], Р.Х. Жўраев[82], Б.Зиёмухаммадов[22], Ж.Ф.Йўлдошев[39], У.Н.Нишоналиев[37], Ў. Толипов[18], М.Очилов[19], Н.Муслимов[20], Ш.С.Шарипов[24], А. Очилов[21], Ж.Толипо-

ва[55]ларнинг илмий ишларида ушбу фикримизнинг исботини кўриш мумкин.

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда албатта ижодкор ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Илк бора ўқув жараёнини лойиҳасини тузишнинг илмий-назарий асосини яратган олимлар Б.Зиёмуҳаммедов[33], Л.В.Голиш[23], М.Тожиев[35], Д.М. Файзуллаева[23], Ҳ. Қаршибоев[25], Д.Юнусова[26] бошқаларнинг ишларида, унинг амалиётга тадбиғини А.Алимов[27], М.Қўчқаров[72], Э.Шарипов[29], И.Зулфуқаров[72], М.Ўралова[71], Г.К.Изетаева [111], К.Мамадалиев[124], А.Ж.Хуррамов [186] ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин

Педагогик жараёнга таълим ва тарбиянинг турли усуллари ва воситалари жалб этила бошланган ҳозирги пайтда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш муҳим. Педагогик технология усули тўғри лойиҳаланган машғулотларни қайта такрорлаш имконини беради ва шу жиҳатидан ўқитувчи ҳамда педагогнинг методик маҳорати, шахсий фазилатлари билан биргаликда ўқув ва амалий машғулотларни юқори натижаларга олиб келишга шароит яратади.

Ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ҳозирги замонавий таълим ва тарбияда кенг қўлланилиб, кейинги вақтларда назарий ҳам амалий методикага ва дидактикага кириб келди. Ўқитиш жараёнини лойиҳалаш замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига қўллашнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Ушбу монографияда хорижий мамлакатлар ва республикадаги олий ўқув юртлари ўқитиш жараёнининг лойиҳаларини тузиш ва уни амалда жорий этилиши бўйича таҳлили ўрганилди ва улардан фойдаланиб республикамизнинг олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ҳамда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш ва улардан таълим амалиётида фойдаланиш масалаларини «Математика ўқитиш методикаси» фан ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалаш мисолида кўриб ўтилди.

Монография Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик тизимида 2015–2017 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари» доирасидаги «Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти («Математика ўқитиш методикаси» таълими йўналиши мисолида)» мавзусидаги амалий лойиҳада олинган натижалар асосида шакллантирилди.

Мазкур монографияни шакллантиришда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази катта илмий ходим-изланувчиси А.Хуррамовнинг илмий-тадқиқот натижалари асос қилиб олинди ва айрим қисмларини шакллантиришда доцент М.Баракаев, катта илмий ходим-изланувчилар Г.Изетаева, К.Мамадалиевларнинг айрим манбаларидан фойдаланилди ва физика-математика фанлари доктори М.Қодировнинг маслаҳатлари эътиборга олинди.

Мазкур монографияни яратилишида қимматли маслаҳатларини аямаган профессор Зиёд Давронов, профессор Нарзилла Муслимов, доцент Аминжон Мавлянов, доцент Ахмаджон Ахлимирзаев, шунингдек, монографияни шакллантиришда ёрдам берган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи Бекзод Тошпўлатовга муаллифлар ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Монография ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни **tajiev@mail.ru**, **tajiev@umail.uz** электрон почталарга юборишингизни сўраб қоламиз.

Муаллифлар

I БОБ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШДАГИ ЎРНИ

1-§. Педагогик технологиянинг ўзбек инновацион модели асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш босқичлари

Ҳар қандай таълим тизимининг негизида келажақ авлоднинг тақдири билан халқ манфаатлари ётади. Бу манфаатларни рўёбга чиқариши учун ёш авлоднинг шахсий фазилатлари етакчи ўрин тутади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг фазилатлари билан касбий билмдонлик даражаси, уларга шу кунда берилаётган билимларнинг тури, ҳажми ва таълим-тарбиянинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Таълим-тарбиянинг яхши ёки ёмон бўлишиги, ўқитувчи ва педагогларимиз томонидан шаклланиб келаётган миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини нечоғлиқ эгаллаб олиб, дарс ва ўқув машғулотларида замонга мос таълимнинг усуллари-дан қанчалик тўғри фойдалана олаётганлигига боғлиқ эканлиги шухбасиздир.

Шу кунгача инсоният яратган педагогик усулларнинг биронтаси ҳам камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун усуллар назарияси тинимсиз тараққий этиб, барча ўқитувчи ва педагоглар талабга бирдай жавоб берувчи усуллар изланган. Шу изланишлар натижаси ўлароқ ўқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келди.

Республикаимизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик жамоатчилиги шароитига мос бўлган миллий таълим техногогиясини яратиш ва уни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилиб келдилар.

Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳаси мутахассислари томонидан, ушбу муаммо устида бош қотириб, ривожланган мамлакатлардаги таълим технологияларини ўрганиб, худудимизга тадбиқ этиш мақсадида бир қатор илмий ва ўқув-услубий асарни чоп этирдилар. Унда, асосан назарий томонларига эътибор қаратилди. Натижада, ўқитувчи ва педагогларимиз бу асарларни тушуниб, таълим амалиётига қўллашлари қийин кечди.

Кўп йиллик илмий-тадқиқот изланишларнинг меваси сифатида ушбу монографиянинг муаллифлари профессор **Бўрибой Зиёмухамедов** ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий ходимлари педагогика фанлари доктори **Мамаражаб Тожиев**лар билан ҳамкорликда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология таълимчиларидан оғишмаган ҳолда, мажмуилар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқувчи ва республикамиздаги ижтимоий – педагогик шароитни ҳисобга олиб, худуддаги профессор-ўқитувчилар ва педагогларнинг маърифий менталитетидан келиб чиққан ҳолда, республикамиз педагоглар жамоатчилигига тушунарли бўлган педагогик технологиянинг ўзбек миллий модели яратилди[22,35].

Шу кунда ушбу модель ва унинг мазмун-моҳияти муаллифлар томонидан нашр қилинган 30 (Қаранг. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида бир қисми келтирилган) дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий асарлар орқали республикамизнинг бир қатор умумўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими таълим муассасалари ўқув амалиётида қўлланилиб, ўз тадбиғини топган.

Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўзбек инновацион миллий модели асос қилиб олинди.

Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда қуйидаги босқичдаги амалларни маънавиятига сингдириши ва уларни сўзсиз бажариши лозим. Хусусан:

1. Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафаккият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология модели яратилди. Республикаимизнинг педагогик олим ва амалиётчи педагоглари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий таълим технологиясини ўрганиб ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Шундан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи замонавий педагогик технология миллий моделининг мазмун ва моҳиятидан тўлиқ хабардор бўлиши шарт.

1.1. Тизимли ёндашув тамойилларини ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятида қўллаш кўникмасига эга бўлиши;

1.2. Ўқитувчи фаолиятни технологиялаштириш ижтимоий зарурият эканлигини тушуниш;

1.3. Ўқитувчи таълим жараёнидаги инновацион технологияларнинг назарий ва амалий асосларини билиши ва амалий фаолиятида қўллай олиш кўникмасининг мавжудлиги;

1.4. Педагогик технология тушунчасига жуда кўп педагог олимларимиз томонидан ҳар хил таърифлар берилган. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи инновацион педагогик технология мазмунини билиши ва унинг таърифларини таҳлил қила олиши ҳамда замонавий таърифини ажратиб ўзининг маънавиятига сингдириши;

1.5. Ўқитувчи таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш инновацион педагогик технологиянинг тамойиллардан келиб чиқади. Бундан келиб чиқиб, ўқитувчи педагогик технология тамойилларини ўзининг фаолиятини лойиҳалаштиришда қўллай олиши.

2. Ўқитишда инновацион ёндашувлар ва унинг таркибий қисми бўлган модулли таълим технологияси асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш ва шу орқали таълим сифати ва самара-

дорлигини ошириш муҳим ҳисобланади. Куннинг долзарб масалаларидан бирига айланаётган ва таълим жараёнида кенг қўлланаётган ўқув жараёнини модулли ўқитиш технологияси асосида ташкиллаштиришнинг моҳиятини ўқитувчи тушуниши **ва фаолиятини лойиҳалаштиришда қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши лозим.**

2.1. Модулли ўқитиш технологияси таълим жараёнини тўғри ташкил қилишдаги ўрни ва унинг назарий ва амалий асосларини билиши ва ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда асос сифатида фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги;

2.2. Модулли ўқитиш – инновацион педагогик технологиянинг таркибий қисми эканлигини билиши ва ундан ўз фаолиятини ташкиллаштиришда фойдаланишни билиши.

3. Технологик ёндашиш асосида таълимни технологиялаштириш таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари билан биридар. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда технологик ёндашув асосида таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини белгилаш, ўқитувчи ва талаба мақсадларининг бирлашган нуқталарида (ўқитиш ва ўқиш мақсадлари) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида ўқитувчи ўзининг фаолиятини лойиҳалаш кўникмасига эга бўлиш.

3.1. Ўқитувчи ўзи ўқитадиган фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва фаолиятини самарали ташкил қилишдаги аҳамиятини билиши;

3.2. Ўқитувчи ўқитадиган фанининг методик тизимини ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиши;

3.3. Таълим технологияси инновацион моделининг ўқитувчи фаолиятини ташкил этишдаги ўрни ва аҳамиятини билиши.

4. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосларидан бири сифатида ўқув машғулоти лойиҳаларини тузиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

4.1. Ўқитувчи ўқув машғулотларни лойиҳалаштиришнинг дидактик шарт-шароитларини билиши ва шу асосида ўзи ўқитадиган фан бўйича ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш кўникмасига эга бўлиш;

4.2. Ўқитувчи ўқув жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштиришнинг назарий асосини билиши ва уни ўқув амалиётига қўллай олиши;

4.3. Ўқитувчи ўқув машғулотларни лойиҳалаб ўқитиш методикасини амалиётда қўллай олиши;

5. Ўқитувчи ўқитиш фаолиятида фойдаланиладиган замонавий таълим усулларини таҳлил қила олиши ва жойида ишлатиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

5.1. Ўқитувчи таълим усуллари ва технологияларининг таснифини билиши;

5.2. Таълим жараёнини ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологияларини таълим амалиётида тўғри қўллай олиши;

5.3. Ўқитувчи XXI асрнинг замонавий усул ва технологиялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши.

6. Таълим жараёни лойиҳаларини ўқув амалиётга татбиқ этиш малакасининг мавжудлиги.

6.1. Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талабларни билиши;

6.2. Ўқитувчи таълим жараёни лойиҳалари асосида таълимни ташкил этишнинг асоси бўлган дарс тури, шакли, усул ва методикасини ўрнида қўллай олиш малакасининг мавжудлиги.

6.3. Ўқув жараёни лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ўқитувчига қўйиладиган талабларни билиши.

6.4. Ўқитувчи «Йилнинг энг яхши педагоги» республика танловида иштирок этиш мақсадида битта дарс ишланмасининг намунасини яратиш.

Юқорида кўриб ўтилган босқичлар ўқитувчи фаолиятини лойиҳаларини ишлаб чиқишда асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамыз.

2-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда тизимли ёндашув тамойили

Ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишда, шу жумладан ўқув жараёнини лойиҳалашда умумий методологик асослардан бири, яъни фалсафий асоснинг бир қисми, диалектика қонунлари билан тизимли ёндашув тамойилининг қоидалари ҳисобланади.

Биламизки, диалектиканинг асосий қонунларига – «Қарама-қарши томонлар бирлиги ва кураши», «Микдорнинг сифатга ва сифатнинг микдорга ўтиш қонуни» ҳамда «Инкорни инкор қонуни» киради. Бу қонунлар коинотнинг барча нарса ва ҳодисаларида, шу жумладан ўқув жараёнида ҳам ўзини намоён қилади. Булар дунёни ҳаракатда келтирувчи ва уни мувозанатда ушлаб турувчи қонуниятлар бўлиб, уларни инкор қилиб бўлмайди [32].

Диалектиканинг уч асосий қонунини ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ишлашини кўриб чиқадиган бўлсак, аввалом бор, лойиҳаланаётган таълим-тарбия жараёнини кўз олдимизга келтиришимиз керак бўлади. Таълим-тарбия жараёни бир бутунлик бўлгани ҳолда, икки қарама-қарши «Таълим берувчи» ва «Таълим олувчи» деган томонлардан, бошқача айтганда қарама-қарши кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, таълим бериш, бу таълим олиш эмас, таълим олиш эса, таълим беришнинг зидди ҳисобланади. Булар қутбий қарама қарши кучлардир. Диалектика қонунига биноан улар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилади ва бир-биридан қочади. Уларнинг орасида ўзаро тортилиш билан бир вақтда, бири биридан қочиш ҳам мавжуд. Ўқув машғулотини лойиҳасини тузганда, диалектиканинг бу қонунини ҳисобга олмасак, лойиҳа қоидагидек бўлмайди ва ўқув жараёнини амалга оширишда қийинчиликларни туғдиради.

Диалектиканинг иккинчи қонуни «Микдорнинг сифатга ўтиш» қонуни бўлиб, у ҳам ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда кўзда тутилиши шарт. Қарама-қарши томонлардан бири бўлган «Таълим берувчи» қарши томон «Таъ-

лим олувчига» берилаётган билим моҳиятини очиб, қизиқтириб, тушунтириши пайтида «Таълим олувчи» уни қабул қилгиси келмай, педагогга ботинан қарши туради. Ўқув жараёнини нормал ҳолатга келтириш ва қарши турган кучнинг майиллигини ўзининг фойдасига ҳал бўлиши учун миқдор йиғилиб сифатга ўтиши шарт. Унинг учун берилаётган билимларни тарбияланувчига бир неча бор такрорлаш лозим бўлади. Илмий тадқиқодлар шуни кўрсатдики, бериладиган билим таълим олувчининг мия қобиғида ўз аксини топиши учун уни камида 4 – 5 маротаба, мураккаб мавзуларни ўтганда 8 – 9 маротаба такрорлаш лозим экан. Шундагина миқдор сифатга ўтиб, талабалардаги «Билмаслик» ҳолати «Билди» ҳолати билан алмашинади, миқдор сифатга ўтади.

Миқдор сифатга ўтиш жараёнида диалектиканинг учинчи қонуни ҳам ишлай бошлайди, яъни, «Инкорни инкор қонуни» ишга тушади, талабалар ўзларидаги «Билими йўқ» ҳолатини инкор қилиб, «Билимли» деган сифатга эга бўладилар.

Ҳар қандай фаолиятнинг фалсафий асосларидан яна бири дунёни илмий тушунишдир. Дунёни илмий нуқтаи назардан тушуниш деганда, табиат ҳамда жамиятдаги бизга маълум бўлган қонуниятларни синтезлаш асосида дунёни англаш тушунилади.

Дунёни илмий тушуниш заминида оламни фалсафий концепцияси билан табиий ва ижтимоий фанлардаги кашф қилинган қонуниятлар ётади. Фалсафанинг шу кундаги асосий концепциясини, синергетик дунёқарашдан келиб чиқувчи бутун борлиққа система (мажму) сифатида ёндашув тамойили ташкил қилади.

Ҳозирги замонда дунёни илмий тушуниши, ташкилий жиҳатдан умумий белгиларга эга турли объектларнинг ҳар турли мажму гуруҳларига бирлаштиришни кўзда тутади.

У бутун олам тадрижий ривож маҳсули эканини исботлади. Бу фикр XX аср ўрталарига келибгина тўлалигича англаб етилди. У Ньютон физикасини асосий ғоясига зид бўлиб, механик физикага асосланган дунёқарашни тубдан ўзгартиришга замин тайёрлади.

Физик космологиянинг шу кундаги тараққиёт босқичи, таркиби жиҳатидан хилма-хил, йирик масштабли ва мураккаб кои-

нотнинг пайдо бўлиш сценариясини кўз олдимизга келтириб, шу кунга қадар бўлган тараққиёт боскичларини тушунтириб беришга йўналтирилган. У галлактиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмларини очиб берибгина қолмай, юлдузлар, планеталар ва ҳаётнинг пайдо бўлиш сирларини ҳам илмий асосда кўрсатиб бериш имконига эга бўлди.

Эволюцион ғоя ҳозирги замон астрофизика ва космологиянинг қон-қонига сингиб кетди. Ривожланиш тамойили шу замоннинг илғор табиатшунослигининг асосини ташкил қилиб, одамлар дунёқарашини шакллантиришда етакчи ўрин тутди.

Айнан астрофизика ва космология коинот эволюция натижа-сида бунёд бўлганини исботлаб берди. Греклит, кейинчалик Кант ва бошқалар илгари сурган, коинотни ўзгариб туруви бир бутунлик (мажму) сифатида тасаввур қилиш ҳозирги замон дунё илмий манзарасининг асосини ташкил қилади.

Умуман системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканини ҳам кўрса бўлади. Бутун борлик қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини Платон, Фаробий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида учратиш мумкин. Мавлоно Жалолiddин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туришини айтган.

Бирок, XIX – XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига ўта олмадилар. Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектга ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида қарайдиган бўлишди.

Объектив борликқа чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳақозо хусусиятларга эга бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қисқа вақт ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Мажмулар назарияси жуда ҳам тараққий этган наза-

рия бўлиб, ўз қонуниятларига, қоида ва категориал аппаратига ҳамда махсус фикр юритиш услубига эга. **Система деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.**

«Система» тушунчасига изоҳ беришда Б.Зиёмухамедов, М.Тожиевлар[35]нинг қарашларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Шу кунда, ўта фалсафий тушунча бўлган ва рус тилида «Система» деб номланиб келинаётган атамани, арифметикадаги метрик система сифатида кўриб, «Тизим» деб тушуниб келинмоқда. **Система** халқаро тушунча бўлиб, (юнонча *systema* – бутунлик қисмлардан иборат боғланиш деган маънони англатади). Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар **мажму**. Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. «Тизим» – ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарса, ҳодисалар бирлиги, мажму[34] ёки «Тизим», тизимли ёки чизиқли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди. Лекин, педагоглар жамоатчилиги томонидан ушбу тушунчалар «**тизим**» деб ишлатиб келаётганликлари учун ушбу монографияда «Система» ва «Тизим» ҳамда «**Мажму**» тушунчаларини бир маънода қўллаймиз.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айти вақтда, ўзи ҳам ўзидан бир поғона юқори бўлган мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чексиз ва чекли давом этиши мумкин. Табиий мажмулар чексиз поғоналардан иборат бўлиб, техник мажмуларнинг поғонадорлиги чекли бўлади.

Муайян нарса ёки ҳодисани ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун мажмуни ташкил қилувчи бирон қисмини хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмлардан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусу-

сияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ва макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмунинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади, мажму ҳолатини кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига қараб бир қатор гуруҳларга ажралади. Уларга тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўптомонлама; нуқтавий ва тизимли; тикланувчан ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп поғонали ва ҳоказо.

Мажмулар назарияси бўйича яна мажмулар ҳолатига ва бошқа хусусиятларига қараб бир неча гуруҳларга ажралади.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиб ишни бажариш «Системали ёндашув тамойили»га амал қилиш дейилади.

Системалар назариясидан келиб чиқиб бажарилган иш бир неча ўн баробар осонлашади. Баъзи мураккаб ишларни, мажму ёндашув тамойилини қўлламай бажариб бўлмайди.

Таълим-тарбия фаолияти ўта мураккаб бўлганлиги туфайли, системали ёндашув тамойилидан фойдаланмай, уни талаб даражасида бажариб бўлмайди.

Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда қуйидаги системали ёндашув тамойилларига риоя қилиш лозим.

Системали ёндашув тамойилининг асосий қондаларидан бири, ўрганилаётган нарса ёки ҳодисани, ўзаро функционал боғ-

лиқликда бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида англаш.

Системали ёндашув тамойилининг навбатдаги қондаси иерархияга асосланган поғонадорлик. Бу дегани, ҳар қандай система, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган қимлари, бир поғона пастда турган системалардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатида, ўзлари бир поғона юқори турган системага қисм бўлиб хизмат қилади. Юқорида айтганимиздек, бу жараён чекли ёки чексиз бўлиши мумкин. Ўқув жараёнини лойиҳалашда поғоналарни чалкаштирмаслик лозим ва гап қайси поғонадаги система устида бораётганини англаб туриб лойиҳани амалга ошириш керак.

Системали ёндашув тамойилининг кейинги қондаси, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа мажмулар билан ҳам алоқада бўла оладилар.

Мажму ёндашув тамойилида бундай қоидалар анчагина бўлиб, биз фақат ўқув жараёнини лойиҳалашда амал қилиниши шарт бўлган асосий қоидаларни санаб ўтдик, холос.

Демак, мажму ёндашув тамойилидан келиб чиқадиган бўлсак, ўқув машғулоти яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиш лозим. Ўқув машғулоти таълим ва тарбиянинг асосий шакли, у муайян миқдордаги доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир ҳисобланади.

Ўқув жараёнини функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топганлик ҳолатини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, ўқув жараёнини амалга ошиши учун, аввалам бор **талабалар** бўлиши шарт. Бу ўқув машғулотининг биринчи таркибий қисми. Иккинчидан, ўқув машғулоти олиб бориш учун ўқитувчи ёки **педагог** бўлиши лозим. Бу ўқув машғулотининг иккинчи ажралмас қисми. Шу билан бир қаторда, ўқув машғулоти амалга ошириш учун аудитория ва ундаги жиҳозлар ҳамда турли ахборот-коммуникация технологиялар бўлиши талаб этилади. Бу ўқув машғуло-

тини учинчи **техник воситалар** деган қисми. Педагог томонидан ўқув машғулоти олиб бориши учун намунавий ва ишчи дастур, тақвимий режа, дарс лойиҳаси, ўқув методик қўлланмалар ва бошқа **меъёрий ҳужжатлар** керак бўлади. Бу ўқув машғулотининг тўртинчи қисми. Шулар билан бир қаторда ўқув машғулоти албатта маълум бир **методика** асосида олиб борилади. Бизнинг мисолда, **бу педагогик технология**. Бу ўқув машғулотининг бешинчи таркибий қисми. Шу бешта қисмлар, ўзаро функционал алоқадорликка киришгандагина ўқув машғулоти амалга ошиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда буни эътиборга олиш шарт.

3-§. Ўқитувчи фаолиятни технологиялаштириш — ижтимоий зарурият

Инсоният мелодий ҳисобнинг учинчи минг йиллик ибтидоида келажак ҳаётининг турли жабҳаларининг режасини тузиб, унинг асосий йўналишларини белгилаб олмакда. Жаҳоннинг етакчи олимлари, яқдиллик билан келажакда Ер юзидаги кишилик жамияти тараққиётининг таъминловчи устувор йўналишлардан илм-фан ва аҳолининг таълим-тарбияси бўлмоғи лозим, дедоқдалар. Чунки жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган илмий-техникавий инқилоб ва у билан боғлиқ бўлган инсонни табиатга бўлган таъсирининг тобора ортиб бориши ҳамда бошқа бир қатор омиллар, одамлардан табиат ва унинг унсурларига, шу жумладан инсонга, илмий нуктаи назардан тўғри ёндошишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон ҳам миллий ривожланишининг истиқболли режасини тузиб, уни руёбга чиқаришда ҳал қилувчи йўналишлардан бири этиб таълим-тарбия соҳасини белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-2909 сонли қарорининг чиқарилиши, бунинг ёрқин гувоҳидир.

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янги-ча мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янги-ча турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларнинг қисқа муддатида ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув анъанаси юзага келди.

Технологик ёндошув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнгги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохатларни ташкил этиш, уларнинг мувафақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг татбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнгги ютуқларга таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англандики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг қўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Педагогик технология АҚШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб,

унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга уриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида таълим жараёнига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу соҳадаги мавжуд адабиётларда «таълим техникаси» тушунчаси ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талқин этилади. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмалли куроллар воситасида талабаларга етказиб бериш кабилар қайд этилади.

XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси»нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир, дея баҳоланди. Ушбу босқичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сиғимини ва уларни узатишни тақомиллаштириш ва индивидуал таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Дастурлаштирилган таълим ўқувчи ёки талабаларга муайян билимларни қисмларга бўлиб тақдим этилиши асосида таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари таълим жараёни моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсаткичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўп маротаба илғор педагогик технологияни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ўн йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кўп учраб турибди, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи тузилди. Инчунун, республикамизга мос, педагогик технология ҳам яратилди. Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб ва умумий хулосага келиб, уларни монографиянинг саҳифаларида беришни мақсад қилиб қўйдик.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчи педагоглари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий таълим технологиясини ўрганиб ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар.

Бу ерда нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган, собиқ иттифоқ ҳукуматидан қолган, педагогика услублари мавжудки, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафқуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими, албатта ҳорижга эргашиш шартми, деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқдалар ва уни янги педагогик технология демоқдалар. Буни педагогик технологияга алақоси бўлмай, бу йўл иложсизликдан излаб топилган. Бу йўл фақат қисқа муддатга хизмат қилиши мумкин холос. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қила олмайди.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш ус-

луби сифатида майдонга чиққан эди, эндиликда ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим деб топилмоқда.

Бу зарурият, шу вақтгача ижтимоий фанларни ўқитганда, мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна, мисол)лар асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслик, фақат ўқитувчининг фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қандай ижтимоий тараққиётга ғов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айниқса, таълим-тарбияда (баъзи илғор ўқув муассалари бундан истисно) депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўллари билан бири таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафакқият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология модели яратилди.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш учун мажмулар назариясини тўла эгаллаб олиш зарур. **Чунки педагогик технология, мажмулар назариясининг қонуниятларига юз фоиз суянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.**

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, **кишиларнинг ҳаётга онгли муносабатини, дунёқарашини белгилашга доимо янгича ёндашиш зарурлигини ўз вақтида англаб етиш даражасини кўрсатиб берувчи муҳим омил – янги фалсафий маънавиятдир.** Айниқса, ҳар бир инсон ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиш учун курашаётган ҳозирги даврда бўлажак мутахассиснинг фалсафий маънавияти биринчи даражали аҳамият касб этади.

4-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири

XXI аср бошларида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, унинг ютуқларини самарали амалга оширишни тахмин этадиган жараёнларга ҳам қаратилмоқда. Жумладан, инновацияларни яратиш ва тарқатишнинг ягона, пухта ишлаб чиқилган механизми ҳозирги вақтда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий қуролига айланмоқда. Жамият ҳаётида рўй бераётган ҳозирги ўзгаришлар таълим тизими олдида янги муаммоларни қўймоқда-ки, буларга нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш муаммоси долзарб қилиб қўйилмоқда.

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган бўлса, ҳозирги пайтда билимларнинг бир авлод ҳаёти давомида эскириб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Бунда билимлар ҳажми ҳатто айрим ихтисосликлар доирасида ҳам шунчалик улканки, мавжуд ўқитиш методикалари асосида уни ўзлаштириш амалда мумкин бўлмай қолди. Буларнинг ҳаммаси таълим олдида янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

XX асрда рўй берган кўпчилик фалокатларнинг сабаби техниканинг ўзидагина эмас, балки касбий омилкорликнинг етишмаслигида ҳамдир. Бундай муаммоларни ҳал этишда таълим ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди[35].

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва рақабатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқитувчи фаолиятини лойиҳаларини тузиб чиқиш ҳамда уни амалиётда қўллашда файдаланиладиган замонавий ва интерактив усулларнинг асосларини яратиш асосида амалга оширилади.

Таълим-тарбияни самарали ташкил қилиш учун янги таълим технологияларига сифат жиҳатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келди, чунки иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги инновацион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам туб ўзгартиришларни тақозо этмоқда. Ҳар бир ўқитувчи эртами-кечми бу жараёндан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ёки ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурияти буларни илмий-методик асослаш эҳтиёжининг туғилишида объектив омил бўлиб қолмоқда.

Бизга яхши маълумки, педагогикада бошқа соҳалардан олинган кўплаб атамалардан фойдаланилади, бу педагогиканинг бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигидан далолат беради. Чунончи, бугун ўқитишнинг самарадорлиги ва оқилоналиги, ўқитувчи, техника ва технология, таълим иқтисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш кабилар омил бўлади.

Адабиётларда «Янги тартиб-қоида», «янгилик», «инновация» тушунчаларининг маъновий мазмунини аниқлаш борасида турлича талқинлар мавжуд. Гап шундаки, ҳозирги замон тилида бу сўзлар етарлича ўхшаш ва улар янги тартиб, усул ёки ихтиро сифатида талқин этилади. «Янги тартиб-қоида» моддий маънода аслида ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий тизим учун янги бўлган ғоя, фаолият ёки моддий объектни англатади. Шу билан бир қаторда «янги тартиб-қоида» атамаси касбий маънода янги ва фойдали натижани юзага келтириш, ишлаб чиқиш, мослаштириш ва фойдаланиш жараёни сифатида қабул қилинади[36].

Янги тартиб-қоидаларни амалга ошириш жараёнида рўй берадиган илмий-техник, технологик, ташкилий ўзгаришлар кўпинча янги киритиладиган тартиб-қоида ёки инновацион жараён сифатида аниқланади. Янги тартиб-қоидани яратиш, ёйиш ва фойдаланиш даври инновацион цикл деб аталади. «Янги тартиб-қоида» тушунчасининг турли талқинларини қараб чиқиб, баъзи умумлаштирувчи хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, исталган янги тартиб-қоида амалий характердаги якуний натижа, яъни маълум ижтимоий эҳтиёжни қаноатлантиришга қаратилган аниқ йўналишга эга.

Иккинчидан, тартиб-қоидага доимо башорат қилиш ва бошқарилиш объекти бўлиши лозим бўлган мураккаб жараён сифатида қаралади.

Учинчидан, янги тартиб-қоидани амалга ошириш ижтимоий меҳнатнинг турли соҳаларида тадқиқот ва ишлаб чиқиш жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ.

Тўртинчидан, ҳар бир янги тартиб-қоида маълум техник, иқтисодий ва ижтимоий самарага эришишни таъминлаши лозим.

Шундай қилиб, «янги тартиб-қоида» ва «инновацион жараён» атамалари айнан ўхшаш, бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошланганидан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълимни ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатида у билан ёнма-ён келмоқда. Таълимдаги инновация сўнги даврлар маҳсули эмас, бироқ уни педагогик категория сифатида жуда ёш деб ҳисоблаш мумкин. Бу унинг таърифланишидаги хилма-хилликларга асосий сабаб бўлмоқда.

Кўпинча «инновация» атамаси ўрнига унга яқин турдаги атамалар ҳам ишлатилмоқда. Масалан, ислоҳ модернизация, такомиллаштириш, замонавийлаштириш кабилар. Улар таҳлил этилаётган тушунчанинг маъносини ҳар доим ҳам тўла очиб беравермаса-да, асосий нарса – янгиликни, ўзгаришларни ифодалайди[36].

Инновациянинг турли таърифларига тўхталиб ўтайлик. «инновация» (янгилик) луғатларда ва энциклопедияларда турлича талқин этилади. Масалан, «инновация» (лотинча *inovatis*) – янгилик, янги тартиб-қоида, ўзгариш деган маънони англатади. Инновация бирор янги нарса, тартиб-қоиданинг киритилишини англатиб, у лотин тилидан келиб чиққан: *in- novis* – янги ва янгиланиш, янгилик, ўзгариш демакдир. «Янгилик» атамаси янгилик, янгиланиш бўлиб, янгилик бу техник, техноло-

гик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У (инновация) педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни ифодалайди. Янгилик кўпинча янги усул, восита, янги концепция, дастур кабиларнинг киритиш ҳамда қўллашга ҳам хосдир. «Янгилик» атама сифатида таълимни модернизациялаш ёки замонавийлаштириш тушунчаси моҳиятини ёритади. Аксарият таърифларда янгилик ўзгаришни англатади, деган фикр устун туради. Лекин бунда айрим янги ўзгаришларни, бошқалар эса миқдорий ўзгаришларни, учинчи бир одамлар сифат – бирор янги нарса, моделларни киритиш жараёнини назарда тутадилар.

Шундай қилиб, биз ўз ишларимизда олий таълим педагогикасида «инновация» («янгилик») тушунчаси орқали ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштириш, педагогик технология тамойиллари асосида фанларнинг ўқув машғулотларини модулли технология асосида лойиҳалашга йўналтирилган дидактик, методик ҳамда ташкилий-техник ўзгаришларни ифода этдик[36]. Янги тартиб-қоидаларнинг узлуксизлиги таълим ижтимоий тизимнинг бир қисми бўлгани сабабли, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, янгиликларнинг бошқа соҳаларда муваффақиятли амалга оширилишини таълим соҳасидаги янги тартиб-қоидаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Таълимдаги янгилик, таълим жараёнига алоҳида эътибор бериш, янги билимларни фанлар асосига таяниб аниқлаш, уларни ихтирочилик ва моҳирлик билан топиш ёки фанларнинг синтезлашуви ва интеграллашуви орқали яратиш тушунилиб, таълимнинг инновациялашуви-таълимнинг илмий билимлар, илмий методология ва инновацияларни ривожланувчанлигига асосланиш демакдир. Педагогик ва ахборот технологиялари ҳам таълимдаги инновациялардир.

Таълим тарбия ишидан инсонлар – жамият ҳам манфаатдор бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси, меҳнатнинг барча соҳаларидаги инновацион фаолият ижтимоий ривожланиши билан биргаликда унинг истиқболини белгилаш ва ташкил этиш характерида бўлишини талаб қилади. Дарвоқе, таълим тарбиядаги янгиликлар худди ўша мақсадни кўзда тутуди ва шундай аҳамиятга эга: улар худди жамиятдаги каби унинг ривожи ва тараққиётига кўмаклашиши керак.

Жамиятдаги янгиликлар оммавий ва узлуксиз характерда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, улар таълим-тарбияда ҳам ана шундай характерда бўлиши лозимлиги аён бўлади. Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва шаклини ташкил этилиши, шунингдек, янги тартиб-қоидалар киритилиши заруриятини яратади. Улар ўқитишнинг бевосита мақсадларига эришишнигина эмас, балки жамиятнинг узок муддатли вазифаларини ҳал этишга ҳам қаратилган бўлади. Шундай қилиб, таълимдаги янги тартиб-қоидалар келажакка қўйилган узок муддатли инвестициядан иборатдир.

Таълим янгиликларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларни яратади ҳам. Улар орқали эса педагог-новаторларни тарбиялашни амалга оширади. Ижодкорлик иши (шу жумладан, таълимда ҳам) ҳамма вақт янги тартиб-қоидаларнинг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Гарчи, вақти келиб ўқитувчилар ўрнини ўқитадиган машиналар эгаллайди деган фикрлар мавжуд бўлса ҳам ўқитувчи (ўқитувчи шахси) таълимда билимлар ва ижодкорлик жараёнларининг бевосита элтувчиси сифатида марказий ўринни эгаллаб қолаверади.

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда албатта, ижодкор ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Илк бора ўқув жараёнини лойиҳаларини тузишнинг илмий-назарий асосини ятаган олимлар Б.Зиёмухаммедов[22,33], Л.В.Голиш, Д.М. Файзуллаева [23], М.Тожиев[32,35], Ҳ. Қаршибоев[25], Д.Юнусова[26] бошқаларнинг ишларида, унинг амалиётга тадбиғини А.Алимов[27], Г.И-

зетаева[56], М.Кўчқаров[72], Э.Шарипов[29], И.Зулфуқаров[72], М.Ўралова[30], К.Мамадалиев[28], Г.Опаева[72], А.Хуррамов[38] ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин

Шунинг учун ҳам ўқитувчи таълим жараёнидаги барча янгиликлар модернизациясининг амалий жараёнлари мажмуининг марказий бўғини бўлиб қолаверади. Айтилган фикр аввало, ўқитувчи меҳнатда техник ютуқлар, биринчи навбатда, компьютер технологиялари ютуқларидан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Шунингдек, ахборот-коммуникация базасида ўқитишнинг махсус дидактик воситаларини яратишга тааллуқли ишларни амалга ошириш, ўтказиш зарурати, ўқув ишида педагогик дастурлаш воситалари, ўқитиш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган компьютер дастурлари каби янги тартиб қоидалардан янада кенгроқ фойдаланилишни тақозо этади.

5-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси бўлган инновацион педагогик технология ва унинг замонавий таърифи

Инновацион педагогик технология – таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар системасидир. Таълим технологияси, бу таълим мақсадига эришишнинг илмий асосланган ва кафолатланган натижаларга эришиш учун аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини барча таркибий қисмларининг мукамал ишлайдиган системадир[38].

Бу тушунча «Педагогик технология» тушунчасига қараганда кенгроқ ифодаланади, негаки, таълим ва педагогикадан ташқари яна турли ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, бошқарув, маданий, психологик-педагогик, тиббий-педагогик, иқтисодий ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатларни ичига олади. Бошқа томондан, «Педагогик технология» тушунчаси педагогиканинг барча бўлимларига тегишлидир.

Таълим технологиялари орасида муҳим ўринни ўқув жараёнини сифатли бошқаришни ва қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ҳамда таълимга технологик ёндашув эгаллайди.

Хориж адабиётида technology in education – таълимдаги технологиялар, technology of education – таълим технологиялари, Education technology – педагогик технологиялар каби атамалар мавжуд.

Ижтимоий жараёнларга, маънавий ишлаб чиқариш соҳасига – таълимга, маданиятга – технологик ёндашув ва «Технология» атамасини қўллаш, бу ижтимоий воқелик учун нисбатан янги ҳодисадир [36].

«Инновация», «Янги», «Янги тартиб-қоида», «Янгилик», тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлаш борасида турлича талқинлар мавжуд. Гап шундаки, ҳозирги замон тилида бу сўзлар етарлича ўхшаш ва улар янги тартиб, усул ёки ихтиро сифатида талқин этилади. «Янги тартиб-қоида» моддий маънода аслида ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий тизим учун янги бўлган ғоя, фаолият ёки моддий объектни англатади. Шу билан бирга «Янги тартиб-қоида» атамаси касбий маънода янги ва фойдали натижани юзага келтириш, ишлаб чиқиш, мослаштириш ва фойдаланиш жараёни сифатида қабул қилинади [36].

Янги педагогик технология атамасидаги «янги» сўзининг ишлатилишида ҳам маъно бор. Яъни, бола тарбиясида эскича, Шўро тузумидан қолган «Мен айтаман, сен тингла», «Айтганимни, айтиб бер», «Ўқитувчи фаол, ўқувчи пассив» кабилидаги дарс усулларидан воз кечиб, интерактив усулларда дарс ўтиш, таълим мазмунига мустақиллик мафқурасини сингдириш, эски дарсликлардаги совет ғояларини янги миллий истиқлол ғоялари билан алмаштириш назарда тутилади.

«Таълим технология» атамаси таълимда ҳали мустақкам ўрин олмаган. Шунинг учун ҳам унинг ягона таърифи мавжуд эмас.

Кўпинча таълим технологияси жуда тор маънода тушунилади – масалан, ўқитиш технологияси, таълимот ёки ўқув фаолияти.

Бугун дарсларни замонавий дарс сифатида самарали ташкил этиш учун инновацион педагогик технологиядан хабардор бўлишимиз керак. Шу кунларда Ўзбекистонимизда «Педагогик технология», «Таълим технологияси» ва «Ўқитиш технологияси» каби тушунчалар бир маънода ишлатилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз олимлари ҳам 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Таълим маркази, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда барча олий таълим муассасаларида янги, миллий педагогик технологияни яратиш устида изланишлар олиб бордилар. Шунинг натижасида [17,18,19,20,21,22,23,24,25,26, 27,28,29,30,32,33,35,38,39,40,41,42,55,56,58,60,61,63,71,72,82] каби бир қанча илмий, ўқув ва илмий-методик адабиётлар нашр қилинди.

Юқорида келтирилган асарларга асосланиб қуйидаги фикрга келиш мумкин. «Технология» сўзи 1872 йилда фанга кириб келган. Юнонча «Технос»-маҳорат, санъат, «логос»-фан сўзларидан ташкил топган бўлиб, «маҳорат ҳақидаги фан» деган маънони билдиради.

Педагогика фани – инсонларга таълим-тарбия беришни ўргатувчи фан. Методика фани эса – инсонларга таълим-тарбия бериш усуллари ва йўлларини, предметларни ўқитишнинг қонуниятларини ўргатувчи фандир. Умуман олганда, педагогика билан методика бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

«Педагог» сўзи эса юнонча «пайдос» – бола, «аго» – етакловчи деган сўзлардан олинган бўлиб, болаларни мактабга (илмга) етаклаб боровчи кишига нисбатан ишлатилган. Кейинчалик бу сўз ўрнини арабча «мударрис», «муаллим» атамалари эгаллаган.

Юқоридагилардан **педагогик технология – «Таълим-тарбия бериш маҳоратини, санъатини ўргатувчи фан»** деган мазмунни англатиши маълум бўлади. Демак, педагогик технология ўқитувчи томонидан бошқариладиган таълим-тарбия жараёни (ме-

ханизми) экан. Бугунги кунда педагогик технологияни алоҳида фан сифатида ўрганишга киришилди.

Педагогик технология тушунчасига жуда кўп педагог олимларимиз томонидан ҳар хил таърифлар берилган. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз:

Педагогик технология – техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўувчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнларининг лойиҳаларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг системали методи [ЮНЕСКО.].

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир [13].

ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида улардан олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир [21].

ПТ – ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган аниқланадиган мақсадни ифодалайди [83].

Педагогик технология – ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели [14].

Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва уларнинг амал қилиш тартибини билдиради [15].

Педагогик технология – мажмуали фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир [10].

Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти ёки педагогик технология, маълумотларни ўзлашти-

риш учун қулай шакл ва усулда узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидан иборат [39].

Педагогик технология инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат [40].

Педагогик технология – вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда қутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизим [18].

Педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирадиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуа сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда ва маълум бир педагогик усуллардан фойдаланиб, кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир [33].

Инновацион педагогик технология – таълим-тарбия беришнинг янги усул ва йўлларини ўргатувчи, дарсни самараси юқори бўлишини кафолатловчи педагогик тизимнинг лойиҳасидир. У ўқувчини билим олишга қизиқишини орттирадиган, мустақил фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Педагогик тизим бу – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқитишнинг техник воситалари, таълим-тарбия мақсади ва мазмуни, дидактик жараён ва ўқитишнинг ташкилий шаклларида таркиб топади[41].

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса яшаш мумкин: **Педагогик технология** – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система (мажму) сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндашадиган таълимий тадбирдир [35].

Педагогик технологиянинг моҳияти – таълим самарадорлигини яхшилаш, ўқувчиларнинг билим олишдаги фаоллигини ошириш асосида уларнинг мустақил фикрлашларини ривожланти-

риш, дарсга қўйилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган педагогик жараёни англатади.

Инновацион педагогик технологиянинг асосий талаблари таълимни юқори даражада ташиқил этиши учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан белгилаб олиши, дарсни тўлиқ ўзлаштирилишига эришиши учун дарс усуллари тўғри танлаш ҳамда зарурий таълим воситалари – ўқув қуроллари, кўрсатмалар материаллар, техника воситалари ва бошқа керакли шарт-шароитларни тайёрлаш ва дарс мақсадига тўлиқ эришишдан иборатдир.

Педагогик технология куйидаги ўқитиш технологияларидан таркиб топади: 1) Муаммоли ўқитиш технологияси; 2) Дидактик ўйин технологияси; 3) Ҳамкорликда ўқитиш технологияси; 4) Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси; 5) Жадаллаштириб ўқитиш технологияси; 6) Табақалаштириб ўқитиш технологияси; 7) Индивидуллаштириб ўқитиш технологияси; 8) Мустақил ўқитиш технологияси; 9) Модулли ўқитиш технологияси ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўринадики, педагогик технология таълимда технологик ёндашув, шу жумладан педагогик фаолиятнинг турли соҳаларини ўзлаштиришда янги имкониятларни очади, яъни аниқ натижаларни олдиндан айтиб бериш, педагогик жараёнларни бошқариш; амалий тажрибаларни илмий асослаш ва тизимлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш; таълим-тарбия соҳасидаги муаммоларни ечиш; шахс ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш; мавжуд бўлган манба ва имкониятлардан самарали фойдаланиш; янги технологиялар моделларини ишлаб чиқиш кабилар.

Савол туғилади: таълим технология модели нима учун керак? Таълим технология қандай тавсифланади?

Дастлаб таълим мақсадлари ва мазмунини белгилаб олиш керак бўлади.

Таълим технология моделининг таркибий қисмлари куйидагилардан иборат бўлади:

тақдим этилаётган технологиянинг номи;
унинг қайси таълим технологиялари таснифига кириши;
мазкур технологиянинг аниқ ва шаклланган тузилмаси;
қисқа мазмуни;
қайси фан соҳасига йўналтирилганлиги;
аниқ объекти;
қўлланилаётган фан соҳасидаги муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги;
яқин прототипи, агарда бўлмаса, асосийси кўрсатилган бўлиши;
тақдим этилаётган объектнинг прототипдан фарқ қилувчи белгилари рўйхати;
прототипга нисбатан тақдим этилаётган объектнинг устунликлари;
технологик жараёнларнинг расми, схема кабилар бўлиши;
қўлланиш намуналари, [42].

Ҳар қандай таълим технологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда касбий компетентликнинг зарурий даражаси бўлиши шарт. Компетентлик – муайян функцияларни бажариш ёки мақсадларга эришиш учун зарур қобилиятларга эга бўлишдир. Масалан, коллективни бошқариш, технологияларни амалга ошириш, лойиҳани бажариш ва ҳоказо.

Шахснинг ҳаёти, фаолияти учун нафақат ундаги тўпланган билимларнинг мавжудлиги, балки барча ўзлаштиришларининг қандайдир ички заҳирасининг мавжудлиги ва нима бўлса ўшани кўрсатиш ҳамда фойдаланиш имконияти муҳимдир. Шахснинг нафақат тузилмавий ва морфологик, балки функционал сифатлари – реал шароитларда тезкор фаолият кўрсатиш, яъни касбий компетентликни кўрсатиш қобилиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди.

6-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда қўлланиладиган педагогик технология тамойиллари

Таълим-тарбия замирида фаолият юритувчи педагогларнинг келажакда, айниқса таълим сифатини тубдан яхшилашдаги аҳамияти нималардан иборат?

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бугунги кунда инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш, тобора такомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида яққол кўриб турибмиз. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин қадар ҳал қилинмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат иқтисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикамизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-сонли қарорига кўра 8 та билим соҳаси 6 та билим соҳасига келтирилди ва олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, янгиланган калассификаторга мувофиқ олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини яратиш унга мос дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган классификатори асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ДТСлари агрегацияланиб, такомиллаштирилган ҳамда узвийлашган фан дастурлари яратила бошланганлиги ва мос равишда ўқув илмий адабиётларини нашр этиш, таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш улар билан таълим муассасаларини мунтазам таъминлаш, олий таълим тизимида илм-фан натижаларини амалиётга қўллаш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиғи борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Олий таълим тизимида бакалаврлар тайёрлашда иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш соҳаларида талаб этилаётган ихтисосликлар бўйича, магистратурада эса янада чуқурлаштирилган ва табақалаштирилган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилди.

ДТСларини ишлаб чиқишда таянч ва турдош ОТМлари, Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари ва асосий иш берувчи йирик корхона, ташкилотлардан мутахассислар жалб этилди.

Таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари давлат таълим стандарт ва малака талаблари асосида амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, янги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуилар мазмунини модернизациялаш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этииш чоралари кўрилди.

Ўқув-таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни тадбиқ этиш, талабалар учун эгилувчанликни таъминлашни назарда тутувчи фанлар блоклари ва ҳажминини оптималлаштиришга қаратилган янги давлат таълим стандарти ва малака талаблари ҳамда ўқув режаларини янгиланган тузулмасини ишлаб чиқиш ва шу асосида ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуаларининг янги авлодини яратиш ҳамда

таълим жараёнига замонавий инновацион педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқитиш жараёни лойиҳаларини яратиш масалалари куннинг устувор вазибалар қилиб белгиланди.

Инновацион педагогик технология таълим-тарбия тизимининг зарурий қисми экан, унинг воситаси орқали таълим соҳасида туб бурилишни амалга ошириш мумкин. Маълумотлилик – маърифат асосини ташкил этувчи бош ғоя, табиат ва жамият алоқадорлигини англаб етиш, авторитар ва сохта тафаккур юритиш усулидан воз кечиш, сабр-бардош, қаноат, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби сифатларни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу масаланинг ечими қайсидир даражада таълимни технологиялаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Таълим-тарбия мазмунига аждодларимиз ўғитлари, халқимиз миллий қадриятларини сингдириш баробарида, замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ қилмай туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Айни вақтда, республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кўп соҳаларни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни жадаллаштиришни ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади

Бу муаммони ҳал қилиш учун республикамининг кўзга кўринган педагог олимлари билан ҳамкорликда илмий асосланган таълим технологиясини тадқиқ этиш йўлида бир қанча ишларни амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, системалар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатларда мавжуд педагогик технологиялар тамо-

йилларига тўлик суяниб туриб республикамиз педагогларига тушунарли бўлган ҳудудий педагогик технологиянинг миллий модели яратилди[35].

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанларнинг барча турдаги машғулоти лойиҳаларини тузиш асосида модулли ўқитиш назарий асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этишга энг қулай фурсат долзарб масаладир. Бу долзарб масаланинг ечими сифатида, республика таълим жараёнидаги фанлар ўқув машғулоти лойиҳаларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Аслида педагогик технология, анчагина мураккаб бўлиб, аввалги барча дарс бериш усуллариининг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган, энг замонавий педагогик тадбирдир. Педагогик технологияда, дарс ва ўқув машғулоти лойиҳалари жараёнида амалга ошириладиган ишларнинг босқичма-босқич ва дақиқама-дақиқа олдиндан лойиҳаси тузиб олинади. Шунда, ўқув машғулоти ва дарс жараёнида бериладиган таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари, қўлланиладиган восита ва дидактик материаллар лойиҳада кўрсатилади. Ўқув машғулоти лойиҳалари билим бериш ва уларни эслаб қолиш билан чегараланмай, талабалар берилган билимлар асосида амалий машқларни бажара олишади, барча талабаларнинг ўзлаштириши доимий назорат остига олинади ва ҳоказо. Педагогик технологияни таълим жараёнига татбиғи, барча таълим муассасаларидаги дарс ва ўқув машғулоти лойиҳаларининг фақат яхши ёки аъло даражада амалга ошишини кафолатлайди. Чунки, бўлғуси дарс лойиҳаларини олимлар ёки таълимчи педагоглар тузиб чиққан бўлади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион педагогик технологияни қўллаш учун албатта, ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш талаб этилади. ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш инновацион педагогик технологиянинг қуйидаги тамойиллардан келиб чиқилади:

Биринчиси – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқитиш жараёнини ташкил

қилишда замона илмининг объектив борлиққа энг илғор ёндашуви бўлган «Системали(мажму) ёндашув» тамойилига ҳамда унинг қонун ва қоидаларига доимо амал қилиш. Зеро, педагогик технология мажмулар назариясидан келиб чиқиб яратилган.

Иккинчиси – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ва унинг асосида ўқитиш жараёнини ташкил қилишда дидактика(таълим назарияси)нинг барча принциплари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқади. Бунинг учун, ўқув машғулотлари лойиҳа тузувчи ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулоти олиб борувчилар дидактикани яхши билишлари ва ундан педагогик амалиётда фойдалана олишлари шарт.

Учинчиси – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқитиш жараёнини ташкил қилишда, бу жараённинг ажралмас ва таркибий қисмлари бўлган – «мақсад ва мақсадчалар», «уларга ажратилган вақт», бериладиган билимлар ичидаги «таянч тушунчалар», «дарс тури ва босқичлари», «педагогик услублар», «ахборот технологиялари» ва «дидактик материаллар» деган элементларини ўзаро узвий, яъни функционал боғлиқликда бўлган яхлитлик сифатида кўриш.

Тўртинчиси – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқитиш жараёнини ташкил қилишда таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни, ўзлари мустақил равишда топишларига урғу бериш. Яъни, педагог муайян соатда таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни уларга айтиб бера олмай, бу билимларни улар фаол фикр юритиб ўзлари топишларига эришиши лозим.

Бешинчиси – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда ва шу лойиҳа асосида ўқитиш жараёнини ташкил қилишда, эгалланадиган билимларни таълим олувчилар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллаш олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш (амалиётда қўллаш деганда фақат муайян бир ишни бажариб беришни тушуниб қолмай, эгаллан-

ган билимларни айтиб бериш ҳамда амалда қўллаш, деб тушунилади).

Олтинчиси – ҳар бир ўқув жараёни якунида эришиладиган натижаларнинг феъллар шаклида бўлиши. Бунинг учун, ҳар бир ўқув машғулотининг якунида эришилиши шарт бўлган иш харакатлар тизими аввалдан белгилаб қўйилади.

Еттинчиси – кичик модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида талабалар билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун назорат саволлари тузилади ва назоратнинг тури белгиланади.

Саккизинчиси – ўқув жараёни якунида, олдиндан шу машғулот учун аниқланган баҳолаш тур ва мезонлари асосида барча таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш.

Ўқитувчи томонидан битта дарс машғулотида бир йўлакай ҳам дидактика принциплари ва унинг қонун ва қоидалари, ҳам «Системали ёндашув», ҳам «Педагогик технология» тамойилларига қандай қилиб амал қилиб бўлади? деган фикр сизни қийнамасин. Чунки бу муаммони айнан «Педагогик технологияси» тамойиллари асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш жараёнида ечиш мумкин. Сиз фақат сабр-тоқат қилиб, эринмай ҳар бир дарс машғулотининг лойиҳасини тузиш жараёнида, шу машғулотнинг қайси бўлагиди қандай билим эгалланади, уни эгаллаш жараёнида дидактиканинг қайси қонун-қоида ва принципларига амал қилинади, ўқув жараёнида қайси дарс тури ва босқичлари ва қандай педагогик усуллардан ҳамда қайси ахборот технология ва дидактик материаллардан фойдаланилади, деган масалаларни ечиб олиб, лойиҳада акс эттирасиз. Бир мартаба ўйлаб тўғри тузилган лойиҳа асосида, педагогик фаолиятингизни бир неча йил, қийналмай фақат аъло ёки камида яхши даражада амалга ошира оласиз. Бу лойиҳа нафақат сиз учун, ундан бошқалар ҳам фойдаланса, ўқув жараёнинг яхши ёки аъло бўлишлигини кафолатлайди ва ўқитувчи фаолиятини тўғри ташкил этишга асос бўлади.

Биринчи боб хулосалари

Ушбу бобни хулосалар эканмиз, таълим самарадорлиги ва сифатини кескин ошириш учун замонавий педагогик технологиянинг миллий моделини таълим жараёнига қўллашнинг механизмларида бири бўлган ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш ва шу асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш куннинг талабига айланди.

Шундан келиб чиқиб бобда қуйидаги масалалар ҳал қилинди.
Хусусан:

1. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда системали ёндашув тамойилларининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Яъни, ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда умумий методологик асослардан бири, яъни фалсафий асоснинг бир қисми, диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамойилининг қоидаларига амал қилишligидан келиб чиқиб, системали ёндашув тамойилининг асосий қоидалари илмий томондан очиб берилди.

Мажму ёндашув тамойилида бундай қоидалар анчагина бўлиб, биз фақат ўқув жараёнинини ҳамда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда амал қилиниши шарт бўлган асосий қоидаларни кўрсатиб ўтдик. Шундан келиб чиқиб, ўқув жараёнини яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиб, ўқув машғулоти таълим ва тарбиянинг асосий шакли, у муайян миқдордаги доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир эканлиги учун ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда системали ёндошиш тамойилларини эътиборга олиш шарт эканлиги асослаб берилди.

2. Ўқитувчи фаолиятни технологиялаштириш ижтимоий заруриятдан келиб чиққанлиги таҳлил қилиб берилди ва шу асосида маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологиялар, халқимиз-

нинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш зарурляти пайдо бўлганлиги асослаб берилди. Чунки, **педагогик технология мажмулар назариясининг қонуниятларига юз фоиз сунянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.**

3. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири эканлиги илмий томондан кўрсатиб берилди. Унда, «Инновация» тушунчасининг маъновий мазмунига аниқлик киритиб берилди.

4. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси бўлган инновацион педагогик технология ва унинг замонавий таърифлари келтириб ўтилди. Инновацион педагогик технология таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар системаси эканлиги илмий асосланди.

Педагогик технология тушунчасига жуда кўп педагог олимларимиз томонидан ҳар хил таърифлар берилган бўлиб, жумладан, оригинал таърифлар келтирилди ва таҳлил қилиб берилди. Шулардан келиб чиқиб, инновацион педагогик технология – таълим-тарбия беришнинг янги усул ва йўлларини ўргатувчи, дарсни самараси юқори бўлишини кафолатловчи педагогик тизимнинг лойиҳаси эканлигини кўрсатиб берилди.

5. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда қўлланиладиган педагогик технология тамойиллари кўрсатиб ўтилди.

II БОБ. ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ ВОСИТА СИФАТИДА

1-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли ўқитиш технологиясининг долзарблиги

Таълим тизимининг асосий мақсади барча соҳаларда касбий етук шахсни шакллантириш, унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош мутахассисни тайёрлашдан иборат.

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган бўлса, ҳозирги пайтда билимларнинг бир авлод ҳаёти давомида эскириб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Бунда, билимлар ҳажми, ҳатто айрим ихтисосликлар доирасида ҳам шунчалик улканки, мавжуд ўқитиш методикалари асосида уни ўзлаштириш амалда мумкин бўлмай қолди. Буларнинг ҳаммаси таълим олдида янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Хориж тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, жамият тараққиёти таълим-тарбия соҳасига жорий этилган инновацион технологияларнинг ривожини ва такомиллашуви билан боғлиқ.

Бугунги кунда юқоридаги вазифаларни амалга ошириш натижасида олий таълим муассасалари битирувчиларини тайёрлашга бўлган талаб ошди. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларида қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур жараённи такомиллаштириш учун ўқитишда инновацион ёндашувлар ва унинг таркибий қисми бўлган модулли таълим технологияси асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш ва

шу орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Куннинг долзарб масалаларидан бирига айланаётган ва таълим жараёнида кенг қўлланилаётган ўқув жараёнини модулли ўқитиш технологияси асосида ташкилаштиришнинг моҳияти ни-мада деган савол туғилиши табиий.

Модулли ўқитиш шакли иккинчи жаҳон урушини охирида дунёдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кескинлашувига жавобан пайдо бўлиб, ўта қисқа муддатда касбий кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам берувчи таълим тизими сифатида жорий қилинган. Бу ҳолатда модулли ўқитиш турли техник ва технологик йўриқномаларни турли санаот соҳаларида ва техник хавфсизликни ўзлаштиришган йўналтирилган масалаларни ечимини тушунтириш учун ишлатилган тизим ҳисобланган. Ўн йиллар ўтиб, таълим ва касбий таълим авторитетлари томонидан техник ва касбий таълим системалаштириш тенденциясига модулли ўқитиш тизими жорий этилди.

Модулли технологияларни жорий этишга туртки бўлиб, 1974 йил Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО конференцияси сабабчидир, унда қуйидаги «таълим ва касбий таълим структураларини очиқ ва эгиловчанлигини таъминлаб, таълимни ишлаб чиқариш, фанни ўзгарувчан талаблари, ҳамда маҳаллий шароитларга мослаштириш» зарурлиги келтириб ўтилган[134].

Модулли таълим технологияси бугунги кунда Ўзбекистонимизда энг замонавий таълим турларидан бири саналади. Модулли ўқитиш деганда ўқув дастури, ўқув режаси ва ишчи ўқув дастури асосида дарс машғулотларини модуллар (блоклар ёки бўлақлар) га бўлиб ўрганишни режалаштириш, ўқув йилига мўлжалланган силлабуслар ва шунга кўра ўқув методик мажмуалар, ҳар бир модуль (бўлақ) ни ўрганиш учун таянч тушунча ва топшириқларни ўз ичига олган кейс-стадилар яратиш ҳамда уларни интернет тармоғига киритиш назарда тутилади. Таълим оловчи (таълим оловчи) машғулот давомида ўзи ўргана олмай қолган тушунчаларни интернет тармоғи орқали ўқитувчисининг ўқув ме-

тодик мажмуасига кириб ўрганади ва билмаганларини электрон алоқа почтаси орқали ўқитувчисидан сўраб олади. Бунинг учун ўқитувчи ўз силлабусида таълим олувчилар билан мулоқот учун белгиланган вақтни алоҳида қайд қилади. Таълим олувчи шу белгиланган вақтда ўқитувчиси билан мулоқотда бўлиши мумкин, қолган пайтда ўқитувчининг электрон почтаси ёпиқ бўлади.

Шу билан биргаликда, олий таълим муассасалари таълим олувчилари билимини баҳолашнинг модулли тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунда баҳолаш ҳам онлайн тизимида амалга оширилади. Таълим олувчининг ҳар бир фан бўйича баҳолари йил давомида ўрганилган модуллар (фан блоклари) га қўйилган баллар йиғиндисидан иборат бўлади.

Силлабус – ўқув курси (фан) нинг режа-дастури.

Кейс-стади – муаммоли вазиятни ўрганиш, ечиш.

Модуль – бу ўқув материали ёки таълим мазмунини ўзаро уйғунлаштирилган намунаси; ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади; фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этувчи муайян жараён ёки қонун бўлими, муайян мавзу доирасида ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи.

Модулли таълим – модульлаштирилган ўқув лойиҳалари асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни.

Модулли технология – таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштирилган тизим.

Модулли ўқитиш – ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга ошириладиган тури[38].

Модулли ўқитишга ўтиш учун профессор-ўқитувчи фан бўйича ўз модулини – электрон мажмуани шакллантиради. Модуль таркибига ўз фани бўйича ўқув йилига мўлжалланган силлабус, ўқув-методик мажмуа, яратилган тақдимот (презентация)лар,

тарқатма материаллар, кейс-стадилар, вазиятли масалалар (топшириқлар), тест топшириқлари кабилар киритилади. Электрон мажмуа кафедра муҳокамасидан ўтказилгандан сўнг, профессор-ўқитувчи уни веб-сайтдаги махсус порталга жойлаштиради.

Таълим олувчилар ушбу порталга кириб, ўзларини қизиқтирган маълумотларни олдиндан юклаб олиш ва мустақил таълим олиш имкониятига эга бўладилар.

Профессор-ўқитувчи модульга қўшимчалар киритиш, муҳим эълон ва баҳолаш натижаларини жойлаштириб бориш каби оператив ўзгаришларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бунинг натижасида эса ортиқча ташвишлар ва қоғоз сарфи камаяди.

Европанинг кўпгина мамлакатларида модулли ўқитиш кенг йўлга қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйида модулли таълим технологиясига кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

2-§. Модулли ўқитиш – инновацион педагогик технологиянинг таркибий қисми сифатида

Бугунги кунда республикамыз ва хорижда юз бераётган ўзгаришлар таълим соҳаси олдига кўплаб вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш биздан умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни, умумий ва профессионал омилкорликни доимий равишда ошириб боришни, мустақил фаолият юргизиш, муаммоли шароитлардан чиқиб кета олишни, пухта билим, кўникма ва малакаларни, ташаббускорлик ва тадбиркорлик кабиларни талаб қилади.

Бу борада педагогик технологиянинг миллий моделини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанлари машғулотларининг лойиҳаларини тузиш, ўқув жараёни лойиҳаларини тузишда модулли ўқитиш назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, уни таълим жараёнига татбиқ этиш механизмини яратиш долзарб масаладир.

Модулли ўқитиш технологияси педагогик технологиянинг таркибий қисми сифатида таълим жараёнига тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Модулли таълимнинг асосида ўтган ХХ асрнинг ярмида таълим тизимида қўлланилган дастурланган ўқитиш жараёнлари ётади.

Модуль сўзининг асл маъноси «Модель» (франц. *modele* - намуна, латинча – *modulus* - ўлчов) шартли образ (кўргазма, схема ва б.) яъни объект ёки объектли тизим маъноларини билдиради [38].

МОДУЛЬ – «Мақсадли функционал тугун: уни эгаллашнинг ўқув мазмуни ва технологияси». Шундай қилиб, модуль ўз таркибига ҳаракатларнинг мақсадли режасини – «функционаллик», ахборотлар банки –»ўқув мазмуни» ва қўйилган дидактик мақсадларга эришиш бўйича методик бошқарув – «технология» [38], ёки ўқув курсининг таълим дастури фрагментига («блокка», «функционал тушунча») мувофиқ келувчи мантикий алоқа билан умумлашган, билим, кўникма ва малакаларининг якуний бирлигидир. Ушбу таърифда маълум блокка бўлиниб ва уни эгаллашнинг методларига урғу берилган бўлсада, қўйилган мақсад асосида уни қуриш каби бўлган модулни муҳим бир белгиларини ажратиб кўрсатмаган.

Модуль тушунчасининг назарий томонлари ва унинг дастурлашган ўқитишнинг турлича табақалашган шакллари бирлаштиришини ҳамдўстлик мамлакатларида Д.У.Байсалов [43], Л.П.Голощёкина [44], В.М.Горев [45], Г.В.Лаврентьев [46], П.И.Пидкасистый [47], П.М.Эрдниев [48], очиб беришган бўлса, республикамизда С.И.Ашурова [49], М.И.Даминов [50], М.М.Жампеисова [51], Н.Н.Мусаева [52], М.Наджимова [53], Қ.Т.Олимов [54], Ж.Толипова [55], Д.И.Юнусова [26], Г.Изетаева[56] кабилар илмий-тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

П.А.Юцявичененинг фикрича, модулли ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ мустақил равишда унга таклиф этилаётган, ўзида тўлиқ ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкини ва қўйилган дидактик мақ-

садга эришиш бўйича методик кўрсатмани қамраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагогнинг вазифаси ахборотли назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи – координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади [57]. Д.Юнусова [26] докторлик диссертациясида модульга қуйидагича таъриф беради. Модуль – халқаро тушунча бўлиб, ўзак, тугун маълумларида ишлатилади ва фаннинг бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган, маълум тамойиллар асосида ишлаб чиқилган ўқув материалларининг яқунланган бирлигини билдиради. С.И.Ашурова [49] фикрига кўра, модуль – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал дидактик тамойиллар асосида тузилган тушунчаларни ўрганишга йўналтирилган ва ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган тарзда табақалаштирилади. Натижада босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади.

Таълим-тарбия ва шахс камолотини шакллантиришда ҳамда педагогик технологияни татбиқ қилинишида модулли технологиялардан хабардор бўлиш, фойдаланишни билиш бугунги кун талаби. Модулли ўқитиш технологиясини хорижий мамлакатлар ва республикадаги таълим муассасалари ўқитиш жараёнига жорий этилиши бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, АҚШлик Б.Блумнинг «A taxonomy of Educational objectives» номли қўлланмасида модулли ўқитишнинг мақсади аниқ ва илмий томондан асослаб берилган, яъни: ўқув мақсадларини тизимини белгилашда унинг тоифа ва даражаларини белгилаш, мақсадларни ўзаро боғлиқлик кетма-кетлигида жойлаштиришни ишлаб чиққан ва унда ўқув мақсадларини когнитив (билишга оид) соҳада ифодаланиши баён этилган. Буни жаҳонда тан олинган. Яъни, Б.Блумнинг когнитив таксономик тоифаларига билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолашга ва ўқув мақсадларини аффектив ва психомотор соҳадаги тоифалари очиб берилган [11], П.А. Юцявичене «Теория и практика модульного обучения» номли тадқиқот ишида, модулли ўқитишда индивидуал ўқув дастури бўлишлиги таъкидланиб, модулли ўқи-

тиш ўқув дастурини яратган, бунда педагогнинг вазифаси ахборотни назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи – координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлишини ва ўзида тўлиқ ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкни ва қўйилган дидактик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмаларни қамраб олган [57], Л.П.Голощёкина, В.С. Збаровскийларнинг «Модульная технология обучения» номли методик тавсияномасида [44] ўқув материални ёритишга нисбатан иккита ёндашув қаралади, биринчи ёндашув, илмий тадқиқот ишларида ўқув материални иложи борича майда қисмлар (майда бўлақлар, қисмлар, бандлар)га бўлиб ўрганиш тавсия қилинган, иккинчи ёндашувда эса, ўқув материални йирик блокларда (модуль шаклида) берилиши тавсия этилади. Иккала ёндашувнинг ҳам ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган ва таҳлил этилган. Ўқув материални кичик бўлақларга бўлиб (порция, қадамлар) ўрганиш таълимнинг дастурлаштириб ўрганиш усулига асосланиши, бу ҳолда ўқув материални талаба томонидан осон ўзлаштирилиши асосланган. Чунки, бунда ўқув материални битта топшириқ (вазифа)гача кичик бўлаққа бўлинади ва ўқув материални эса сақлаш осонлашади. Иккинчи ҳолда, яъни ўқув материални катта блокларда, яъни йириклантириб ўрганишда ўрганилаётган тушунча бошқа тушунчалар билан боғлиқлиги ва унинг ривожланиш динамикаси учун шароит яратилади. Чунки, ўрганилаётган тушунча таянч ибора(таянч тушунчалар, асосий тушунча)га боғлаб ўрганилади ва талабанинг эгаллаган билими чуқурлашади ва системалашади. Шунинг учун, ўқув материални беришда иккинчи ёндашувнинг самараси юқори бўлиши асосланган.

Модуль - таълим-тарбия жараёнидаги ўқув материалнинг ҳажми, олдига қўйилган мақсади, билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, иерархия поғоналарга ажратилган бўлақлари [35] ёки модуль – педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифода этувчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар кичик модуллардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўплamlаридан иборат

бўлади. Бунда кичик таркибий бўлакни кичик модуль, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб ўрта ва катта модуллар деб аталди. Модулли ўқитиш технологияси, мажмули ёндашувни ифодалайди [22]

Ўқув материални йирик блокларда ёки кичик модулларни бирлаштириш, яъни йириклаштириш ғояси асосида яратилган назария П.М.Эрдниев [48] томонидан тадқиқ этилган. Модуль, фаннинг фундаментал тушунчасини ўрганишга йўналтирилган, маълум тамойиллар асосида тузилган ўқув материали бирлиги. Модулнинг элементи эса модулдаги ўқув ахборотининг таркибини аниқловчи, модулнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ч.Мирзаев фикрича, **модуль** – маълум ҳодиса, конун, бўлим, йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади ёки ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган бўлиб, модулни баъзан бўлим ёки блок деб ҳам тушунишади [58]. Модуль – бу ўқув ахборотининг мантиқий ажратилган бир қисми бўлиб, у бир бутун ва тугалланган мазмун ҳамда ўзлаштириш назоратидан иборат. Ҳар бир модуль ўзаро боғлиқ топшириқлар йиғиндисидан иборат бўлиб, мақсадга мос равишда мунтазам олиб борилади. Модуль таълим олувчиларга умумий фаолиятга киришиш, умумий мақсад доирасида мунтазам онгли ишлашга имконият яратади. Г.Н.Ахунова [59] нинг фикрича, модуль ёрдамида таълим олувчи билим мазмунини меъёрини аниқлайди, қандай ахборот ва мақсад муҳокама қилинаётганини, у нимани, қандай қабул қилаётганини ва бу нима учун унга кераклигини тушунади. Д.У.Байсалов [43] нинг эътироф этишича, модуль – таълим мазмунининг шундай бўлагики, у таълим мазмуни ва унинг технологияси бирлаштирилган юқори даражадаги яхлит тизимидир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ва Б.Зиёмухаммедов, М.Тожиевларнинг [35] қарашларини асос қилиб, тадқиқот ишимизда модуль тушунчасига қуйидаги фикрга келинди. Модуль – бу таълим олувчилар бажарадиган ишнинг муайян бир

кўриниши бўлиб, ўқув машғулотининг мазмуни билан уни ўзлаштириш технологиясини бирлаштирувчи мақсадли, функционал таълим қисми бўлиб, ўқув фанини яхлитликда кўриб, уни энг катта модуль деб, унинг ичидаги билимларнинг ҳажми, мантикий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, ундаги ўқув материални катта модулларга ажратилади ва ҳар бир катта модуль ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан бирга бир жуфт соатда таълим олувчилар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмулари бўлган ўрта модулларга ҳамда бир жуфт соатлик ўқув машғулоти ўрта модулни олиб, ичидан бир нечта кичик модуллар ажратилади. Кичик модулларни ажратишда, педагогнинг шу ўқув машғулотининг ҳар бир бўлаги олдида қўйган мақсади ва ундаги фикрларнинг тугалланганлигидан келиб чиқилади.

Бизнинг фикримизча, модуль – халқаро тушунча бўлиб, таълим-тарбия жараёнидаги ўқув материалнинг ҳажми, олдида қўйилган мақсади, билимларнинг мантикий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, иерархия поғоналарга ажратилган бўлақлар ёки педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифода этувчи тушунча бўлиб, бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар кичик модуллардан иборат бўлади. Бунда кичик таркибий бўлақни кичик модуль, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб ўрта ва катта модуллар деб аталди. Модулли ўқитиш технологияси, системали(мажмули) ёндашувни ифодалайди[35].

Модулнинг таркибий қисми бўлган ўқув материалларнинг блоклари ўхшашлиги, жойлашиши, ҳажми, вазифаси кабилар билан ажралиб, ўқув материалнинг битта хатбошисидан то бўлимигача ёки бирор предметдан бошлаб, бир нечта йўналишгача қамраб олган бўлиши мумкин. С.Наджимованинг [53] тадқиқот ишида ўқув материални кетма-кет қуйидагича блокларга ажратади: ахборот блоки (ўзлаштириш лозим бўлган ахборот); тест-ахборот блоки (ўзлаштирилган ахборотни текши-

риш); ахборотларни коррекциялаш блоки (нотўғри жавобларда қўшимча тушунтириш, ёрдам бериш, машқ ишлаш); қўллаш блоки (масала ечиш, эгаллаган билим асосида топшириқларни бажариш); текшириш ва тузатиш блоки. Т.Ғаффорова томонидан модуль таълим тузилмасида қуйидаги конструктив талаб ва қоидаларни кўрсатиб ўтилади: модулли ўқиш натижасида сифат таснифларига (шахсий ва билиш) киритилган яхлит мақсад; таълим стандартида берилган предмет «Ўқув элементларида» мақсаднинг ойдинлашиши; модулни ўрганиш, технологик усуллар бўйича дастур ва тавсиялар; якуний назорат топшириқларида ўзлаштириш даражалари эталон ва мезонлари бўйича мақсадлар ойдинлашиши; ўз - ўзини ва ўзаро назоратни ташкил этиш бўйича эталонлар [60].

Модулли таълим ўқув материалларининг ўзаро узвий боғланган элементлардан иборат бўлган бирикмани билдиради. Модулли ўқитишнинг мақсади: таълим мақсади, мазмуни, усул ва шакл ҳамда воситаларини таълим олувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштиришдан иборат. Модулли ўқитишнинг асосий вазифаси эса, тугалланган ахборотлар блокени, ўқув дастурларини тўла, қисқа ёки чуқурлаштирилган табақалаш орқали бўлақларга бўлиб ўқитиш имкониятини яратишдан иборат. Модулли ўқитишда, ўқув жараёнида таълим олувчилар модуллардан тузилган ўқув материаллар билан мустақил ишлашади. С.Наджимова модулли таълимни ўқитишнинг ташкилий жараёни эканлигини ва бунда таълим олувчилар модуллар (блоклар) асосида тузилган фан дастурлари билан ишлашини ҳамда модулли таълим технологияси индивидуал ўқитишга йўналтирилган бўлиб, мустақил ўқишни амалга ошириш, ўқув жараёни мазмунини ва иш жадаллигини назорат қилишга имконият яратишини таъкидлайди [53].

Модулли технологияни амалиётга қўллаш ўқитувчидан модулли таълим тамойилларини мукамал билишни талаб этади. Т.Ғаффорова модулли таълимнинг ўзига хос тамойилларини таклиф этади.

1. Модулларга бўлишда таълимнинг конструктивлиги:
 - а) ўқув материални шундай конструкциялаш лозимки, таълим олувчи олдига қўйилган ҳар бир мақсадга эришиши таъминланган бўлсин;
 - б) ўқув материални тугалланган блокларда тасаввур қилиш;
 - в) таълимнинг ҳар хил шакл ва турларини интеграллаштириш.
2. Мақсадларнинг аниқлиги: таълим мазмунидан асосий элементларни ажратиш таълим мазмуни таркибини аниқлаш асосида курсга, синфга тегишли турли даражали - яхлит, интеграллашган, хусусий дидактик мақсадларни ишлаб чиқиш.
3. Таълимнинг қулайлиги: ахборотларнинг тезлиги, очиқлиги ва уларни алмаштираолиш имконияти, ўқув-билув фаолиятининг таълим олувчи учун қулайлиги ва мослаша олиши нуқтаи назардан дарсларнинг ҳар бир босқичини таҳлил қилиш имконияти бўлган шакли.
4. Таъсирларнинг тизимлилиги: таълимнинг турли усул ва услублари, мазмуни, ўқув фаолиятининг ўзгарувчанлиги асосида билим эгаллашнинг қулайлиги, махсус кўникма ва малакаларнинг шаклланиши.
5. Таълимнинг ихчамлиги: ўқув фаолиятининг индивидуал услубини шакллантириш орқали таълим олувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган таълимнинг ихчам йўналиши;
6. Таълимни индивидуаллаштириш: таълим олувчининг ўзлаштиришини назорат қилиш, мониторинг натижалари асосида фаол ва яқин ривожлантириш зоналарини аниқлаб, баҳолаш тизимида таълим олувчининг фаоллигини рағбатлантириш асосида уларнинг фаоллигини ошириш.
7. Методик маслаҳатларнинг турличалиги: модулли дастур ахборотларини осон ўзлаштириш учун ўқитувчи маслаҳатидан фойдаланишни тақозо этади (саволлар тизими, алгоритмлар ва х.) [60].

Модулли ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда таълимнинг концептуал асосини ҳисобга олиш муҳим. Унда, таълимнинг назарий ғоялари ва умумий хулосалари ҳисобга олиниб,

таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик асосларини ўз ичига олувчи илмий концепцияга таяниш модулли ўқитиш технологиясига хос бўлиши лозим. Модуль технологиясининг концептуал асосларини Г.Н.Ахунова [59] қуйидагича ажратади: ўқув жараёнини алгоритмлаш; модуллилик принципи, яъни таълим мазмунини тугалланган қисмларга ажратиб структуралаш; тушунишнинг барча босқичларида тугалланганлик ва мувофиқлашганлик; назарий материалларни блоклар ёрдамида мустаҳкамлаш; асосий қоида – индивидуаллаштириш ва табақалаштириш; фаолиятли ёндашув, яъни фаолиятнинг барча тузилмаларини қўллаш (мақсадли, режали, ташкилий, ишчанлик, натижани назорат қилиш ва баҳолаш); кўп ёқламали ёндашув: таълим олувчиларнинг бошқариши ва ўз-ўзини ривожлантириши; ўқитувчи ва таълим олувчининг ҳамкорлик принципи; модулда ўқув материални дедуктив мантиқ асосида бериш: умумийликдан хусусийликка ўтиш; назарий материални узлуксиз ўрганиш; ўқув ахборотини яхлитлаштириш (умумлаштириш, мустаҳкамлаш, системалаштириш, бошқариш) ва ўз билими кўрсаткичларини назорат қилиш ва дастур асосида индивидуал фаолиятини танлаш. Шунга асосан, олий таълим муассасаларидаги таълим йўналиши ва мутахассисликлари, уларда ўқитиладиган фанлар ҳамда ўқув элементларининг келажакка мўлжалланган мақсади белгиланади. Бунда ўқитувчи ва таълим олувчининг вазифаларини ҳамда таълим усул, услублари, ташкилий шакли ва воситаларини танлашга алоҳида аҳамият қаратилади.

Модулли ўқитиш технологияси қуйидаги тамойиллар асосида таълим жараёнига қўлланилади: ҳаракатчанлик; таълим тизимини бўлақларга ажратиш; жўшқинлик, тез ривожланувчанлик; билимларнинг таъсирчанлиги ва ишчанлиги; эгилувчанлик, мослашувчанлик; келажакни онгли равишда кўриш; услубий маслаҳатларнинг турличалиги; тенг ҳолатлилиқ.

Модулли ўқитиш технологиясида ўқитишнинг мазмуни: унга ўқитиш мақсадлари – умумий ва аниқ мақсадлар; ўқув мате-

риалининг мазмуни; жараёнли қисмида эса, технологик жараён: ўқув жараёнини ташкил этиш; таълим оловчилар ўқув фаолияти усул ва шакллари; ўқитувчи ишининг усул ва шакллари; материални ўзлаштириш жараёнини бошқариш бўйича ўқитувчи фаолияти ва ўқув жараёни ташхисидан иборат бўлади.

Модулли ўқитиш технологияси асосида таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштирилади. Унда таълим оловчиларнинг фан дастури асосида мустақил таълим олишларига алоҳида урғу берилади, уни ташкил этиш механизми муаммоли ёндашув асосида амалга оширилади. Модулли технологиянинг мақсади, унинг дастурини босқичма-босқич амалга оширилиши орқали рўёбга чиқади.

Модуль ўқитиш усули асосида фан ўқув машғулотларининг лойиҳалари тузиб чиқилади. Ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиб, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб йўналтирилган фаолиятни мантиқий боғланган қисмларга ажратган ҳолда, модулнинг ўзига тегишли мақсад, фаолият мазмуни ва таъсир доираси белгиланади. Яъни, ўқув предметини бир бутунликда «Энг катта модуль» деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – «Катта», «Ўрта» ва «Кичик» модулларга ажратилади ва бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – «Мақсад ва мақсадчалар», уларга ажратилган «Вақт», «Билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар», «Ўқув машғулоти «Тури ва типи», «Педагогик услублар», «Ахборот технологиялар» ва «Дидактик материаллар»нинг ўзаро узвий боғлиқликда кўриб, ҳар бирини қўллаш жойлари ва йўллари аниқланиб, ўқув машғулотининг лойиҳасига белгилаб қўйилади.

Ушбу жараёнда содир бўлаётган ҳар бир фаолият ўқув элементи сифатида қаралади. У назарий ва амалий ва таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар, ўқитувчи ва таълим оловчиларнинг мақсадлари, ўқув материали ҳажми ва ўқув шароитини назорат қилиш шакл, воситаларидан иборат бўлади[56].

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида жорий этилаётган ушбу модулли технологиялар бугунги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин, қолаверса билим, кўникма ва малакалар шаклланишини босқичма-босқич таъминлаб беради. Таълим олувчи модуллар билан ишлаш жараёнида ўқув-билув фаолияти олдига қўйилган мақсадга мустақил равишда тўлиқ эришади. Ўқитиладиган фанларнинг ўқув машғулоти ва уларнинг лойиҳаларини тузиб чиқишда асосий ҳисобланади. Бу эса таълим олувчиларни ўқув материални самарали ўзлаштиришларини таъминлайди.

Ушбу бобнинг айрим параграфларини шакллантиришда амалий лойиҳада иштирок этган илмий тадқиқотчи Г.Изетаеванинг баъзи манбаларидан фойдаланилди[56].

3-§. Модулли ўқитиш ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолиятини лойиҳалашнинг асоси сифатида

Модулли таълим анъанавий таълимга муқобил равишда пайдо бўлган бўлиб, замонимизнинг педагогик назарияси ва амалиётида тўпланган барча илғор ғояларни яхлит ҳолатга келтирган. Модулли таълимнинг асосий мақсади таълим олувчилар томонидан аниқ ўқув мавзуси бўйича билимлар системасини ўзлаштирилиши ва кўникмаларга айлантирилишидан иборатдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, узлуксиз таълимда деярли барча фанларга модулли ўқитиш технологиясини қўллаш ижобий самара беради. Мамлакатимизда такомиллаштирилаётган мазкур технологиянинг асосий вазифаси, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларнинг ушбу технология бўйича тушунчаларини кенгайтириш ва маҳоратини ошириш талаб этилади.

Модулли ўқитиш технологиясини жорий этиш негизида янги-ча педагогик тафаккурни ривожлантириш, ўқитишнинг иннова-

цион усулларини ва технологияларини яратиш ётади, чунки улар ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширади.

Модулли ўқитишнинг мақсади: таълим мақсади, мазмуни, усули ҳамда воситаларини таълим олувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштиришдан иборат. Асосий вазифаси эса, тугалланган ахборотлар блокини, ўқув дастурларини тўла, қисқа ёки чуқурлаштирилган табақалаш орқали бўлақларга бўлиб ўқитиш имкониятини яратишдан иборат. Модулли ўқитишда таълим олувчилар модуллардан тузилган ўқув материаллари билан мустақил ишлашади.

Модулли таълим технологияси ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланиши назариясининг бош тушунчаси – фаолиятнинг йўналтирилганлигига қаратилади. Модулли таълимда ҳаммаси олдиндан режалаштирилган бўлади: ўқув материални ўрганишнинг изчиллиги, эгалланиши зарур бўлган асосий тушунчалар, кўникмалар ва маҳоратлар рўйхати, ўзлаштириш даражаси ва ўзлаштириш сифатининг назорати. Модуллар миқдори ҳам фаннинг хусусиятларига, ҳам таълим назоратининг исталган частотасига боғлангандир.

Модулли таълим назоратнинг рейтинг тизими билан чамбарчас боғланган бўлиб, модуль қанчалик катта ва муҳим бўлса, баллар ҳам шунча юқори қилиб белгиланади.

Модуль – бу мақсадли вазифали тугун, унда ўқув мазмуни ва унга эгалик қилиш технологияси бирлашган ёки модуль – маълум ходиса, қонун, бўлим, йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади ёки ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилган бўлиб, модулни баъзан бўлим ёки блок деб ҳам тушунишади. Бизнингча модуль – таълим олувчилар бажарадиган ишнинг муайян бир кўриниши бўлиб, ўқув машғулотининг мазмуни билан уни ўзлаштириш технологиясини бирлаштирувчи мақсадли, функционал таълим қисми бўлиб, ўқув фанини яхлитликда кўриб, уни энг катта модуль деб, унинг ичидаги билимларнинг ҳажми, мантиқий боғ-

лиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, ундаги ўқув материалини катта модулларга ажратилади ва ҳар бир катта модуль ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан бирга бир жуфт соатда таълим олувчилар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмулари бўлган ўрта модулларга ҳамда бир жуфт соатлик ўқув машғулоти ўрта модулни олиб, ичидан бир нечта кичик модуллар ажратилади. Кичик модулларни ажратишда, педагогнинг шу ўқув машғулотининг ҳар бир бўлаги олдида қўйган мақсади ва ундаги фикрларнинг тугалланганлигидан келиб чиқилади.

Модулда ўқув машғулотларини (тугалланган ахборотлар блоки) 3-6 соатли маърузавий машғулотлар ва шу билан боғланган амалий, семинар, лаборатория машғулотларидан (тахминан 16-18 соат вақтга мўлжалланса мақсадга мувофиқ бўлади) иборат бўлинишидир. Модулларни ҳар хил танлаш мумкин. Ўқув мақсадларига кўра модулларда ахборотлар қисқа (сикилган), ўртача, тўла ва мукамал танланиши мумкин. Шунинг учун ўқув материалларини модуллаштириш таълим олувчилар билан дифференциал (табақали) ва индивидуал ишлаш имкониятини ярадади.

Модулларни шакллантириш учун асос бўлиб фаннинг ишчи дастури хизмат қилади. Модуль кўпинча фан мавзуси ёки ўзаро боғланган мавзулардан иборат бўлиши мумкин. Бироқ, мавзудан фарқли ўлароқ **модулда ҳамма нарса ўлчанади, ҳамма нарса баҳоланади** [56].

Ўқитиш модуллари таълимни субъект-субъект асосига ўтказишга, таълим олувчилар ишни индивидуллаштиришга, индивидуал ёрдамни миқдорлашни, ўқитувчи ва таълим олувчи муносабатини ўзгартиришга имкон беради.

Педагог ўқув модуллар мажмуи ва изчил мураккаблашиб борадиган дидактик вазифалардан иборат бўлган дастурни ишлаб чиқади, бунда таълим олувчига ўқитувчи билан бирга ўқишни бошқаришни амалга оширишга имкон берадиган, кирувчи ва оралиқ назоратини таъминлашни ташкил этади.

Ўқув модулининг модуль интерпретациясида модуллер сони ва тўлғазувчанлигини, уларнинг ҳар бирида назарий ва амалий қисмлари нисбати, уларнинг навбатлилиги, модуль ҳамда якуний назоратнинг мазмуни ва шаклларини ўрнатиш лозим.

Модулли ўқитиш – фаолият кўрсата оладиган ўзаро узвий боғланган элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Модулли ўқитишнинг асосий вазифаси тугалланган ахборотлар блокинни таълим олувчилар онгига сингдиришидир. Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла, қисқа ёки чуқурлаштирилган табақалаш орқали табақалаб ўқитиш имконияти яратилади. Модулли ўқитишда фанлараро алоқадорликка жиддий эътибор берилади. Ўрганилаётган материалдаги асосий тушунча ва таянч ибораларнинг тадбиқлари, берилиш ҳажми, фанлараро боғланиши ва муаммолари таълим стандартларига мос берилади. Таълим олувчи учун бундаги муаммоларни ечиш билан курс ишлари, мустақил ишлар, битирув малакавий ишлар, илмий методик характердаги ишлар бажариш мумкинлиги кўрсатилади. Модулли ўқитишда таълим олувчи ва таълим олувчилар учун ўқув услубий мажмуа (ЎУМ) нинг яратилиши талаб этилади.

Модулни **ўқув элементи** тахминан қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

ўқув машғулоти босқичлари ва вақт таксимоти;

ўқув мақсаднинг аниқ қўйилиши: умумий мақсадлар, педагог мақсади, таълим олувчи мақсадлари;

ўқув машғулоти шакли;

дарсда фойдаланиш мумкин бўлган **ўқитиш усуллари ва технологиялари**:

ўқув машғулоти усули, услублари;

муаммоли;

Ўқув жараёни учун зарур бўлган воситалар:

педагог учун - методик қўлланма, ишланмалар, ўқув дастури, дарс режаси, маъруза матни;

таълим олувчи учун - дарслик, жадваллар, тарқатма материаллар, технологик харита, топшириқ варақаси;

Ўқув машғулотини ўтказиш учун - слайдлар, ўқув жиҳозлари, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг рўйхати; дарс вазифаларини ишлаб чиқишни енгиллаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлган феъллар рўйхати; бир-бирига яқин ўқув элементлари рўйхати; иллюстрациялар билан жиҳозланган қисқа ва аниқ матн кўринишидаги ўқув материали; ушбу ўқув элементига тааллуқли, зарур малакаларни яхши ўзлаштириш учун амалий машғулотлар; ўқув машғулотларининг лойиҳаси ва шунга асосланган янги авлод ўқув адабиётлари; мавзуни баён қилиш жараёни; ушбу ўқув элементига қўйилган мақсадларга қатъиян мос келадиган назорат.

Ҳар бир модулни яратишдан мақсад, аввалдан режалаштирилган таълим натижасига эришишдир. Модуль бўйича назорат турлари тенг улушда ҳам таълим олувчи ўқув фаолиятининг муваффақиятини, ҳам ўқитувчи томонидан танланган педагогик технология самарадорлигини характерлайди.

Назоратнинг рейтинг шакли шак-шубҳасиз устунликларга эга бўлиб, жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклида амалга оширилади. Оралиқ назорат таълим ва тескари алоқа воситаси бўлиб, назоратнинг айрим бўғинларини баҳолашнинг кенгайтирилган тадбири унинг ишончилигини таъминлайди. Назоратнинг кенгайтирилган тадбири жорий назорат далил-асос ва тарбиявий функцияларни амалга оширади, таълим олувчида ўз-ўзини баҳолаш малакаларини оширишга, касбий фаолиятда ўз-ўзини назорат қилиш малакалари ҳамда кўникмаларини шакллантиришга имконият беради.

Фанни ўрганишнинг бошидаёқ ҳар бир таълим олувчи топширикни уч даражаси бўйича бажариладиган топшириклар рўйхати ва баллар шкаласидан иборат бўлган рейтинг бўйича ишлашга йўналтирадиган «эслатмани» олади. Шунингдек, рағбат ва жарима (муддатларни бузганлигини учун) баллари ҳам ҳисобга олинади. Эслатмада рейтингнинг ўрнатилган оралиғи ҳақида хабар берилади, унинг чегарасида таълим олувчининг назорат баллари таъминланади.

Рейтинг назоратини ишлаб чиқиш учун икки гуруҳдаги вази-фаларни ечиш зарур.

1) Мазмун бўйича: фанни тўла идрок этиш, шунингдек мазмунни ўзлаштириш даражалари учун мазмунини таҳлил қилиш, мавзунини, бўлимларини, асосий қонунлар ва тушунчаларни ажратиш кўрсатишни билиш мажбурийдир. Ҳар бир даража аниқ мазмунини ва уни эгаллаш даражасини кўрсатади.

2) Фаолият бўйича: фаолиятнинг ҳар бир турини таҳлил қилиш, уни изчил амаллар мажмуи сифатида тақдим этилади. Ҳар бир амални бажаришнинг уч даражасини ўрнатиш ва ушбу даражаларга мос келадиган ҳар бир даражани баҳолашнинг ва натижаларни тақдим этишнинг мезонларини шакллантиради.

Шунинг учун ҳам таълим тизими бошқарувининг жонкуяр мутасаддилари томонидан педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш технологияси асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб, таълим жараёнини ташкил этилишини куннинг долзарб масалаларидан бири этиб қўйилиши, қолаверса профессор-ўқитувчи ва педагогларимиз бу технологиянинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда таълимдаги фаолиятларини ташкил этсалар, таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кафолатланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда модулли ўқитиш технологияси асосида таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштирилади. Унда, талабаларнинг фан дастури асосида мустақил таълим олишларига алоҳида урғу берилади, уни ташкил этиш механизми муаммоли ёндашув асосида амалга оширилади.

Таълим йўналишлари (мутахассисликлари) Давлат таълим стандарти ва малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг янги авлоди яратилишида хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда ўқув режага ўқитиш жараёнини лойиҳалаштиришга оид янги фан киритилишига алоҳида этибор қаратилди.

Масалан, ўқитишни лойиҳалаштиришга оид АҚШ, Жорджия штати университетида (Valdosta State University) EDAT 6000: Professional Decision Making. 3*36=108 hours EDAT 7132:

Framework for Teaching. 3*36=108 hours фани киритилган бўлса, Россия таълим тизимида (Педагогическое проектирование. Проектирование образовательной среды) фанлари киритилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси техника соҳасидаги олий таълимнинг магистратура мутахассисликларига «Техника туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш» фани киритилди.

Демак, профессор-ўқитувчилар олдида талабаларда модулли технология асосида ўқув машғулотлар лойиҳалларини тузиш кўникмасини шакллантириш вазифаси туради.

Шунинг учун ҳам таълим тизими бошқарувининг жонкуяр мутасаддилари томонидан педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш технологияси асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб, таълим жараёнини ташкил этилишини куннинг долзарб масалаларидан бири этиб қўйилиши, қолаверса профессор-ўқитувчи ва педагогларимиз бу технологиянинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда таълимдаги фаолиятларини ташкил этсалар, таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кафолатланади.

Иккинчи боб хулосалари

Ушбу бобни хулоса қилар эканмиз, шуни айтиб ўтиш жоизки, ўқитиш технологияси бугунги кунда хорижда ва республика-мизда энг замонавий таълим турларидан биридир. Ундан келиб чиқиб, қуйидаги масалалар ҳал этилди. Хусусан:

1. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли ўқитишни долзарблиги асослаб берилди.

Модулли таълим модуллаштирилган ўқув лойиҳалари асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни бўлиб, ундан ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда восита сифатида фойдаланилади.

2. Модулли ўқитиш инновацион педагогик технологиянинг таркибий қисми эканлиги илмий томондан асослаб берилди.

Таълим тизимида жорий этилаётган модулли технологиялар бугунги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин, қолаверса билим, кўникма ва малакалар шаклланишини босқичма-босқич таъминлаб беради. Таълим олувчи модуллар билан ишлаш жараёнида ўқув-билув фаолияти олдига қўйилган мақсадга мустақил равишда тўлиқ эришади. Ўқитиладиган фанларнинг ўқув машғулоти ва уларнинг лойиҳаларини тузиб чиқишда асосий ҳисобланади. Бу эса таълим олувчиларни ўқув материални самарали ўзлаштиришларини таъминлайди.

3. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли ўқитишнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Таълим тизими бошқарувининг жонқуяр мутасаддилари томонидан педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш технологияси асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб, таълим жараёнини ташкил этилишини куннинг долзарб масалаларидан бири этиб қўйилиши, қолаверса профессор-ўқитувчи ва педагогларимиз бу технологиянинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда таълимдаги фаолиятларини ташкил этсалар, таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кафолатланади.

III БОБ. ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

1-§. Фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси – ўқитувчи фаолиятини самарали ташқил қилишнинг омили сифатида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизими-ни янада такомиллаштиришга оид қарорларида таълим муассасаларда ўқитиладиган фанлар бўйича янги таълим мезони ва фан дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди. Бу эса, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинаётганлигидан далолат беради. Шуларни эътиборга олган ҳолда узлуксиз таълим тизимидаги фанларини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланилади.

Давлат таълим стандарти, Малака талаблари [8; 6-б.] даража-сида талабалар томонидан билимларни эгалланишида таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташқил қилишда қўлланиладиган учта тоифадаги педагогик усуллар яъни, биринчи тоифадаги усуллар «Анъанавий усуллар» деб аталиб, Талаба-ёшларга билимларни «Етказиб бериш» тамойилига асосланадиган, иккинчи тоифадаги усуллар «Ноанъанавий» ёки «Интерактив» усуллар деб номланиб, талабаларни билим эгаллашларида «фаоллаштириш» тамойилига суянадиган ва учинчи тоифадаги усуллар «Илғор ёки замонавий усуллар» дейилиб, таълим – тарбия жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш тамойилидан келиб чиқадиган [42; 35–36-б.] замонавий усуллар ҳақида барча фан ўқитувчиларининг етарли даражада тушунчаларга эга бўлиши ва педагогик фаолияти жараёнида улардан тўғри ва ўринли фойдалана олишлари талаб этилади. Чунки:

талабаларни билиш жараёнига қизиқтиришда;
ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашда;
англаган ҳолда билим олишга ва мустақил ўз билимларини
ошириб боришга ўргатишда;
фанга бўлган қизиқишларини ривожлантиришда;
мантиқий фикрлашга ўргатишда;
таълим самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда за-
монавий таълим технологиялари, унинг усулларисиз таълим мақ-
садларига эришиб бўлмайди[61; 9-б.]

Мисол учун, математика фанини ўрганиш жараёнида талаба-
лар турли формулалар ўрганишади. Агар улар мазкур формула-
ларни онгли равишда тушуниб етмаса (онгли равишда тушунил-
ган тушунча ёки формула узоқ вақт хотирада сақланади ва керак-
ли вақтда тез эсга туширилади), у ҳолда масала ва мисолларни
ечишда, янги назарий билимларни эгаллашда қийинчиликларга
дуч келади. Айниқса, математика фанида бу талабаларнинг шу
фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини сўндиради. Бу камчи-
ликларни бартараф этишда ҳам замонавий педагогик технология-
нинг имкониятлари юқоридир.

Шунинг учун замонавий ўқитувчининг касбий фаолияти жа-
раёнида қуйидаги омилларга асосланиши талаб этилади:

таълим мақсадларига эришишни Давлат таълим стандартлари
ва малака талаблари даражасида қафолатлаш;

ижодий ва изланувчан характердаги масалаларни мустақил
еча олиш;

ўқитувчининг маънавий ва ахлоқий салоҳиятини унинг
касбий фаолиятидаги ўрни ҳамда аҳамиятини англаб етган ҳолда
ўз устида мустақил ишлаш;

замонавий таълим ва тарбиянинг илғор технологияларини,
мамлакат ва хориж илғор тажрибаларни узлуксиз равишда эгал-
лаб бориш;

фанлараро интеграцияни талаб этувчи янги мураккаб
касбий-педагогик муаммоларни ҳал этишга ҳар томонлама тай-
ёр бўлиш;

талаба шахсининг ҳар томонлама ривожланишини етарли даражада ўрганиш ва педагогик, психологик ҳамда физиологик жиҳатдан таҳлил қила олиш;

замонавий таълим тизимида комплекс (мажмуавий) ўзгаришлар қила олиш ва ундаги қарама-қаршиликларни енгга олиш кабилар[61; 10-б.]

Ҳозирга кунда мамлакатимиз таълим тизимига инновацион-педагогик, ахборот коммуникация технологиялар ва замонавий таълим воситаларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришни амалга ошира оладиган, технологик билимлар тизимига эга бўлган замонавий ўқитувчиларга бўлган талабни оширади.

Тан олиш керакки, кейинги йилларда иновацион-педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан самарали ишлар амалга оширилди. Лекин, чоп этилган кўплаб илмий-методик адабиётларда мунозорага сабабчи бўлаётган камчиликларга йўл қўйиб қилинмоқда. Жумладан, педагогик амалиётда кенг қўланиладиган «**методика**» ва «**технология**» тушунчалари моҳиятини тавсифлашда кўплаб адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар маълум маънода таълим жараёнини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу муаммоларни концептуаль асосини кўрсатиб бериш ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда асосий мезонлардан бири ҳисобланилади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, мазкур масала юзасидан айрим мулоҳозаларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«**Методика**» ўзаро таъсир этишнинг турли шаклларини ўрганиш асосида мазкур фанни ўқитиш ва ўрганиш йўлларини ишлаб чиқади ва талабаларга таъсир этишнинг аниқ тизимини ўқитувчиларга таклиф этади. Бу тизимлар ДТС ва МТ, ўқув фани дастури ва дарсликларда очиб берилувчи таълим мазмунида ўз аксини топади ҳамда таълим метод, шакл ва воситалари орқали амал-

га ошади. Ҳар бир фан методикаси дидактика билан мустаҳкам боғланган ва унинг умумий қоидаларига таянади. Таълим-тарбия тамойилларига асосланиб эса, методика ўқув фанининг мақсади, унинг талаба шахсини ривожланишидаги аҳамиятини очиб беради.

Умумий маънода «**методика**» тушунчаси маълум бир ишни бажариш учун зарур бўладиган усул ва усуллар йиғиндисидир. Ёки бу тушунча, таълимий мақсадга эришишда қўлланиладиган педагогик усул ёки чора ва тадбирларни қўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади[42; 69-б.].

Кўпгина изоҳли луғатларда ҳам «**Методика**» – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси»ни ифода этиши кўрсатиб ўтилган[42; 367-б.].

Юқоридагилардан кўринадики:

1) методика – бу ўқитувчи педагогик фаолиятини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари;

2) маълум бир педагогик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган метод ва усуллар йиғиндиси;

3) билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш, режали ва тизимли амалга оширишга ёрдам берувчи усуллар йиғиндиси.

«**Методика**» тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғлиқликда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йиғиндисини ўзида ифода этади. Педагог олим А.М.Столяренконинг фикрича, «Ўқув фанларини ўқитиш методикаси – маълум бир педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ метод, услуб, воситалар ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир» [62; 154-б.].

«**Технология**» юнонча сўз бўлиб, «Технос» (techne) – маҳорат, санъат ва «**логос**» – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. **Технология** – санъат, маҳорат, кўникма, усуллар йиғини

диси, муайян ҳолатни ўзгартиришга хизмат қилувчи жараён; инсон фаолияти ва тафаккури билан боғлиқ бўлган маданий тушунча; техник жиҳатдан аҳамиятли сифат ва қобилиятнинг интеллектуал қайта ишланиши; қандайдир жараёни амалга ошириш методлари ҳақидаги билимлар йиғиндиси; амалиётга жорий қилиниши талаб этилаётган маълум бир педагогик система лойиҳаси [42; 54-б.].

Инновацион педагогик технология – таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар системасидир [38; 7-б.].

«**Таълим технологияси**» иборасининг маъноси – таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. **Таълим технологияси**, бу таълим мақсадига эришишнинг илмий асосланган ва кафолатланган натижаларига эришиш учун аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини барча таркибий қисмларининг мукамал ишлайдиган системадир [38; 7-б.].

Бу тушунча «Педагогик технология» тушунчасига қараганда кенгрок ифодалангани, негаки, таълим ва педагогикадан ташқари яна турли ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, бошқарув, маданий, психологик-педагогик, тиббий-педагогик, иқтисодий ва бошқасунга ўхшаш жиҳатларни ичига олади. Бошқа томондан, «Педагогик технология» тушунчаси педагогиканинг барча бўлимларига тегишлидир.

Таълим технологиялари орасида муҳим ўринни ўқув жараёнини сифатли бошқаришни ва қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ҳамда таълимга технологик ёндашув эгаллайди.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таълим технологиясининг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган

билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади.

«**Методика**» ва «**технология**» тушунчалари таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур тушунчалар ўзаро алоқадорлик ва умумийликка эга бўлиши билан бир қаторда айрим ўзига хосликлар билан ҳам тавсифланади.

Маълумки, сўнгги йилларда таълим-тарбияга технологик ёндашувнинг кенг миқёсда татбиқ этилиши педагогиканинг алоҳида соҳаси ҳисобланган «**методика**» билан «**технология**» тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириб олишга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, аксарият ҳолларда мазкур тушунчаларнинг моҳиятини аниқ фарқлай олмаслик натижасида уларнинг бирини иккинчисидан устун кўйиш, ёхуд уларнинг ўрнини алмаштирган ҳолда қўлланилиши кўзга ташланмоқда.

Албатта «**методика**» ва «**технология**» тушунчалари моҳиятини тушунтиришда аниқ чегара қўйиш бир оз мураккаб масала. Бироқ уларнинг ўзига хос бўлган томонларини таҳлил этиш, айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Дидактика турли таълим муассаларида ўқув фанлари амалга ошириладиган ўқув жараёнининг умумий қонуниятларини акс эттиради. Табиийки, ҳар бир ўқув фани ўзига хос хусусият ва қонуниятларга эга бўлиб, ўзининг алоҳида методлари ва таълимни ташкил этиш шакл ва воситаларини талаб этади. Мазкур масалалар билан хусусий методика, ёки алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси (тарих, математика, педагогика, психология ва бошқалар) шуғулланади.

Таълимни технологиялаштириш – бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларини тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва талаба мақсадларининг бирлашган нуқталарида (ўқи-

тиш ва ўқиш мақсадлари) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари орқали кўзланган мақсадга эришишдир.

Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда, ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади:

таълим жараёнини лойиҳалаш;

лойиҳани амалга ошириш;

таълимнинг жорий ва оралиқ натижаларига кўра лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш;

таълимни такрорлаш ва якуний назорат қилиш.

Юқоридаги ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди. Замонавий таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг эталон даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда талабанинг диққат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб ҳамда у ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб, талабалар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қилади. Талабалар таълимнинг зарурийлигини улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Кейинги вақтларда «**методика**» тушунчасини «**технология**» дан устун қўйишга уринишлар юзага келмоқда. Аслида, ушбу бахсли масалани педагог-дидактларимиз томонидан умумий махражга келтириш вақти келди. Бир томондан олиб қаралса, **методика** – бу метатехнологиядир. Агар мазкур тушунчани ўқув жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўқув жараёни, унинг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакли, метод ва воситаларини белгилашга доир умумий талаблар мавжуд. Ҳар бир ўқув машғулотини амалга ошириш маълум белгиланган алгоритмик кетма-кетликка асосланади. **Методика**, ана шу алгоритмик кетма-кетликнинг умумий ва хусусий қоидаларига асосланганини талаб этади.

Ўқитувчи ўқув мақсадига асосланган ҳолда ҳар бир ўқув машғулотини ўтказиш технологиясини эркин танлаши мумкин. Яъни, ҳар бир машғулотда олдиндан кутилаётган натижага мос ҳолда ўқув босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ҳар бир босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш имконияти юзага келади.

Аслида «**Методика**» ҳам, «**технология**» ҳам ўқитувчи ва талаба фаолиятини яхлитликда ташхис этади. Аммо, технология **методикадан фарқли равишда** ҳар бир босқичда ўқитувчи ва талаба фаолияти мазмунини алоҳида-алоҳида ойдинлаштиради. Ҳар бир босқичда эришилган натижаларни ташхис этиб, ўз вақтида коррекциялаш имконини беради. Бу **таълимга технологик ёндашувнинг энг асосий характерли томонидир.**

«**Методика**» ва «**технология**» тушунчаларининг баҳс доираси билан ҳам боғлиқликда айрим фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. **Жумладан, методик тизим(система)** «Нима учун ўқитиш керак?», «Нимани ўқитиш керак?», «Қандай ўқитиш керак?», «Қаерда ўқитиш керак?» «Нима ёрдамида ўқитиш керак?» каби саволларга жавоб излайди, **технология** эса, «Қандай тарзда самарали ўқитишга эришиш мумкин?» деган саволни марказга қўяди. Методика ўқув жараёнини қандай тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини назарда тутса, технология қай йўсинда ўқув жараёнини энг қулай, мақбул тарзда амалга оширишга диққат-эътиборни қаратади.

Реал таълим амалиётида эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим масала «**метод**» ва «**технология**» тушунчаларини бир хил мазмунда қўлланилаётганидир. Бунинг асосий сабабларидан бири, педагогик технологияга доир адабиётларда «**метод**» тушунчасининг ўрнига «**технология**» сўзини қўйиб ишлатилиш ҳолати кўп учрайди.

Бизга маълумки, инсон муаяйн мақсадга эришиши учун бир қатор методлардан фойдаланади. Анъанавий дидактика ва методикада «**Таълим усуллари**», «**Таълим методлари**» деб юритилмоқда. «**Метод**» тушунчаси халқаро тушунча бўлиб, меъёрий

ҳужжатларда ҳамда педагоглар жамоатчилик томонидан кенг қўлланилгани учун ушбу тадқиқот ишида ҳам «метод» ва «усул» тушунчаларни бир маънода қўлланилди.

Маълумки, «метод» – мақсадга эришиш йўли сифатида яхлит таълим жараёнининг алоҳида элементи ҳисобланади. Агар интерактив методларни «технология» сўзи билан ифода этаётган мутахассислар, уларни қўллашни босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутиб, шундай ёндашувга асосланаётган бўлсалар, бундай назарий-методологик асос дидактик нуқтаи-назардан мутлақо хато. Чунки технологик жараён икки босқичдан: таълим жараёнини «режалаштириш» ва ўқув машғулотлари «лойиҳаларини тузиб чиқиш» босқичларидан ташкил топади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, **таълим технологияси** – ўқитиш методикаси асосида қурилиб, унинг қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситаларига, кутиладиган натижаларга асосланган ҳолда ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, лойиҳага мувофиқ ўқитувчи ва талаба фаолиятини аниқ белгиланган кетма-кетликда амалга оширишнинг самарали техникасидир.

Педагогик технология доирасида юзага келган атамаларни тўғри қўллаш мақсадида, биз томондан берилган таърифни бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг фикримизча, **Педагогик технология** – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир[42; 59-б.].

Ўқитиш технологияси – ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни тўғри танлаб олиш, ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

Тарбия технологияси – тарбия натижаларига асосланиб, унинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, мазкур жараённинг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Идентив ўқув мақсади – технологик жараённинг асосий компоненти бўлиб, кутиладиган натижага айнан мос келадиган ўқув мақсадидир.

Интерактив метод – ўқув жараённинг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам талабани фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш услублари мажмуи.

Услуб деб – мақсадга эришишда қўлланиладиган тадбир ва чораларга айтилади. Инсон бу усул ва услубларни маълум бир тартибда қўллайди.

Ҳар бир ўқув фани бўйича, масалан, **математика фани бўйича таълим технологияси** қуйидагиларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади:

таълим технологиясини ишлаб чиқиш қоидалари.

таълим мақсадни белгилаш. Бу ўз ичига: ўқув фанининг тузилиши ва мазмунини аниқлаш ҳамда фан бўйича ўқув ахборотининг ҳажми ва мураккаблигини аниқлашни олади.

Таълим технологиясининг **умумий мақсади** қуйидаги даражалар асосида ойдинлашади:

таълим муассасасининг мақсади ҳамда ўқитувчининг методик фаолияти мазмунини аниқлаштириш;

ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади;

ушбу модуль (ўқув унсури)нинг мақсади ва унинг талабалар фаолиятидаги алоҳида модульга ҳам, унинг ташхис қилинадиган охириги натижаларига ҳам ўтказилади.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи **таълим технологияси дарсининг методик ишланмасидан** фарқли ўлароқ, талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у уларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан ўқув материал-

ларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Педагогик технологиянинг асосий моҳияти – талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Таълим технологиясининг **замонавий концепциясида**:

ўқув фанининг мақсади, вазифалари ва долзарблиги, ўқув фани бўйича ўқув фани дастурига мос дарс соатларининг ҳажми ва фаолият турлари бўйича тақсимланиши;

ўқув фанининг мазмуни: ўқув фанининг ўқув фани дастурига мос равишда ўқув фанининг мавзуй мазмуни изчил баёни ёригилади.

Ўқув машғулотида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари сифатида ўқитиш, коммуникация, ахборот ва бошқарувнинг усул ва воситаларини танлаш ишини амалга ошириш асосида ётувчи **таълим жараёнини лойихалаштиришнинг концептуал ёндашуви** белгиланади.

Ўқув машғулоти таълим технологиясини **режалаштириш ва лойихалаштириш қодалари** қуйидагиларни ўз ичига олади (Таълим технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчи фаолиятининг кетма-кетлиги):

таълим технологияси тамойиллари асосида ўқув жараёнини режалаштириш;

таълим технологияси тамойиллари асосида ўқув жараёнини лойихалаштириш;

таълим жараёнида талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма-босқич амалга оширишни аниқлаш;

таълим жараёнинг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Таълим тизимида ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини лойихалаб ўқитишга педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий моделини асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойихалари тузиб чиқилди. Том маънода фанларни лойихалаб ўқитишнинг замонавий концепциясида иннова-

ция сифатида деб қарашга олиб келинди. Бундан эса, педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларни лойиҳалари асосида ўқитиш ўқитувчидан талаб қилинадиган ва унинг методик тайёргарлиги, компитинциясини шакллантиришда инновацион компонент сифатида хизмат қилади[86].

Юқорида берилган фикрларни барча ўқитувчи (педагог)лар яхши ўзлаштириб олиб, амалиётда тинмай қўллаб борсаларгина жамиятимиз маорифчилар олдига қўяётган ижтимоий буюртмани, фахр билан, бажара олишга муваффақ бўладилар.

Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда андаза сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясини кўриб ўтамыз.

2-§. «Математика ўқитиш методикаси» фанини лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси – математика ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалашдаги роли

Андаза сифатида математика ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалашда асос бўладиган «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясини кўрсатиб ўтамыз.

Педагогика олий таълим муассасаларда математика ўқитишни тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда. Шуларни эътиборга олган «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланилади.

Умумтаълимий фанлар бўйича, жумладан «Математика ўқитиш методикаси» фани бўйича ҳам янги авлод фан дастурлари яратилди, математика ўқитиш методикаси ўзининг усул ва методикасига эга бўлиб алоҳида фан сифатида педагогика олий таълим муассасаларининг «Математика ўқитиш методикаси» номи билан аталган (олдинги номи «Математика») таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалари томонидан ўрганилади.

«Математика ўқитиш методикаси» фани учта: математикани ўқитишнинг умумий методикаси, математикани ўқитишнинг хусусий методикаси ва математикани ўқитишнинг аниқ методикаси бўлимларига ажратилган ҳолда ўрганилади ва қуйидагиларни ҳал қилиш куннинг долзарб масалалари ҳисобланилади. Хусусан:

1. Математика ўқитувчисини тайёрлашда амалга ошириладиган дидактик шарт-шароитлар қанақа бўлишлари керак?

2. Бўлажак математика ўқитувчисини методик тайёргарлашда ҳозирги замон педагогик амалиёти ва назариясининг қандай ижобий томонлари олиниши керак?

3. Математика ўқитиш методикасини нафақат тизимли равишда янгилай олинишига балки, унинг назарий томонидан ривожланишига олиб келадиган методологик асос қандай бўлиши керак?

4. Математикани ўқитиш методикасини ўқитишнинг методик системасида инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш ўрни ва йўллари қандай бўлиши керак?

5. «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг методик системаси: унинг мақсади, мазмуни, шакли, воситалари ва методлари ҳамда технологиялари қандай шакллантирилади?

6. «Математика ўқитиш методикаси» фани ўқув машғулотлари лойиҳалари қандай тузилади?

Юқорида санаб ўтилган масалалардан келиб чиқиб, «Математика ўқитиш методикаси» фани таълим жараёни билан боғлиқ бўлган қуйидаги саволларга жавоб беради:

1. Нима учун математикани ўрганиш керак? (Математикани ўқитиш мақсади ва вазифасини ўз ичига олади).

2. Математикадан нималарни ўрганиш керак? (Математикани ўқитиш мазмунини ўз ичига олади).

3. Математикани қандай ўрганиш мақсадга мувофиқ? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқитиш усулларини ўз ичига олади).

4. Математикани қаерда ўрганиш мақсадга мувофиқ? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи таълим шакллари ўз ичига олади).

5. Математикани нима ёрдамида самарали ўрганиш мумкин? (Математика ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи таълим воситаларини ўз ичига олади).

6. Математикани сифатли ва самарали ўрганишни олдиндан қафолатлаш мумкинми? (Математикани ўқитиш самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилувчи замонавий инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларларни ўз ичига олади) [63].

Ҳозирги замонавийлашув шароитида ҳам ҳар бир фан бўйича, жумладан, математика фани бўйича ўқувчиларга етарли даражада билимлар бериш асосий масалалардан ҳисобланиб, бунга эришишни таъминлаш, бунда «Математика» фани (мамлакатдаги барча таълим босқичлари учун) ДТС (давлат таълим стандарти)лари, МТ (Малака талаблари), ўқув режа ва фан дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва математика таълимини амалга ошириш, уни ривожлантириш ҳамда мазкур жараёнини янада такомиллаштириш «Математика ўқитиш методикаси» фанининг **асосий вазифаси** ҳисобланади.

Мазкур фан доирасида:

математикани ўргатиш ва ўрганиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар амалга оширилади;

турли таълим босқичларида математик таълим мазмунини илмий-методик жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда аниқлаб беради;

амалга оширилган илмий-методик тадқиқотлар натижасида олинган натижаларни амалиётга татбиқ қилган ҳолда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

математик таълимни амалга оширувчиларни касбий фаолиятга тайёрлайди;

мазкур жараёнда математик таълим жараёни иштирокчилари ҳисобланган: фан ўқитувчилари, ота-оналар, таълим муассасаси

рахбарияти ва мураббийлар каби турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Дидактик нуқтаи назардан ёндошганда «**Математика**»нинг **асосий мақсади** мазкур фан туркумига кирувчи фанлар бўйича:

Давлат таълим стандарти ва малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим тизимида «Математика» фанини ўқитишни амалга ошириш ва мазкур жараёни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридагилар узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўрганиш ва ўқитиш бўйича илмий-методик тадқиқотларнинг асосий мақсади ҳисобланиб, бу ишлари таълим соҳаси ходимлари (таълим муассасалари бошқарувчилари, ўқитувчи-мураббийлар) ва ота-оналар, «Математика» фанини ўргатишга ихтисослашган турли ижтимоий гуруҳлар (фанларни чуқур ўргатишга йўналтирилган турли ўқув марказлари) ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Бунга эришишда «Математика» фани мазмунини тўғри аниқлай олиш муҳим ҳисобланиб, таълим жараёни мазмунни (барча босқичлар учун) аниқлашга ҳозирги шароитда қуйидагича ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. «Математика» фани бўйича барча таълим босқичларида ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган таълим босқичи учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, «Ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган» ўрта умумтаълим мактабларида ёки «Аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган» ўрта умумтаълим мактабларида математика мазмуни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

2. «Математика» фани бўйича турли таълим йўналишларида (Ўрта махсус, касб-хунар таълими ёки олий таълим босқичида) ўрганиладиган мазмунни асослаш, яъни нима учун берилган йўналиш учун айнан шу келтирилган мазмун ўргатилиши керак? (Масалан, «Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги» таълим муассасаларида математика мазмуни қандай бўлиши керак ва нима учун?)

3. Узлуксиз таълим тизимида таълим олувчилар ақлий қобилятларининг ривожланиш даражаси ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда математик таълим мазмуни ва ўқитиш жараёнини ташкил этиш муаммоси.

4. Узлуксиз таълим тизими турли босқичлари учун ишлаб чиқилган математик таълим мазмунини жамиятдаги таълимга бўлган муносабат, таълим тизими, унда фаолият юритувчи ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда математикани ўқитиш имкониятларини ишлаб чиқиш муаммоси[5].

Юқоридаги муаммоларни самарали ҳал этишда «математик» тушунчалар, ўқитиш тамойиллари, қонуниятлари, методлари ва услублари барча йўналишларда ўқувчи-талабалар учун (табақалаштирилган таълимга суянган ҳолда) тушунарли ва ўзлаштириш осон бўлган кўринишда бўлишига эришиш талаб этилади. Бунда математика бўйича ўқув материаллари (мазмуни)ни, математика фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларни ишлаб чиқувчи соҳа мутахассисларини замонавийлашув шароитига мос бўлиши, таълим натижаларини тўғри ва холисона баҳолаш усулларини тўғри ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади.

Айниқса, турли таълим йўналишларда ўқитилаётган математика мазмуни **соддалаштирган** ҳолда уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишига хизмат қилишини таъминлашга эришиш, буларга асосланган ҳолда янги авлод ўқув дарсликларини яратиш юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Давлат таълим стандарти ва малака талабларини ва Ўзбекистонда қабул қилинган мазкур ҳужжатлар ҳамда Республика Президентининг ёш авлод фазилатларига қўяётган талабларини инобатга олиб, буюк мутафаккирларни инсон ижтимоий сифатларига қўйган мезонлар тизимидан, шунингдек ҳар бир ўрганилаёт-

ган мавзу ўзидан олдин ўрганилган мавзулар билан узвий боғлиқ ҳолда баён қилиниши, «фанлараро алоқадорлик», «тизимлилик», «изчиллик», «илмийлик», «оддийдан мураккабга», «таълимни ҳаёт билан боғлаган ҳолда ўқитиш» каби дидактик тамойилларга асосланилиши кўзланган мақсадга эришишда муҳим ўрин тутади. Таълим жараёнини бундай ташкил этишга алоҳида бир таълим технологияси деб қарасак, бунда юқорида биз санаб ўтган дидактик тамойиллар мазкур технологияни такомиллашишига хизмат қилган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда мавжуд бўлган камчиликларни тез илғаб олиш ва уни бартараф этиш имкониятини яратиб беради.

Умуман, ҳозирги шароитда таълимнинг ҳар бир босқичида «нимани (умумий мазмун) ўқитиш мумкин ва бунга эришиш учун нима қилиш керак? « ва «кимни ўқитиш керак, унга айнан нимани ўқитиш керак (айнан ҳар бир ихтисосликда), нима учун айнан шуни ўқитиш керак (мақсад), қандай ўқитиш керак (метод, шакл, восита, технология)?» деган масалаларни самарали ҳал этиш бугунги таълим олдидаги кечиктириб бўлмайдиган муаммолар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «нимани ўқитиш керак?» эмас, балки «нимани ўқитиш мумкин ва буни қандай амалга ошишириш мақсадга мувофиқ?» кўринишда таълим жараёнини ташкил этишга ёндашиш математика ўқитишни замонавийлаштиришда асосий рол ўйнайди.

Математика фанини ўқитишнинг умумий методикаси.

Бу бўлимда математика фанининг мақсади, мазмуни, шакли, воситалари ва методлари ҳамда технологияларига асосланган ўқув фанининг методик системаси педагогик, психологик қонуниятлар ҳамда дидактик тамойиллар асосида очиб берилади.

Масалан, математика фанини ўқитишда қўлланиладиган замонавий таълим усуллари ва технологиялари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари, математика фанининг илмий изланиш методлари, математик тушунчалар ва уларни киритиш методикаси каби назарий ва амалий материаллар ўрганилади.

Ҳозирги кунда мазкур бўлим педагогика олий таълим муассасаларида («Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналишида) бир семестр давомида ўрганилади.

Математика фанини ўқитишнинг хусусий методикаси.

Бу бўлимда математика ўқитиш умумий методикаси қонун ва қоидаларининг аниқ мавзу материалларига татбиқ қилиш йўллари ўрганилади.

Масалан:

- a) натурал сонларни киритиш методикаси;
- b) тенгламалар ва тенгсизликлар мавзусини ўрганиш методикаси;
- c) геометрик материалларни ўрганиш методикаси;
- d) функция ва унинг графигини ўрганиш методикаси;
- e) кўпбурчаклар ва кўпёқлилар мавзусини ўқитиш методикаси;
- f) каср сонлар мавзусини ўрганиш методикаси ва ҳ.к.

Математика фанини ўқитишнинг аниқ методикаси.

Бу бўлим икки қисмдан иборат:

1. Умумий методиканинг хусусий масалалари.
2. Хусусий методиканинг аниқ масалалари.

Масалан:

1) VII синфда математика дарсларини режалаштириш ва уни ўтказиш методикаси дейилса, бу умумий методиканинг хусусий масаласи бўлиб ҳисобланади.

2) VII синфда ўрганиладиган математикадан бир соатлик дарсни режалаштириш ва уни ўтказиш методикаси дейилса, хусусий методиканинг аниқ методикаси ҳисобланади[56].

«Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг методик системасини ривожлантиришда М. Тожиев, М. Баракаев ва А.Хуррамовларнинг «Математика ўқитиш методикаси фани ўқув машғулотлари лойиҳаси» номли ўқув ва илмий-методик қўлланмаси [63] асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг томойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди. Бу эса «Математика ўқитиш методи-

каси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келди.

Ушбу параграфда математика ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалашда «Математика ўқитиш методикаси» фанини лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси мисол сифатида келтирилди, бу эса ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда андаза сифатида фойдаланиш мумкин.

3-§. Ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолиятини ташкил этишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни

XXI аср интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва шахсни шакллантириш асри бўлиб, республикада кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини ривожлантириш, жамият ва давлатнинг маънавияти ва рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришни кўзда тутди. Ушбу устувор вазифани амалга оширишда таълим технологиясининг инновацион моделининг роли бекиёсдир.

Таълим технологиясининг инновацион модели – бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакли, воситаси, усули, методикаси ва технологиясининг мажмуидир [61; 20-б.].

Таълим технологиясининг инновацион модели қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўқитиш мақсадларини аниқ ифодалаш;

назарий ва амалий материални танлаш ҳамда уни талабаларга етказишнинг йўллари аниқлаш;

аниқ мавзунинг таянч тушунча ва ибораларни ажратиш;

ўқишга қизиқтиришга йўналтирилган усул ва технологияларни белгилаш;

ўқув жараёнини яқка ва жамоа ҳолда ташкил этишни ташкиллаштириш;

ўқув машғулотларини режасини ва лойиҳаларини тузиш;
унга асосланган ҳолда ўқув фаолиятдан олдиндан кутилаётган натижаларни аниқлаш;

кутилаётган натижаларга эришиш учун зарур бўлган педагогик вазифаларни белгилаш.

Ўқув фаолиятида **олдиндан кутилаётган натижалар** – бу ўқитиш натижасида таълим олувчи эгаллаши ва у томонидан ба-жарилиши лозим бўлган ҳаракатлар бўлиб, улар ўқитувчиларга эришилган натижаларни объектив баҳолаш ва белгиланган мақсадга мослигини аниқлаш имконини беради:

таълим олувчининг дастлабки билимларини аниқланади;

ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб чиқади;

тескари алоқани йўлга қўяди ва таълим воситаларини, яъни тезкор сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижалари тақдиротини баҳолашни аниқлайди;

лойиҳавий фаолият натижасини жадвал кўринишда, яъни ўқув жараёни инновацион таълим технологияси модели кўринишида расмийлаштиради;

ўқув машғулотида таълим технологиясини режалаштиришни технологик харита кўринишида амалга оширади.

Ўқув машғулоти **технологик харитаси** – ҳар бир ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли яъни, процессуал баёни акс этган ҳужжат бўлиб, у ўқув машғулотини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич амалга ошириладиган фаолият кетма-кетлигининг мазмунини ёритиб беради;

ўқув жараёнини ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқади ва уни технологик харитага илова кўринишида расмийлаштиради[61; 21-б.].

Технологик харитага илова ўз ичига қуйидагиларни олади:

таълим олувчилар томонидан билимларни эгалланишини фаоллаштириш мақсадида кўлланиладиган тест ва саволлар рўйхати;

гуруҳларда ишлаш учун йўриқнома, ўқув фаолияти натижасида таълим олувчилар таяниши мумкин бўлган тушунча ва қоидалар.

Масалан, «Фикрий ҳужум», «Ялпи фикрий ҳужум», «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми», «бхбхб» усули, «Кластер» усули, «Қарорлар шажараси» («Қарорлар қабул қилиш технологияси») усули, «Тажриба воситасида ўқитиш цикли» (Д.Колб ғояси), «Қора қути» усули, «Вен диаграммаси» стратегияси (усули), «Зиг-заг» стратегияси (усули «Инсерт» стратегияси, ролли ҳамда ишбоп ўйинлар, «Мақтаб ўртоқлик суди» ва «Заковатли зукко» усули каби қоидалардир;

ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган компьютер, мультимедиа, ёзув доскаси, слайд, жадвал ҳамда бошқа визуал материаллар;

мунозара ўтказиш учун қўшимча саволлар;

таълим олувчилар фаолиятни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Таълим технологиясининг инновацион моделини шакллантиришда фанларни ўқитишнинг анъанавий ва шахсга йўналтирилган технологялари асосий ўринни эгаллайди.

Илмий-техника тараққиёти жадаллашган ҳозирги даврда ўқитиш самарадорлиги, асосан, таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрни, ўқитувчининг унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай шароитда ўқитиш технологиясининг икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин: **авторитар ва шахсга йўналтирилган**.

Авторитар технологияда ўқитувчи ягона «субъект» сифатида намоён бўлади, таълим олувчилар эса фақатгина «объект» вазифасини бажаради, холос.

Бунда таълим олувчининг ташаббуси ва мустақиллиги йўқолади, ўқитиш мажбурий тарзда амалга оширилади. Одатдаги анъанавий ўқитиш, авторитар технологияга тааллуқлидир. Бундай таълим жараёни педагог олим Я.А.Коменский томонидан ифода этилган дидактика тамойилларига асосланган бўлиб, унда ўқитишнинг синф-дарс тизимида ташкил этишни назарда тутилади. Ҳозирги кунгача ҳам дунё микёсида кенг тарқалган ўқитишнинг **синф-дарс тизими** куйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

ёши ва тайёргарлик даражаси тахминан бир хил бўлган талаблар асосида синф (гуруҳ) ташкил этилади;

синф (гуруҳ, оқим) ягона ўқув режа, ўқув дастурлари ва машғулотлар жадвали асосида шуғулланади;

машғулотларнинг асосий бирлиги дарс бўлиб, ҳар бир дарс битта фаннинг битта мавзусига бағишланади ва ўқитувчи томонидан бошқарилади;

ўқув дарсликлари асосан уй ишлари учун қўлланилади[64].

«Етказиб бериш» тамойилига асосланадиган **«Анъанавий усуллар»** агарда, бўлажак мутахассиснинг ва ўқитиладиган фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда қўлланиладиган ўрни тўғри танланилса бугунги кунда ҳам уларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Анъанавий ўқитиш усуллари аниқлаштиришда Ю.К.Бабанский[75], И.Я.Лернер[83], М.А. Данилов ва Б.П. Есипов[77], М.И.Махмутов[80], Ж.Ҳасанбоев[84] ва С.Алихонов[85]ларнинг таснифларини қараш мумкин, унинг асосида таълим олувчиларнинг билиш фаолияти ётади.

Лекин, анъанавий ўқитишда баъзи камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар куйидаги хусусиятларга эга: зўравонлик педагогикаси, кўргазмалилик методи асосида тушунтириш, оммавий ўқитиш.

Анъанавий ўқитишда **авторитарлик** куйидаги шаклда намоён бўлади: таълим олувчи бу ҳали тўла шаклланмаган шахс, у фақат бажариши зарур, ўқитувчи эса – бу сардор, ҳакам, ягона ташаббускор шахс.

Шунинг учун ҳам ахборотлар оқими жадал суратлар билан ошиб бораётган ҳозирги шароитда, **Анъанавий ўқитиш** тизимидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда самарадорликка эришиб бўлмайди. Балки, педагогик жараён **шахсга йўналтирилган ёндашув** асосида амалга ошириш – таълим мақсадларига эришишни олдиндан кафолатлаш имкониятларини оширади.

XXI аср бошида таълим тизимини жиддий модернизация қилиш зарурияти аён бўлиб қолди. Анъанавий таълим эскирган-

лиги боис, замонавий таълим тизимида ўқитишни ташкил қилиш учун дидактиканинг янги шакллариغا зарурият пайдо бўлди. Ўқитишни ташкил қилишнинг янги шаклларида бири анъанавий ўқитишнинг асоси бўлган шахсга йўналтирилган ёндашув ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда таълимда **«Шахсга йўналтирилган ёндашув»** атамаси илмий-педагогик жамоатчилик орасида кенг тарқалган бўлиб, бу тушунча аввал бўлмаган, деб тасдиқлаб бўлмайди. Таълим тизими доимо ўзининг энг муҳим вазифаси деб нафақат ўқитишни, балки шахсни ривожлантиришни, шунингдек ўқитишда талабанинг билим, кўникма ва малакаларини, индивидуал қобилиятларни ва шахс сифатларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаб келинган. Замонавий ўқитиш тизимининг шахсга йўналтирилган ёндашувида ҳам ўқиш жараёнига ҳам яқиний мақсадларга йўналтирилиши янада муҳимроқ бўлиб, унда «Ким бўлиш керак?» эмас, балки «Қандай бўлиш керак?» саволи асосий ҳисобланади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган ёндашуви асосида ҳар бир таълим олувчининг индивидуаллиги, ўзига хослиги, унинг ривожланишининг «Жамоавий субъекти» сифатида эмас, балки биринчи навбатда ўзининг бетакрор «Субъект тажрибасига» эгаллигини тан олиш ётади. «Субъект тажрибаси»ни билиш жараёнига киритиш, шахсий эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари асосида, ўз фаолиятини ташкил қилиш демакдир. Шунингдек, ўқув ишининг индивидуал усули ва ўзлаштиришнинг индивидуал механизмларидан фойдаланиш зарур, ўқув фаолиятига шахсий муносабатни қўлланма қилиб олишдир.

Шахсга йўналтирилган ёндашув, шахс, бу унинг индивидуаллигини ташкил қилувчи психик хусусиятларнинг бирлигига таянган ҳолда ўзининг технологияси билан индивидуал ёндашувнинг муҳим психологик-педагогик тамойилини амалга оширади, унга кўра талабалар билан ўқитиш жараёнида, яъни дарс ва ўқув машғулотида ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Бунинг ҳаммаси бизнинг назаримиз-

да ёш етакчи ўқув фаолияти орқали таълим оловчи шахси ривожланишига кўмаклашувчи оптимал шароитларни яратади. Амалиётда ўқитиш бола ривожланиши даражаси билан белгиланиши исботланган. Шунинг учун, таълим оловчи ривожланишининг камида иккита даражасини белгилаш зарур, уларни билмасдан туриб таълим оловчи ривожланишининг реал даражаси ва ҳар бир аниқ ҳолатда унинг ўқитилишининг потенциал имкониятлари орасидан тўғри муносабатни топа олмаймиз.

Биринчиси – бу таълим оловчи психик функцияларининг ривожланиш даражаси бўлиб, у унинг ривожланишини белгилаган ва яқунланган даврлари натижасида ҳосил бўлган. Бу ерда гап таълим оловчи мустақил равишда, катталарнинг ёрдамисиз қайси топшириқларни бажара олиши мумкинлиги билан тавсияланади.

Иккинчиси – бу шахс ривожланишининг психик потенциалини акс эттирувчи даражадир, бу «Энг яқин ривожланиш доирасидир». Ушбу даража бола нимани мустақил бажара олмайди, аммо, кичик ёрдам билан у урдалай олади.

Буни физикани ўқитиш жараёнининг баъзи бир мисолларида тасвирлаш мумкин. Икки таълим оловчига «Тенг тезликдаги ҳаракат» мавзусидан мураккаблиги бир хил бўлган топшириқлар берилади. Биринчи талаба мавзуни ўргангандан кейин бу саволнинг фақат фактларини санаб ўтган, иккинчиси эса нафақат ушбу фактларни санаб ўтди, балки ҳар бир фактнинг моҳиятини тushунтириб берди ва тегишли хулосаларни қилди. Шундай экан, ушбу талабаларда нафақат «Энг яқин» ривожланиш доираси турлича, балки улар ривожланишининг динамикаси ҳам турличадир. Шундай қилиб, ўртача талабага, синфнинг барча талабалари учун ёши бўйича тенг бўлган «Долзарб ривожланиш» даражасига йўналтирилган мактаб ақлий ривожланиши юқори даражали бўлган болаларга, уларни ўқитиш суръатларини мунтазам тўхтатиб туриши ҳисобига ноқулай таъсир қилади. Шу вақтнинг ўзида ақлий ривожланиши етарли даражада бўлмаган талабалар ўқитишнинг айтилган суръатларига ета олмасдан, баъзан муваф-

фақиятсизликга учраб қоладилар. Буни ўқитувчи дарсларда ҳисобга олишлари керак.

Л.С.Виготский томонидан таълим олувчиларнинг ўқишдаги ва уларнинг ақлий ривожланишидаги ютуқлари, кўпроқ «Энг яқин ривожланиш доираси» қандай эканлиги ва унинг шу болалар билан ишловчи педагоглар томонидан ҳисобга олинишига боғлиқлиги ҳулоса қилинган. Шунинг учун ўқитишда шахсга-йўналтирилган ёндашув ҳар бир талабага ўз қобилиятлари ва эҳтиёжларига мос ўзининг суръатида ўқиш имкониятини тақдим этади, талабани у эришган билим ривожланиши даражасига йўналтиради, балки унинг мавжуд имкониятларидан бир мунча устун турувчи доимий талабларни беради, ўқитишни «Унинг энг яқин ривожланиш индивидуал доирасида» доимо ўтилишига имкон туғдиради. Бу тизим ўқув фаолияти учун янги шароитларни яратади, талаба шахсини «Унинг энг яқин ривожланиш доирасини» ҳисобга олган ҳолда ривожланишига имкон туғдиради.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосини таълимда **шахсга йўналтирилган технологиялардир**. У қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

инсонпарварлик, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўравонликдан тўла воз кечиш;

ҳамкорлик, яъни ўқитувчи ва таълим олувчилар муносабатидаги демократия, тенглик, шериклик;

эркин тарбиялаш, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларни ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш.

Шахсга йўналтирилган технологияларнинг **коммуникатив асоси** – педагогик жараёнда таълим олувчига «шахсга янгича қараш», яъни инсоний-шахсий ёндашув ҳисобланиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

педагогик жараёнда шахс объект эмас, балки субъект ҳисобланади;

ҳар бир таълим олувчи қобилият эгаси, кўпчилиги эса истеъ-
дод эгаси ҳисобланади;

юқори этик қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик,
виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Таълим жараёнида муносабатларни **демократлаштириш**
(ўқитувчи – таълим олувчи, таълим олувчи – таълим олувчи)
қуйидагиларни ўз ичига олади:

таълим олувчи ва ўқитувчи ҳуқуқларини тенглаштириш, таъ-
лим олувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;

хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;

ўз нуктаи-назарига эга бўлиш ҳуқуқи ўқитувчи ва таълим
олувчи муносабатининг асоси бўлиши, яъни:

а) таъқиқламаслик;

в) бошқариш эмас, биргаликда бошқариш;

с) мажбурлаш эмас, ишонтириш;

д) буюриш эмас, ташкил этиш;

е) чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш[2; 23-
б.].

Юқорида қайд этилган янги муносабатларнинг асосий мазму-
ни ҳозирги ривожланган ва янада жадал суратлар билан ривож-
ланаётган бир шароитда кам натижа берадиган педагогикадан
ўринли жойларида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда жуда кўплаб мамлакатлар-
да, жумладан, республикамиз узлуксиз таълим тизимида турлича
номланган таълим усуллари ва технологиялардан фойдаланил-
моқда. Хусусан:

Асосий педагогик усуллар:

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборот-
ни узатишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).

2. Интерактив ёндашувлар: ҳамкорлик педагогикаси; ри-
вожлантирувчи таълим (таълимда шахсга йўналтирилган ёнда-
шув); ўйинли таълим; муаммоли таълим; эвристик таълим; фаол
таълим; эмоционал маъноли ёндашув; турли даражали таълим;
ўқитиш орқали ўқиш; конструктив таълим;

3. Замонавий таълим усуллари ва технологиялари: дастурлаштирилган таълим; таълимнинг хусусийлаштирилган фан технологиялари; муаллифлик педагогик технологияси; таълимнинг компьютер технологиялари; лойиҳалар усули.

4. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари: педагогик жараёни ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар; талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш унумдорлигини оширишга йўналтирилган педагогик усуллар (таълимнинг фаол усуллари); ўқув жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришнинг самарадорлигига таянувчи педагогик усуллар; дидактик такомиллаштириш ва материални қайта тузишга таянувчи педагогик усуллар; табиатга мос келувчи усуллар; ривожлантирувчи таълим технологиялари; янги ахборот воситаларини қўллашга асосланган педагогик усуллар; ижтимоий-тарбиявий усуллар; тарбиявий усуллар; муаллифлик мактабининг педагогик усуллари; таълим муассасасининг ички бошқарув усуллари.

5. Педагогик жараёни ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар: ҳамкорлик педагогикаси; Ш.А.Амонашвилининг ахлоқий-шахсий йўналтирилганлик технологияси; Е.Н.Ильиннинг системаси: адабиётни инсонни шакллантирувчи фан сифатида ўтиш.

6. Талабалар фаолиятини фаоллаштиришга ва унумдорлигини оширишга мўлжалланган педагогик усуллар (таълимнинг фаол усуллари).

Ўйин усуллари: мактабгача таълимдаги; бошланғич таълимдаги; ўрта мажбурий таълимдаги; ўрта махсус, касбий хунар таълими тизимидаги; олий таълимдаги.

Муаммоли таълим: замонавий лойиҳалаш таълим усули; интерактив усуллар; ўқиш ва ёзув орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш усуллари; дискуссиялар ўтказиш усуллари; мунозара усуллари; тренинг усуллари; В.Ф.Шаталов[89]нинг ўқув материалининг схемавий ва белгили моделлари асосида таълим унумдорлигини оширишга қаратилган усуллари.

7. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асосланган педагогик усуллар: дастурлаштирилган таълим усули; даражали табақалаштириш усули; қобилиятларни ривожлантириш даражалари бўйича табақалаштириш усули; Н.П.Гузик[90]нинг синф ичи ва ўқитилаётган фанлар бўйича табақалаштириш модели; аралаш табақалаштириш (фан ёки дарс бўйича табақалаштириш, йиғма гуруҳлар модели, қатлам бўйича табақалаштириш); И.Э. Унш, А.С.Границкая, В.Д.Шадриковлар[94]нинг таълимни индивидуаллаштириш усули; Серунум таълим технологияси доирасида индивидуал таълим дастурлари модели; касбий таълимда индивидуал таълим дастурлари модели; синфда гуруҳ бўлиб ишлаш модели; турли ёшли ўқувчилардан тузилган гуруҳ ва синфларда ишлаш модели; муаммони жамоавий ижодий ечиш усули; С.Н.Лысенкова[91]нинг изоҳий бошқарувда таянч схемаларидан фойдаланиш орқали истиқболли-илдамлаштирилган таълим усули.

8. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар: Л.В.Тарасовнинг экология ва диалектика усули; П.М.Эрдниеф[48]нинг дидактик бирликларни йириклаштириш усули; П.Я.Гальперин[92], Н.Ф.Гализина[93], М.Б.Воловичларнинг ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланиши назариясини амалга ошириш усули; П.И.Третьяков, И.Б.Сенновский, М.А.Чошановларнинг модулли таълим усули; таълимда интеграция усули; экологик маданиятни тарбиялаш усули; глобал таълим концепцияси; фуқаролик таълими концепцияси; ўқув фанлари мазмунини интеграциялаш модели; табиий илмий фанлар интеграцияси модели; параллель дастурлар, ўқув курслари ва мавзуларни мувофиқлаштириш модели; интеграллашган машғулотлар модели; фанлараро алоқа модели; жамланган таълим модели;

9. Ўқув фанлари бўйича педагогик усуллар: Н.А.Зайцевнинг саводга ўргатишнинг эрта ва тезкор усули; Р.Г.Хазанкиннинг математикага масалаларни ечишга асосланган ўқитиш усули; А.А.Окуневнинг самарали дарслар тизими асосидаги педаго-

гик ёндашув; Н.Н.Палтишевнинг физикага ўргатишнинг босқич-ма-босқич системаси; Д.Б.Кабалевскийнинг мактаб ўқувчиларини мусиқавий тарбиялаш усули.

10. «Энг яхши йил ўқитувчиси» муаллифлик педагогик усуллари: А.В.Зарубанинг мусиқали фикрлашни шакллантирувчи муаллифлик технологияси; О.Г.Парамановнинг рус тили ва адабиётини ўқитишнинг муаллифлик технологияси; М.А.Нянковскийнинг адабиётни ўқитишнинг муаллифлик усули; З.В.Климентовскийнинг кичик ёшдаги мактаб болалари нутқини ривожлантириш муаллифлик технологияси; Е.А.Филиппованинг чет тилини ўрганишда ўқувчилар шахсини ривожлантириш муаллифлик усули; А.Е.Глозманнинг меҳнат таълими ва тарбияси муаллифлик усули; В.Л.Ильиннинг математика фанини ўқитиш муаллифлик усули; В.В.Шиловнинг мусиқавий тарбия муаллифлик усули; В.А.Морарнинг рус тили ва адабиётини ўқитишнинг муаллифлик усули; А.В.Криловнинг технологиялар фанини ўқитишнинг муаллифлик усули; И.Б.Смирновнинг чет тили фанини ўқитишнинг муаллифлик усули; дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар усули.

11. Муқобил усуллар: иқтидорлилик белгилари мавжуд болаларни ўқитиш усули; А.М.Лобокнинг эҳтимоллик таълим усули; тил маданиятини ўзлаштиришнинг хусусиятлари; ўзга математика усули; устахоналар усули; А.В.Хуторскаянинг эвристик таълим усули.

12. Табиатга мос келувчи усуллар: А.М.Кушнирнинг тилга ўргатишнинг табиатга мос келувчи усули; А.М.Кушнирнинг ўқишга ўргатишнинг табиатга мос келувчи усули; А.М.Кушнирнинг ёзувга ўргатишнинг табиатга мос келувчи усули; А.М.Кушнирнинг чет тилига ўргатишнинг табиатга мос келувчи усули; М.Монтессорининг мустақил ривожланиш усули; соғлиқни асраш усули; дальтон-режа усули; С.Френенинг эркин меҳнат усули;

13. Ривожлантирувчи таълим усули: Л.В.Занковнинг ривожлантирувчи таълим тизими; Д.Б.Эльконин, В.В.Давидовларнинг ривожлантирувчи таълим усули; А.А.Востриковнинг

диагностик тўғридан-тўғри ривожлантирувчи таълим усули; И.П.Вольков, Г.С.Альтшуллер, И.П.Ивановнинг шахснинг ижодий сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим системаси; И.С.Якиманскаянинг шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим; А.А.Ухтомский, К.К.Селевко-нинг талаба шахсини мустақил ривожлантириш усули; Л.Г.Петерсоннинг ривожлантирувчи таълимнинг интегратив усули; ривожланувчи таълимнинг интегратив усули.

14. Янги ахборот воситаларини қўллаш асосидаги педагогик усуллар: ахборот маданиятини ўзлаштириш усули; таълим муассасаларини ахборотлаштириш (компьютерлаштириш) модели; компьютер ўрганиш объекти ва фани сифатида; ахборот-компьютер воситаларини фан таълимида қўллаш усули; компьютер дарси усули; таълим жараёнини компьютер билан қўллаб-қувватлаш воситаларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш усули; ўқув-тарбия жараёнида Internetдан фойдаланиш усули; телекоммуникациялар усули; оммавий ахборот ва коммуникация воситалари билан тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш; медиатаълим усули; таълим муассасасини бошқаришда АКТ воситаларидан фойдаланиш.

15. Ижтимоий-тарбиявий усуллар: оилавий тарбия усули; мактабгача тарбия усули; С.Т.Шацкийнинг мактаб-ижтимоий муҳитда тарбия маркази усули; ижтимоий-педагогик комплекслар усули; мактаб ва ишлаб чиқариш ҳамдўстлиги модели; болани ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш комплекси модели; қўшимча таълим усули; жисмоний тарбия, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш усули; меҳнат, касбий тарбия ва таълими усули; замонавий оммабоп мактабда меҳнат билан тарбиялаш ва таълим бериш усули; контекстланган касбий-йўналтирилган таълим усули; ёш авлод маънавий маданиятини тарбиялаш усули; муаммоли болаларни тарбиялаш ва ўқитиш усули; таълимни табақалаштириштириш ва индивидуаллашиши усули; оммавий мактабда муаммоли болалар билан ишлаш усули; ҳаётий фаолият имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий-педагогик реабилитациялаш ва қўллаб-қувватлаш усули; ақли заиф болалар билан ишлаш

усули; алоҳида таълим эҳтиёжи бор болалар билан ишлаш усули; ижтимоий алоқалари ва муносабатлари бузилган болаларни реабилитациялаш усули; ижтимоий алоқалари ва муносабатлари бузилган болаларни реабилитацияси усули; тумандаги ижтимоий-тарбиявий ишнинг мувофиқлаштирувчи маркази модели; вояга етмаганларнинг ижтимоий реабилитацияси маркази; ижтимоий етимхона модели; болалар ва ўсмирларни ичиш ва чекишга қарши тарбиялаш усули; ахлоқ тузатиш муассасаси модели; одамнинг субъект ижтимоий фаоллигини тарбиялаш усули; жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш усули ёки PR-технологиялар.

16. Тарбиявий усуллар: А.С.Макаренконинг қаттиқ жамоавий тарбия усули; И.П.Ивановнинг жамоавий ижодий фаолият усули; В.А.Сухомлинскийнинг инсоний жамоавий тарбия усули; В.А.Караковский, Л.И.Новикова, Н.Л.Селивановаларнинг тизимли ёндашув асосида тарбия усули; замонавий оммавий мактабда тарбия усули; индивидуаллашган тарбия усули; индивидуаллашган тарбия технологияларининг умумлашган таснифий характеристикаси; О.С.Газманнинг педагогик кўллаб-қувватлаш модели; таълим жараёнида тарбия; А.И.Кочетов, Л.И.Рувинскийларнинг мустақил тарбияни ташкиллаштириш усули.

17. Муаллифлик мактаби педагогик усуллари: Е.А.Ямбург, Б.А.Бройделарнинг мослаштирувчи педагогика мактаби; Ф.Гончаровнинг миллий мактаб модели; А.Н.Тубельскийнинг ўзини англашнинг муаллифлик мактаби; А.А.Католиковнинг агромактаб усули; Д.Ховарднинг эртанги кун мактаби усули; Э.Сейтхалилов, С.Турсуновларнинг саломатлик мактаби усули; А.В.Хуторской, Г.А.Андрриановаларнинг масофавий таълим маркази.

18. Ички бошқарув усуллари: умумтаълим мактабини бошқаришнинг базавий модели; ривожланиш тартибида мактабни бошқариш усули; П.И.Третьяковнинг ижобий натижалар бўйича мактабни бошқариш усули; Г.К.Селевконинг ўқув-услугий ишларни бошқариш усули; педагогик маслаҳатлар; Ю.К.Бабанскийнинг таълим муассасасини бошқаришни оптималлаштириш усули; педагогик тажриба усули; ички мониторинг усули.

Ушбу таълим технологияларини ўқитиш ва ўқиш жараёнида кенг қўллаш ёрдамида таълим жараёнида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим тизимимизга замонавий педагогик технологияни кенг жорий этилиши: ҳар бир таълим олувчига алоҳида шахс сифатида қараш, уларда мустақил танқидий фикрлашни ривожлантиришга эришиш ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил билим олишларини ривожлантиришнинг аниқ асосини белгилаш имкониятини ярадади.

Учинчи боб хулосалари

Таълим муассасаларда ўқитиладиган фанлар бўйича янги таълим мезони ва фан дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди. Бу эса, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинаётганлигидан далолат беради. Шуларни эътиборга олган узлуксиз таълим тизимидаги фанларини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, ўқитувчи фаолиятини лойҳалашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу бобда қуйидаги масалалар ҳал этилди. Хусусан:

1. Ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил қилишнинг омилларидан бири ўқитувчининг ўқитадиган ўқув фанларни лойҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясини қандай бўлишлиги кўрсатиб ўтилди.

Таълим ва тарбия тизимида ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув машғулотларини лойҳалаб ўқитишга педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий моделини асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойҳалари тузиб чиқилди. Том маънода фанларни лойҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди. Бундан эса,

педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларни лойиҳалари асосида ўқитиш ўқитувчидан талаб қилинадиган ва унинг методик тайёргарлигини шакллантиришда инновацион компонент сифатида хизмат қилади.

Буларни барча ўқитувчи (педагог)лар яхши ўзлаштириб, амалиётда тинмай қўллаб борсаларгина жамиятимиз маорифчилар олдига қўяётган ижтимоий буюртмани, фахр билан бажара олишга муваффақ бўладилар.

2. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда андаза сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепцияси қандай бўлишлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатдан ҳам, педагогика олий таълим муассасаларда математика ўқитишни тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда. Шуларни эътиборга олган «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланилади.

«Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг методик системасини ривожлантиришда М. Тожиев, М. Баракаев ва А.Хуррамовларнинг «Математика ўқитиш методикаси фани ўқув машғулотлари лойиҳаси» номли ўқув ва илмий-методик қўлланмаси [63] асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди. Бу эса «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди.

3. Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни кўрсатиб берилди.

Таълим тизимимизга замонавий педагогик технологияни кенг жорий этилиши: ҳар бир таълим олувчига алоҳида шахс сифатида қараш, уларда мустақил танқидий фикрлашни ривожлантиришга эришиш ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил билим олишларини ривожлантиришнинг аниқ асосини белгилаш имкониятини яратади.

VI БОБ. ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ – ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

1-§. Ўқув машғулотларни лойиҳалаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва лойиҳаларни тузиш намунаси

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда юксак ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассислардан касбий билимларни, юксак маданиятни, маънавий етукликни ва кенг дунёқарашни талаб этади. Ушбу талаблар ва интилишлар асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизимини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларида таълим жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш жараёнини жадаллаштириш асосида таълим сифатини янада яхшилаш масаласини қўйди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар замонавий педагогик технология тамойилларини асосида фанларнинг ўқув машғулотларини босқичма-босқич лойиҳасини тузиб чиқишлари талаб этилади.

Таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш кўп жihatдан фан ўқитувчиси ва педагогларининг ўқув жараёнини педагогик технология тамойиллари асосида лойиҳалаб, улардан ўқув машғулотларида самарали фойдалана олишларига боғлиқдир.

Педагогик жараёнга таълим ва тарбиянинг турли усуллари ва воситалари жалб этила бошланган ҳозирги пайтда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш муҳим. Педагогик тех-

нология усули, тўғри лойиҳаланган машғулотларни қайта так-
рорлаш имконини беради ва шу жиҳатидан ўқитувчи ҳамда педа-
гогинг методик маҳорати, шахсий фазилатларидан қатъий назар
ўқув ва амалий машғулотларни юқори натижаларга олиб келиш-
га шароит яратади.

Педагогик технология фаолиятни қатъий алгоритмлашни та-
лаб этмайди, балки ижодий фаолиятга кенг ўрин беради ва ша-
роит яратади. Лекин бу ижодий фаолият мазкур методик тамо-
йиллар моҳиятига мос келиши лозим бўлади. Ўқитувчи ва таҳ-
сил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш табиатига кўра кенг йўна-
лишдаги муаммолар бўлишини тақозо этиб, ижодий ва изланув-
чан усулларни қамраб олади. Бу муаммолар аниқ ҳаётий ва ама-
лий натижага йўналтирилган бўлади.

Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштириш-
нинг асоси бўлган ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ҳозирги замо-
навий таълимида кенг қўлланилиб, кейинги вақтларда назарий
ҳам амалий методикага ва дидактикага кириб келди. Ўқитиш жа-
раёнини лойиҳалаш замонавий педагогик технологияни таълим
жараёнига қўллашнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.
Математика фанлари ўқитиш жараёнини лойиҳалаш орқали ўқув
фанини ўқитишнинг методик системаси ва унинг элементлари
(таълим мақсади, мазмуни, усуллари, восита, шакл ва жараёнла-
ри) орасидаги узвийлик тамойилига асосланиб таълимни ташкил
этиш, таълимда қўйилган мақсад ва ундан кутилаётган натижага
босқичма-босқич эришишни таъминлайди.

Ушбу бобда хорижий мамлакатлар ва республикадаги олий
ўқув юртлари ўқитиш жараёнининг лойиҳаларини тузиш ва уни
амалда жорий этилиши бўйича қиёсий таҳлили ўрганилди ва ан-
доза сифатида фойдаланиб, республикамизнинг олий таълим
муассасаларида ўқув жараёнини ҳамда ўқитувчи ва таҳсил олув-
чилар фаолиятини лойиҳалаш ва улардан таълим амалиётида
фойдаланиш методикасини «Математика ўқитиш методикаси»-
фан ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалаш мисолида кўриб ўтиш-
га бағишланди.

Ҳозирги кунда методологик жиҳатидан олий таълимда ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, хусусан олий таълим муассасаларининг математика таълим соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш юзасидан ўқитилаётган математика фанларининг ўқув машғулотларини ва таълим жараёнларини лойиҳаларини тузишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқотнинг педагогик ва психологик жиҳатлари М.И. Махмутов[80], В.А.Сластенин[31], В.С.Леднев[100], П.Т. Магзумов[101], М.Г.Давлетшин[102], Ф.Р.Юзликаев[103], Э. Ғозиев[104] ва бошқалар каби олимларнинг ишларида ёритилган бўлса, таълим муассасаларда математика фанларини ўқитишнинг методик жиҳатларини ўрганиш бўйича Ж.И.Икромов[105], Н.Р.Ғайбуллаев[106], Ю.И.Калягин[107], А.А.Столяр[109], В.И.Мишин[110], А.Г. Мордюкович[112], Г.И. Саранцев[113], Г.В.Злоцкий[114], С.Алихонов[115], Н.Эшпўлатов[116], Ч.Мирзаев[58] ва бошқалар томонидан эътиборга сазовор тадқиқотлар амалга оширилган.

Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ қилишнинг амалий жиҳатлари ва фанлар ўқув машғулотлари ва ўқув жараёнларини лойиҳаларини яратиш соҳасидаги ишларни Б.Зиёмухаммадов[22], Л.В.Голиш[23], Д.М. Ғайзуллаева[23], М.Тожиев[29], Ҳ. Қаршибоев[25], А.Алимов[27], Г.Изетаева[56] ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин.

Таълим жараёнида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг таркибий қисми бўлган, таълимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдукодиров[9], М.М.Арипов[118], У.Юлдашев[119], У.Ш.Бегимкулов[120], Ш.С.Шарипов[24], И.И.Тайлақов[121] ларнинг ишларида амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига Б.Ҳодиев[122], Б.Х.Раҳимов[123], И.У.Мажидов[123], А.Ҳоджаев[125], Э.А.Сейтхалилов[126],

Ш.Қурбонов[127], У.Иноятов[128]ларнинг илмий ишлари бағишланган.

Замонавий ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизи ҳисобланиб, ушбу жараёнда ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндошувлар ва унинг таркибий қисми бўлган инновацион педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқитиш жараёнини лойиҳаларини тузиш ва уларни таълим амалиётига жорий этилиши олий таълим тизимида объектив аҳамият касб этмоқда.

Шахс камолотини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс бўлиб, педагогик технология асосида олий таълим муассасаларда ўқитилаётган фанлар ўқув машғулотлари ва таълим жараёнини лойиҳалаш бўйича профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг кўникмаларини ҳосил қилиш куннинг талаби бўлмоқда.

Юқорида номлари қайд этилган тадқиқот ишларида олий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ қилиш, таълим жараёнини лойиҳалаш, олий таълим муассасаларда ўқитилаётган фанлар машғулотлари лойиҳаларини тузишнинг айрим жиҳатлари борасида назарий, амалий ва услубий аҳамиятга эга бўлган қарашлар илгари сурилган бўлса-да, шу вақтга қадар ривожланган хорижий мамлакатлар ва республикадаги олий ўқув юртлари ўқитиш жараёнида педагогик технология тамойиллари асосида математика фанлари ўқув жараёнини лойиҳалашнинг назарий асослари ва улардан амлиётда фойдаланиш методикаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш бўйича хорижий мамлакатлар ва республикада фаолият юритаётган олимларнинг илмий-тадқиқотлар бағишланган бўлиб, хусусан, В.П. Беспалко «Методические указания по проектированию процесса обучения» [13], В.М.Монахов «Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса» [65], Г.Л. Ильин «Теоретические ос-

новы проектирования образования: докторлик диссертацияси» [66], Т.К.Смыковская «Теоретико-методические основы проектирования методической системы учителя математики и информатики» [67], С.В. Васекин «Технологические процедуры оптимизации при проектировании учебного процесса по математике» [68], О.Б. Епишева «Деятельностный подход как теоретическая основа проектирования методической системы обучения математике» [69], Г.А. Монахов «Теория и практика проектирования учебного процесса как ведущего компонента в профессиональной деятельности учителя» [70]. Шунингдек, ўқув жараёнини лойихалаш бўйича республикамик педагог-олимларнинг хам хизматлари катта бўлиб, Л.В.Голиш, Д.М. Файзуллаева «Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш» [23], М.Тажиев, В.Зиямухамедов, М.О`ралова «Pedagogik tehnologiya va pedagogic mahorat fanining o`quv mashgʻulotlarini loyihalash (Pedagogik ehnologiya milliy modelining amaliyotga tatbig`i)» [71], М.У.Қўчқаров, И.М.Зулфқоров, Г.К.Изетаева, Г.А.Опаева «Олий математика фани ўқув машғулотларининг лойихалари (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи)» [72], [124], [129,130] ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, **лойиха** тушунчаси бирор ғоя, ўйланган режа ҳақидаги фикрларни амалда ишлаб чиқишдир. **Лойиха** – бирор маҳсулотни тайёрлашдаги ташкилий ва амалий ишлар ҳам тушунилади. Ўқув тарбиявий ёки ташкилий ишлар, масалан, математика фани ҳафталиги, спорт байрамлари, «Кичик мактаблар» фаолияти кабиларни маълум йўналишда ва маълум мавзуда ташкил этишга ҳам лойихалаш деб қараш мумкин. Бироқ бунда лойихалаш усулига риоя қилиш лозим бўлади. **Лойихалаш усули** – дидактик мақсадга эришиш учун муаммоларни топиш, аниқлаш ва уларни ишлаб чиқиш технологияси. **Лойихалаш фаолияти** талабалар билан ишлашни ташкиллаштиришнинг энг оммабоп ва самарали шакллари дандир.

Математика фанлари ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш учун, аваломбор ушбу фан олдига қўйилган мақсадларни ифода этувчи, жадваллар тузилади[33]. Бу иш қуйидагича амалга оширилади.

Биринчи қилинадиган иш, фаннинг ўқув дастурини қўлга олиб, уни шартли равишда юқори иерахия поғонадаги «Энг катта модуль» деб қабул қилинади. Сўнгра фаннинг олдига қўйилган умумий таълимий ва тарбиявий мақсадлари белгиланиб, жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал биринчи деб қўйилади. Фаннинг умумий мақсадлари, шу фан учун ишлаб чиқилган таълим стандарти ва жамиятни фуқаролар ижтимоий сифатларига қўйган талабларига жавоб бериши шарт.

Ўқув фанининг умумий мақсадларини аниқлашда, юқорида кўрсатилган умумий ва хусусий методологик асосларга суянилади. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади.

Биринчидан, юқорида қайд қилинган, давлат ва жамиятнинг таълим тизимига қўйган талабларини ҳамда диалектика ва мажму ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларини, компьютерга йирик ҳарфлар билан тушириб, тепасига умумий методологик асос деб ёзиб қўйилади.

Иккинчидан, дидактика қонун, қоида ва принципларини ҳамда ёш психологияси ва психоанализ қоидаларини ҳамда педагогик технология тамойилларини компьютерга тушириб қўйилади.

Ўқув машғулот лойиҳасини тузишда, бу икки файлни очиб, ўқув фанининг умумий мақсадларини шакллантиришда, биринчи файлга қараб туриб, қўйилаётган бу мақсад давлат ва жамият педагоглар олдига қўйган талабларига жавоб берадими ва бу мақсад дидактика билан мажму ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларидан келиб чиқадими? Шуни аниқлаш керак. Шунингдек иккинчи файлга қараб туриб, қўйилаётган мақсад дидактика қонун, қоида ва принципларидан келиб чиқиб, ёш психологияси ва психоанализ қоидаларига жавоб берадими?, деган саволларни қўйиб туриб, шакллантирилаётган мақсадларни, уларга мослаштирилади.

Иккинчи қилинадиган иш, шу фан, яъни энг катта модуль ичидаги билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрни тугаланганлигидан келиб чиқиб, ўқув материалини катта бўлақларга бўлиб чиқилади ва уларнинг «Катта модуль» деб номланади. Шундан сўнг, ҳар бир катта модулнинг мақсадлари белгиланади, уларга ажратилган соатларни кўрсатиб, жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал иккинчи деб қўйилади. Катта модуллар мақсадлари энг катта модулдаги мақсадлардан келиб чиқиб, уларга мос тушиши шарт. Ҳар бир катта модулларга ажратилган соатлар йиғиндиси, шу фанга берилган соатларнинг умумий сонига тенг бўлиши керак. Катта модулларнинг мақсадларини шакллантиришда ҳам, юқорида айтилгандек, умумий ва хусусий методологик асослар тушурилган қоғозларга қараб ва улардан келиб чиқиб, мақсадлар белгиланади.

Учинчи қилинадиган иш, ҳар бир катта модуль ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан баробар, ҳажм жиҳатидан бир жуфт соатлик ўқув машғулоти орқали талабаларга етказилиши лозим бўлган билимлар ажратилади ва уларга «Ўрта модуль» деб ном берилиб, уларнинг ҳам таълимий ва тарбиявий мақсадлари кўрсатилади ва жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал учинчи деб қўйилади. Ҳар бир ўрта модулнинг мақсадларини белгилашда, юқоридагидек умумий ва хусусий методологиялар ёзилган қоғоздан кўзни узмай туриб, бу иш бажарилади.

Иккинчи навбатда, ҳар бир жуфт соатлик ўқув машғулотининг, яъни ўрта модулнинг хусусий жадваллари тузилади. Бу иш қуйидагича амалга оширилади.

Биринчи қилинадиган иш бир жуфт соатлик ўқув машғулоти, яъни ўрта модулни, ундаги бериладиган билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрни тугаланганлигини инобатга олиб, бир нечта «Кичик» модулларга бўлинади. Сўнг, юқорида қўйилган умумий мақсадлардан келиб чиқиб, ҳар бир кичик модуль олдига қўйилган хусусий таълимий ва тарбиявий мақсадлари белгиланади ва ҳар бир кичик модулга ажратиладиган вақт кўрсатилади. Шундан сўнг шу кичик модуль якунида талабалар бажариши

шарт бўлган иш ҳаракатлар аниқланади. Иш ҳаракатларни белгилашда, педагогик технология тамойилларидан фойдаланилади.

Иккинчи қилинадиган иш ҳар бир ўрта модуллар орқали берилнадиган билимлар ичидан таянч тушунчаларни ажратиб, улар асосида талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади ва баҳолашнинг тури ва мезонлари аниқланади. Бунда дидактиканинг қонун ва қоидаларидан келиб чиқилади.

Учинчи қилинадиган иш ўқув машғулотининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган машғулотнинг тури ва типи белгилаб олинади.

Тўртинчи қилинадиган иш ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар кўрсатилади.

Бешинчи қилинадиган иш муайян ўқув муассасасида мавжуд ахборот-коммуникация технологиялардан келиб чиқиб, ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади.

Ушбу ўқув машғулотни лойиҳасини тузишнинг хусусий жадвалларида кўрсатилган тартиб бўйича, ўқув машғулотни жараёнини амалга оширишнинг сценарийси ёзилади. Унда ҳар бир ўрта модулда берилнадиган билимлар бирма-бир ифодаланиб, уларни таълим олувчиларга етказишда қўлланиладиган ўқув машғулотни типи, педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади.

Сценарий матнини ёзишда юқоридаги иккита файлга ёзилган қонун ва қоидаларга амал қилинади.

Матнда, семиз ва курсив ҳарфлар билан ажратилган жойлари талабалар ёзиб олишлари учун тавсия қилинади.

Сценарий педагог ва талаба диалоги майлида амалга оширилади[129].

Намуна сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фани битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш тажрибасини кўрсатиб ўтамыз.

1

Ўқув машғулотининг умумий мақсади

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бош мақсади баркамол инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш ва шахсга янги қарашнинг туб моҳиятини, жамият ва иқтисодийнинг бугунги ривожланиш босқичида таълим олдига янги талабларни қўйилиши ва бунинг натижасида ўқитишнинг янги концепцияси, янги ёндашувни вужудга келиши ва педагогик технологиянинг пайдо бўлиш омилларини ва бу омилларни тарихан ва мантиқан боғлиқлигини, шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш заруриятини, бунинг учун эса талабаларда илм-фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги синергетика ғояларидан келиб чиқувчи мажму ёндашув тамойилини белгилаб бераётганлиги ва бунинг барча фанлар ривожланишига, шу жумладан педагогика фанига ҳам кўрсатаётган таъсирини талабалар онгига етказиш.

2

Т/р	Мавзу бўлақлари номи	Мавзу бўлақларининг мақсадлари
1.	Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахсни шакллантириш ва педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурият «таълим технологияси»ни вужудга келиши ва унинг ривожланиш босқичлари	«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар стратегиясини ва «Кадрлар тайёрлаш миллий модели»нинг туб моҳиятини ва шахсга янги қарашни, таълим тизимидаги ислохотларда педагогик технологиянинг ўрнини, унинг вужудга келиши омилларини талабаларга ўргатиш.

2.	Жаҳондаги дидактик тизимлар ва педагогик технологиянинг вужудга келиши ва уни самарали жорий этиш масаласи.	Талабаларга Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган миллий педагогик технология моделини яратилиши ва уни таълим-тарбия амалиётида қўллаш зарурлигини уқтириш, уларга очиб бериш.
3.	Квантлар назариясидан келиб чиқувчи синергетик дунёқарашнинг ҳосиласи бўлган системалар назарияси ва таълим-тарбия соҳасидаги ўрни.	Талабаларга квант назарияси ва синергетика ғояларига оид билимларни моҳиятини тушунтириш, система тушунчасини таърифлаб бериш, унга хос белгиларни айтиб, турларини, тамойилларини санаб бериш.

3

Т/р	Таянч сўз ва ибора (тушунча)лар	Назорат саволлари
1.	Таълим модернизацияси, баркамол шахс, кадрлар сифати, демократлаштириш, педагогик техника («таълим техникаси»)	<p>1. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади нима?</p> <p>2. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиянинг асосий ғоясини таҳлил қилиб кўринг.</p> <p>3. Замонавий малакали мутахассис сифатларини санаб беринг.</p> <p>4. Шахсда замонавий малакали мутахассис эга бўлиши керак бўлган сифатларни шакллантириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?</p>
2.	Дидактик тизим, технологик жараён, педагогик жараён, объект, субъект	<p>1. Жаҳондаги дидактик тизимларни таҳлил қилиб беринг?</p> <p>2. Технологик жараён деб қандай жараёнга айтилади?</p> <p>3. Ишлаб чиқаришда технологик жараён нима мақсадда қўлланилади?</p> <p>4. Ишлаб чиқаришдаги технологик жараённинг қайси жиҳатларини таълим жараёнига қўллаш мумкин, деб ўйлайсиз?</p>

3	Квант назарияси, синергетика, фуқонал алақадорлик, системалар назарияси, тизим, мажмуа, мажму, замонавий дарс, «поғонадорлик» (иерархиялилиқ)	1. «Квант назарияси» ва «Синергетика»нинг моҳиятини айтиб беринг. 2. Системалар назариясини тушунтириб беринг? 3. «Тизим», «Мажмуа» ва «Мажму» тушунчалари фарқини айтиб беринг. 4. Мажму турлари, тамойилларини санаб беринг, уларни шарҳланг.
---	---	--

Изоҳ. Кичик модулардаги назорат саволларидан ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ таълимида ҳам фойдаланадилар.

4

Тест синов варағи

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида ислохларни бошлаб юборилганли-гининг асосий сабаби нима?	А.	Ривожланган мамлакатлардан андоза олингани.
		Б.	Техник тараққиёт натижасида ўқув воситаларининг такомиллаштирилгани.
		В.	Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги.
		С.	Давлат таълим стандартлари қабул қилинганлиги.
2.	Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги, энг аввало, таълимнинг қайси таркибий қисмини ўзгаришининг келтириб чиқарди?	А.	Таълим шакли
		Б.	Таълим тизими
		В.	Таълим мазмуни
		С.	Таълим мақсади
3.	Нима сабабдан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимга педагогик технологияни жорий қилишга муҳим аҳамият қаратилган?	А.	Педагогик технологияни жорий қилиш – замон талабига айланганлиги
		Б.	Таълимда компьютер технологияларни қўллаш зарурияти туғилгани
		В.	Ўзгарган таълим мақсади таълим жараёнига бўлган ёндашувни тубдан ўзгартиришни талаб қилади.
		С.	Дунё мамлакатларига интеграциялашув учун Ўзбекистон таълим тизими ривожланган мамлакатлар таълим тизими каби ташкилланиши зарур эканлиги.

5

Ўқув машғулоти тури унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

Ўқув машғулоти-нинг шакли	Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза
Ўқув машғулоти-нинг тури	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш; билимни кўникмага айлантириш
Қўлланиладиган усул ва услублар	Тушунтириш; айтиб бериш; иллюстрация; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест.
Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЭТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар).
Таълим шакллари	Якка ҳолда, жамоавий, оммавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	ФСМУ усули бўйича ёзма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

6

Педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари ва дидактик материаллар

Ўқитишнинг техник воситалари	Дидактик материаллар
Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модулар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади.	Педагогик технологияга оид дарсликлар, услубий қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуи ва кўрсатмалар қуроли хамда ўқув машғулотининг лойиҳаси.

7

Ўқув машғулоти мазмунини ифода этувчи матн сценарийси берилади.

2-§. Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштириш

XXI асрга келиб фан-технология кундан-кунга ривожланиб бормоқдаки, натижада ахборотлар оқими ошиб бормоқда. Бу эса меҳнат ва хизматлар бозорида фаолият юритаётган ҳар бир ходимдан билимларини қисқа вақт ичида янгилаш, доимий равишда кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш ва ўз вақтида уларнинг ўз касби ҳамда шахсий камолоти учун зарур бўлганларни ўзлаштириб боришини тақозо этмоқда. Акс ҳолда қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар у ўзининг меҳнат ва хизматлар бозоридаги ўрнини йўқотиб қўймоқда.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизими натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, касбий ва маънавий жиҳатдан ҳозирги кун талаблари даражасидаги ёшларни тарбиялашда таълим тизимига инновацион педагогик технологияни амалга жорий этиш муҳим ўрин тутади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947 сонли Фармонида таълим жараёни сифатинини тубдан яхшилашга алҳида эътибор қаратилган[2]. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар замонавий педагогик технология тамойиллари асосида ўқув жараёнини режалаштириш ва босқичма-босқич лойиҳаларини тузиб чиқишлари талаб этилади.

Педагогик технологияни таълим жараёнига амалий татбиқ этиш талаби ҳам юқоридаги ислохотлар давоми ҳисобланиб, бун-

га эришмасдан туриб: **биринчидан**, таълимни самарали амалга оширишнинг имконияти йўқ, **иккинчидан**, меҳнат ва хизматлар бозоридаги рақобатга бардош бера оладиган кадрларни тайёрлашни амалга ошириб бўлмайди.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагогик технология кеча ёки бугун пайдо бўлган воқеялик эмас, балки ҳар бир тарихий даврнинг ўз педагогик технологияси бўлган ва улар инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжлари ошиб борган сайин ривожланиб борган.

Ҳақиқатан ҳам, инсониятда маданият пайдо бўлган даврдан бошлаб технологиялар пайдо бўла бошлаган бўлиб, унинг маънавий ва иқтисодий эҳтиёжлари ортиб борган сайин технологиялар ҳам мукаммаллашиб борди.

Умуман технологияларни иккита турга ажратиб қараш мумкин:

1. Саноат технологиялари.
2. Ижтимоий технологиялар.

Таълим самарадорлигини юқори даражага кўтариш муаммосига бевосита янгича технологик нуқтаи назардан ёндашув йигирманчи асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди ва 50-йилларга келиб таълим жараёнини ўзига хос «технологик» усулда ташкил этиш ҳаракати вужудга келди. Натижада педагогик технологиянинг назарий ва амалий асослари яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнига технологик ёндашувнинг вужудга келиши ва ривожланиш даврини шартли равишда қуйидаги 3 та босқичга ажратиб қараш мумкин:

1. Ўқитувчи. Бу даврда талаба таълим жараёни объекти бўлиб, у учун билимлар манбаи фақатгина ўқитувчининг ўзи бўлган.

2. Ўқитувчи, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар. Бу даврда ҳам талаба таълим жараёнининг объекти ҳисобланиб, у учун ўқитувчидан ташқари дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билимлар манбаи бўлиб хизмат қилган.

3. Ўқитувчи ва талаба, улар учун турли таълим воститалари, ўргатувчи машиналар, дастурланган таълим (Таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ёндашувлар. **Масалан:** муаммоли таълим технологияси, модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси ва ҳ.з) таълим жараёнини амалга оширишга хизмат қилиб, бунда ўқитувчи ҳам талаба ҳам мазкур жараён субъектлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳар бир ўқув фани бўйича таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва шу асосида таълим жараёнини ташкил этиш унинг мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутди. Барча ўқув фанлари қатори **математика туркумидаги фанлар бўйича таълим технологияларини** қуйидагиларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш қоидаларини аниқлаш.

2. Таълим мақсадини белгилаш, яъни:

- ўқув фанининг тузилиши ва мазмунини аниқлаш;
- мазкур фан бўйича ўқув ахборотининг ҳажми ва мураккаблигини аниқлаш.

Замонавий таълимда ҳар бир ўқув машғулоти таълим жараёнини олдиндан **режалаштириш ва лойиҳалаштириш** муҳим ҳисобланиб, уни амалга оширишда қуйидаги **қоидаларга** (замонавий таълим технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчи фаолиятининг кетма-кетлиги) амал қилиш талаб этилади:

- таълим жараёнини режалаштириш.
- таълим жараёнини лойиҳалаштириш.
- таълим жараёнида талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма-босқич амалга оширишни аниқлаш.
- таълим жараёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Замонавий таълимда ҳар бир ўқув машғулотини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда **Таълим технологияси модели** муҳим ўрин тутди (**Қаранг:** таълим технологияси инновацион модели II боб, 3-§ да тўлиқ берилган).

Режалаштириш яъни, истиқболдаги исталаётган моделни яратиш – лойиҳалаштириш билан қиёсланганда бу жузъийроқ туншунча ҳисобланилади [132].

Кутилаётган таълим натижаларига эришиш мақсадида ўқитувчи томонидан таълим жараёнига тайёргарлик кўриш, яъни таълим шакллари, воситалари, методлари, технологиялари, олдиндан тўғри танлаш, кутилаётган натижалар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш жараёни – ўқув машғулоти **режалаштириш** [132] деб юритилиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бутун таълим даври бўйича;
- бир ўқув йили бўйича;
- семестрлар бўйича (чораклар бўйича);
- бир ой бўйича;
- бир ҳафта бўйича;
- бир кун бўйича;
- бир соатлик назарий ёки амалий дарс бўйича.

Таълим жараёнини олдиндан **режалаштириш** эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

– таълим мақсадларини аниқлаш, яъни **Нима учун ўқитилади?** – деган савол ҳақида олдиндан тўлиқ тасаввурга эга бўлиши;

– ўрганиладиган назарий ёки амалий материал мазмун, яъни **Нима ўрганилади?** – деган саволга олдиндан жавоб бера олиши;

– режалаштирилган таълим мазмунини етарли даражада эгаллаш орқали таълим мақсадларига эришиш учун таълим методларини танлаш, яъни **Қандай ўқитиш керак?**лиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;

– таълим мақсадларига эришишда керак бўладиган таълим воситалари, яъни? **Нима ёрдамида ўқитиш кераклиги?** ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;

– таълим мақсадларига эришишни таъминлашни ташкил этиш, яъни **Қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ?** эканлиги ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши;

– таълим жараёнида эришилган натижалар, яъни **Олдиндан белгиланган мақсадларга эришилдими ёки йўқми?** – уни

аниқлаш бўйича тўла тассавурларга эга бўлишлари талаб этилади[7].

Таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим амалиётини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий лойиҳалаш бугунги кунда тез ривожлана бошлади ва бунинг предмети сифатида техник ва социотехник объектлар эмас, балки авваломбор ижтимоий объектлар ҳисобланди. Таълим соҳасида ҳам лойиҳалаш тез ривожланмоқда. Бўлажак ижтимоий лойиҳалашнинг тури сифатида таълим жараёнини лойиҳалаш ҳисобланилади.

1. Ижтимоий лойиҳалашда техник объектларни лойиҳалашдагидек аниқлик бўлмаслиги мумкин.

2. Асосан ижтимоий лойиҳаларнинг сифати, уларни ким ва қандай амалга оширишига боғлиқ.

Таълим жараёнини лойиҳалаш масалалари билан педагогика фанлари мажмусида В.П. Беспалько[13], В.М. Монахов[14], С.В. Васекин[68] ва бошқалар, республикамизда Л.В. Голиш[23], Б. Зиёмухамедов[32], М.Тожиев[32], Ў.Қ. Толипов[18], Х.Қаршибоев[25], Д.Файзуллаева[23], А.Хуррамов [78] ва бошқаларнинг илмий ишларида унинг назарий томонидан асослаб берилганлигини кўриш мумкин.

Рус тили луғатларида лойиҳалаш, **«проект»** сўзининг маъноларидан бири ҳаракат деган изоҳ берилади, яъни **«проект»** – бирор нарсанинг иншооти, қурилиши тайёрланиши ёки реконструкция қилиниши бўйича ишлаб чиқилган режа. Биз учун, **«лойиҳа»** сўзининг асосий маъноси – истиқболдаги педагогик жараённинг яхлит образи[132].

Лойиҳалаштириш, яъни истиқболдаги исталаётган моделни яратиш – бу шундай тушунчаки, режалаштириш билан қиёсланганда бу жузъийроқ тушунча ҳисобланади. Лекин бу сўзларни қўллашда маълум фарқ мавжуд бўлиб, режалаштиришда, агар гап қиёсланаётган нарса ҳақида бораётган бўлса ва унинг муҳим томонлари ва ўзгаришлари назарда тутилмаса, у ҳолда жорий фаолиятни режалаштиришда катта ҳажмдаги бунёдкор, ижодий иш

ҳақида борганда, кўпинча «**лойихалаштириш**» термини ишлатилади. Шунинг учун ҳам режалаштиришга лойихалаштиришнинг босқичи деб қараш мумкин. Лекин, бу ҳолда бу тушунчалар ўртасидаги муносабатни аниқлаб бўлмай қолади. Лойихалаштириш ва башорат қилиш бу бир хил нарса эмас. Агар башорат келажакда нима содир бўлиши мумкинлигини билдирса, лойихалаш эса «Нима қандай бўлиши керак?» деган саволга жавоб бўлади.

Лойихалаш тушунчаси моделлаштиришга синоним деб, қаралиши мумкин, лекин, лойихалашга махсус ташкил этилган инсон фаолияти сифатида қаралганда, моделлаштириш, ўта муҳим бўлсада, лойихалашнинг бир қисми деб ҳисобланади[132].

Таълим жараёнини лойихаларини тузишда, унинг мақсадини олдиндан тўғри белгилаш муҳим ўрин тутди.

Мақсад – олдиндан белгиланган натижага эришиш маҳсули бўлиб, у таълим жараёнида унинг субъектлари (ўқитувчи ва талаба)нинг биргаликдаги фаолияти якунида режалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларининг олдиндан кафолатланишидир.

Таълим мақсадини белгилаш – бу таълим жараёнини технологиялаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, у таълим жараёнини лойихалаштириш ва таълим жараёнини самарали ташкил этишда асосий ўрин тутди.

Таълим мақсадларини таълим жараёнига кўра режалаштириш турлари:

- алоҳида олинган битта ўқув машғулотининг мақсадлари;
- фаннинг бирор бўлимини ўрганишнинг мақсадлари;
- бутун бир фанни ўрганишнинг мақсадлари;
- бутун бир мутахассисликни эгаллаш бўйича мақсадлари.
- **Ўқув машғулотларини лойихаларини тузиш куйидаги**

бочқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Қаралаётган ўқув фани дастури билан танишиб чиққан ҳолда:

- фан дастурида келтирилган мавзулар билан танишиб чиқиш;
- шу асосда тавқимий-мавзу режани тузиш;
- ҳар бир мавзунининг мазмунига доир манбаларни ўрганиш, шу асосда материаллар йиғиш;

– ҳар бир ўрганилиши керак бўлган мавзунинг моҳияти билан танишиб чиқиш, мавзуларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

2-босқич. Ўрганилаётган ўқув фани бўйича режалаштирилган ўқув машғулоти мавзуси (мазмун) бўйича:

- умумий мақсадни аниқ белгилаш;
- умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур мавзунинг кичик модуллари бўйича эришилиши керак бўлган хусусий мақсадларни белгилаш;
- белгиланган таълим мақсадига эришиш асосида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқиш;
- таълим мақсади ва вазифаларини олдиндан аниқ, пухта белгилаб олиниши;
- ўқитувчи ва талабалар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- белгиланган таълим мақсадига эришиш жараёнида вақтдан унумли фойдаланиш;
- таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш.

Юқоридагиларга амал қилган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш имкониятларини оширади ва пировардида ўқув фани (мазмун) нинг ҳар бир мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадларга эришиш таъминланади.

Фаннинг умумий ҳамда хусусий мақсадлари, шу фан учун ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти ва жамиятни фуқаролар ижтимоий сифатларига қўйган талабларига жавоб бериши шарт.

3-босқич. Мазкур босқичда таълим мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёни мазмуни ишлаб чиқилади. Бунда, таълим жараёни:

– ҳар бир мавзу бўйича ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи (фаолият мазмуни) назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради;

– ҳар бир мавзу бўйича таълим мазмуни ҳажминини аниқлаш талаб этилади;

– ҳар бир мавзу бўйича бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчаларни ажратиб олинади, улар асосида талабалар билим ва кўникмаларинини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади ва баҳолашнинг тури ва мезонлари аниқланади. Бунда дидактиканинг қонун ва қоидаларидан келиб чиқилади. Бунда, талаба ўзлаштириши лозим бўлган кўникма ҳамда малакаларнинг ҳажми етарли даражада ўз аксинини топиши талаб этилади. Чунки, таълим мазмунининг ғоявий жиҳатдан мукамаллиги ва етарлилиги талабалар томонидан муайян билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши даражаси билан белгиланади.

Мазкур босқич талабларинини тўғри амалга оширилиши талабалар томонидан белгиланган тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакаларнинг шаклланишинини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Бу босқичда талабалар томонидан янги мавзу бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли бўладиган вақт ҳажми аниқланади. Бунда, ҳар бир кичик модулга ажратиладиган вақт кўрсатилади. Шундан сўнг, шу кичик модуль якунида талабалар бажариши шарт бўлган иш ҳаракатлар аниқланади. Иш ҳаракатларни белгилашда, педагогик технология тамойилларидан фойдаланилади.

5-босқич. Ушбу босқич таълим жараёнинини лойиҳалашнинг энг муҳими ҳисобланиб, ўқув машғулотининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган машғулотнинг тури ва босқичлари шакли, воситалар, қўлланиладиган педагогик метод ва технологияларинини танлашни ўз ичига олади.

6-босқич. Бу босқичда муайян ўқув муассасасида мавжуд ахборот-коммуникация технологиялардан келиб чиқиб, ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотинини амалга оширишда қўлланила-

диган ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади.

7-босқич. Мазкур босқичда эса мисол, машқ ва топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Бунда ўқитувчидан ишлаб чиқилган мисол, машқ ва топшириқлар тизимининг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериши талаб этилиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– машғулот жараёнида талабалар томонидан ҳал этилиши шарт бўлган машқлар;

– дарсдан ташқари вақтда бажарилиши режалаштирилган машқлар (масалан: уй вазифалари).

8-босқич. ушбу ўқув машғулоти лойиҳаларини тузишнинг тартиби бўйича, ўқув машғулоти жараёнини амалга оширишнинг сценарийси ёзилади. Унда ҳар бир кичик модулда бериладиган билимлар бирма-бир ифодаланиб, уларни талабаларга етказишда қўлланиладиган ўқув машғулоти босқичлари, педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади. Сценарий матнини ёзишда[6]даги қонун ва қоидаларга амал қилинади. Матнда, семиз ва курсив ҳарфлар билан ажратилган жойлари талабалар ёзиб олишлари учун тавсия қилинади ва педагог ва талаба диалоги майлида амалга оширилади.

9-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг бу босқичида ўқитувчи томонидан талабалар фаолиятини кенг қамровли электрон назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг мазкур босқичи ишлаб чиқилган лойиҳани бевосита таълим жараёнига татбиқ этилиш ва пировардида таълим жараёнини самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, таълим жараёнини юқоридаги каби режалаштириш ва лойиҳалаштириш ҳамда шу асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда шу асосида ўқув жараёнини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширади ва сифатини кафолатлайди.

3-§. Ўқув машғулотларни лойиҳалаб ўқитиш методикаси

Ёшларни тарбиялаш ва уларга замонавий билимлар беришнинг сифатини ошириш орқали жамиятимиз учун баркамол шахсни шакллантириш таълим тизимининг энг асосий мақсадлардан ҳисобланади. Узлуксиз таълим жараёнида олиб борилаётган барча ҳаракатлар шу мақсадни амалга оширишда муҳимдир. Ҳозирги вақтда барча фанларни замонавий педагогик технология асосида ўқитишнинг мақбул йўллари тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини пайдо бўлиши ва унинг тадрижий давоми бўлган талабаларга дарсни аввалдан лойиҳалаш асосида билимлар бериш таълим соҳасидаги янгиликлардан биридир.

Лекин, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, педагогик технология кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки ҳар бир тарихий даврнинг таълим-тарбия бериш усуллари, ўз педагогик технологияси бўлган ва улар инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжлари ошиб борган сайин ривожланиб борган. Буюк алломаларимиз ҳам бу соҳада фикрларини билдириб ўтишган. Хусусан, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Қозизода Румий каби ва бошқа кўпдан-кўп мутафаккир боболаримиз асарларида ҳам буни учратиш мумкин. «Шу нуқтаи назардан қараганда» деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида, «... заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, **бемисл илмий-ижодий кашфиётлари** бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлашимиз лозим» [5].

Шулардан келиб чиқиб, «Математик мантиқ элементлари» мавзусини лойиҳалаб ўқитиш мисолида ўқув машғулотларни лойиҳаларини тузиш методикасини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз [17].

Мавзунинг лойиҳасини тузиш учун қуйидаги амалларни бажарилади. «Математик мантиқ элементлари» мавзусини лойиҳаларини тузиб чиқамиз.

Модуль мавзуси ва мақсади

Модулнинг номи: Математик тушунча, математик тушунчаларни таърифлаш ва тушунчаларни киритиш методикаси.

Модулдан кўзланган мақсадлар.

Таълимий: талаба умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими математикаси курсида ўрганиладиган математик мантиқ элементларини билади; билиш, билиш босқичлари (ҳиссий ва мантиқий билиш), тушунча, математик тушунча, таъриф, аксиомаларни ва теоремалар мантиқий тузилишини тушунади; математик тушунчалар мазмуни ва ҳажми, тур ва жинс тушунчаларини билади; математик тушунчалар таърифлари турлари ва математик тушунчаларни таърифлаш методикасини билади; математик тушунчаларни дарс жараёнига киритиш методикасини илмий-методик жиҳатдан таҳлил эта олади; математик тушунчаларни киритиш усулини ҳис қила олади ва уни ўқувчиларга тушунтириш методикаси бўйича билим, кўникма ва малака шаклланади; уларни ўз касбий фаолияти жараёнида қўллай олади.

Тарбиявий: талаба ҳар қандай математик тушунчани ўқувчиларга тушунтириш ва уни киритиш методикасини кўрсатиш бизга маълум бўлган илмий билиш назарияси асосида амалга оширилишини тушуниб етади; математика фанини ўрганишга бўлган қизиқиш ривожланади; ўқувчиларда математик маданиятни тарбиялаш зарурат эканлигини англайди ва уни амалга ошириш бўйича малака ва кўникмаларни эгаллайди.

Амалий: талаба ҳар бир математик тушунча ҳажми, мазмуни, тури, жинси ва тушунчаларни таърифлаш ҳақидаги ҳамда уларни дарс жараёнига киритишни илмий методик жиҳатидан тушунтиришда кундалик ҳаётда учрайдиган амалий характердаги топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини тушуниб етади; ўқувчиларда амалий мазмундаги билимлар мажмусини ҳосил қилдириш кўникмаси шаклланади; ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишида ва ривожланишида мантиқий билиш муҳим ўрин тутишини тушуниб етади; шу асосда ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш методикасини эгаллайди.

Модуль ичидаги кичик модуллар номлари ва мақсадлари

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсадлари
1.	Тушунчанинг фалсафий, психологик, педагогик ва дидактик моҳияти	<p>Ҳар қандай таълим педагогик жиҳатдан ўз олдига иккита мақсадни қўяди.</p> <p>1. Ўқувчиларга Давлат таълим стандарти асосида ўрганилиши зарур бўлган минимал даражадаги билимлар тизимини бериш.</p> <p>2. Математик билимларни ҳамда шу эгалланган билимлар юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш орқали ўқувчилар мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришдан иборат бўлиб, бунда билиш психологик жараёни эканлиги ҳамда у ҳиссий ва мантиқий билиш босқичлари орқали амалга оширилишини талабалар тушунади. Шунингдек, дидактик нуктаи назардан математик тушунча, ҳукм, ҳулоса ва уларнинг турларини ҳосил бўлиш жараёнини билади; уларни математика дарсларида қўллай олиш кўникмаси шаклланади.</p>
2.	Математик тушунча, унинг мазмуни ва ҳажми	Талаба математик тушунча таърифини билади ва унинг мазмуни ва ҳажминини тушунади; тушунча, математик тушунча, тушунчанинг мазмуни ва унинг ҳажми тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади; улардан педагогик фаолияти жараёнида амалий татбиқ қила олиш кўникма ва малакалари шаклланади.
3.	Таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушунчалар, математик тушунчаларни таърифлаш	Талаба таърифланадиган ва таърифланмайдиган тушунчалар таърифини билади; «таъриф» деган сўзнинг маъносини очиб бера олади; математика фанидаги таърифланмайдиган ва таърифланадиган (кўпгина адабиётларда бошланғич тушунчалар ҳам деб юритилади) тушунчалар ҳақида маълумотларни англайди; тушунчаларни реал, генетик ва классификацион таърифлаш турлари ҳақидаги билимларни талабалар онгига етказилади; уларни амалда қўллай олади.

4.	Математик тушунчалар киритиш методикаси[3]	Талаба математик тушунчалар икки хил аниқ-индуктив ва абстракт-дедуктив усулда киритилишини билади; математик тушунчаларни киритиш методикасини англайди; уларни қўллай олиш кўникмаси шаклланади[3].
----	--	---

2-жадвал.

Кичик модуллари ичидаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	Билиш, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур, математик тафаккур	<p>1) Билиш деб қандай тафаккур шаклига айтилади?</p> <p>2) Математик тафаккур деганда нимани тушунаси?</p> <p>3) Ҳиссий билиш деганда нимани тушунаси?</p> <p>4) Мантиқий билиш деганда-чи?</p> <p>5) Сезги ва идрок тушунчаларини таърифланг.</p>
2	Тушунча, математик тушунча, тушунча мазмуни, тушунча ҳажми	<p>1) Тушунча деб нимага айтилади?</p> <p>2) Математик тушунчани таърифланг.</p> <p>3) Математик тушунчанинг мазмуни деб нимага айтилади?</p> <p>4) Математик тушунчанинг ҳажми деганда нимани тушунаси?</p>
3	Таъриф, реал таъриф, классификацион таъриф, генетик таъриф, жинс ва тур тушунчалари	<p>1) «Таъриф» сўзининг маъносини тушунтириб беринг.</p> <p>2) Тушунчанинг таърифи деганда нимани тушунаси?</p> <p>3) Тушунчанинг жинси деганда-чи?</p> <p>4) Тушунчанинг тури деганда нимани тушунаси?</p> <p>5) Тушунчалар қандай усуллар билан таърифланади?</p> <p>6) Реал таъриф деганда нимани тушунаси?</p> <p>7) Классификацион таъриф деганда-чи?</p> <p>8) Генетик таъриф тушунчасига таъриф беринг</p>

4	Тушунча, индукция, дедукция, конкрет-индуктив, абстракт-дедуктив	<p>1) Математик тушунчани конкрет-индуктив метод орқали киритиш деганда нимани тушунаси?</p> <p>2) Математик тушунчани абстракт-дедуктив метод орқали киритиш деганда нимани тушунаси?</p> <p>3) Тушунчаларни киритишни конкрет-индуктив методи билан абстракт-дедуктив методлари орасида фарк нимадан иборат?</p>
---	--	--

3-жадвал.

Назорат саволлари асосида тузилган тест

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Билиш деб нимага айтилади?	А	Ўрганилаётган нарсани тушунишга билиш дейилади.
		В	*Ўрганилаётган объектдаги нарсаларни ўзлаштиришга билиш дейилади.
		С	Инсон тафаккурининг ўрганилаётган объектга чексиз ва янада чексиз яқинлашуви билиш дейилади.
		D	Ўрганилаётган нарсани тафаккур орқали ҳис қилиш билиш дейилади.
2	Ҳиссий ва мантиқий билиш қандай компонентлар орқали ифодаланади?	А	Ҳиссий ва мантиқий билиш – психологик жараён дидир.
		В	*Ҳиссий билиш – сезги, идрок ва тасаввур орқали, мантиқий билиш эса тушунча, ҳукм ва хулоса орқали ифодаланади.
		С	Ҳиссий билиш тушунча, сезги, ҳукм, мантиқий билиш эса тасаввур, идрок орқали аниқланади.
		D	Ҳиссий ва мантиқий билиш тушунчаларни ўрганишда ишлатилади.

3	Математик тушунчага таъриф беринг	A	Математик тафаккур формасига тушунча дейилади.
		B	Ўрганилаётган нарсаларни тасаввур қилиш математик тушунча дейилади.
		C	*Ўрганилаётган математик объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларини ақс эттирувчи тафаккур формасига математик тушунча дейилади.
		D	Тушунчаларни тасаввур қилишга математик тушунча дейилади.
4	Математик ҳукмнинг турларини айтинг.	A	Тушунча, таъриф, аксиома.
		B	Хулоса, индукция, дедукция.
		C	Аксиома, таққослаш, кузатиш.
		D	*Бирлик, хусусий, умумий ҳукмлар.
5	Математик ҳукм қандай ифодаланади?	A	*Аксиома, постулат ва теорема орқали ифодаланади.
		B	Аксиома, индукция ва дедукция орқали ифодаланади.
		C	Анализ, синтез, умумлаштириш орқали ифодаланади.
		D	Абстракциялаш, бирлик ҳукм, умумий ҳукм орқали ифодаланади.
6	Тушунчалар қандай усуллар билан таърифланади?	A	Реал, индуктив, дедуктив усуллар билан.
		B	*Реал, классификация ва генетик усуллар билан.
		C	Реал, генетик ва дедуктив усуллар билан.
		D	Индуктив, дедуктив ва аналогик усуллар билан.
7	Математик тушунчалар қандай усуллар билан киритилади?	A	Умумий усул ва хусусий усул.
		B	Индуктив ва аналогик усул.
		C	*Конкрет-индуктив ва абстракт-дедуктив усул.
		D	Индукция, анализ ва синтез усул.

8	Таъриф тушунчаси қайси сўздан олинган ва унинг маъносини айтиб беринг.	A	Таъриф сўзи тушунчанинг моҳиятини очиб беради.
		B	* «Таъриф» сўзи инглизча <i>definito</i> – сўздан олинган бўлиб унинг луғавий маъноси «чегара», «бирор нарсанинг охири» деган маънони билдиради.
		C	«Таъриф» сўзининг маъноси «ўраб олмоқ» демакдир.
		D	Таъриф бирор тушунчанинг мазмунини ифода қилади.
9	Тушунчанинг мазмуни деганда нимани тушунаси?	A	*Тушунчани ифодаловчи асосий хоссалари тўпламига шу тушунчанинг мазмуни дейилади.
		B	Тушунчадаги хоссалар тўпламига тушунчанинг мазмуни дейилади.
		C	Тушунча таркибига кирувчи барча хоссалар тўпламига унинг мазмуни дейилади.
		D	Тушунчани ифодаловчи асосий ва асосий бўлмаган хоссалар тўпламига унинг мазмуни дейилади.
10	Тушунчанинг ҳажми деганда нимани тушунаси?	A	Тушунчага кирган айрим объектлар тўпламига тушунчанинг ҳажми дейилади.
		B	Тушунча таркибига кирувчи барча хоссалар тўпламига тушунчанинг ҳажми дейилади.
		C	Тушунчага кирган маълум бир объектлар тўпламига шу тушунчанинг ҳажми дейилади.
		D	*Тушунчага кирган барча объектлар тўпламига шу тушунчанинг ҳажми дейилади.

4-жадвал.

Дарс тури ҳамда унда қўлланадиган педагогик усул ва услублар

Дарс тури	Қўлланадиган педагогик усул ва услублар
Аралаш дарс, янги билим-ларни эгаллаш	Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, кўргазмалилик

**Ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборот
технологиялар ва дидактик материалларнинг
қўлланиш жойлари**

Ўқитишнинг техник воситалари	Дидактик материаллар
Тушунчани шакллантириш ва уни кiritиш жараёнидаги психологик, педагогик ва дидактик материаллар, мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосидаги слайдларни намойиш қилиш, компьютер, ёзув доскаси	Математика ўқитиш методикаси фанига доир дарслик, ўқув, услубий қўлланмалар ва кўргазмали қуроллар ҳамда ушбу фан ўқув жараёни лойиҳалари, тест

«Математик мантик элементларини лойиҳалаб ўқитиш методикаси» мавзусининг мазмуни ва ўқув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси[133] берилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, педагогик технология ва модулли ўқитиш тамойиллари асосида «Математик мантик элементлари»ни лойиҳаларини тузиб ўқитиш талабаларда мустақил фикрлашларини ривожлантиради ва ўқув фаолиятини оширади ҳамда таълим сифатини кафолатлайди.

Тўртинчи боб хулосалари

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда юксак ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассислардан касбий билимларни, юксак маданиятни, маънавий етукликни ва кенг дунёқарашни талаб этади. Ушбу талаблар ва интилишлар асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу бобда қуйидаги масалалари ҳал этилди. Хусусан:

1. Ўқув машғулотларни лойиҳалаштиришнинг дидактик асослари кўрсатиб берилди ва ўқув машғулотларни лойиҳаларини тузиш намунаси келтириб ўтилди. Намуна сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фани битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш тажрибаси берилди.

2. Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштириш асослари очиб берилди.

Таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим амалиётини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий лойиҳалаш бугунги кунда тез ривожлана бошлади ва бунинг предмети сифатида техник ва социотехник объектлар эмас, балки авваломбор ижтимоий объектлар ҳисобланди. Таълим соҳасида ҳам лойиҳалаш тез ривожланмоқда. Бўлажак ижтимоий лойиҳалашнинг тури сифатида таълим жараёнини лойиҳалаш ҳисобланилади.

Таълим жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштириш ҳамда шу асосида ўқув жараёнини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширади ва сифатини кафолатлайди.

3. Ўқув машғулотларни лойиҳалаб ўқитиш методикаси берилди. Мисол сифатида, «Математик мантиқ элементлари» мавзусини лойиҳалаб ўқитиш методикасини ёритиб берилди.

Педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш тамойиллари асосида «Математик мантиқ элементлари»ни лойиҳаларини тузиб ўқитиш талабаларда мустақил фикрлашларини ривожлантиради ва ўқув фаолиятини оширади ҳамда таълим сифатини кафолатлайди.

V БОБ. ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШДА Фойдаланиладиган замонавий Таълим усуллари

1-§. Таълим жараёнини ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологиялари

Ҳозирги кунда мақсад ва вазифалари, тузилишлари бўйича фарқланадиган кўплаб психологик-педагогик технологиялар мавжуддир. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан мамлакат таълим жараёни ва таълим маконини ахборотлаштириш катта суръатларда амалга оширилмоқда, бу эса замонавий таълим технологияларни қўллашда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Истикболдаги асосий вазифа, нафақат таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, балки профессор-ўқитувчилар жамоаси педагогик маҳоратини доимий ошириб боришни, ўқув-тарбия жараёнини юксак назарий-услубий даражада амалга оширишга тайёрлашни, ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор усуллари, шакллари ва воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутади.

Педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий модели ғоялари асос қилиб олиниб, ҳаммага маълум бўлган усулларнинг самарали томонлари ва педагогик технология тамойиллари бўйича ўқув машғулотлари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва республикамизнинг педагогик жамоатчилигини унинг назарий асосларига оид билимлар билан қуроллантириб, уларда таълим-тарбия жараёнини педагогик технология миллий модели асосида ўзлари ўқитадиган фанлари ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Лекин, таҳлил ва шахсий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчи, педагоглариди «Педагогик технология» тушунчасининг ягона

шакл-тамойилини шакллантиришда ва кадрлар тайёрлаш тизимида унинг ўрнини, таълим жараёнининг яхлит ва ҳар бир аниқ машғулотнинг айтилган кўрсаткичларига эришишни тушуниш қийин кечмоқда.

Ушбу бобда инновацион педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув жараёнларини лойиҳаларини тузиш учун асос бўладиган шу асосида ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган замонавий усул ва технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош асоси таълим тизими бўлиб, унинг устувор ва ҳаракатлантирувчи кучи янги билимларни ўзлаштириш мотивацияси ривожланган, мустақил ва ижодий фикрлайдиган ҳамда ижтимоий-касбий фаолият юритишга қодир бўлган шахслардир. Шунинг учун ҳам XXI аср шахсини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш асри бўлиб, Республикамизда кадрлар тайёрлашни ривожлантириш стратегияси жамият ва давлатнинг малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлашни кўзда тутади.

Олий таълим тизими ривожланишининг муҳим вазифалари қаторида, илғор инновацион педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир компетентли ўқитувчининг ўқитишнинг замонавий технологияни ўзлаштиришда ўз йўли ва услуби мавжуд бўлиб, айрим педагоглар ўз дидактик воситаларини ишлаб чиқишга уриниб кўрмоқдалар, уларнинг юқори чўққиси эса ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қуйида таълим тизимида қўланилиб келинаётган ўқитиш усул ва технологияларининг рўйхатини келтириб ўтамиз. Хусусан:

Асосий педагогик усул ва технологиялар.

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборотни узатишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).

2. Интерактив усуллар.

3. Ноънанавий усуллар.
4. Таълим технологиялари.
5. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари.
6. Педагогик жараёни ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар.
7. Муаммоли таълим;
8. Ўқув жараёни самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асосланган педагогик усуллар.
9. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар.
10. Ўқув фанлари бўйича педагогик усуллар.
11. «Энг яхши йил ўқитувчиси» муаллифлик педагогик усуллари.
12. Муқобил усуллар.
13. Табиатга мос келувчи усуллар.
14. Ривожлантирувчи таълим усули.
15. Янги ва энг янги ахборот воситаларини қўллаш асосидаги педагогик усуллар.
16. Ижтимоий-тарбиявий усуллар.
17. Тарбиявий усуллари.
18. Муаллифлик мактаби педагогик усуллари.
19. Ички бошқарув усуллари.

2-§. Таълим усуллари ва технологияларининг таснифи

Агар ўқитувчи-амалиётчиларнинг тадқиқотчилик даражасига кўтарилиш натижаси ўқитиш технологияларини амалиётга қўллаш маҳорати деб ҳисобланилса, унинг якуни эса сифатли инновацион ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Ўқув курси учун яратилган ўқитиш технологияларининг айрим қисмларини ўзида мужассам этган даражани биринчи даража деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, чет тили курсида «Фонетика» ва «Грамматика»ни ўрганиш учун йўналтирилган ўқитиш технологиялари шулар жумласидандир.

Кейинги даражада ўқув фанига йўналтирилган бир фан доирасида ўқитишнинг белгиланган мақсад ва мазмунини амалга ошириш учун усул ва воситаларнинг системасини ўз ичига олган технологиялар туради.

Ўқув фанига йўналтирилган технологиялар жумласига: «Тўла ўзлаштириш технологияси» (Ж.Кэрролл, Б.Блум, республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаев), «Табақалаштирилган таълим технологияси», «Чет тили ўқитишнинг коммуникатив технологияси» (Е.И.Пассов), «Ўқитишга йўналтирилган таълим назарияси» (П.Блонский, Г.Ибрагимов, А.Тубельский, М.Шетинин, В.Шаталов, республикамизда Н.Н. Азизхўжаева, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толлипов), «Модулли таълим технологияси» (П.И.Третьяков, Т.И.Шамова, П.Юцевичене, республикамизда Б.Зиямўхамедов, Н.Саидахмедов, М.Тожиев, Ч.Мирзаев, Г.Изетаева, К.Мамадалиев, А.Хуррамов), «Муаммоли-модулли таълим технологияси» ва бошқалар.

Намуна сифатида билимларни тўла ўзлаштириш, модулли ва дастурлаштирилган таълим технологияларини кўриб чиқиб, таълим технологияларини тизимлаштириш асосларига мурожаат қиламиз.

Таълим технологиясини фарқлаш ва тизимлаштириш учун таълим мақсадлари, ўқитувчи ва талаба ўрни, бошқариш услуби, ўқув-билим фаолиятини ташкиллаштириш характери, ўқитиш восита ва шакллари, назорат ва баҳолаш ташқи ва ички назорат турлари, талабанинг ўқув-билим фаолияти мотивлари турлари каби кўрсаткичлар мажмуи хизмат қилади.

Таълим технологиялари «Шахсга йўналтирилганлик бўйича, «Ташкилий шаклларига», «Мазмун ва тузилишига» ҳамда «Устун турувчи услуга»га ажратилади.

Ташкилий шакллари: таълимнинг жамоавий усули; дифференциялашган таълим, гуруҳ, индивидуал, клуб, академик, муқобил, синф-дарс.

Мазмун ва тузилиши бўйича: гуманистик, технократа, умумтаълим, касбий, ўргатувчи, тарбияловчи, дунёвий, диний, монотехник, сингиб боровчи.

Устун турувчи усули: ахборот ёки компьютерли, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим, ижодий, ўйинли, диалогли, муаммоли-изловчи, тушунтиришли – иллюстрациявий, дастурлаштирилган таълим репродуктив, ривожлантирувчи таълим.

Биз томонимиздан асосий педагогик усул ва технологияларни таснифлаб чиқилди. (Қаранг: педагогик усул ва технологияларни тўлиқ таснифи III боб, 3-§да берилган)

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборотни узатишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).

2. Интерактив ёндашувлар:

3. Замонавий таълим усуллари ва технологиялари:

4. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари:

5. Педагогик жараёни ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар:

6. Талабалар фаолиятини фаоллаштиришга ва унумдорлигини оширишга мўлжалланган педагогик усуллар (таълимнинг фаол усуллари).

7. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асосланган педагогик усуллар:

8. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар:

9. Ўқув фанлари бўйича педагогик усуллар:

10. «Энг яхши йил ўқитувчиси» муаллифлик педагогик усуллари:

11. Муқобил усуллар:

12. Табиатга мос келувчи усуллар:

13. Ривожлантирувчи таълим усули:

14. Янги ахборот воситаларини қўллаш асосидаги педагогик усуллар:

15. Ижтимоий-тарбиявий усуллар:

16. Тарбиявий усуллар:

17. Муаллифлик мактаби педагогик усуллари:

18. Ички бошқарув усуллари:

Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси

Билимларни тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэрролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсондирлар республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.

Унда анъанавий ўқув жараёнида таълим шартлари доимо ёзиб қўйилганлиги (барча учун бир хил ўқув вақти, ахборотни тақдим этиш усули ва ҳоказо) ҳолатига диққатини қаратилади. Ўқитиш технологиясининг асосий ғояси, ўқув натижасининг кафолатланганлигидадир. Таълимнинг натижасини доимий параметр, таълимнинг шартларини эса, ўзгарувчан деб, ҳар бир ўқитилаётганининг белгиланган натижасидан келиб чиқадиган қилиб қўйилади.

Ушбу технологияда материални ўрганиш вақти чекланмаган вазиятида, талабалар қобилиятини ўргана борар экан ўрганувчиларни куйидаги тоифаларга ажратилади:

– камқобилиятлилар, улар, ҳатто ўқув вақтига кўп харажат қилинса ҳам, аввалдан белгиланган билимлар даражасини ва кўникмаларни ўзлаштира олмайдилар;

– иктидорлилар (5%га яқин), уларнинг барча уддала олмайди-ган нарсаларга қурби етади;

– кўпчиликни ташкил қилувчи талабалар (90%га яқин), уларнинг билим ва кўникма ўрганишга бўлган қобилиятлари, ўқув вақти харажатига боғлиқдир.

Бу маълумотлар, ўқишни тўғри ташкил қилиниши, айниқса вақт доираларини олиб ташланиши, ўрганувчиларнинг 95 %га яқини ўқув курсининг барча мазмунини тўлиқ ўзлаштириши мумкин деган тахмин асосида жойлашди. Агарда ўқиш шартлари барча учун бир хил бўлса, унда кўпчилик талабалар фақат «Ўрта» натижаларга эришади.

Ушбу ёндашув асосида билимларни тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган ўқитиш технологиясининг бошланғич пайти, ушбу тизим бўйича ишлаётган педагогнинг, умумий ҳолатга кириши-дир: ўқув жараёни оқилона тўғри ташкил қилинса, барча ўрганувчилар зарур ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришга қодирдирлар.

Ушбу технологияни амалга ошириш учун, барча талабаларга бирдан-бир ўқув вақти, мазмун, меҳнат шароитини берадиган, ammo чиқишда бир хил бўлмаган натижаларга эга бўлган анъанавий синф-дарс тизимини сезиларли қайта ташкил қилиниши талаб қилинади.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда дастурлаштирилган ўқитишнинг ўрни

Таълим технологияларининг ривожланишида «Бошқарув назарияси» ва унинг тамойиллари етакчи ўринларни эгаллайди. Ишлаб чиқаришда технологик жараён самарадорлигининг асосий омилларидан бири бу технологик жараённи тўғри ташкиллаштиришдир. Бунинг учун маҳсулот сифати тез-тез назорат қилиб турилиши шарт.

Технологик ёндашув ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлган дастурлаштирилган ўқитишда ўқитувчининг асосий функцияси таълим жараёнини бошқариш ҳисобланади.

Бунда:

1. Назорат натижалари ўқув жараёнининг самарадорлик даражасининг кўрсаткичларидир.

2. Ўқув мақсадига эришилмаганлиги – ўқув жараёнини ташкиллаштиришда хатога йўл қўйилганлигининг белгисидир. Бундай ҳолларда ўқув жараёнига зарурий ўзгартиришлар киритиш лозим.

Анъанавий таълимда билим олувчиларнинг билим, кўникма, малакалари даражасини назорат қилишдаги камчиликлар мавжуд бўлиб, улар: табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишнинг қийинлиги; баҳо жазолаш қуроли сифатида қўлланилиши; назорат ишларини тез-тез ўтказиб турилмаслиги;

Натижада: назорат жараёнида талабаларнинг индивидуал хусусиятлари инобатга олинмайди; талабада назорат ишларига

нисбатан кўрқув ҳисси шаклланади; ўқитувчи таълим жараёнига ўз вақтида ўзгартириш кирита олмайди[25].

Дастурлашган таълим технологиясини – чизиқли, тармоқлашган, мослашувчи ва комбинациялашган дастурларга бўлиш мумкин.

Дастурлаштирилган ўқитишни, ўқитувчи ва ўрганувчилар ўртасидаги бевосита мулоқотнинг субъектив омилини максимал имконликда бартараф этиш билан ўқитиш жараёнини формаллаштиришга бўлган уриниш деб қараш мумкин. Ҳозирги вақтда бу ёндашув ўзини оқламади деб ҳисобланмоқда. Ундан фойдаланиш, ўқитиш жараёни тўла автоматлаштирилган бўлиши мумкин эмаслигини, ўқитувчининг роли ва ўқитиш жараёнида, у билан талабанинг мулоқоти устувор бўлиб қолишини кўрсатди. Шундай бўлсада, компьютер технологиялари ва масофавий ўқитишнинг ривожланиши, таълим амалиётида дастурлаштирилган ўқитиш назарияси ролини оширмоқда.

Дастурлаштирилган ўқитиш компьютер технологиялари ривож ва масофавий таълим шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда янада ривожланаётган ва индивидуал фойдаланишга йўналтирилган махсус ўқув курслари асосида ўқитишни индивидуаллаштиришга бўлган ёндашувларни ишлаб чиқишда жиддий ҳисса қўшди.

Дастурлаштирилган таълим деганда, ўрганувчи курилмалар (АКТ, дастурлаштирилган дарслик, кинотренажер ва бошқалар) ёрдамида дастурлаштирилган ўқув материални ўзлаштириш тушунилади. Дастурлаштирилган ўқув материали ўзи билан белгиланган мантикий изчилликда бериладиган унчалик катта бўлмаган порциялар/алоҳида бўлақларда («Кадрлар», «Файллар, «Қадамлар») тақдим этилади.

Ҳар қандай дастурлаштирилган таълим қуйидаги тамойилларга асосланади.

– маълумотлилик тамойили. Таълим жараёнида билим олувчига албатта янги маълумот берилиши керак;

– билим олувчи фаоллигини таъминлаш тамойили. Таълим жараёнида билим олувчининг фаоллигини таъминлаб бериши керак. Ушбу фаоллик маълумотни ишлаб чиқиш билан боғлиқ;

– кичик қадамлар тамойили. Ушбу тамойилга мувофиқ, ўқув материални имкони борича кичик қадамларга (қадамлар, микроахборотлар) бўлиш лозим, чунки катталарга қараганда, уларни талабалар осон эгаллайди;


– жавобни зудликда тасдиқлаш тамойили. Ушбу тамойилга мувофиқ дастурлаштирилган матн/дастурда жойлашган саволга жавобдан кейиноқ бирданига талаба ўзининг жавобини тўғриси билан таққослаб тўғри жавоб берганлигини текшириш имкони беради. Жавоблар тўла мос келгандагина талаба материални ўрганишда давом этади;

– ўқишни индивидуллаштириш тамойили. Бу тамойил талабалар ўзи учун оптимал суръатда ишлашларини талаб қилади, чунки фақат шундагина улар ўқишда тегишли натижаларга эришадилар;

– қийинчиликларни босқичма-босқич ошириш тамойили. Унга риоя қилиш натижасида, талабаларга айтиб туришлар босқичма-босқич камаяди, натижада дастурнинг қийинлик даражаси органи боради;

– билимларни мустаҳкамлашда дифференциялаштириш тамойили. Ушбу тамойилда дастур матнидаги мавжуд ҳар бир умумлашмани турли мазмун контекстларда бир неча бор такрорлаш ва синчиклаб танлаб олинган намуналарнинг етарли миқдори ёрдамида иллюстрациялаштирилади[3].

Чизиқли дастур. Чизиқли дастурлашнинг назарий асосларини америкалик психолог Ф.Скиннер томонидан ишлаб чиқилган. Чизиқли дастурлашнинг график кўриниши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Чизиқли дастур таркибий тузилиши

Дастур «Қадамларини» рамзлаштирувчи алоҳида эллипслардаги доирачалар талабалар эгаллаши зарур бўлган мазмун эле-

ментларини билдиради. Ўта муҳим эллипслар ўзаро кесишаётган эллипсларда икки бор чиқади. Кўрсаткич дастурдан фойдаланувчи барча талаба босиб ўтадиган йўлни билдиради. Бу йўл тўғри чизик бўйича ўтади, шундан дастурнинг чизикли номи келиб чиққан.

Чизикли дастурлар ўқув материалнинг 95%ни талабалар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Лекин, улар билим олувчидан жуда кўп куч, вақт сарфлашни талаб этади.


Тармоқлашган дастур. Тармоқлашган дастурлашнинг асосини куйидаги назарий масалалар ташкил этади:

– ўқув материални анъанавий матнларнинг энг кам мавзулар ҳажмига тўғри келадиган қисмлар (порциялар, қадамлар) миқдорига бўлиш лозим, талаба ўқиш жараёнида эришиши лозим бўлган мақсадни англаш имкониятига эга бўлиш, буни эса фақат, сунъий равишда бир-биридан узоқлашмаган «Ахборот парчалари»га бўлинмаган кенг матн таъминланиши;

– ҳар бир кадамидан кейин тест топшириғи ва унинг жавоб бўлиши;

– талаба танлаган жавобни кўрсатилишидан кейин, бевосита унинг танлови тўғрилиги текширилиши ва шунга боғлиқ ҳолда, дастур талабани ҳар бир танлов натижаси ҳақида хабардор қилиши, ҳатто баъзи ҳолатларда уни дастлабки пунктга тўғри танловни танлашга қайтадан уриниб кўриш учун қайтариш лозим.

Тармоқлашган дастурнинг таркиби 2-расмда кўрсатилган. Тақдим этилган схемада асосий доираларда (1, 2, 3 ва ҳоказо) жойлашган саволларга тўғри жавоб берган талаба энг қисқа йўлдан юриб бораётганлиги кўринади. Ўз навбатида қолган талабалар, дастур бўйича ўқиш давомида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга имкон беради, улар қўшимча маълумот оладиган тузатувчи доираларга юборилади. Схемада кўрсатилган кўплаб тармоқлар дастур номини тармоқланган – дастур деб аталишини кўрсатади.



2-расм. Тармоқлашган дастур таркибий тузилмаси

Дастур билан қамраб олинган ўқув материали мураккаблиги даражаси ошиб бориши лозим, шу билан бирга «оддийдан мураккабга» тамойили саволларни тайёрлашда ва улар билан боғлиқ жавобларда амал қилади.

Тармоқлашган дастур мазмунига кирувчи мулоҳазалар, туншчалар, қонунлар, тамойиллар ва шунга ўхшашлар матннинг мазмунан бир-бири билан боғланган турли контекстларда тақдим этилиши лозим, шу билан бирга тузатувчи доираларда, мақсади ҳар бир умумлашма мазмунини ҳар томонлама аниқлаш бўладиган намуналарни келтириш лозим бўлади.

Мослашувчи дастур. Ўрганувчининг ўзига янги материал мураккаблиги даражасини танлаш, ўзлаштириш меъёри бўйича уни ўзгартириш, электрон маълумотномаларга, луғатларга, қўлланмаларга ва ҳоказоларга мурожаат қилишга имконият беради.

Ўқув иши суръатида мослашувчанликка ва таълим оптималлашувига фақат таълимнинг оптимал режимини ахтариш ва топилган шартларни автоматик қўллаш дастури бўйича ишлайдиган таълимнинг махсус воситалари (хусусан, компьютер) дан фойдаланиш йўли билан эришилади.

Қисман мослашув дастурида талабанинг битта (охирги) жавоби асосида тармоқланиш (бошқа вариант берилади) амалга оширилади. Тўла мослашув дастурида талаба билимларини баҳолаш, ҳар бир қадамида ўзидан аввалгиларнинг натижалари ҳисобга олинувчи кўп қадамли жараён тақдим этади.

Комбинациялашган дастур. Ўзига таркибига чизиқли, тармоқли, мослашувчанлик дастурлашлари қисмларини олади.

Қадамли дастурлар таълимни алгоритмлашни, ўқув алгоритмларини тузишни келтириб чиқаради. Дидактикада алгоритм, бу белгиланган синфдаги вазифаларни ечиш бўйича ақлий ёки амалий амалларнинг изчиллигини белгилайдиган кўрсатмадир. Алгоритм таълимнинг мустақил воситаси бўлиш билан бирга, у умумий дастурнинг бир қисмидир.

Шундай қилиб, юқоридагиларга асосан таълим муассасаларида фанларни ўқитиш таълим сифатини кафолатлайди.

3-§. Ўқув жараёнини ташкил этишдаги интерактив усуллар

Талабалар томонидан бажариладиган интерактив машғулотлар ва топшириқлар интерактив ёндашувларнинг ўзагини ташкил этади. Интерактив машғулот ва топшириқларнинг анъанавий машғулот ва топшириқлардан фарқи шундаки, улар ўрганилган материални мустақамлашга ва янгисини ўрганишга талабалар фаоллигини кўзда тутди.

Замонавий педагогика интерактив ёндашувларнинг бир бутун заҳирасига бой бўлиб, уларнинг муҳимлари қуйидагилар:

- ижодий топшириқлар;
кичик гуруҳларда ишлаш;
- ўрганувчи таълим ўйинлари (ролли, имитация, ишбилармонлик ва таълим ўйинлари);
- жамоатчилик ресурсларидан фойдаланиш (мутахассисни таклиф этиш, экскурсиялар);
- ижтимоий лойиҳалар ва таълимнинг бошқа аудиториядан ташқари усуллари (ижтимоий лойиҳалар, мусобакалар, радио ва газеталар, фильмлар, спектакллар, кўргазмалар, тақдимотлар, қўшиқлар ва эртаклар);
- чигил ёзди машқлар;

– янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш (интерактив маъруза, кўргазмали куроллар, видео ва аудиоматериаллар билан ишлаш, «талаба ўқитувчи ўрнида», «ҳамма бир-бирини ўқитади», мозаика (нафис арра), саволлардан фойдаланиш, «Сукротано диалоги»);

– мураккаб ва баҳсли масалаларни ва муаммоларни муҳокама қилиш («Ўрнингни эгалла (фикрлар шкаласи)», «Якка ўзи-иккала-ҳамма бирга», «Карусел» (отўйин, чалкашлик), «Телевидение услубида ток-шоу баҳси», дебатлар, симпозиум);

– муаммолар ечими («Ечимлар дарахти», «Ақлий ҳужум», «Чигал ишлар таҳлили», «Музокаралар ва медиация» ва «Зинаполяр ва варракчалар»).

Ушбу методик тавсияномада ҳажми ҳисобга олиб, фақат «Ижодий топшириқлар», «Кичик гуруҳларда ишлаш» интерактив ёндашувларгагина тўхталиб ўтамыз.

Ижодий топшириқлар. Ижодий топшириқлар деганда, биз талабалардан ижодкорликни талаб қилувчи, бир нечта ёндашувларга эга бўлган, таркибида номаълум катта ёки кичик элементлардан иборат топшириқлар мажмуисини тушунамиз. Ижодий топшириқ ҳар қандай интерактив усулнинг мазмуни, асосини ташкил этади. Ижодий топшириқ (айниқса амалий ва талаба ҳаётига яқини) таълим жараёнига маъно бағишлайди, талабаларни ижодкорликка ундайди. Ижодий топшириқлардаги жавобнинг номаълумлиги ва талабанинг шахсий тажрибаси ва ўз ҳамкори, дўсти тажрибасига асосланган ўзининг шахсий «Тўғри» ечимини топиш имконияти, таълим жараёнининг барча иштирокчилари ва педагогнинг ҳамкорлиги талабаларга мулоқоти учун пойдевор яратишга имконият беради. Ижодий топшириқларни танлаш педагог учун муҳим ҳисобланиб, қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- ягона мураккабликдаги жавоб ёки ечимга эга бўлмаслиги;
- талабалар учун амалий ва фойдали бўлиши;
- талабалар ҳаётига боғланган бўлиши;
- талабаларда қизиқиш уйғотадиган бўлиши;

– таълим мақсадларига имкон қадар хизмат қиладиган бўлиши лозим.

Агар талабалар ижодий топшириқлар билан ишлаб ўрганмаган бўлсалар, аввал оддий топшириқларни, кейин эса тобора мураккаблашиб борадиган топшириқларни танлаш лозим бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш. Кичик гуруҳларда ишлаш – бу энг оммабоп стратегиялардан бири бўлиб, у барча талабаларни топшириқни бажаришда иштирок этишга, ҳамкорлик малакалари ва шахслараро мулоқот (хусусан, фаол эшитиш кўникмаси, умумий фикрни ва пайдо бўлаётган келишмовчиликларни ҳал қилиш)нинг амалий томонини ривожлантиришга имкон беради. Бунинг ҳаммаси одатда катта жамоада ишлаганда бу имкониятлар бўлмайди. Кичик гуруҳда ишлаш, масалан мозаика, дебатлар, жамоатчилик тингловлари, имитацияларнинг барча турлари ва бошқалар каби кўпгина интерактив усулларнинг ажралмас қисмидир.

Кичик гуруҳда ишлашни ташкил этишда кўйидаги жиҳатларига диққатни қаратиш лозим бўлади. Талабалар гуруҳ топшириқларини бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эгаллигига ишонч ҳосил қилиш керак. Билимларнинг етишмаслиги жуда тезда ўзини салбий натижасини билдиради, талабалар топшириқни бажариш учун ҳаракат қилмай қўяди. Кичик гуруҳга берилаётган топшириқлар имкони борича аниқроқ бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳнинг биттадан ортиқ ёки иккита топшириқни, жуда аниқ бўлса ҳам, идрок этиш эҳтимоли кам, шунинг учун топшириқларни доскада ва (ёки) карточкаларда ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Гуруҳга топшириқни бажариш учун етарли вақт бериш керак.

Ҳамкорлик педагогикаси

Ҳамкорлик педагогикаси – «Мен айтганимдай қил» ёки «Мен каби қил» классик тамойилини инкор қилувчи педагогикадир. Ҳамкорлик педагогикасида аввал таянч мақсад қўйиб олинади, кейин эса унинг бажарилиши бўйича талабалардаги ишонч қўл-

лаб қувватланади. Асосийси – таянч мақсадни бажаришга яқинлаштирувчи амалий ишлар ҳисобланади. Ҳамкорлик педагогикасининг асосчилари ҳақли суръатда ўтган асрнинг 80 йиллари фаол таълимининг йўлбошчилари бўлган Амонашвили Шалва Александрович, Шаталов Виктор Федорович, Лисенкова Софья Николаевна ва бошқалар каби педагог-новаторлар ҳисобланишади. Ҳамкорлик педагогикасининг ғоявий илҳомлантирувчиси Соловейчик Симон Львович бўлиб келган.

Педагог-новаторлар ҳар қандай талаба ҳамкорлик педагогикасида ишлай олишини изҳор қилдилар. Педагог талабага ўзининг индивидуаллигини сақлаб қолишига ёрдам бериши, эҳтиёжларини аниқлаши, унинг интеллектуал ва ахлоқий қобилиятларини ривожланишида ёрдам бериши керак. Ҳамкорлик педагогикасининг асосий ғоялари қуйидагилар бўлиб, хусусан: талабани энг яқин ривожланиш бўйича ўқитиш; мажбурламасдан ўқиш; материални ёдлаб олишни истисно қилиш учун таянч схема кўринишида жойлаштирилган ҳал қилувчи сўзлар, белгилар тўплами; қувиб ўтиш ғояси; йирик блоklar ғояси; танлов эркинлиги ғояси; диалогик фикрлаш ғояси; аудиториянинг интеллектуал кўриниши ғояси; ўқитувчилар ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти ғояси; мотивацияни шакллантириш ғояси.

Ҳамкорлик педагогикасида таълимни демократлаштиришнинг йўллари ва йўналишлари: ўқитишнинг вариативлигига асосланди; таълим мазмунини янгилаш, ўқув режа ва фан дастурларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф қилинади; талабаларнинг ижодий қобилиятлари ривожлантирилади.

Ўқитишнинг ўйин усули, бу шартли вазиятлардаги ўқув жараёни шакли бўлиб, у жамоатчилик тажрибасини унинг барча кўринишларида: билимлари, кўникмалари, малакалари, эмоционал-баҳолаш фаолиятида ўзлаштиришга қаратилгандир.

Пайдо бўлиш тарихи. Ўқитишнинг ўйин усули чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, ўйиннинг кўпқирралиги маълум, у ўқитади, ривожлантиради, тарбиялайди, ижтимоийлаштиради,

ўйнатади ва дам олдиради. Аммо тарихан унинг вазифаларидан бири, ўқитиш. Ўйин ўзининг пайдо бўлишининг биринчи пайтлариданоқ ўқитиш шакли сифатида, реал амалий вазиятларни, уларни ўзлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бошланғич мактаби сифатида чиқиши шубҳа туғдирмайди. Зарур бўлган инсоний хусусиятларни, сифатларни, малакаларни ва одатларни, қобилиятларни ривожлантиради.

Ҳали қадимги Афинадаёқ (э.а. VI-IV асрлар) ташкиллаштирилган тарбия ва ўқитиш тажрибаси жўшқинлигига мусобақа тамойили сингиб кетган эди. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар доимо гимнастикада, рақсларда, мусиқаларда, сўз баҳсларида мусобақалашиб, ўзининг энг яхши сифатларини чархлаб олганлар. Ўша пайтдаёқ ҳарбий ўйинлар – манёврлар, штаб машғулотлари, «Жангларда ўйнашган». X асрда мактабларда ўқитиш усуллари орасида, шунингдек талабалар мусобақалари, хусусан, риторика оммабоп бўлиб, қолоқ ўқитиш усули бўлган. Ўқитувчи ўқир эди, изоҳлаш намуналарини келтирар эди, саволларга жавоб берар эди, баҳсларни ташкиллаштирар эди. Талабалар хотирада эслаб қолишга, қайта айтиб беришга, шарҳлашга, тасвирлашга, импровизацияларга ўрганар эдилар.

Ғарбий Европада Уйғониш ва реформация даврида ўқитишнинг ўйинли усулларидан фойдаланишга Т.Компанелла ва Ф.Рабле чақирган эдилар. Улар болалар қийналмасдан ва гўё ўйнагандай барча фанлар билан танишишини хоҳлар эдилар. XV-XVII асрларда Ян Амос Коменский (1592 - 1670) барча «Мактаблар-даражаларни», «Мактаблар-устахоналарни» ўйин жойларига айлантиришга чақирган эди. Унинг фикрича, ҳар қандай мактаб универсал ўйин бўлиши мумкин ва мактабда болалик, ўсмирлик, ўспиринлик ва ҳоказо ёшини ҳисобга олиб барчасини ўйинларда ва мусобақада амалга ошириш лозим.

Жон Локк ўқитишнинг ўйин шаклларида фойдаланишни тавсия қилган эди. Ж.Ж.Руссо инсонни фуқаролик тарбияси вазифаларини кўйиб, педагогик тадбирлар дастурини таклиф қилган: ижтимоий фойдали меҳнат, биргаликдаги ўйинлар, байрамлар.

Ўйинни педагогик ҳодиса сифатида биринчилардан бўлиб Фридрих Фрѐбелъ таснифлаган, ўйин назарияси унинг педагогик ғояси асоси бўлган. Ўйинни дидактик эканлигини белгилаб у, ўйин болани ўқитиш вазифаларини ечишини, унга шакли, ранги, катталиги ҳақида тасаввурни беришини, ҳаракат маданиятига эгаллик қилишга ёрдам беришини исботлади. Ўйин шакллариининг кейинги ривожини ва уларни ўрганиш, ўйин ёрдамида амалда барча педагогик вазифалар ечилишини кўрсатди.

Замонавий ўқитишнинг ўйин усулининг шаклланишида фаол ўқитиш усуллари номини олган ўқитиш усуллариининг катта гуруҳлари ривожини учун асос бўлган биринчи навбатда ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланишга таянган. Улардан фойдаланишнинг назарияси бир қатор концепцияларда, биринчи навбатда фаол ўқитиш ғоясида асосланган эди. Биринчи ишбилармонлик ўйинини собиқ Иттифоқда 1932 йилда М.М.Бирштейн томонидан ишлаб чиқилган ва ўтказилган (М.М.Бирштейн, 1989). Ўйинли ўқитиш усули дарров эътироф этилиб ва гуркираб ривожланишга юз тутди. Бироқ 1938 йилда собиқ Иттифоқда ишбилармонлик ўйинлари қатор илмий йўналишлар қисматида дучор бўлди, улар таъқиқланган эди. Уларнинг иккинчи туғилиши АҚШда биринчи ишбилармонлик ўйинлари пайдо бўлгандан (1956 й., Ч.Абт, К.Гринблат, Ф.Грей, Г.Грэм, Г.Дюпюи, Р.Прюдом ва бошқалар) кейин, фақат 1960 йилларда юз берди. Бугун Россия, АҚШ, бошқа ривожланган мамлакатларда ишбилармонлик ўйинлари ёки ўқитишнинг ўйин усуллариининг фойдаланмайдиган ўқув муассасаси мавжуд эмас эди.

Методиканиннг белгилари ва хусусиятлари. Ўқитишнинг ўйин усули ўйин каби хусусиятларга хосдир, улар;

– ўқитувчи кўрсатмаси бўйича бажариладиган, аммо унинг диққатсиз ва талабалар томонидан хоҳиши бўйича амалга ошириладиган фаолият жараёнидан қониқиш ҳосил қилган ҳолда эркин ривожлантирувчи фаолият;

– ижодий, импровизация қилинган, ўз характерида кўра фаол фаолият;

– эмоционал зўриққан, кўтарилган, мусобақавий, рақобатдош фаолият;

– ўйин мазмунини ва жамоатчилик тажрибаси элементларини акс эттирувчи тўғри ва билвосита қоидалар доирасида кечувчи фаолият;

– инсон ҳаётининг профессионал ёки ижтимоий муҳити моделлаштириладиган, имитация характериға эға бўлган фаолият;

– ҳаракат жойи ва давомийлиги, замон ва вақт доираларида ажратиб қўйилган фаолият.

Ўйиннинг энг муҳим хусусиятларига ўйинда ҳам талабалар ҳам катталар гўё энг экстремал вазиятларда, қийинчиликни енгиб ўтиш кучи чегарасида ҳаракат қилиши далилни ҳисоблайдилар. Бунинг устиға фаолликнинг бунчалик юқори даражасига, улар деярли доимо кўнгилли, мажбурламаган ҳолда эришадилар.

Юқори фаоллик, ўйиннинг эмоционал бўялганлиги иштирокчилар очиклигининг юқори даражасини ҳам туғдиради. Инсон очилади, ўйинда психологик ҳимояни улоқтиради, эҳтиёткорликни йўкотади, ўзи билан ўзи бўлади. Бу ўйин иштирокчиси ўйин вазифаларини ечади, уларға қизиқади ва шунинг учун бошқа томондан қарама-қарши ҳаракатға тайёр эмаслиги билан тушунилиши мукин. Дикқатнинг маълум бир тарқоқлиги вазиятида баъзан инсонни унинг учун янги дунёқарашни қабул қилдиришға ишонтириш осонроқ эканлигини экспериментлар кўрсатди. Инсоннинг дикқатини биронта унчалик кўп бўлмаган нарса билан бошқа томонға тортилса, ишонтириш самараси янада кучлироқ бўлади. Қандайдир даражада бу талабанинг ўйин вазиятларига таъсири юқори маҳсулдорлиги билан белгиланиши мумкин.

Ўқитишнинг ўйин усули бошқа таълим технологиялардан фарқ қилади.

1. Яхши маълум бўлган, ҳар қандай ёшдаги инсон учун ҳаракатнинг одатий ва сеvimли шакли.

2. Ўйин вазияти ўзининг мазмунли табиати ҳисобига иштирокчиларни ўйин фаолиятиға жалб қилувчи ва уларда юқори эмоционал ва жисмоний зўриқишни чақирувчи фаоллаштириш-

нинг самарали воситаларидан бири. Ўйинда қийинчиликлар, тўсиқлар, психологик қийинчиликлар сезиларли даражада енгил енгиб ўтилади.

3. Ўз табиатига кўра мотивацияни шакллантирилади. Билиш фаолиятига нисбатан у иштирокчилардан ташаббускорликни, тиришқоқликни, ижодий ёндашувни, хаёлни, интилувчанликни талаб қилади ва чақиради.

4. Билим, малака, кўникмаларни етказиш масалаларини ечишга имкон беради; иштирокчилар томонидан табиат ва жамият қонунларини чуқур шахсий англанишига эришишга; уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга имкон беради; қизиқтиришга, ишонтиришга баъзи бир ҳолларда эса даволашга имкон беради;

5. Кўп функцияли, унинг инсонга таъсирини бирон бир битта жиҳат билан чеклаб бўлмайди, аммо унинг ҳамма мумкин бўлган таъсирлари бир вақтнинг ўзида долзарблашади.

6. Фаолиятнинг жамоавий устун турувчи, гуруҳ шакли, унинг асосида мусобақалашуш жиҳати ётади. Рақиб сифатида, бироқ нафақат инсон, балки ҳолатлар, ва унинг ўзи (ўзини, ўзининг натижасини енгиб ўтиш) ҳам чиқиши мумкин.

7. Яқуний натижа аҳамиятини баробарлаштиради. Ўйинда иштирокчини ҳар қандай соврин қаноатлантиради: моддий, ахлоқий (рағбатлантириш, ёрлик, натижани кенг эълон қилиш), психологик (ўз-ўзини тасдиқлаш, ўз-ўзини баҳолашни тасдиқлаш) ва бошқалар. Бунинг устига гуруҳ фаолиятидаги натижа улар томонидан умумий ютуқ призмаси орқали идрок қилинади, гуруҳ, команда ютуғини ўзининг шахсийи деб тенглаштирилади.

Интерактив усуллар асосида ўқув жараёнини ташкил этилиши албатта, таълим сифатини кафолатлайди.

Муаммоли ва эвристик ўқитиш

Муаммоли ўқитиш – бу муаммоли вазиятларни ташкил қилиш, муаммоларни формаллаштириш, қўйилган муаммоларни ечишда талабаларга зарур ёрдамни кўрсатиш, ушбу ечимларни текши-

риш ва ниҳоят эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тизимлаштириш жараёнига раҳбарлик қилишдан иборатдир.

Муаммоли ўқитиш ривожлантирувчи ўқитиш тури бўлиб, унинг мазмуни мураккабликнинг турлича даражасидаги муаммоли масалалари тизими билан тақдим этилган, уларни ечиш жараёнида талабалар янги билимлар ва ҳаракат усулларига эга бўлиб оладилар, бу орқали эса серунум фикрлаш, хаёл, билим мотивацияси, интеллектуал эмоциялар каби ижодий қобилиятлари шаклланади. Ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятлари ва уларни ечиш бўйича талабаларнинг фаол мустақил фаолияти ва унинг натижасида профессионал тарзда билимлар, малакалар ва кўникмаларни ижодий эгалланиши, фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши юз беради.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи томонидан ташкил-лаштирилган субъектнинг ўқитишнинг муаммоли-тақдим этилган мазмуни билан фаол ўзаро ҳаракати усули бўлиб, унинг боришида у илмий билимнинг объектив қарама-қаршиликларига ва уларни ечиш усулларига эргашади. Талабаларни фикрлашга, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўргатади.

Муаммоли ўқитишга муқобил сифатида эвристик ўқитиш ётади.

Муаммоли ўқитиш схемаси ичига ўқитувчи томонидан ўқув-муаммоли вазифани қўйилиши, талабалар учун муаммоли вазиятни яратиш; пайдо бўлган муаммони англаш, қабул қилиш ва ечиш, унинг жараёнида улар янги билимлар олишнинг умумлашган усулларига эгалик қиладилар; ушбу усулларни масалаларнинг аниқ тизимини ечиш учун қўллаш каби тадбирлар изчиллиги сифатида тақдим этилади.

Муаммоли вазият – бу билим бериш масаласи бўлиб, у эгалланган билимлар, кўникмалар, муносабатлар ва қилинадиган талаб ўртасидаги қарама-қаршилик билан характерланади.

Унинг назарий асоси бўлиб, талаба ижодий фаолиятини рағбатлантириш зарурлиги ва унга тадқиқот фаолияти жараёнида ёрдам кўрсатиш ва амалга ошириш усулларини махсус тарзда,

ўқув материални шакллантириш ва баён қилиш орқали белгиладиларди. Муаммоли ифодаланган топшириқлар қўйилиши ва фаоллаштириш воситасида ўрганувчиларнинг ижодий фаолиятдан фойдаланиш ғояси, унинг ҳисобига уларнинг билим қизиқиши ва охир-ҳисобда бутун билим фаолияти ташкил қилади.

Муаммоли ўқитишни муваффақиятли қўллаш учун қуйидаги асосий психологик шартларни кўрсатиш мумкин:

– муаммоли вазиятлар билимлар тизими шаклланиши мақсадларига жавоб бериши.

– талабалар учун эришиш мумкин бўлган ва уларнинг билим қобилиятларига мувофиқ келиши.

– ўз билим фаолиятини ва фаоллигини чақириши.

– топшириқлар шундай бўлиши керакки, талаба аввал эгаллаган билимларига таяниб бажармаслиги, аммо муаммони мустақил таҳлил қилиш ва номаълумликни топиш учун етарли бўлиши керак.

Муаммоли ўқитишнинг устунликлари: Талабаларнинг юқори даражадаги мустақиллиги. Билим қизиқиши ёки талабанинг шахс мотивациясининг шаклланиши. Талабаларнинг фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши.

Эвристик ўқитиш – талаба томонидан таълим мақсадлари, мазмунини англашни ва изланишлар орқали таълимни самарали ташкил қилишни мақсад қилиб қўйган ўқитишдир.

Талаба учун эвристик ўқитиш – янгисини топиш ва излашни англатади. Яъни, эвристика – юнончадан олинган бўлиб, *heurisko* – излайман, топаман, очаман деган маънони англатади.

Эвристик ўқитиш деганда, ўқитиш шаклини, масалан, эвристик суҳбатни, ўқитиш усулини, масалан, ақлий ҳужум усулини ва талабалар ижодий ривожланиши технологиясини тушунилади.

Эвристик ўқитишнинг тимсоли Сукротнинг усули бўлади, у суҳбатдоши билан бирга алоҳида саволлар ва фикрлар йўли билан билимлар туғилишига келган.

Эвристик ўқитиш орқали инсондаги яширин билимларни чиқариб олиш нафақат усул, балки умуман олганда таълимнинг

услугияти бўлиши мумкин. Бу ҳолда талабага ҳар бир ўрганилаётган соҳасидан нафақат билимларни бериш, балки машғулотларда ўрганилаётган мавзуларни ўзлаштириш усулларини, таълим шаклларини ва баҳолашнинг таълим траекториясини бир қатор сафга тортиш таклиф этилади. Талабанинг шахс тажрибаси таълимнинг таркибий қисмига айланади, таълим мазмуни эса унинг фаолияти жараёнида ташкил қилинади.

Дидактик эвристика – эвристик ўқитиш назарияси, эвристиканинг педагогик турли хиллиги – янгини кашф қилиниши ҳақидаги фан.

Эвристик ўқитиш, эвристик усул, таълимий мақсад, таълимнинг мазмуни, индивидуал таълим доираси, эвристик вазият, таълим маҳсулоти, рефлексия, креатив компетентлик, портфолиолар дидактик эвристиканинг энг муҳим тушунчалари ҳисобланади.

Дидактик эвристикада талаба аввал бошдан оқ тадқиқ қилаётган соҳа воқелигида билимларни лойиҳасини тузади. Бунинг учун унга реал муҳим объект (табиат ҳодисаси, тарихий воқеа, лойиҳа тузиш учун материал ва шунга ўхшаш), аммо у ҳақда тайёр билимлар эмас, таклиф этилади. Талаба томонидан олинган фаолият маҳсулоти (гипотеза, иншо, майда-чуйда буюм ва шунга ўхшаш) кейин ўқитувчи ёрдамида маданий-тарихий ўхшашликлар – тегишли соҳадаги маълум бўлган ютуқлар билан солиштирилади. Натижада, талаба ўз натижасини қайта фикрлайди, охиригача қуради ёки драмалаштиради. Талабанинг шахс таълимий ўсиши юз беради (унинг билимларининг, туйғуларининг, қобилиятларининг, тажрибасининг), тегишли маҳсулот яратилади. Талаба фаолияти натижалари нафақат шахс, балки умуммаданий ўсиш сифатида чиқиши мумкин, шунда талаба маданий-тарихий жараёнларга уларнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси сифатида киритилган бўлиб қолади.

Дидактик эвристика тамойиллари.

Талабанинг шахс таълимий мақсад бўлиши мумкинлиги тамойили. Ҳар бир талабанинг таълими унинг шахсий ўқув мақсадлари асосида ва уни ҳисобга олиш билан юз беради.

Индивидуал таълим доирасида танлови тамойили. Талаба ўз таълимнинг асосий таркибий қисмларини: маъноси, мақсадлари, вазифалари, суръати, ўқитиш шакллари ва усуллари, таълимнинг мазмуни, назорат тизими ва натижаларни баҳолаш, онгли ва педагог билан келишилган танловига ҳақли.

Таълим мазмунининг метафан асослари тамойили. Таълим соҳалари ва ўқув фанлари мазмунининг асосини, уларни талабалар томонидан субъектив шахс билишини таъминловчи фундаментал таълим объектлари ташкил этади.

Ўқитишнинг маҳсулдорлиги тамойили. Ўқитишнинг бош йўналиши талаба ўқув фаолиятининг ички (кўникмалари, қобилиятлари, фаолият усуллари ва ҳоказо) ва ташқи (тахмин, матн, расм ва шунга ўхшаш) маҳсулотларидан юзага келувчи шахс таълим ўсиши бўлади.

Талаба таълим маҳсулоти бошланғичлик тамойили. Талаба томонидан яратилаётган таълимнинг шахс мазмуни ўрганилаётган соҳада таълим стандартларини ва умумэтироф этилган тарихий ва маданий ютуқларини ўрганишдан илгарилаб кетган.

Ўқитиш вазиятчилиги тамойили. Таълим жараёни талабалар ўзлари белгилашини ва уларни ечишнинг эвристик изловини тахмин қилувчи ташкиллаштирилаётган вазиятларда қурилади. Ўқитувчи талабани унинг таълим ҳаракатида кузатиб боради.

Таълим рефлексияси тамойили. Таълим жараёни талаба ва ўқитувчи томонидан ўз фаолиятининг узлуксиз англанишини кiritади: ушбу фаолият усуллари, олинаётган натижалар таҳлили ва ўзлаштирилиши, ушбу асосда кейинги ҳаракатлар ва ўқитиш режаларини лойиҳасини тузиш.

Ушбу илмий мактаб тасаввурларига мувофиқ дидактик эвристика педагогик назария бўлиб, унга мувофиқ таълим, талаба ва педагогларнинг ўрганаётган билим ва фаолият соҳаларида улар томонидан яратилаётган таълим маҳсулотларини яратиш жараёнида, ижодий ўзини амалга оширилиши асосида қурилади.

Турли мураккаблик даражадаги ўқитиш ва лойиҳа усули

Турли мураккаблик даражадаги ўқитиш – ўқув жараёнини ташкил қилишнинг педагогик технологияси бўлиб, унинг доирасида ўқув материални ўзлаштиришнинг турли мураккаблик даражаси тахмин қилинади, яъни А,Б,С даражадаги гуруҳларда ўқув материалнинг мураккаблиги турличадир, у эса ҳар бир талабага фан дастурининг алоҳида фанлари бўйича ўқув материални турли даражада (А,Б,С), аммо асосийдан паст бўлмаган, ҳар бир талабанинг қобилиятлари ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда эгаллашига имконият беради.

Бу технология унда талабанинг фаолиятини баҳолаш мезонига, унинг ушбу материални ўзлаштириш, уни ижодий қўллаш бўйича ҳаракатлари қабул қилинади. Таълим стандартларида ёзиб қўйилган мавзулар эса ўқитишнинг барча даражалари учун ягона бўлиб қолади.

Бу дегани А талаба математикани Б талаба билан биргаликда ўрта даражада ўқийди, аммо рус тилида талаба В билан кучли даражага тушади, чет тили бўйича эса Д талаба билан базавий гуруҳда шуғулланади.

Талабанинг даражадан даражага ўтиши мумкин ва амалиётда оғриқсиз ўтади, чунки мазмун (мавзу) барча даражалар учун ягонадир.

Лойиҳалар усули – бу муаммони батафсил ишлаб чиқиш орқали дидактик мақсадга эришиш усули бўлиб, у ёки бу кўринишда безалган тўла реал, англандиган амалий натижа билан якун топади. Бу талабалар ҳаракатларининг мажмуи, белгиланган изчилликдаги қўйилган мақсадга эришиши учун – талабалар учун шахсан аҳамиятли ва бирон бир якуний маҳсулот кўринишида безалган муаммони ечишдир.

Лойиҳалар усулининг асосий мақсади турли фан соҳаларидан билимлар интеграциясини талаб қилувчи амалий вазифалар ёки муаммоларни ечиш жараёнида талабаларга билимларни мустақил эгаллаш имкониятини тақдим этишдан иборат. Лойиҳалар

усули ҳақида педагогик технология сифатида гапирадиган бўл-сак, унда бу технология ўз моҳиятига кўра тадқиқотчилик, изла-нувчанлик, муаммолилик усуллари мажмуасини тахмин қилади. Талабага лойиҳа доирасида ишлаб чиқувчи, координатор, эксперт, консультант роли берилади. Яъни, лойиҳалар усули асосида та-лабаларнинг билим малакаларини ривожланаши, ўз билимлари-ни мустақил лойиҳасини тузиш, ахборот маконида йўлни аниқлаб олиш, танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш ётади.

XX асрнинг бошидаёқ Жон Дьюиннинг прагматик педагогикаси асосида ишлаб чиқилган лойиҳалар усули замонавий ахборот жамиятида алоҳида долзарб бўлиб қолади. Лойиҳалар усули – дунё педагогикасида янгилик эмас: у ўқитиш амалиётида, америкалик педагог В.Килпатрикнинг, у бу тушунчани «Чин қалбдан бажариладиган ният» деб белгилаган, «Лойиҳалар усули» номли машҳур мақоласи дунёга чиқишидан анча олдин фойдаланила бошланган эди.

Лойиҳалар усули, таълим амалиётига кенг жорий қилинмоқда. Лойиҳалар индивидуал ва гуруҳ, локал ва телекоммуникацион бўлиши мумкин. Сўнгги ҳолатда ўрганувчилар гуруҳи ҳудудий бўлинган ҳолда Интернетда лойиҳа устида ишлаши мумкин. Қолаверса, ҳар қандай лойиҳа, унинг устида кетаётган ишни акс эттирувчи, сайтга эга бўлиши мумкин. Натижалари веб-сайт кўри-нишида тақдим қилинган ўқув лойиҳасининг вазифаси лойиҳа-нинг муаммоли саволига жавоб бериш ва уни олинишини, яъни, тадқиқотнинг ўзини ҳар томонлама ёритишдан иборат.

4-§. XXI асрнинг замонавий усул ва технологиялари

Нейрон тармоқлари таълим технологияси

Ўқув машғулотини нейрон тармоқлари сифатида. Профес-сор-ўқитувчи ва педагоглар жамоаси таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятларини назарий асослаш етарлича мураккаб бўлиб, амал-

да уларнинг кўпчилиги олинган ва олинаётган методик ишлан-ма, тавсияларга таянилади. Аммо ўқитувчига ўз фаолияти бўйича ўқув жараёнининг тайёр лойиҳаси берилмайди, лекин лойиҳани тузишнинг рецепти берилади. Ўқитувчида таълим жараёнини ташкил қилиш восита, шакл ва усулларининг танлови жуда кенг. Уларнинг қайси бири оптимал натижа беради? Қайсилари ўқитувчига ва у ишлаётган шароитларга тўғри келади? Агарда ўқув машғулотида коммуникация лойиҳасини тузиш масаласи нейрон тармоқларига йўналтирилса, у қандай фаолият кўрсатади? деган саволлар туғилади.

Инсоннинг нейрон тармоқлари қандай ўқийди?

Ўқиш бош мияда юз беради, бунда нейронлар мўътадил, узун уланишларни ҳосил қилади. Масалан, «Она» сўзи мияда ўзи билан нейронларнинг ўзаро жойлашишига нисбатан тақдим этилади. «Она» сўзи мияда қанча фаоллашса, тегишли нейронлар шунчалик ҳаракатга келади ва уларнинг уланишлари шу билан мўътадиллашади.

Савол туғилади. Янги билимларни эгаллашда нейрон тармоқларининг ўрни қандай бўлади?

Нейрон тармоқлари ўзаро ҳаракатлар доирасида, янги ва янада самарали уланишларни ишлаб чиқиб, янги билимларни ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди. Ушбу моделни ўқув машғулотини ташкил қилиш ва ўтказишга қандай ўтказиш мумкин? Ўқитувчи томонидан талабаларнинг интенсиф мулоқот қилишлари ва жамоавий билимларни ҳосил қилишида, уни мустаҳкамлашда кўмаклашиши лозим бўлади.

Инсонларнинг нейрон тармоқлари фаолият кўрсатиши учун қандай шароитлар зарур?

Талабалар ўзи бажарган топшириғидан хурсанд бўлиши ва ушбу жамоавий иш дунёни яхшилаш ниятида юз бераётганини ҳис қилиши керак. Коммуникатив тўсиқлар бартараф этилган бўлиши, яъни коммуникация эркин бўлиши керак. Коммуникация канчалик оддийроқ ва тезроқ бўлса, шунча яхши бўлади. Мия лойиҳачиси (ўқитувчи) ҳар бир нейронни, уларнинг бир бири

билан фаол ва сермахсул ўзаро ҳаракатига (ресурсларга йўналтирилганлик) ёрдамлашиш учун, яхши билиши керак. Алоҳида нейронлар қанчалик чуқур билимли бўлса, лойиҳачи шунчалик чуқур билимли, «Мия» шунчалик яхши фаолият кўрсатади. Шунинг учун, ўқитувчи иложи борича тезроқ тегишли хулқ, яъни, дўстона, ишончли, тез ва ҳоказо асосига эга бўлган бўлиши керак бўлади.

Нейрон тармоқлари таълим технологияси назарий асослари.

«Ўқитиш орқали ўқиш» учта таркибий қисмларга асосланади: педагогик-антропологик; ўқув-назарий ва тизимли; фанга йўналтирилганлиги ва мазмунли.

Педагогик-антропологик нуқтаи назаридан «Ўқитиш орқали ўқиш» асосан бир – бирига билимларни бериш масаласи ишончилиқда, ижтимоий алоқа ва тан олинисда, шунингдек ўзини руёбга чиқариш ва ақл-идрок билан тасаввур қилиш эҳтиёжини қондириши керак бўлади. Ақл-идрок билан тасаввур қилиш эҳтиёжга нисбатан инсониятга қаратилган муаммолар боисидан, қанча кўп бўлса ҳам интеллектуал мулкни сафарбарлик қилиш кераклиги шубҳа туғдирмайди, бу кўп даражада «Ўқитиш орқали ўқиш» усули дарсида юз беради.

«Ўқитиш орқали ўқиш»нинг ўқув-назарий ва тизимли жиҳати ўқув материални етказишнинг анъанавий усулига қарши қўйилган. Шу билан бирга марказда ўқитувчи бўлган ўқув машғулотида, қоидага биноан ўқув материални рецептив идрок қилиш юз берса, «Ўқитиш орқали ўқиш» усули бўйича эса билимларни ўзлаштириш тизимли бўлишига олиб келади. Тайёрланган, аммо ҳали тизимлаштирилмаган ахборотдан келиб чиқиб, талабалар ушбу ахборотни баҳолаш, сифатини ўлчаш ва тизимлаштириш йўли билан билимларга (*Linearitaet a posteriori*) айлантириш масаласи олдинда туради ва бу жараён фақат интенсив коммуникация асосида юз беради.

«Ўқитиш орқали ўқиш»нинг фанга йўналтирилганлиги ва мазмунли жиҳат бу чет тилини ўрганишга қаратилган бўлиб, ушбу усул анча аввал мавжуд кўринган кўникиш (бихевиористик

таркибий қисм), материалнинг ўзаро боғланиши (когнитив таркибий қисм) ва аутентик ўзаро ҳаракати (коммуникатив таркибий қисм) ўртасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этишга қаратилган. «Ўқитиш орқали ўқиш» усулининг мазмунли жиҳати, ўқув материали талабини фикрлашга ундайди. Дарслик билан ишлашда унинг мазмуни талабаларга берилади. Агарда дарслик билан ишлаш яқунланса, унда талабалар ўзлари лойиҳа доирасида янги билимларни ишлаб чиқадилар ва уларни ўқув машғулотида тақдим этади.

Нейрон тармоқлари таълим технологиясини амалий қўлланиши.

Янги мавзунни кўриб чиқишдан олдин ўқитувчи материални кичик дозаларга тақсимлаб чиқади. Талабалардан максимал уч киши бўлган гуруҳлар ташкил этилади ва ҳар бир гуруҳ материалнинг айрим қисмини, шунингдек ушбу мазмунни бутун аудиторияга хабар қилиш топшириғини олади. Топшириқ олган талабалар дидактик материални тайёрлайдилар. Ўқув машғулотида юз берадиган ушбу тайёргарлик давомида, ўқитувчи талабаларнинг айрим гуруҳларини қўллаб қувватлайди ва маслаҳатлар беради. Натижада талабалар томонидан муаммоларсиз ушбу муаммони удалай олиши маълум бўлади. Улар ўқув йиллари давомида ўқитувчи қандай усулларни қўллаганини кузатиб боради. Ўқитувчи талабаларнинг дидактик қобилиятларига, етарлича баҳо бермасликка мойилдирлар. Ўзлаштириш босқичидан сўнг талабалар юксак имкониятларга эга эканлиги маълум бўлади.

Шунга дарҳол эътибор қаратиш керакки, «Ўқитиш орқали ўқиш»ни ҳеч қандай ҳолатда талабалар томонидан ўтказилаётган фронтал дарс деб тушунилмаслиги керак. Ўқув машғулотини ўтувчи талабалар доимо тегишли воситалар билан, ҳар бир ахборот, у кимга йўналтирилган бўлса (қисқа сўраш, умумлаштириш, ҳамкорлик ишини боғлаш) тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Коммуникация чикмаса ёки талабалар томонидан қўлланилаётган мотивация усуллари ишлаб кетмаганлигини ўқитувчи аниқласа, бу ерда у аралашиши лозим бўлади.

Ўқитувчиларнинг кўпчилиги усулдан умумқамраб олмай, балки, босқичли ёки фақат баъзи бир, айнан тўғри келадиган аудиторияларда фойдаланишади ҳамда қуйидаги афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълум қиладилар:

Технологиянинг афзалликлари: материал интенсив ишлаб чиқилади ва талабалар фаол бўлади, талабалар фан бўйича қўшимча малакаларни оладилар, яъни гуруҳда ишлаш қобилияти, режалаштириш қобилияти, ишончилиқ, кўргазмалар тақдимот ва шарҳлаш, ўзини англаш.

«Ўқитиш орқали ўқиш» қўллашнинг алоҳида соҳалари.

Бу усул барча типдаги таълим муассасалар ва барча фанлар бўйича қўлланилиб, кўпгина ўқув режаларида очик, танлов сифатида тавсия этилади, шу билан бирга, дарсдан ташқарида таълим усули ва малака ошириш курслари ҳамда иқтидорли гуруҳларида қўллаш мумкин, мисол сифатида илмий даража олиш учун тадқиқот ишларида «Мия»ни ушбу усул бўйича чиниқтирилади.

Мазкур усулни турли таълим муассасаларида қўллаш.

Олий таълим муассасасида қўллаш. Талабаларга фикрлашни машқ қилдириш, шу билан билимларни ишлаб чиқариш имконияти берилади. Тадқиқот ва ўқиш уйғун бирлашади. Улар шу билан университет ўқув жараёнининг идеалига мувофиқ келади. Ушбу усул замонавий меҳнат дунёси талабларига айниқса рағбатлантирувчи ва мувофиқ келувчи, биринчи навбатда анъанавий кўп марта деталлаштирилган материални моҳиятидан чегаралашга қодир бўлиб қолди. Охирида талабалар (гуруҳда) уларни қизиқтирувчи мавзуни ва масалаларни турлича қўйиш ёрдамида тадқиқ қиладилар. Шунингдек, «Ўқитиш орқали ўқишни» университетда ҳар қандай фан бўйича ва ҳар бир гуруҳ билан (15 дан 35 гача миқдордаги иштирокчиси бўлган гуруҳлар жуда қулай) муфассал қўллаш мумкин.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари қўллаш. Ушбу типдаги таълим муассасаларда кўпчилик фанларнинг амалий йўналиши «Ўқитиш орқали ўқиш» усули учун кенг фаолият майдонини тақдим этади. Айнан шу ерда ўз фаолияти афзалликлари

кўринади, чунки шундай таълим муассасаларининг талабалари дарсдаги муваффақиятсизликлари туфайли таълим муассасасидаги ҳаёти давомида пассив бўлиб қоладилар. Ўзини намоён қилиш ва таълим муассасасидан фарқли ўларок бир хил ўқиш, гуруҳга ўзига ишончни кўтаришга, ўқишдан бўлган хурсандчиликни ва тесқари алоқани яна ҳис қилишга қурби етади.

Турли фанлар бўйича «Ўқитиш орқали ўқиш».

Кимё. Кундалик кимёвий ва физик билимларни хабар қилиш вақтида бу усул дарсдан ташқари тажрибалар доирасида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари талабалари учун ва лойиҳа дарсларида қўлланилади. Иккала ҳолатда ҳам таълим муассасаси талабалари ўргатувчилар ролида чиқадилар. Биринчи ҳолатда, ўрганувчилар айниқса дидактик оддийлаштирилган тушунтиришни, шунингдек талабаларда ҳаракат механизмини ва фикрлаш жараёнларини бошқариш ва муаммоларни ечиш жараёнини ўрганишлари керак. Иккинчи ҳолатда, кимё бўйича ўз махсус билимларини ўзлаштириш ва чуқурлаштириш билан бир қаторда мустақил эгалланган билимлар хабари, шунингдек шахсан масъул раҳбарлик ва гуруҳни етаклаш марказда туради.

Немис тили (чет тили сифатида) ўқув машғулотида қўллаш. Қоидага биноан айнан немис тили дарси турли энг муҳим кўникмалар ва усулларни машқ қилишда етакчи ролни эгаллайди. «Ўқитиш орқали ўқиш» усулини қўллаш бу ерда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари талабалари мустақиллигини қамровчи тарбияси учун, шунингдек ижтимоий, коммуникатив, услубий ва ишбилармонликнинг чуқур билимига эгалликни шакллантириш учун мувофиқ келувчи усулга айланди. Мустақил ишлаб чиқиладиган мавзу блоклари ва материаллари, тақдимот қилувчи гуруҳга ҳеч қандай оширилган талаблар юзага келмаслиги учун, аввал ўқитувчи томонидан ёшига мувофиқ тайёрланган бўлиши керак. Коммуникатив муаммолар одатда кам бўлиши туфайли, тақдимот ва босқичларнинг турли ва кўпинча исталган креатив натижалари мустақил иш натижалари бўладилар. Аудитория ва хусусиятига боғлаб, бироқ, барча тала-

баларда ўқув мақсадига эришилган бўлиши мумкинлигини кафолатлаш учун, гуруҳ, хабарини етказаётган ўқув материални тушунганлигини ўқитувчи ҳамма вақт олдиндан аниқлаши керак.

Чет тили ўқув машғулотида қўллаш. «Ўқитиш орқали ўқиш» усулида ёқимлиси шундаки, у билим, кўникиш ва коммуникация ўртасидаги гўёки бир-бирига зидликни бартараф этади. Дарсни ўтувчи талабалар ўз курсдошларининг диққатини мазмунга қаратиши туфайли ўқитишнинг билим мақсадларига эришилади, Тиллар таркибларини автоматлаштиришга талабалар дарсда тўла мулоқотни талаб қилиши туфайли эришилади (дарсда талабаларнинг коммуникацияси иштироки 75% ни ташкил қилади, 25% га қарши, у ерда дарс марказида ўқитувчи бўлган) ва бу тиллар таркибини вазият такрорига олиб боради. Талабалар реал коммуникатив ният билан, улар ҳақиқатдан ҳам маънони етказишни ҳоҳлаганликлари боис, коммуникатив таркибий қисм амалга ошади.

Немис тилини ўрганиш сифатида қўллаш. Ҳар қандай тилни ўқитишдаги каби «Ўқитиш орқали ўқиш» усули, чет тили сифатида немис тилини ўқитишнинг барча даражаларида бошланғич (нулли) босқичдан бошлаб ва семестр лойиҳаларигача илгарилаб кетган талабалар билан чекловларсиз қўллаш учун тўғри келади. Ҳатто, аввалига мажбуран важли талабалар (мажбурий чет тили), чет тилини ўрганишга кам қизиқувчилар (ўзининг негатив таълим муассасаси тажрибаси туфайли), ушбу усул туфайли қизиқиш билан узок муддат тилни ўрганади, негаки «Ўқитиш орқали ўқиш» уларни ўқув материални ҳам фаол, ҳам ижобий усулда баён қилишга ундайди.

Инглиз тили ўрганиш сифатида қўллаш. Барча аудиторияларда қўлланиши мумкин, фаннинг тобора ўсиб бораётган аҳамияти туфайли талабларга асосан методик томонидан ишлаб чиқилган. Аввал аудитория даражасига мувофиқ келувчи суҳбатни олиб бориш тавсия этилади. Талабаларнинг ўзлари баён қилаётган материалнинг комплекслиги ва ҳажми беш минутлик ўқишдан тортиб, дарсни тўла ўтишгача ошиб боради.

«Ўқитиш орқали ўқиш» иқтидорли талабаларни ўқитишда қўлланилиши. Мавжуд тажриба шуни кўрсатадики, иқтидорлар учун бу усул жуда тўғри келади, негаки у турли соҳалардан улкан батафсил билимларга эга. Агар усул тўғри қўлланилган бўлса, унда талабалар ўқитишнинг ушбу усули афзалликларини жуда тез тушунадилар, негаки у уларнинг коммуникацияларга табиий эҳтиёжига ва уларнинг қизиқишларига мос келади.

«Ўқитиш орқали ўқиш» мияни текшириш нуқтаи назаридан қўлланилиши. Ўқиш бу миянинг органик унумдорлиги ва моториканинг, сенсориканинг ва ассоциациянинг бир-бирига яқин тизимостларидаги молекуляр, ҳужайра ва тизимли нейрон жараёнлари мувофиқлигига асосланади. Тасавуур қилинадики, (1) таркибий ва функционал келишиш йўли билан селектив мўътадиллашувчи бошқаришнинг кичик ва катта контурларида ўқиш юз беради; (2) ўқиш қоидаларга эргашади ва доимо индивидуал ваз ва эмоционал динамикадан кўчирилади ва ўқишда муваффақият учун шарт-шароитлар яратилади; (3) бошқаришнинг сенсомотор ва ассоциатив контурлари кучая бориб, қўшилади, у эса «Ўқитиш орқали ўқишни» билдиради.

Кейинги ривож.

Профессор Мартин ўқув гуруҳларини ташкил қилишда нейрон тармоқларига йўналади, бунинг устига айрим талабалар нейрон сифатида метафорик кўриб чиқилади. Нейрон гуруҳларида мўътадил нейрон бирикмалари аниқланган тақдирда, ўқув жараёни ҳақида гапириш мумкин. Бу айрим нейронлар интенсив ва узоқ вақтга бирлашишини тахмин қилди. Шу сабабли «Ўқитиш орқали ўқиш» талабаларда коммуникатив кўникмаларини лойиҳасини тузишга таянади ва улардан очикликни, самимийликни, концентрацияни талаб қилади. Жараённинг асосий фикри тезлик ва тармоққа бирлашиш бўлади. Шу билан бир қаторда демократик ҳулқ ҳам рағбатлантирилади. «Ўқитиш орқали ўқиш» усулини серунум қўллаш, ўқитувчилардан ваколатларни талаб қилади, улар олий таълим муассасаларига етказилган бўлиши керак.

Ўқитувчилар нейрон тармоқлари лойиҳачилари сифатида.

Аудиториядаги нейрон тармоғи (яримдоира ёки дастлабки шарти сифатида доирада жойлашиш) сифатида таркиблашганлиги боис ва талабалар ўртасида коммуникация тобора интенсив бўлаверганлиги туфайли, ўқитувчи ҳар бир хабардан асосий мулоҳазани билиб олишга ва уни бошқа хабарлар билан солиштиришга кўникиши керак бўлади. У жамоавий фикрлашнинг ташкилотчиси бўлиб қолади ва кўп ҳам аралашмаган ҳолда ақлий оқимларни мақсадга аста йўналтиришга олиб келади. У, биринчи навбатда талабалар ўртасидаги коммуникация узлуксиз бўлиши учун жараённинг ўзига аралашиб, мазмунни кўздан қочирмаслиги керак бўлади. Ундан ҳам ортиғи коммуникацияларга бўлган қобилият талабаларнинг асосий сифатига айланади. Кўпгина тадқиқотчилар бунда Кондратьевга асосланади.

Ўқитувчи жамоавий ўзини таҳлил қилишнинг ташкилотчиси сифатида, у бир мақсадга, айнан, бутун синфнинг янги материални қабул қилиши учун йўл бошлашга ғамхўрлик қилиши керак бўлади. Дарснинг бошида ҳали мазмуний ноаниқлик (ҳеч қандай чизиқлилиқ) ҳукм суради ва синфда қадамба-қадам қўшма ҳаракат йўли билан аниқлик (тажриба асосида чизиқлилиқ) пайдо бўла бошлайди. Бу маънода форум модератори сифатидаги фаолияти ўқитувчи касбига яхши тайёргарлик бўлиши мумкин эди, у ерда тартибсиз келаётган ахборотдан билимлар лойиҳаси тузилади. Аудиторияни нейрон тармоғига айлантириш мақсади сифатида, ўзини ташкил қилишга қодир комплекс таркиб бўлиши керак бўлади.

Парадигмалар алмашинуви билимлар жамиятига.

Дарсда «Ўқитиш орқали ўқиш» усули бўйича билимлар лойиҳасини тузиш жараёни ва интернет-энциклопедия ҳаракат усули ўртасида параллел боради. Дарсда «Ўқитиш орқали ўқиш» усули бўйича билимлар, экспертлар мақомини олмаган талабалар томонидан намоён қилиниши курсдошлар диққатини уйғотади. Шундай қилиб, аудиториядаги барча иштирокчилар, ҳали тугалланмаган билимни яхшилаш устида ишлашга чақи-

риладилар. Худди шу интернет-энциклопедия билан ҳам юз беради: фойдаланувчи аввал бошданок муаллифларнинг билимлардаги устунликларини тан олмаганлиги туфайли фақат матнлар устида танкидий бирга ишлашга тайёр бўлади. Мавжуд билим ва дилетантлик билимлари энциклопедияга киритилганлиги учун фақат барча фойдаланувчилар илмий тенг ҳуқуқлиги мумкин бўлади.

Билимлар лойиҳасини тузишнинг бу янги шакли, ўзларининг ёзиб қўйилган билимларини тўпловчи ва уларни талабаларга етказиб берувчи экспертлар фанидан, билимларни жамоавий лойиҳасини тузишда, барча тенг ҳуқуқли иштирок этадиган жамиятга ўтишни бошлайди.

Аниқ қадамлар: нейрон тармоқлари сифатида ресурс-синфларга йўналиш.

3-жадвал

Дарс босқичлари	Талабаларнинг кутилаётган ҳуқуқи	Ўқитувчи ҳуқуқи
Дарсни умумий муҳокамаси	Талабалар доирада ўтирадилар. Ҳар бир талаба ўз курсдошларини диққат билан эшитади ва агарда унга бирон-нарсга тушунарсиз бўлса савол беради.	Ўқитувчи талабалар мулоҳазасига мутлақ ихтиёр жамланганликни таъминлайди, ҳар бир талаба ўз фикрини эркин мулоҳазалашини, аудитория эса унинг мулоҳазаларига жавоб беришига ғамхўрлик қилиши керак бўлади.
Дарс бошланиши: бирга ишлаш давомида ахборот йиғиш: масалан, «Мольернинг Дон Жуани».	Ресурсларга йўналиш: дарсни ўтувчи талабалар, янги мавзунини қисқа тақдим этадилар ва курсдошларини ушбу мавзу бўйича (масалан, Моцартнинг Дон Джованнисини) билладиган биргаликдаги иши давомида ахборот йиғишга ундайдилар.	Ўқитувчи, талабалар ўз фикрлари билан алмашишларини кузатиши керак.

Биринчи чуқурлашиш: пленумда ахборот йиғиш.	Мавзуга (талабалар нейрон тармоқларида нейрон сифатида ўзаро ҳаракатга келадилар ва шу ўзаро ҳаракат давомида фикрлар ва муаммони янги ечимлари пайдо бўлади) боғлиқ саволлар ҳали берилмасдан ва тушунтирилмасдан туриб дарс ўтувчи талабалар раҳбарлиги остида талабалар ўртасида интерактив ўзаро ҳаракат юз беради (талабалар доирада ўтиради).	Ўқитувчи коммуникацияни кузатиб боради ва агар ноаникликлар юзага келса аралашади. У доимо тушунарсиз ахборотни ёки тушунарсиз мулоҳазаларни тушунтириб беришни талаб қилади.
Иккинчи чуқурлашиш: пленумда ахборот йиғиш.	Машғулотни ўтувчи талабалар раҳбарлиги остида, энг муҳим саҳналар машқ қилинади (масалан, Дон Жуан қандай қилиб деҳқон қиз болани йўлдан адаштираётганини)	Ўқитувчи янги ғоялар беради, саҳналар жалб қилувчи ўйналган бўлишини кузатади, қолган талабалар эса уни диққат билан уни кузатишлари керак.
Учинчи чуқурлашиш: ёзма уй иншоиси (магн бўйича топшириқлар, айрим саҳналар талқини, масалан Дон Жуаннинг ўз отаси билан келишмовчилик лари).	Барча талабалар уйда кунг билан шуғулланидалар.	Ўқитувчи уй вазифаларини йиғади ва уларни тўғрилайди.

Нооген педагогик технологияси

Нооген – бу формаси бўйича Г.П.Щедровицкий томонидан ишлаб чиқилган ташкилий-фаолият ўйинларига асосланган, мазмун сифатида эса онтологик моделлаштиришга оид масалаларни ечишда фойдаланадиган таълим технологияси бўлиб, мумкин бўлган дунёларни яратиш, масалан: «Дунёда механикани иккита перпендикуляр вақтлари билан қуриш», «Тилда бор, лекин но-

ми йўқ бўлган дунёни куриш», «Нотабий асос билан ҳисоблашнинг позициян тизимини куриш».

«Нооген» педагогиклар гуруҳи Красноярск ёзги таълим муассасаси доирасида, сўнгра Красноярск ва Новосибирск шаҳарларидаги бир қанча мустақил муаллифлик таълим муассасаларида пайдо бўлди. Номи И.А.Ефремовнинг «Хўкиз соати»даги космик кема номидан олинган ва юнон тилидан тилидан «Ақл туғувчи» деб таржима қилинади. Нооген кўшимча таълим технологияси бўлиб, сафардаги интенсив таълим муассасалар учун қўлланилади.

Пренапедия таълим технологияси

Пренапедия (юнонча *peri* – атроф, ёнида ва латинча *natalis* – туғилишга алоқадор, грекча *paideia* – ўқитиш) (инглизча *prenatal learning, prenatal parenting*) – бола туғилгунча, она қорнида уни ўқитиш ва ривожлантириш усули. Пренапедиянинг мақсади туғилгунгача даврда фаол ўқитиш муҳитини ярата бориб, чақалоқнинг генетик ва интеллектуал потенциалидан янада тўла фойдаланишдан иборат. Пренапедия бола-она-ота алоқаларини ўрнатилишига ёрдамлашади ва боланинг бошланғич ривожини таъминлайди. Пренапедия ўқитиш педагогикасига, пренатал психологияга, нейрпсихологияга (*Neuroscience, Neurogenesis*) ва перинатологияга (акушерлик, гинекология ва неонатологияни бирлаштирадиган фанга)лар билан чамбарчас боғлиқ. Бола ҳаётининг эрта даврида мияни ривожланишининг қонуниятлари дунё фанида яхши ўрганилган.

«Радиация фони, геомагнит майдони, атмосфера босими каби муҳит омиллари, аниқландики, бола ривожланишининг эрта босқичларида унинг мия таркиби шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатиб, шу билан инсоннинг ақлий қобилиятларига таъсир қилиши мумкин. Бу таъсирни батафсил ўрганиш охир-оқибат одамларнинг ақлий қобилиятларини сунъий яхшилашга имкон беради, бу эса катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлади». [11].

Умуман боланинг эрта ривожига аралашуш тўрт паллани ўз ичига олади: а) оналикка/оталикка тайёргарлик; б) туғилгунгача бўлган давр: мос жисмоний муҳитни таъминлаш; в) боланинг ёши 3 ёшгача: «ота-бола» алоқасини кучайтиришга ва ота-оналарни ўқитишнинг уй дастуридаги иштирокига диққатни тўплаш; г) боланинг ёши 4 дан 6 ёшгача: кундузги марказ дастурида боланинг когнитив ривожланишига диққатни тўплаш.

Пренепедия таълим технологиясининг илмий тамойиллари.

Боланинг эрта ривожланиш усуллари учта нейропсихологик тамойилларга таянади. Ҳар бир янги функциянинг ривожланишига, ҳар бир янги малакага боланинг қатъий белгиланган даври тақдим этилади.

Энг кўп фундаментал функциялар аввалдан ривожланади ва улар бир-бирини асослаб беради.

Мияга ривожланишнинг эрта паллаларида рағбат талаб этилади. Ташқи (ўқув) муҳитнинг ташқи таъсиридан ажралган нейронлар, толали бирикмаларнинг бой тармоғини шакллантира олмайдилар.

Эрта ўқитиш методикаларидаги асосийси шундаки, улар фаол ўқитиш муҳитини яратади. Бу тамойил педагогикада янгилик эмас. У масалан, Монтессори педагогикасида муваффақиятли қўлланади. Ўқитиш муҳитини ва унинг бола ривожига таъсири, НУВЭРСнинг тадрижий тамойилини эълон қилган бўлиб, уни Б.П.Никитин томонидан тадқиқ қилган.

Б.П.Никитиннинг НУВЭРС ва пренатал фонетик ўқитиш ходисаси ҳақидаги фарази тажрибаларда тасдиқланди. Ўқитиш муҳити миянинг ривожланишида динамикани яратишдаги асосий омил бўлади, у эса унинг туғилгунгача ва туғилгундан кейинги давларида тезликда етилишига олиб келади. АҚШ ва Канада олимлар гуруҳи тадқиқотлари шуни кўрсатдики, интеллект катталардаги кулранг модда миқдори билан эмас, балки болалик ва ўсмирликдаги миянинг ривожланиш динамикаси билан корреллашади. Стэнфорд (АҚШ) университетидаги олимлар ижодга мойиллик ва аффектив хафагарчиликлар ўртасидаги алоқани ўр-

ганиб, депрессияга мойил оналарда, ижодий қобилиятли болалар туғилиши имкони юқорироқ бўлади.

Пренатал ривожланиш жараёнида сенсор оқимининг, биринчи навбатда товушлининг етишмаслиги бола мияси ривожига тўхтатувчи таъсир қилади. АҚШда бу ғоя муаллифи Брент Лоуган. Россияда бу ғояни биринчи бўлиб Тамбовлик профессор Т.Н.Малярченко баён қилди. Пренатал паллада сенсор очарчилиги бола организмнинг функционал етилмаганлигида, диққат ва гиперфаоллик танқислиги синдроми билан янги туғилаётган болалар миқдорининг ошишида асосий омил бўлади.

Она қорнида болани ўқитишнинг турли усуллари мумкин бўлган салбий таъсирларини ҳисобга олиш керак. Боланинг илк ва пренатал ўқитилиши мутахассислар ва ота-оналар томонидан тегишли ўқишдан сўнг, Гиппократнинг (Буқрот) маълум ахлоқий постулати «Зиён етказма!» га амал қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

«Бизнинг миямиз ўзини қайта ташкил қилишнинг, миянинг ҳужайралари ўртасида янги алоқаларни шакллантиришнинг ҳайрон қоларли қобилиятига эга». Dr. Sandra Chapman.

Пренапедия ҳозирча шаклланишнинг бошланғич палласида турибди. Ушбу боланинг туғилгунгача ривожланиши усули академик даражага етишиши учун психология, педагогика, неврология ва физиология соҳаларида фундаментал тадқиқотлар талаб қилинади.

Пренапедия усуллари.

Сонатал (лотинча *sonus* – товуш, ва *natal* – туғилган) – М.Л.Лазаревнинг болани ўқитишнинг, ривожланишининг ва тарбиялашнинг туғилгунгача бўлган усули. Усул мусиқа ёрдамида ҳомила ривожини ва ҳомиладорнинг организмида белгиланган психик ва физиологик жараёнларни оптималлаштиришга қаратилган. Усулда мусиқанинг организмга таъсирининг учта омили фойдаланилади: психологик-эстетик (ассоциациялар, эмоциялар, образлар); физиологик (организм айрим функцияларининг машқи); вибрацияли (ҳомиладаги турли хил биокимёвий жараёнларни фаол-

лаштириш мақсадида, унинг хужайраларига таъсир қилиш). «Сонатал» 1983 йилдан бери фойдаланиб келинапти. У РФда патентлашган. Усул Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1996 йилда қўллашга тавсия этилган.

Baby Plus Prenatal Education System – ўқитишнинг туғилгунгача бўлган усули. Бу 16 та ритмик товушдан иборат қатор бўлиб, улар онанинг юрак уришига ўхшайди. Ҳомиладорлик ривожланиб боргани сари товушлар ритми изчиллик билан ошиб боради. Ҳомиладор аёллар юрак ритмининг мураккаблаштирилган характери ёзилган 16 кассетадан иборат тўпламни эшитдилар.

Baby Plus тизими америкалик физиолог ва пренатал психолог, болалар ривожига бўйича мутахассис АҚШдаги пренатал институтининг директоридир (Prenatal Institute, Seattle, WA), профессор Brent Лоуган томонидан ишлаб чиқилган. Усул 1986 йилдан бери фойдаланиб келинади. Baby Plus Prenatal Education System АҚШда патентлашган. (U.S.Patent).

BabyPlus ўқитишнинг туғилгунгача бўлган усули, худди Сонатал каби ўзининг самардорлигини ва хавфсизлигини кўрсатди. У болалар тиббиёт муассасаларида фойдаланишга тавсия этилган. 2006 йилда бутун дунёда, 100 мингдан ортиқ BabyPlus болалари туғилдилар. «Сонатал»ни 60 мингдан ортиқ ота-оналар жорий қилдилар.

Гаптономия (Haptonomie). Даниялик олим Франц Вельдман (Frans Veldman) (1920-2010 йиллар) ҳомила билан тегиниш орқали пренатал мулоқот методикаси – гаптономияни (тиб. грекчадан hapsis – тегиниш; hapto – тегинаяпман; nomos – қонун; сўз-ма-сўз тегинишлар қонуни) ишлаб чиқди. Методика биринчи марта 1978 йилда Францияда жорий қилинди. Гаптономиянинг мақсади, тегинишлар ёрдамида ота-оналарнинг, уларнинг бўлгусидаги фарзанди билан яқиндан танишуви ва алоқалари бўлади.

Пренапедия синдроми (СПП) – туғилгунгача ўқитишни ўтган болалар: физиологик жиҳатдан етукроқ туғиладилар; туғилишда организм атроф-муҳитга осонроқ мослашади (очиқ кўз

билан туғилдилар, камроқ бақирадилар, яхши овқатланадилар, яхши ухлайдилар);

хаётининг биринчи йилида камроқ касалланадилар;

уларда кейинги йиллар давомида хроник касалларнинг пайдо бўлиши мумкинлиги камаяди;

чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш кўрсаткичи ортади;

жисмоний ва рухий жиҳатдан тезроқ ривожланади (дикқат, хотира ва бошқаларнинг катта ҳажмига эга бўладилар).

Бола ривожланишининг босқичларига эртачи эришадилар, тилга, мусикага, ижодга яхши қобилиятларга эга, таълим муассасасига тайёргарлик даражаси юқори бўлади.

Перинапедия. Туғилгандан сўнг болани ўқитишнинг кейинги босқичи, қобилиятларни ривожланиши ва эмоционал саломатлик учун катта аҳамиятга эга бўлган – перинатал ўқитиш (перинапедия) бошланади. У туғилгандан то бир ёшгача бўлган даврни (чақалоқлик) қамраб олади. Одатда чақалоқларни эрта ривожланишининг махсус марказларида бир ойликдан то бир ёшгача ўқитадилар. Ўқитишда чақалоқларнинг ота-оналари ҳам иштирок этади. Ўқитишни перинапедия бўйича педагоглар олиб борадилар. Дунё ва Россия амалиётида эрта болаликда ўқитиш учун катта миқдорда шакллар мавжуд (Early childhood education).

Ҳозир чақалоқни ўқитиш, туғилишдан то беш ёшгача бўлган ёшни қамраб олган, болани эрта ўқитишнинг (ривожланишининг) биринчи босқичи бўлади. Бу давр болани интеллектуал ва эмоционал ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Эрта ўқитиш натижалари кўпинча пренатал ўқитиш тенденциясига мувофиқ келади.

«Бўлғуси ақл ривожланиши учун муҳит шартларини Б.Блум миқдорда баҳолади. Унинг маълумотларига кўра туғилгандан 4 ёшгача даврда интеллектуал ривожланиш шароитларини оптималлаштириш бўлғуси IQни 10 бирликка, 4-8 ёшда оптималлаштириш – 8 бирликка, 8-12 ёшда 4 бирликка оширади. Шунга мувофиқ болани ақлий ривожланишига, айниқса 0-4 ёшда, бе-парволик, бўлғуси ақлни кескин ёмонлаштиради». В.Е.Пешкова

Пренапедия шаклланиши билан кўринадики, эрта ўқитиш бошланиши, бола ривожланишининг туғилгунгача бўлган даврига силжийди. Туғилгандан кейин чақалоқларни мусиқали ва ритмик ўқитиш (бэби-таълим муассасаси) ҳам болани психик ва жисмоний жиҳатдан тезроқ ривожланишига ёрдам беради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида махсус комплекс дастур бўйича 2 ёшдан от 7 ёшгача бўлган болаларни ўқитувчи, эрта ривожланишнинг болалар марказлари (академиялар) FasTracKids ташкил этилган. FasTracKids дастурининг муаллифи профессор Иоганн Дебер (Johann DeBeer). Ўн йиллик тажриба унинг яхши натижаларини кўрсатди.

Пренапедия усулининг тарихи.

Икки минг йиллик аввалоқ Хитойда болага туғилгунгача таъсир қилишни тажрибадан ўтказганлар. Ҳомиладор аёлларни чиройли жойдаги махсус жамоага жойлаштиришган, у ерда она ва бўлғуси боланинг эстетик ва мусиқали таълими билан шуғулланганлар. Торе бўйича болаларни тарбиялаш – яхудий таълимининг асосий мақсади (Хинух) – она қорнида ва ҳатто ундан ҳам аввал (ҳомиладорликгача) юз беради.

«Донишманд ҳузурига туғилганига беш кун бўлган чақалоқнинг ота-онаси келдилар. Боланинг ота-оналари донишмандга савол бердилар: «Марҳамат қилиб айтингчи, боламизни тарбиялашни қачон бошлашимиз керак?» Унга донишманд жавоб берди: «Сизлар роппа-роса тўққиз ой ва беш кунга кечикдинглар». Ҳикоят.

XX асрнинг 70-йиллари охирида пренапедия шакллана бошлади, янги тиббий аппаратура (ультратовуш, толали оптика) яратилди, бу эса ҳомила хулқи ва ҳолатини кузатишга имкон берди. Калифорниялик акушер Ван де Кар ҳомиладор аёл ва ҳомила билан ишлашнинг усулларини ишлаб чиқди. У қўлларнинг қорин бўшлиғига тактил таъсиридан фойдаланди. Ван де Кар шундай қилиб ҳомиланинг янада интенсив интеллектуал ривожланишига ёрдам бериш мумкин деб ҳисоблаган.

Профессор М.Л.Лазарев – Россиядаги пренатал ўқитиш ғоялари асосчиси ва 1984 йилда Москвадаги 4 тиббий-жисмоний ма-

даният диспансери ҳузуридаги биринчи пренатал таълим муассасаси асосчиси.

Унинг ҳомилани мусиқали ривожлантиришнинг «Сонатал» усули Россияда (айниқса Татаристонда) ва хорижда 1983 йилдан бери қўлланилиб келаяпти. У шунингдек бўлғуси болаларга ўз мусиқали товушларини ишлаб чиқаришга ва улар ёрдамида онаси билан мулоқот қилишга имкон берувчи, ҳомиладор аёллар учун «Маматоник» мусиқали белбоғига патент эгасидир.

Профессор Brent Лоуган (Brent Logan) тизимини йигирма йиллик қўлланиши уришни ёки товушни ишлатувчи, мураккаблиги бўйича ошиб борувчи туғилгунгача бўлган қўзғатишлар – боланинг туғилгунгача ривожланишининг самарали воситаси эканлигини намоён қилди. 80-йиллар охирида ҳомиладор аёллар уларга ёққан мусиқани уларнинг болалари ҳам эшитишлари учун қулоқчинни коринга жойлаштириб мусиқани аудиоплеер орқали эшита бошладилар. Шу билан бирга шифокорлар УЗИ ёрдамида ҳомиланинг қимирлашларини кузатдилар, унинг юрак уришини ўлчадилар. Бу соҳадаги тажрибаларни инглиз олими Петер Хеппер ўтказди.

1982 йилда Францияда пренатал ўқитишнинг Миллий ассоциация (АНЕП) ташкил қилинди. АНЕПнинг 1988 йилдаги конгрессида А.Бертэн «Тана ўқитиш манбаси сифатида» маърузасини ўқиди.

Гонконгда 2006 йилнинг 11 ноябрини пренатал ўқитишнинг умумжаҳон куни деб эълон қилинди.

АҚШда 2006 йилда Гарвард университети қошида болани эрта ривожланиши бўйича Гарвард маркази ташкил этилди, бу эса биринчи марта болаларни эрта ривожланишининг барча масалаларини академик даражага кўтариб тарихий ҳодисага айланди, уни иқтисодни ривожлантиришга калит бўлади деб ҳисобладилар. Пренапедия атамаси 2008 йилда В.М.Лившиц томонидан қўлланилган.

Комиллик ибтидоси таълим технологияси

Пуштгача тарбия

Пуштгача тарбия шахсни комиллик даражасида шакллантириш учун бола туғилгунча, она қорнида уни ўқитиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, эмбрион давригача тарбиянинг аҳамияти ғоят катта. Чунки у бўлажак фарзанднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий тарафдан мутлақ соғломлигини таъминловчи, белгиловчи пойдеворнинг мустаҳкам бўлишига асос. Тухум сперматозоид билан уруғлантирилгани заҳоти эмбрион, яъни пушт вужудга келади. Хуллас, эмбрион давригача бўлган тарбия бўлажак ота ва она зиммасида.

Бу вазифани уддалаш учун ёш она бўлғуси фарзандининг коматини, ғайратини, ақлий камолотини тасаввур қилиб, кўз олдида гавдалантириши, бахтини ўйлаб, ўз орзу истакларини хаёлидан ўтказиши зарур. Унинг билимдон, ақлли, моҳир касб эгаси бўлишини ният қилиб, катта обрўли олий ўқув юртларининг мухташам залининг юксак минбарида нутқ этаётганини, мухтож инсонларга қай тариқа ёрдам бераётганини кўз олдидан кино тасмасидаги аниқ тасвирлар каби ўтказиб мамнун бўлиши лозим. Яхшиликлари эвазига бахтли ва бахтиёр онларини онаси билан бирга ажойиб сайрларда бирга ўтказаётганини ўйлаб, илоҳим, шундай кунлар оиламизга насиб этсин, дея орзудан чарчамаслиги шарт. Уй-рўзғор ишларини бажариш, кундалик юмушларни уддалаш ҳам унга хурсандчилик, қувонч бахш этиши, шундай кунларга етганига шукроналар айтиб, юксак орзу-ниятлар оғушида бугун ва эртанги куннинг бахт-саодати ҳақидаги истаклар оғушида бўлгани жуда маъқул.

Пуштгача тарбияни мукамал бўлиши учун аввало Имом Бухорий, Ат-Термизий, Имом Мотуридий, Абдулхолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Замахшарий, Соҳибқурон Амир Темур, Алишер Наво-

ий ва бошқа кўпгина алломаларимиз, шунингдек Сукрот, Афлотун, Арасту яшаган, ижод этган манзилларни, боғларни кўриш, зиёрат қилиш, сўнгра денгиз, сўлим боғ-ироқларда мазза қилиб дам олиш лозим.

Биласиз, коинотда қора туйнуклар бор. Улар ҳатто нурни ҳам ўзига ютади. Нур бир сонияда 300 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтади. Хўш, шундай катта тезликдаги нур қандай тарзда ютилади. Агар шу рост бўлса, демак, нур ўз йўлидан оғиши, эгилиши, ҳатто тўхтаб қолиши ҳам мумкин экан-да?! Агар шундай бўлса, нурни сониянинг қайсидир бир бўлагида тўхташи иложи топилса, ўзга галактикада яшовчилар билан бемалол алоқага киришин мумкин. Бунинг учун нурнинг Морзе алифбосига ўхшаш ҳарфларини яратмоқ лозим. Демак, фарзандларимиз мана шундай оламшумул эзгу ишларнинг давомчилари бўлишадди.

Ҳа, бўлади! Балки, бошқа соҳаларда ҳам улкан мутахассислар бўлишлари аниқ. Япониялик мутахассислар яратган робот билан инсонга жуда мураккаб операция, яъни меъдаости беши кўчириб ўтказилди. Роботлар берилган дастур асосида жуда нафис ва назик ишларни ҳам бекаму кўст бажарадида, ахир. Бундан бир неча ой аввал илмий журналларнинг бирида ўқидим: Франция ва Америка ўртасида экран-кўприк алоқаси воситасида айтиш ва ҳал қилиш билан ўт халтасини олиб ташлаш жарроҳлик амалиёти бажарилибди. Айтиш ва қабул қилиш ўртасидаги вақт атиги 0,3 сонияга тенг. Демак телехирургия йўналишидаги тиббиёт бошланибди. Насиб этса, илоҳим, шундай бўлсин, бўлажак фарзандимиз мана шундай кашфиётлар ичра жавлон уради.

Йиллар бир-бирини қувлашиб, эскирганлари тарих қаърига муҳрланганида Америкадан хушхабар келди: ўғиллари – ўзбекистонлик етук олим, академик – Америка фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланибди!

Энди хулоса қилайлик: келажак бахтининг ишончли бўлишини ўйлаган ва шу мақсадни кўзлаган ҳар бир бўлажак ота-она то тухум ва сперматозоид учрашгунга қадар маънавий, маърифий,

иктисодий ҳамда руҳий жиҳатдан жаннатмонанд муҳитда ижод қилмоқлари ҳаётнинг энг лаззатли ва дилкаш онларидан баҳраманд бўлиб, соғлом фарзандни дунёга келтириш тўғрисида онгли фикр билан яшамоқлари шарт. Фақат шундагина ўзларининг беташвиш ишончли келажагини яратишадилар[100].

Пушт тарбияси

Пуштнинг (эмбрионнинг) барча аъзолари тўла-тўқис ривожланиб улгурганига қадар бўлажак она ташки муҳит, яъни тўғри турмуш шароитида, фақат ижобий таассуротлар оғушида яшаши лозим.

Шу ҳолни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият ҳолларда аёллар организми ҳомиладорликнинг илк даврида қандайдир бир мева-чева ёки таомга (аччиқ, нордон, шўр, ширин ва ҳоказо) бошқоронғи (жерик ҳам дейишади) бўлади. Бу кучли истак кондирилиши шарт ва зарур. Чунки бу ҳол онага эмас, пуштга тегишли. Шу мева ёки таом таркибидаги моддаларга зорикаётган пушт уни онадан сўрамоқда. Онанинг марказий асаб тизимида, яъни онгида бу сўров мева-чева ёки бирон-бир таом тарзида шаклланиб, кучли истак пайдо бўлмоқда. Мабодо бу талаб қондирилмаса, пушт аъзоларининг шаклланишида издан чиқишлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, оддийгина фолий кислотасини олайлик. Бу модда етарли миқдорда она қонида бўлмаса, эмбрион хужайраларида бўлиниб кўпайиш жараёни бузилади. Бу кислота эса мева-чевалар таркибида мавжуд.

Ана энди хулоса қилайлик: бўлажак она қалбидаги инжу мақсадлар ойнадай тиниқ, орзу-ниятлар юксак, кўнгил ошёнидаги қувонч ва нозик севинч туйғулари қанчалик даражада юксак ҳамда беғубор бўлса, фойдали фаол моддалар миқдори шунчалик кўп булиши аниқ. Бу моддаларнинг молекулалари плацента орқали эмбрионга ўтиб, унинг ички аъзоларининг тўлиқ ва расо шаклланишини таъминлайди. Бу чақалоқнинг жисмоний жиҳатдан тўла соғлом бўлишини юз фоиз кафолатлайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тирик мўъжаз тана. Рух эса, бутун тана бўйлаб ёйилган. Пушт юраги ура бошлагани захоти рух юракка жойлашади.

У она қорнида эркин, хоҳлаган ҳаракатини қила олади, истаган тарафига бора олади. У мутлақо эркин. Мана шу эркинлик унинг учун биологик қонун. Унга бу она қорнидан ўтган. Бу биологик қонун унинг марказий нерв системасида, миясида шаклланган, мустаҳкам марказ ҳосил қилган. Худди мана шу мўъжи-за туфайли инсон доим эркинликка интилади. Демак, инсоннинг онага боғланганлиги, эркинликка интилиши унинг хромосомаларига кодланган, наслий калитига ёзилган.

Ана энди эътибор беринг: туғилганидан кейин жисмоний жиҳатдан бақувват, дадил, кучли, чаққон бўлиши учун унга ҳомила даврида тўлиқ шароит яратинг. Бунинг учун эса:

1. Ҳеч қачон стресс ҳолатига тушмаслик.
2. Оксил ва витаминларга бой озиқ моддаларни истеъмол қилиш; қандайдир мевага ёки таомга бўлган истакни бўғмаслик.
3. Эмбрионнинг эмин-эркин сузиб юриши учун бўлажак она қорнини қаттиқ сиқиб боғламаслиги, кенг кийимлар кийиши, қорни билан ётмаслиги шарт.
4. Тўғри турмуш тарзида кун-тунини шодлик ва севинча ўтказиш, ҳомила тарбияси[100].

Ҳомила тарбияси

Эмбрион 3 ойлик бўлганда у жажжи ва митти одам. Унинг барча ички ва ташқи аъзолари тўлиқ шаклланган. Юраги бир текис уради, ўз организмни ўз қони билан таъминлайди, эшитади, ҳаракат қилади. Энди у ҳомила даврига кирди. Бу даврда унинг марказий нерв системаси такомиллаша бошлайди. Кундан-кунга ташқи муҳитни тушуниш, англаш, завқланиш, лаззатланиш, фарқлаш руҳий туйғулари ривожланиб, ўзаро узвий боғланиш тобора бир-бири билан мувофиқлашиб бораверади. Бу жараёнларнинг барчаси, энг аввало, пўстлоқ қисми хужайраларининг

кўпайиши билан содир бўлади. Энди унинг ҳаракатлари дадиллашади, кучаяди ва шу ҳаракат орқали ўзининг борлигини сездиради. Масалан, ҳомила 16 ҳафталик бўлганида онаси унинг ҳаракатини аниқ сезади, 18 ҳафталигида эса онасининг товушини танийди. Ҳомила даврининг 19 ҳафтасида киндигини бармоқлари билан ушлаб, боши атрофида айлантириб ўйнайди, ўмбалок ошади, таъм билиш, ҳид билиш, сезиш, эшитиш марказлари орасида мустаҳкам боғланиш пайдо бўлади. Бу эса она ва ҳомила ўртасидаги мулоқотга шароит яратади.

Мана шу даврдан бошлаб она ҳомилага ақлий таъсир этишининг турли йўллари йўлаб, излаб, яратиб, у билан тўғри муносабатлар ўрнатмоқнинг оқилона, аммо хилма-хил усулини танламоғи лозим. Чунки ҳомилада таниш, билиш ва англаш хусусиятлари пайдо бўлиб, онанинг ҳам, отасининг ҳам товушини фарқлайди, уларнинг товуш оҳангидан кайфиятини англайди. Энди ҳомила билан эҳтиёт бўлиб, мулойимлик билан муомалага киришмоқ лозим. Онаси қўли билан қорнини сийпалаганини сезади. Бу сийпалаш ҳомила учун онанинг эркалаши. Эркалаш қанчалик даражада мулойим, майин бўлса ва меҳр берилса, ҳомиланинг қувноқлиги шунчалик ошади ва энди у жилмая бошлайди.

Энг муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳомиланинг 30 ҳафталигида у билан гаплашиш мумкин. У онанинг гапларини эшитади, тинглайди, ҳатто мулоҳаза юритади. Она бу пайти ҳомила билан доим ва кизгин мулоқотда бўлса айни муддао. Чунки ҳомила она сўзларини мулоҳаза қилиш жараёнида мия хужайралари жуда тезлик билан кўпая бошлайди. Онанинг сўзларини тинглаш мия хужайраларининг, айниқса, тафаккур даражасини белгилайдиган миянинг пўстлоқ қисми хужайраларининг бўлиниб, кўпайиши учун жуда катта рағбат.

Онанинг сўзлари мия хужайраларида қатлам-қатлам бўлиб кодланаверади. Бу – келажакда болада мулоҳаза юритиш, таҳлил йўли билан ҳал этиш, тўғри хулосага келиш хислатларининг пайдо бўлиши ва тезда намоён бўлишига асосдир.

Шуни унутмаслик ва доим ёдда тутиш лозимки, ҳомила илк дафъа онаси юрагининг «дук-дук» товушини эшитади, кулоқ солади, тинглайди. Ҳомила улғайгани сари онасининг юраги қандай ураётганидан унинг қувноқлигини, шодланаётганини, қайғураётганини, асабийлашаётганини сезади, англайди ва шунга мувофиқ тарзда она қорнида ҳаракатланади. Агар она шодланаётган бўлса, у бармоғини сўриб, киндик томирини ушлаб, жилмайиб, оёқларини тебрантиради, қўллари билан ҳар хил майин ҳаракатлар қила бошлайди. Мабодо нохушлик сезса, онасининг стресс ҳолатига тушганини англаса, норози бўлиб оёқлари билан она қорнига тепади, кўз соққасини айлантириб ижирғанади.

Онаси билан атрофдагиларнинг қандай муносабатда бўлаётганини, муомаласидаги кайфиятни англайди. Ҳаттоки улар билан ҳомилачасига мулоқотга киришади. Шунинг учун ҳам она ҳомила улғаяётган даврда овоз чиқариб ҳикоя ва дostonлар ўқиши, шеърни майин ва ширали товуш билан айтиши, хиргойи қилиши, мусиқа тинглаши, булар барчаси – ҳомиланинг марказий нерв системасининг шаклланиб, марказлари орасидаги боғланишни тезроқ уддалашига катта ва ажойиб туртки, рағбат бўлиши турган гап.

...Хаёллари билан бир неча йил аввалги ёрқин умр саҳифаларини варақлар экан, дил орзусининг айна ушалган маҳалида саралаб севган гулини қалбининг тўрида аввайлаб, эркалаган турмуш ўртоғининг рубоб чалганида қандай лаззатли ҳис-ҳаяжон ва туйғулар ичра роҳат дунёсида кезганини эслади.

Қуёш эндигина ҳаётбахш нурини олам узра сочиб, дилларга ҳузур бағишловчи соф ҳавони силаб қиздира бошлаганида Мавлудахон рубобнинг ёқимли овозини эшитди. Бугунги ишларини режалаштираётганидан аввалига торнинг майин ва равон жаранглашига эътибор бермади. Куйнинг жозибали оҳангидан инжу лаззатлар оғушига кўмилиб қолганини, куй уни тобора ўз бағрига тортаётганини сезмай ҳам қолди. Куй эса тобора мафтункор, мўъжизали жарангларди. Торнинг оҳанрабо на-

воси чамангулларнинг қаддини аста эгиб эсаётган салқин шабада пайтида ажойиб муаттар ифорлар ақлни қитиклаб, маст қилгани каби, Мавлудахон ҳам куй оғушига сингиб бораётганини, қалбини ранг-баранг юксак туйғулар ром этаётганини сезмай қолди.

Райҳон хиди анқиб, шудрингнинг гавҳар доначалари ялтираб кўринаётган манзарага маҳлиё Илёсбек атрофини ўраган борлиқнинг гўзалликларига эътибор бермасдан ўзи чалаётган куйнинг маҳзун ва тошқин, жўшқин садосига мафтун бўлганича кўзларини юмиб, рубоб навосига монанд ҳолда бошини тебратарди.

Тарихир далиллар:

1. Машҳур режиссёр Брот куйидагича ҳикоя қилади: «Бир куни роялда ўзим янги ижод қилган куйимни такрорлай бошладим. Бир вақт миямда қулоққа хушёқар куй пайдо бўлди, мен уни такрорлаб чала бошладим. Куй айна авжига чиққанда онам мени тўхтатиб сўради:

– Ўғлим, сенга бу куйни чалишни ким ўргатди?

Мен бу куй хаёлимга куйилиб келаётганини ва уни фақат ижро этаётганимни айтдим. Онам ҳайратининг чеки йўқ эди. Онанинг айтишига қараганда, менга ҳомиладор бўлганида у нуқул шу куйни чалар экан...».

2. Соғлом болаларни шакллантириш лабораторияси бошлиғи тиббиёт фанлари доктори М.Лазарев шундай тажриба ўтказди. У ҳомилали аёлга она алласини ўргатиб, ҳар куни соат 8:00да куйлаши лозимлигини уқтирди. Бир неча ўн кун шундай қилинди. Кунларнинг бирида алла айтилиши лозим бўлган вақтда ҳомиладор она алла айтишни унутиб қўяди. Шунда нима бўлибди денг: худди соат 8:00да ҳомила жаҳл билан она қорнида шундай безовталаниб, типирчилаб, кескин ҳаракатлар қилибдики, она бундан ўзини нохуш сезибди. Она алласини бошлаши билан ҳомила ҳам тинчланибди.

3. Новосибирск педагогика университети олимлари одамлар орасида катта текширув ўтказишди. Табиатан ўта баджаҳл, худбин, бошқалар фикри билан ҳисоблашмайдиган, ижобий нарса-

дан ҳам доимо норози, тажовузкор одамларда шу нарса аниқландики, улар ҳомилалик даврида на она алласи, на ашула, на му-сиқа оҳангларини эшитган.

Бобо-момоларимизнинг 9 сонига эътибор беришларида жу-да катта маъно бор. Эртакларда ҳам «Тўққиз кечаю-кундуз йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди» деган гапларга алоҳида урғу берилади. Чақалоқ ҳам 9 ой, 9 кун, 9 соат ўтгач туғилиши бор гап.

Тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам 9 сонидан катта сир бор. Бу сирнинг бир жиҳатини ҳомила мисолида кўриб чиқайлик. Ҳо-миланинг 8-17 ҳафталарида, яъни 9 ҳафта давомида мия хужай-ралари жуда шиддат билан, алоҳида бир кескинлик билан кўпая бошлайди. Бу жиддий мўъжиза «портлашдан кўпайиш» номи-ни олган.

Руҳга ахборот бериш, биоқувват билан кетма-кет бўлинаётган хужайраларни таъминлаш 100 фоиз амалга оширилса, биоқув-ватни олган хужайралар анча такомиллашиб, биоқувват кодлана-ди. Кодланган хужайралар миянинг пўстлоқ қисмида қаватма-қа-ват жойлашаверади. Чақалоқ туғилганидан кейин ва унинг улғай-иш даврида кодланган хужайралар уйғониб, ўзларига берилган ахборотни тез ўзлаштиради ва таҳлил қилади. Демак, унинг ке-лажакда фозил ва комил инсон бўлиб, ўз ақлий қобилияти би-лан ихтиро ҳамда кашфиётлар яратиши учун тафаккур пойдево-ри бор. Инсон дунёга келди. Бунинг учун эса бир муҳим жиҳат керак, яъни унинг хусусий имкониятларини ўз вақтида пайқаб, шу йўналишда таълим-тарбия бермоқ керак, холос.

Аслини олганда, бу ҳам қийин вазифа ва муаммо эмас. Дей-лик, махсус жамият тузилган ва унинг аъзолари машҳур дониш-мандлар, фан докторлари. Айтайлик, Мансурбек адабиётга жуда қизиқади. Шеър ёзади. У энди машҳур филолог олимга бирикти-рилади. Жасурбек математика, Дониёр физика, Фахриддин тех-ника, Нодира фалсафа бўйича фан доктори ёки академикка би-риктирилади. Ана шунда миянинг пўстлоқ қисмида кодланган хужайралар бирин-кетин уйғонаверади ва интилувчининг ҳам

шу соҳа бўйича интеллектуал қобилияти тобора ошиб бораверади.

Чақалок туғилмасдан бериладиган ахборот эса турли хил, турли-туман бўлиши мумкин. Онанинг товуш чиқариб шеър, достон, ҳикоялар ўқиши, мусиқа эшитиши, ҳатто бошқалар билан оддий суҳбат куриши ҳам ҳомила учун ахборот вазифасини ўтайди. Она ўз касби ҳақида товуш чиқариб баҳсга киришиши, математик теоремаларни баён қилиши, физика қонунлари тўғрисида товуш чиқариб фикр юритиши, фалсафий нутқларга берилиб, завқ билан сўзлаши – булар ҳаммаси ҳомила учун ахборот манбаи ҳисобланади. Ҳомилага берилаётган ахборот ҳажми қанчалик катта бўлса, биоқувват олиб, кодланаётган хужайралар ўшанчалик сон жиҳатидан кўп бўлади.

Бундай ахборотларни олаолмаётган ҳомила йиғлайди. Лофдан ҳам олдингиз-да, сал эви билан-да, деб айтишингиз мумкин. Америка олимларининг уч ҳажми рангли кўрсатадиган ультратовуш аппаратида 17 ҳафталик ҳомидалар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган. Махсус гуруҳлар тузилиб, оналар мусиқадан, табиий фанлардан, фалсафадан ахборот олаётган бўлсалар ҳамда оналарнинг севинчли ва шодлик онлари қанчалик кўп бўлса, ҳомиланинг жилмайиш онлари ҳам тез-тез содир бўлишини қайд этдилар. Демак, ҳомила онанинг севинчидан, шодлигидан баҳра олади, қувонади, қанчалик кўп ахборот олса, ақлий жиҳатдан шу қадар юксаклашаверади.

Шу ҳодисани алоҳида қайд этиш лозимки, ахборот орқали биоқувват ололмаган хужайралар миянинг пўстлоқ қисмида қатма-қат жойлашмасдан нобуд бўладилар ва чиқинди сифатида ҳомиладан киндик томири орқали плацентага чиқарилади. Мия хужайраларининг «портлашдан кўпайиш» пайтида ақалли 50 фоиз хужайралари сақланиб қоладиган бўлса ҳам ҳомила келажакда ақли, салоҳияти билан яхши турмуш кечириши аниқ. Ахборот ололмаётган руҳ биоқувватини хужайраларга етарли равишда бера олмаётганидан ўкинади, ўксийди. Бу эса, ҳомиланинг йиғлаши тарзида намоён бўлади.

Ушбу айтилганлардан ҳам ҳомиланинг кулиши, йиғлаши тўғрисида ишончингиз мустаҳкамланмаган бўлса, яна далилларга мурожаат қилайлик.

Калифорниялик шифокор Рянс ван Кар ҳомила билан суҳбатлашишни йўлга қўйди. У ҳомиладор она ҳузурига кирганда ҳомилага салом берар ва у билан суҳбатлашарди. Ҳомила эса, она қорнида унинг гапларига монанд аниқ ҳаракатлар билан жавоб берарди. Бошқа бир америкалик олим-шифокор Бренд Логен она юраги уриши, унинг маромийлиги ва тез тез уришини магнит тасмасига кувноклик кайфияти берадиган тарзда ёзиб олиб, она қорни орқали ҳомилага мунтазам равишда эшиттирарди. Мана шу усуллар билан туғилган болалар ҳам жисмоний, ҳам аклий жиҳатдан бошқа тенгдошларидан яққол устунлигига кўра ажралиб туриши қайд этилган.

Бу воқеадан сўнг боланинг илк тарбияси нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигига тан бермасдан илож йўқ эди.

Немис олимларининг аниқлашича, пушт ҳосил бўлишидан бошлаб, энг аввало, унинг руҳияти шакллана бошлайди, уларни эсида сақлаб қолади. Уч ойлик ҳомилада таъм билиш пайдо бўлади, сўнгра эшитади, ҳид билади ва кўра бошлайди. Шунинг учун ҳам бола туғилган пайтда унинг ёшини ҳисоблашда буюк бир ҳақиқат бор. Туғилиш ҳомила учун бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, холос.

Кўплаб кузатишлар натижасида шуни қайд этиш керакки, илгарилари (ҳатто 50-60 йиллари ҳам) бола тарбияси инсоний қонунлар замирида олиб бориларди. Масалан, агар қишлоқ ёки маҳаллада бир бола етим қолса, оқсоқоллар маслаҳатлашиб, уни боланинг тарбиясини уддалайдиган ўзига тўқ оилага топширардилар. «Менинг етим бўладиган қариндошим йўқ. Болаларим нимани еса шуни ейди, нимани кийса шуни кияди», дейишиб, қариндош-уруғ ўртасида обрўлироғи ғолиб чиқарди. Етим болани олган оила уни ўқитиб, уйли-жойли қилиб, рўзгорини ажратиб бергандан кейингина ўз вазифасини адо этган бўлиб, сўнгра қарияларнинг дуосини оларди.

Бунчалик куюнишимизнинг сабаби бор. Азизлар, қуйидаги қонуниятга ўз диққат-эътиборингизни қаратинг: бола туғилгандан кейин уни эркалаш, аллалаш, хушчақчақ кайфият билан силаб-сийпалаш боланинг рухий-ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатади ва шу пайдан бошлаб чақалокнинг мурғак қалбида инсоний меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат куртак ота бошлайди. Онанинг эркалашларидан лаззат олган боланинг юраги, жигари, мияси инсоний қадр-қиммат сеҳри билан суғорила боради. Ана энди ўйлаб, фикр юритайлик: онасиз етим қиз бўлса, унда юқоридаги ажойиб хусусиятлар, яъни онага хос туғма инстинктлар ривожланармикан?! Демак, у келажакда она бўлса, ҳеч оғринмай, қийналмай, фарёд чекмай, қалби сесканмасдан ўз боласини етимхонага топшириши эҳтимолдан узоқ эмас. Айнан шу боланинг боласи тақдири янада аянчлироқ бўлиши ҳеч гап эмас...

Пуштнинг биринчи кунидан бўлажак онага ғамхўрлик қилиш, унинг хоҳлаган таомини муҳайё этиш ва кайфиятининг ҳар доим хушчақчақ бўлишини таъминлаш лозим. У яхши ва кўнглига хушёқар нарсалар тўғрисида ўйласа, ўзи севган машғулотлар билан шуғулланса айни муддао. Онанинг халқ қаҳрамонлари тўғрисида ҳикоя, эртак, роман, шеър ва дostonларни пичирлаб ёки овоз чиқариб ўқиши, шўх-шўх ашулалар айтиши ва кенг мулоҳаза билан фикр юритиши туғилажак боланинг мияси ривожланиб, келажакда унинг ақлий қобиляти юқори, қалби гўзал бўлишини таъминлайди.

Худди мана шундай муҳитда етилган ва туғилган бола қалбида ўз ота-онасига, халқига, Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳосил бўлади.

Мана шу далиллардан ҳам аён бўладики, ҳомила ҳам ўз келажакини ўйлайди. Она қорнидаги ҳомилага она организм ташқи муҳитнинг ўзидир. Ҳомила ташқи муҳитдаги онанинг ҳолатларини англашга, билишга тиришади, ахборотни тинглайди, эшитиб таҳлил этади, мувофиқ равишда жавоб қилади. Ҳомилага берилаётган ахборотнинг (шеър, дoston ўқиш, музика эшитиш, одамлар билан қувноқ суҳбат куриш, ашула эши-

тиш...) кўплиги унинг келажакда тафаккури юксалишини белгилайди.

Мабодо тескариси бўлса-чи, яъни ҳомила гунг, соқов шароитда, ҳеч қандай ахборот ололмайдиган муҳитда бўлса-чи?! Бундай ҳолатда ҳомила фақат она юрагининг гуп-гуп уришини эшитади, холос. Мана шу «гуп-гуп» туфайлигина эшитиш аъзолари такомиллашади, «портлашдан кўпайиш»даги ҳужайраларнинг эса 90 фоизи нобуд бўлади.

Мана шу келтирилган далиллардан кейин ҳам ҳомилани мутлақо эс-ҳуши йўқ, ҳали ақли кирмаган деб айта оламизми? Унинг туғилганидан сўнг ва дарҳол потенциал ақлий имкониятларини аниқлаб, баҳо бера оласизми? Биз ҳомилага ўз вақтида ва керакли равишда ахборот бериш вазифасини уддалаяпмизми? Хуллас, ҳомиланинг ақлий ва таҳлил этиш қобилиятини ошириш учун қандай ва қаерда ҳаракат қилаётирмиз? Келинг, шу ерда можар мусиқашуноси Золтан Кодея билан бўлиб ўтган суҳбатни ёдга олайлик. Ундан сўрадилар: «Чақалоқ туғилди. Уни мусиқа билан ҳозирданок тарбиялаш эрта эмасмикан?». Жавобни эшитинг: «Кеч! Бу тарбияни унинг онаси қорнида маҳали, туғилмасидан 9 ой олдин бошламоқ зарур эди».

Овоз чиқариб шеър ўқиладимиз, дoston айтиладимиз, физика, кимё, математика, фалсафадан баҳслар олиб бориладимиз, ашула янграйдимиз, хиргойи қилинадимиз ва, ниҳоят, мусиқа чалинадимиз, ҳомила уларнинг барчасини эшитади, ором олади, яйрайди; хурсанд бўлганини қимирлаб онага билдиради. Агар шовқин ёки рок мусиқалар ёқмаса, бесаранжом бўлиб, ёқимсиз ва ноўрин ҳаракатлар қилади.

Қулоққа хушёқар, ёқимли наво янграса, ҳомила – қиз ўз киндик томирини панжалари билан ушлаб, жажжи оёқчалари ва бошини рақсга монанд тебратади, киндик томирини боши узра айлантиради.

Мана шундай ахборотларни тинглаган ҳомиланинг мия ҳужайралари кўпайишига рағбат олади, эшитилган ахборот мия ҳужайраларида кодланади, мия пўстлоқ қисмида қат-қатланади,

пўстлоқости мия марказлари (кўриш, эшитиш, таъм билиш ўйлаш, хаёл қилиш, таҳлиллаш этиш...) ядролари такомиллашади. Юксак ақлий қобилият пайдо бўлади. Туғилганидан кейин мана шу яширин имконият топилиб, керакли йўналишда рағбат берилса, у ўз соҳасининг етакчи мутахассисига, олимга, алломасига айланади. Бу ишончли келажак эмасми?

Ана энди ҳулоса қилиш вақти келди: ҳомиланинг замиридан бошлаб, то дунёга келгунича унинг келажакда ким бўлишини ўйлаган ҳолда тарбияни бошламоқ шарт. Тарбия воситаси сифатида соддаликдан аста-секинлик билан мураккабликка йўналтирилган ахборот танланиши зарур. Ахборот эса, ҳомиланинг эшитиш системасига таъсир этиши лозим. Ҳомила билан самимий суҳбатлашиш, она қорни устидан ҳомилани эркалатиб суйиш, отанинг овозини тез-тез эшитиш – буларнинг барчаси ҳомиланинг тафаккури ривожига катта рағбат беради. Ахборот ҳомиланинг мия хужайраларида ном-нишонсиз, беиз йўқолиб кетмайди, аксинча, хужайраларнинг такомиллашувига сабаб бўлади.

Ахир, ўзингиз ўйланг ва фикр қилинг, мулоҳазангизни чуқурлаштиринг. Ҳозирги замон компьютерларининг мияси қанчалик даражада маълумот билан бойитилган бўлса, хотирасининг эса гигабайти катта ва мукамаллашган бўлса, сиз ундан керакли информацияни шунча тез ва катта ҳажмда оласиз[100].

Ҳомила ҳам мисоли компьютер, аммо унинг ақлий қобилияти тинмай юксалаётир. Шу юксалаётган ақлга маълумотларни ахборот бериш таъсирида жойлаштиринг, токи унда бўш, тўлдирилмаган жой қолмасин! Бу вазифани эса, бўлажак фарзанднинг ота-онаси, қайнона-қайнотаси – хуллас, яхши турмуш кечираётган ва ўз келажакнинг бахтини ўйлаётган инсонлар амалга ошириб, тўлиқ бажаради.

Бешинчи боб хулосалари

Истикболдаги асосий вазифа, нафақат таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, балки профессор-ўқитувчилар жамоаси педагогик маҳоратини доимий ошириб боришни, ўқув-тарбия жараёнини юксак назарий-услубий даражада амалга оширишга тайёрлашни, ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор усуллари, шакллари ва воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутди. Шундан келиб чиқиб ушбу бобда қуйидаги масалалар ҳал этилди. Хусуан:

1. Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологиялари ва уларни таълим амалиётига қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

«Тўла ўзлаштириш технологияси», «Модулли ва дастурлаштирилган таълим» технологияларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

2. Таълим усуллари ва технологияларининг таснифи таҳлил қилиб берилди.

3. Ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган интерактив усуллар системасига тўхталиб ўтилди ва қўллаш жойлари бўйича таклифлар берилди.

Интерактив усуллар асосида ўқув жараёнини ташкил этилиши албатта, таълим сифатини кафолатлайди.

4. XXI асрнинг замонавий усул ва технологияларига ҳам тўхталиб ўтилди.

VI БОБ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ ЛОЙИХАЛАРИНИ ЎҚУВ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ

1-§. Замонавий дарс ва ўқув машғулоти хамда уларга қўйиладиган талаблар – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосий шакли сифатида

Узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарс(ўқув машғулоти) бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг мантикий тугалланган, яхлит, аниқ вақт билан чегараланган қисмидир. Ҳар бир дарсда унинг асосий элементлари ҳисобланган дарс мақсади, мазмуни, методи, шакли, воситалари тўла ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

Дарс(ўқув машғулоти) – синфда тақвим-мавзу режа асосида белгиланган вақт давомида ўқитувчи томонидан таълим олувчилар учун ўқув-тарбия жараёнининг мақсадли ташкил этилишидир.

Дарс – синф таълим олувчилари билан 45 ёки 80 дақиқа давомидаги машғулоти бўлиб, ҳар бир ўқув фани бўйича уларнинг сони, ўқув режа билан, мазмуни эса Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан белгиланган бўлади.

Кўпгина ўқитувчиларимиз дарс тури, методи, усули, услуби деган тушунчаларни чалкаштириб ишлатадилар. Биз қуйида шу тушунчалар ҳақида қисқача айтиб ўтмоқчимиз.

Бугунги кунда ўзбек тилидаги педагогик адабиётларда дарс тури ва дарс типи деган атамалар бир хил маънода ишлатилмоқда.

Дарс тури (типлари) – дарснинг мақсади ва қайси мавзунини ўрганишга қаратилганлигига боғлиқ бўлиб, ички тузилишига қараб қуйидагиларга ажратилади:

кириш дарси;

бошланғич материаллар билан танишиш дарси;

янги билимларни эгаллаш дарси;

билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дарси (амалий ишлар, лаборатория ишлари, мисоллар ечиш дарслари);

уйғунлаштирилган дарс (аралаш дарс);

такрорлаш ва умумлаштирувчи дарс;

назорат-текшириш дарси;

олинган билимларни амалиётда қўллаш дарси.

Шу кунгача дарснинг энг кўп фойдаланиладиган тўрт босқичдан иборат бўлган аралаш тури ҳукм суриб келмоқда.

Булар: **янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш (ўтилганларни такрорлаш); янги билимларни эгаллаш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш (уйга вазифани бажариш)** [14].

Ўз навбатида дарснинг куйидаги **турларидан** таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланилиб келинмоқда:

назарий дарс, аралаш дарс;

мустақил ишлар, лаборатория ишлари, амалий ишлар, экскурсия;

назорат дарслари (оғзаки сўраш, ёзма иш, синов, назорат иши, аралаш иш).

Ҳозирги кунда дарсни самарали ташкил этишда интерактив таълим методларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутуди.

Таълимнинг интерактив методлари – таълим олувчилар фикрини фаоллаштириб, уларни мустақил фикр юритишга ундовчи ҳамда таълим жараёнининг марказида таълим олувчи турадиган ўқитиш усуллари ҳисобланиб, улар «Ақлий хужум», «Блиц сўров», «Фронтал сўров», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Давра суҳбати», «Ишбоп ўйин» «Ролли ўйин», «Баҳс-мунозара», «Муаммоли вазият», «Лойиҳа», «Йўналтирувчи матн», «Бумеранг стратегияси (саволлар алмашинуви)», «Тушунчалар таҳлили» кабилар бўлиб ҳозирги кунда уларнинг 300 дан ортиқ турлари мавжуд.

Таълимни ташкил этишнинг замонавий шакллари: диалог, мулоқот, ҳамкорликда ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Дарс шакли, дарс қайси фандан, қаерда ўтилишига боғлиқ бўлиб, шартли равишда синф дарслари, синфдан ташқари дарслар, мактабдан ташқари дарслар, қўшимча дарслар, индивидуал дарслар ва мустақил ўқиш дарсларига бўлинади. (Айрим методик адабиётларда дарс шакли деб дарс методлари ёки усулларини номлаш ҳолатлари ҳам кузатилади). Шакл ўз мазмун-моҳиятига кўра кўринишда намоён бўлади. Метод ёки усулларни эса дарс олиб борадиган ўқитувчининг ҳаракатига, маҳоратига қараб, уни ҳам эшитиб, ҳам кўриб аниқлаш мумкин[41].

Таълим воситалари: ўқитишнинг маъруза воситалари (дарслик, ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар) билан бир қаторда чизмалар, органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация методлари: таълим олувчилар билан тезкор, қайтар алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Қайтар алоқаларнинг (маълумотнинг) метод ва воситалари: эгалланган назарий ва амалий билим, малака ҳамда кўникмалар натижаларини таҳлил қилишга асосланган кузатиш, тезкор-сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш методлари ва воситалари: ўқув чизмалар, органайзерларнинг босқичлари, белгиланган мақсадга эришишда ўқитувчи ва таълим олувчининг фаолияти, нафақат синф ишини, балки мустақил ва синфдан ташқари ишлар назоратини (алоҳида мавзу бўйича, бирор бобни тўлиқ ўргангандан сўнг, чораклар ва ўқув йили бўйича) белгилаб берувчи ўқув машғулотларини технологик харита кўринишида режалаштириш.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулоти жараёнида (ўқув вазибалари ва тестларни бажарган машғулоти бўйича баҳолаш, таълим олувчининг ҳар бир ўқув машғулотидаги ўқув фаолиятини баҳолаш), бутун ўқув йили давомида (ҳар бир таълим олувчининг олган баҳосига асосан олган натижалари) таълим натижаларини режали тарзда кузатиб бориш.

2-§. Дарс тури, шакли, усул ва методикасининг ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришдаги аҳамияти

Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда дарсни режалаштириш ва лойиҳалаштириш учун асос бўладиган дарс тури, шакли, методи ва услубларини кўриб ўтишни лозим топдик. Аввало, дарс ўзи нима? – деган саволга жавоб берсак.

Дарс – бу ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги мақсадли ҳаракатидан иборатдир. Шундай экан, мақсадлар муштарақлиги дарс мақсадига эришишнинг асосий шартларидан биридир.

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий таълим олувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вақтда бир хил ёшдаги таълим олувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот. Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, таълим олувчиларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт. Бу дидактиканинг асосий принципларидир.

Ҳозирги кунда узлуксиз расмий таълим тизимида таълим-тарбия синф дарс шаклида олиб борилади. Инсоният тарихий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари жамиятнинг тараққиёт босқичларига мос равишда амалга ошганини кўрамиз. Ўрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги минггинчи йилларда Зардўштийлик ибодатхоналарида қоҳинлар ёшларни тўплаб, уларга зарурий билим бериш билан шуғулланганлиги «Авесто» ва бошқа тарихий ман-

балардан бизга маълум. Тахминан шу вақтнинг ўзида болаларни бир жойга йиғиб ўқитиш Мисрда ҳам ташкил қилинганлиги тарих саҳифаларидан бизга етиб келган. Мисрликлардан ўрганиб, болаларни тўплаб ўқитиш одати қадимги Юнонистонда ҳам олиб борилганлиги, уларда Спарта ва Афина мактаблари бўлганлиги ҳаммага маълум. Аммо, қадимда таълим-тарбияни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич амалга ошириш масаласига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Абу Наср Форобийнинг «Фан ва ақл-заковат» асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Бу масалалар Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек даврида ҳам кўтарилиб, маълум даражада амалга оширилган.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий шакли синф дарс шаклини, юқорида айтганимиздек, биринчи бор буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592 – 1670) ишлаб чиққан ва амалиётга жорий этган.

Бугунга кунда синф дарс шакли ривожланиб, давр уни яхлит бир бутунлик-мажму сифатида идрок қилишни тақозо этмоқда.

Ҳамма замонларда ҳам дарснинг асосий мақсади таълим олувчиларга самарали таълим-тарбия беришдан иборат бўлган.

Самарали дарс – таълим олувчиларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда энг яхши натижа берувчи амалий ҳаракатдир.

«Замонавий дарс шундай дарски, – деб ёзади педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ф.Йўлдошев, – унда ўқитувчи таълим олувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Таълим олувчи эса ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди» [39].

Ўқитувчилар дарсга тайёргарлик кўришдан олдин дарс ўтишга қўйилган асосий талабларни билишлари зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

ўқитувчи кийиниши, кўриниши, гапириши, ўзини тутиши, болаларни севиши орқали шахсий намуна кўрсата олиши;

ўқитувчи дарснинг мавзусига қараб дарснинг мақсадини аниқ белгилаши ва таълим олувчиларни ҳам шу мақсад сари етаклай олиши;

ҳар бир дарсга таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларнинг тўғри қўйилиши;

таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб дарс методини ва усулларини тўғри танлаши;

дарснинг мазмун-моҳиятига қараб дарс дидактикасини, яъни таълим воситаларини тўғри танлай олиши;

дарс жараёнида ҳар бир таълим олувчига эътибор қаратиш, ҳар бирига индивидуал топшириқлар бериш, уларнинг мустақил фикрлашларини рағбатлантириб бориш, уларни бўш ўтиришларига йўл қўймаслик;

дарс давомида мавзунини таълим олувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштириб олинишига эришиш;

дарсда санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиши зарур.

Кўпгина ўқитувчиларимиз дарс тури, босқичлари, методи, усули, услуги деган тушунчаларни чалкаштириб ишлатадилар. Биз қуйида шу тушунчалар ҳақида қисқача айтиб ўтмоқчимиз:

Дарс тури – дарснинг ташкилий тузилиши ва мазмун-моҳиятига қараб **анъанавий** (тушунтириш-кўргазмалилик) дарслар, **ноанъанавий** (муаммоли, интерактив) дарслар ҳамда **замонавий** (дастурланган ва компьютерлаштирилган) дарсларга бўлинади.

Дарс босқичлари – дарс қайси мавзунини ўрганишга қаратилганлигига боғлиқ бўлиб, ички тузилишига қараб қуйидаги босқичларга бўлинади (айрим методик адабиётларда дарс босқичлари(типи) ни дарс тури деб ҳам атайдилар):

кириш дарси;

бошланғич материаллар билан танишиш дарси;

янги билимларни эгаллаш дарси;

билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дарси (амалий ишлар, лаборатория ишлари, мисоллар ечиш дарслари);

уйғунлаштирилган дарс (аралаш типдаги дарс);

такрорлаш ва умумлаштирувчи дарс;

назорат-текшириш дарси;

олинган билимларни амалиётда қўллаш дарси.

Шу кунгача дарснинг энг кўп фойдаланиладиган тўрт бўладан иборат бўлган аралаш босқичлари ҳукм суриб келмоқда. Булар: **янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш; янги билимларни эгаллаш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш.**

Аралаш дарснинг қулайлиги шундаки, ундаги тўрт бўлак истаган кетма-кетликда қўлланиши мумкин. Шу билан бир қаторда бу босқичдаги дарс жараёнида дидактиканинг деярли барча талабларига эришиш осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларнинг айтишларича, 80% дарслар шу босқичларда олиб борилар экан.

Бу босқичлардаги дарсларнинг афзаллиги яна шундаки, бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратилган вақтни дарс ичидаги тўрт унсурга ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юқорида айтилган ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам бор. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс олиб борувчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши такрорлаб чиқаман, деган муаллимга, албатта янги билим бериш учун кам вақт қолади. Янги берилган билимни ва уйга вазифа беришни қоидали қилиб амалга оширишни айтмай қўяқолайлик. Шунинг учун кейинги вақтда, педагогик амалиётда **бир турдаги фаолият** билан шуғулланувчи дарслар пайдо бўла бошлади.

Буларга: **янги билимларни эгаллаш дарслари; билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарслари; билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дарслари; билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва кўникмаларни амалиётда синаб кўриш дарслари.** Бу дарс босқичлари шундай номлангани билан, дарс ичидаги аралаш дарсларнинг тўрт унсурунинг бири узайтирилиб, қолганлари қисқартирилган бўлади. Масалан, янги билимларни эгаллаш дарс босқичида дарсга ажратилган 45 дақиқанинг 2-3 дақиқаси дарсни ташкил қилиш ва ўтган дарсни қайтариш қисмига сарфланади. Бу вақтда ўқитувчи ўтган дарсни қайтармай, қисқача эслатиб ўтади, холос ва ҳоказо. Қуйида бу босқичдаги дарсларнинг ички тузилишини кўриб чиқамиз.

Янги билимларни эгаллаш дарси тушунтириш дарси деб ҳам юритилади. Бу босқичдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви қуйидагича:

- илгари ўтилган билимларни эшлаш;
- янги билимлар бериш;
- янги билимнинг ўзлаштирилганлигини текшириш;
- назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш;
- уйга вазифа бериб, дарсни якунлаш.

Билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарси. қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- назарий билимларни эшлаш;
- эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўникма ҳосил қилиш;
- дарсни якунлаш;
- уйга вазифа бериш.

Такрорлаш дарси. Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш билан такрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва дарснинг ички тузилишига тааллуқлидир. Шу билан бирга, бу дарсларнинг орасида такрорланаётган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган баъзи жойлари такрорланади. Билган нарсасини ҳа-

деб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари такрорланади.

Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дarsi.

Бу дарснинг элементлари куйидагича:
умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш;
билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни кўрсатиш;
назарий билимларни ўзлаштирилганлигини текшириш;
билимларни умулаштирган қоида билан таништириш;
мавзу бўйича эгалланган билимларни ҳосил қилинган кўникмалар билан такомиллаштириб, малака даражасига етказиш;
дарснинг натижаларини яқунлаш;
уйга вазифа бериш.

Эгалланган билим ва кўникмаларни текшириш (назорат) darsi. Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи топшириқларни эълон қилади, таълим олувчилар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йиғиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва топшириқлари шундай ифодаланиши керакки, таълим олувчиларнинг жавобларидан улар билимларни шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим [56].

Бизга маълумки, инсон муаяйн мақсадга эришиши учун бир катор усуллардан фойдаланади («**Таълим усуллари**», «**Таълим методлари**», «**усул (метод)**» ва «**услуг**» тушунчалари ушбу монографиянинг 14-16 бетларда таҳлил қилиниб берилган).

Методика – мақсадга эришиш жараёнида қўлланиладиган метод (усул) ва услубларни қўллаш йўриқномаси.

Демак, дарс – аниқ мақсадни кўзлаб ажратилган вақтда бир хил ёшдаги таълим олувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот экан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси тил комиссиясининг «Тил-дарё» деб номланган изоҳли луғатида «Методика-методика (юнонча

methodoc – тадқиқот, таълимот). Бу термин кўпинча «услугият» тарзида нотўғри қўлланади. Услугият-стилистика. Методика эса педагогика фанининг ўқитиш қоидалари ва методлари ҳақидаги бўлими. Демак, «услугият» сўзининг методикага ҳеч қандай алоқаси йўқ», - деб талқин қилинади [73].

Метод (юнонча methodoc-билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) – таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, услублар мажмуи [74].

Бундан кўринадики, методни услуб деб аташ нотўғри экан. Педагогик усуллар таркибида **объектив ва субъектив** [33] услублар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулнинг таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истисносиз ва доимий равишда ҳукм сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чиқувчи услублар киради. Субъективларига ўқитувчи ва педагогнинг шахсий сифатларидан, таълим олувчиларнинг ҳамда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чиқувчи услублар киради.

Ҳар қандай педагогик усулни шакллантиришда, албатта, объектив услубларга суянилади. Ҳеч қачон субъектив услубларга кенг ўрин берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги муносабатларни оптималлаштириш устида доимий тортушувлар бўлган ва бўлиб келмоқда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойитиб борилиши керак, аммо бу ҳаракат меъёридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнан, субъектив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиш педагогнинг ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишганининг белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги нисбатни мувозанатда ушлаш жуда қийин. Чунки, педагогик усул ўқитувчи ва педагогларнинг дарс беришдаги асосий қуроли бўлиб, ўқитув-

чи режалаштирган мақсадни, мақсадга эришиш чора – тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чикувчи ва ечилиши шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жараёнининг мантиғини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳоратини ва бошқа кўплаб нарсаларни ўзида ифодалаши керак.

Шундай қилиб, **дарс методлари** дарснинг ташкилий тузилмасига қараб: **оғзаки** (сухбат, баҳс, мунозара, маъруза ва ш.ў.), **ёзма** (иншо, баён, ёзма иш ва ш.ў.) ва **кўрсатмали-амалий** (мисоллар ечиш, лаборатория ишлари, амалий ишлар ва ш.ў.) методларга бўлинади.

Дарс усули – дарсни қай тарзда олиб бориш учун белгилаб олинган услубларнинг мажмуисидир. Дарс услубларнинг сони ва саноғи кўпдир. Бир соатлик дарсда бир қанча услублардан фойдаланилади. Биз билмаган, аммо қайсидир ўқитувчи қўллаб келган услублар ҳам мавжуддир.

Шундай қилиб, биз дарсларда кўпроқ дарс бериш метод (усул)ларидан фойдаланамиз. Услублар эса усулларга ёрдамчи унсур, восита сифатида иштирок этади.

Бугунги кундаги ноанъанавий дарс усулларидан асосийси **инновацион ва интерактив усуллардир**. Инновацион атамаси инглизча «**innovatsion**» сўзидан олинган бўлиб, «**янгиллик киритаман**» деган маънони англатади. Интерактив атамаси ҳам инглизча «**interactive**» сўзидан олинган бўлиб, «**ўзаро таъсирлашиш, ўзаро баҳслашиш, ўзаро ҳаракат қилмоқ**» деган маънони билдиради. «Интерактив» дарс усулини «Интерфаол» деб чала ва нотўғри таржимасини ишлатиш мазмунан хато эканлигига эътиборларингизни қаратмоқчиман. «Интерактив» сўзи (у русча сўз эмас) қўшма сўз бўлиб, агар таржима қилиш зарур бўлса, ундаги ҳар бир сўзни таржима қилиш керак бўлади.

Интерактив усул бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс, мунозара, фикрлашиш асосида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш деганидир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият таълим олувчини мустақил фикрлашга, ўз фикрини ай-

тишга чақиради. Таълим олувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Интерактив дарс усули дарс давомида таълим олувчиларни мустақил фикрлашга даъват этадиган ва шу асосда уларнинг дарсда фаол иштирокини таъминлаб, билимларни тўлиқ ўзлаштиришини кафолатлайдиган дарс усуллари дидир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, айрим ўқитувчиларимиз «Янги педагогик технологиянинг талаби шу», «Таълим олувчиларни мустақил ўқишга ва фикрлашга ўргатаймиз», «Таълим олувчи фаол, ўқитувчи пассив бўлиши керак» – деган баҳоналарда ўзлари дарсларга тайёргарликсиз келмоқдалар. Улар янги мавзунини мустақил ўқиб келишни уйга вазифа қилиб топширадидлар ва муаммолардан осонгина кутуладидлар.

Аслида эса, инновацион педагогик технология асосида дарс олиб борадиган ўқитувчи-муаллим тиниб-тинчимаслиги, ўз устида мунтазам ишлаши, янги адабиётлар, услубий мақолалар ва тажрибалар билан танишиб бориши, ижодий изланиши зарур. Ўқитувчи таълим олувчини фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган усул ва йўллارни, ўқитиш шакллари ва воситаларини танлаши ҳамда шу асосда таълим олувчиларни дарс давомида мустақил фикрлашга ўргатиши керак. Инновацион педагогик технология асосидаги дарсларда **ўқитувчи ҳам фаол, таълим олувчи ҳам фаол** иштирок этиши талаб қилинади.

Педагог-психологларимизнинг ўтказган таҳлилларига кўра, ўзлаштирилган ахборотлар орадан 2 ҳафта ўтгач, мустақил ўқиш орқали 10, тинглаш орқали 20, кўриш орқали 30, намоиш қилиш орқали 50, суҳбат, мунозара орқали 80, амалий бажарганда 90 фоизи эслаб қолинар экан. Шуларни ҳисобга олсак, таълим олувчиларга дарс беришда кўпроқ суҳбат, мунозара, баҳс ва амалий ишларни дарс давомида ўз назоратимиз ва кузатувимиз остида амалга оширишимиз зарур.

3-§. Ўқув жараёни лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар

Таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, эҳтиёж ва имкониётларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир синф якунида математика фанининг асосий мазмуний йўналишлари бўйича таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни аниқлаш мумкин ва у таълим жараёни натижаларини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Таълим олувчилар олдида ДТС ва МТ қўйиладиган талабларни бажаришда ўқитувчининг юқори даражада касбий, назарий ва амалий тайёргарлиги ҳамда шу асосда ташкил этиладиган самарали дарслар муҳим ўрин тутди.

Замонавий дарсни ташкил этиш ҳозирги кун ўқитувчисидан юқори тайёргарликни талаб этиб, улар асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг назарий асослари бўйича етарли маълумотга эга бўлиши;

юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши ва мустақил равишда ўз устида ишлаши;

замонавий педагогик технология ва интерактив методларни қўллаган ҳолда таълим жараёнини ташкил этадиган, билим, малака ва кўникмаларига эга бўлиши;

ўзи дарс бераётган фан бўйича ўқув меъёрий ҳужжатларни яхши билиши, жумладан,

а) «Давлат таълим стандарти», «Малака талаблари» унинг таркибий қисми бўлган билим, кўникма ва малака ҳақида тушунчага эга бўлиши;

б) таянч ўқув режа, ўқув фани дастурлари, тавқим мавзу режа, баҳолаш мезонини билиши ва ҳ.з.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёрланмасдан туриб таълим жараёнини самарали ташкил эта олмайди. Дарс жараёни самардорлиги ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиш билан белгиланади. Эътиборсизлик билан режалаштирилган ва пухта тайёр-

ланмаган, таълим олувчилар имкониятлари билан уйғунлашмаган дарс самарасиз бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриши лозим.

Дарсга тайёрланиш

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги икки босқичда амалга оширилади.

1. Дарсга умумий тайёргарлик.

Ўқитувчининг дарсга умумий тайёргарлиги доимий равишда амалга ошириб бориладиган жараён бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, таянч ўқув режа, ўқув фани дастурлари ва уларга берилган тушунтириш хатларини ўрганиб чиқиши;

ўқув фанига оид янги илмий-методик адабиётлар билан доимий равишда танишиб бориши;

ўз фани соҳасида янги маълумотларни тўплаш, муаммоли масала ва топшириқларни, тест материаллини жамлаш;

ҳар бир дарсда қўлланилиш мумкин бўлган кўرғазмали материаллар ва ўқув жиҳозларини тўғри танлай олиши ва улардан ўринли фойдаланиши;

илғор педагогик тажрибаларни доимий равишда ўрганиб бориши орқали ўз билимларини кенгайтириб бориши;

компьютер техникасидан дарс жараёнида фойдалана олиш маҳоратини ошириб бориши, электрон дарсликлар, матн муҳаррирлари, Ziyonet ахборот порталига жойлаштирилган маълумотлардан самарали фойдалана олиши талаб этилади.

2. Дарсга кундалик тайёргарлик.

Ўқитувчининг дарсга кундалик тайёрланиши дарсни ташкил этиш, таълим олувчиларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларни қай даражада ўзлаштиришини таъминлайди. Дарсга тайёрланиш алгоритми (қоидалар мажмуи) барча омиллар, ҳолатларни ҳисобга олиш ва қафолатлайдиган изчил тадбир бўлиши зарур. Шунинг учун, ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда қуйидаги тавсияларга риоя қилиши лозим:

а) Дарсга тайёрланишдан олдин қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

Дарсда таълим олувчи шахсини ривожлантириш учун аввало, унинг идрокини кучайтириш ва хотирасини мустаҳкамлаш асосида ўқув материалларининг хотирада сақланишини таъминлаш зарур. Дарснинг мақсадига эришиш учун ўқув материалларини тўғри танлаш, бунда таълим олувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олиш ва дарсни жиҳозлашга жиддий эътибор бериш, ўқув материаллар таълим олувчиларга тушунарли бўлиши учун таълимнинг метод ва услубларини тўғри танлаши ҳамда ўринли қўллай олиши муҳимдир.

Дарс ўқитувчига катта маъсулият юклайди. Шуннинг учун ҳар бир дарсга пухта тайёрланиш тажрибали ўқитувчи учун ҳам ёш ўқитувчи учун ҳам бир хил масъулият юклайди. Бунда ҳар бир таълим олувчи шахсини ҳар томонлама чуқур ўрганиши талаб этилади.

Чунки, таълим олувчи шахси таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадга эришишнинг асоси ҳисобланади.

Шунинг учун, **биринчидан**, ўқитувчи синф жамоасининг қуйидаги ўзига хос бўлган хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

таълим олувчиларнинг билими ва ўзлаштириш савияси;

таълим олувчиларнинг фанга бўлган муносабати;

синфнинг ишлаш тезлиги;

билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги;

турли ўқув жараёнига муносабати;

таълим олувчиларни интизоми.

Иккинчидан, ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятларни эътиборга олиш зарур:

нерв тизими турларининг шаклланганлик даражаси;

ўзаро фикр алмашуви;

ҳиссиётга берилувчанлиги;

янги материални таълим олувчилар томонидан қабул қилишни бошқариш;

ёмон кайфиятни тарқатиш йўлларини билиш;

Ўзининг билим ва қобилиятига ишониш;

таълимнинг турли дидактик воситаларининг ишлаш тамойилларини ва улардан тўғри ҳамда ўринли фойдаланишни билиш.

Ўқитувчи олдида турган **асосий вазифалардан** яна бири таълим олувчиларга бериладиган таълим-тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришдан иборатдир.

Демак, ўқитувчи ҳар бир дарсни режалаштирганда дарсни юқори савияда ўтишини таъминлаш учун етарли даражада дарс ишланмасини батафсил тузиши, аниқ вазиятларни эътиборга олган ҳолда дарсларни турли шаклларда ўтказиши талаб этилади.

Ўқитувчи томонидан **дарсга кундалик тайёргарлик** қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

тавқим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган вақт аниқлаштириб олинади;

Давлат таълим стандарти ва ўқув фани дастуридан ўтиладиган мавзу юзасидан таълим олувчида қандай тушунчалар, яъни, ушбу мавзу бўйича қандай билим, кўникма ва малакалар шакллантирилиши лозимлиги аниқланади ҳамда шу асосда дарс мақсадлари аниқланади;

мазкур дарсда фойдаланиладиган таълим воситалари (техник воситалар, слайдлар, кўргазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар) аниқланади ҳамда дарсга тайёрлаб қўйилади;

дарсининг структураси, тури, методлари ва ўқитиш услублари белгилаб олинади;

фанлараро боғланиш имкониятлари аниқланади ва ундан дарс жараёнида фойдаланиш йўллари белгилаб олинади;

ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг дарсдаги ҳамкорликдаги фаолиятлари режалаштирилади;

таълим олувчиларнинг дарсдаги мустақил фаолиятлари ҳажми белгилаб олинади;

дарсда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш усул ва шакллари белгилаб олинади;

уй вазифасини ҳажми белгилаб олинади;
дарсни яқунлаш шакллари белгилаб олинади;
белгиланган талаблар асосида юқоридагиларга асосланган
ҳолда дарс ишланмаси тайёрланади.

Дарс ишланмасини тайёрлаш

Ҳар бир дарс:

маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилиши ва пухта
режалаштирилган бўлиши;

мустаҳкам маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиявий йўна-
лишга эга бўлиши;

дарсни кундалик турмуш ва амалиёт билан боғланган бўлиши;
турли метод, усул ва воситалардан самарали фойдаланган ҳол-
да олиб борилиши;

таълим олувчиларни кунт билан ишлашларини таъминлайди-
ган бўлиши;

машғулотларни бутун синф билан ёппасига олиб бориш ва
таълим олувчилар билан яқка тартибда ишлашни ҳисобга олган
ҳолда амалга ошириш режалаштирилган бўлиши лозим.

Машғулотларнинг муваффақиятли ўтиши таълим жараёни
тўғри режалаштиришни ташкил этиш ва уни амалга оширишга
боғлиқдир.

Ўқув жараёнини режалаштириш

Ўқув жараёнини **режалаштиришда** ўқитувчидан қуйидаги-
ларга амал қилиши талаб этилади :

дарс мавзусини, мақсад ва вазифалари, тури, тарбиявий имко-
ниятларини аниқлаш;

дарс учун керакли кўргазмали қурооллар, дидактик материал-
лар ва зарур жиҳозларни тайёрлаш;

дарснинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда, унинг ҳар бир
босқичи учун зарур бўлган материаллар, фактлар, мисол, машқ
ва топшириқларни танлаш;

таълимнинг метод ва услубларини тўғри танлаш;

таълим олувчи лар учун мустақил ва уйда бажариладиган ва-
зифаларни белгилаш;

кўникма ва малакаларини баҳолашнинг аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш лозим.

Буларнинг барчаси дарс ишланмасида ёки дарснинг технологик харитасида ўз ифодасини топади.

Дарс ишланмаси (Технологик харита)

Дарс ишланмаси (дарснинг технологик харитаси) ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат бўлиб, уни тузишдан кўзланган асосий мақсад – ўқитувчи билан таълим олувчиларнинг дарс жараёнидаги биргаликдаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмунини ёритиб бериш ва шу орқали таълим самарадорлигини оширишга эришишдан иборат.

Дарс ишланмалари учун тайёр қолип йўқ, чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. Дарс маълум бир мақсадга қаратилган, ДТС ва МТлари асосида таълим олувчиларга билим, кўникма ва малака бериш натижасини аниқ белгилаб олган ҳолда ўқитувчининг маҳорати, таълим олувчиларнинг тайёргарлиги даражаси асосида режалаштирилади.

1. Дарс мавзуси (тақвим-мавзу режа асосида белгиланади)

1. Дарс мақсади:

Таълимий (таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини қандай ривожлантириши бўйича мақсадлар белгиланилади).

Тарбиявий (шахснинг қандай сифатлари шакллантирилиши кўрсатилади).

Ривожлантирувчи (таълим олувчилар ақлий фаолиятининг қандай шаклларини ҳамда мантиқий жараёнларини ўзлаштирадилар ва бу қандай ривожлантирувчи натижа бериши ифодаланади.)

2. Дарс тури: (тақвим-мавзу режа бўйича дарснинг тури кўрсатилади)

3. Ўқитиш методлари: (методлар, услублар, педагогик технология)

4. Дарс жиҳози: ўқитишнинг техник восталари, кўргазмалар қуроллар, маълумотлар манбаи, ўқитишни дидактик воситалари танланади.

5. Янги билим беришдаги таянч тушунчалар. Янги материални ўзлаштириш учун ёрдам берадиган таянч билимларнинг муҳимларини ажратиш, таълим олувчиларнинг мустақил ишларини режалаштириш, фанга тегишли бўлган тарихий маълумотлар бериш, унинг амалий аҳамияти, ўзига хос саволларнинг кўриниши, фанга бўлган қизиқишни ошириш, масалаларнинг янгича ифода қилиниши, муаммоли вазият яратиш, иш жараёнида назорат шаклини белгилаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, тескари алоқани ўрнатиш шакллари учун вақт кўрсатилади.

6. Янги тушунчалар ва ҳаракат усулларини шакллантириш: ўрганилиши лозим бўлган янги тушунчалар ва уларни ўзлаштириш усулларини кўрсатиш;

ДТС ва МТ лари асосида билим, кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, дарс учун билимларни кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини кўрсатиш;

билимни ўзлаштириш босқичида билиш, фаолияти усулларини шакллантириш;

мустақил иш турини аниқлаш;

фанлараро алоқани ўрнатиш усулларини белгилаш;

индивидуал топшириқларни бажариш учун (карточкалар, муаммоли ва маълумотли саволлар) дидактик материалларни белгилаб олиш.

7. Қўллаш (кўникма ва малакаларни шакллантириш).

Дарс жараёнида таълим олувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар аниқ кўрсатилади.

Масалан: саволни тўғри қўйиш малакаси, сабабини аниқлаш, таснифлаш, таққослаш;

тескари алоқа ўрнатиш усуллари белгиланади, сўралиши лозим бўлган таълим олувчилар исми, шарифлари кўрсатилади ва бошқалар.

8. Уйга вазифа (асосий вазифа кўрсатилади, такрорлаш учун саволлар, ижодий топшириқлар берилади).

Изоҳ. Уй вазифасининг ҳажми синфда бажарилган ишнинг 2/3 қисмидан ошмаслиги керак.

Дарс ишланма режасининг тузилиши (Намуна)

Сана _____

Синф _____

Мавзу: _____

Мақсад

Таълимий: _____

Тарбиявий: _____

Ривожлантирувчи: _____

Тури: _____

Методлари: _____

Жихозланиши: _____

Дарс босқичларидаги узвий кетма-кетлик:

Ташкилий	Янги билимни ўзлаштириш
Уй вазифасини текшириш	Янги билимни мустаҳкамлаш (янги мавзу бўйи саволлар тайёрлаш)
Ҳар томонлама билимларини текшириш (ўтилган мавзулар бўйича саволлар тайёрлаш)	Уй вазифаси бўйича ахборот, йўриқнома
Янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш	

Дарс қисмининг мазмуни:

Дарс босқичи	Вақти	Қўлланиладиган метод	Таълим олувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти

Демак, ўқитувчи дарсни режалаштиришда таълим олувчилар билимини мустаҳкамлаш ва олдинги ўтилган дарсни тақрорлаш, билим ва малакаларни текшириш кераклигини эсда тутиши, оғзаки ва ёзма кўникмаларни ифодалаш, нутқ маданияти устида ишлаш маҳоратини такомиллаштириши, дарсдаги материалларни яхши ўрганиб чиқиши ва таълим олувчилар хотирада сақлаши керак бўлган матнларни ёддан билиши лозим.

Дарс – ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас, чунки ўқув амалиёти ва педагогик таффақкур доимо уни такомиллаштириш йўллари излайди. Шундай экан, берилаётган тавсиялардан ижодий ёндашган ҳолда фойдаланишингизни, уни янада бойитишингизни истаб қоламиз.

Дарс ишланмаси намунасини математика мисолида кўрсатиб ўтамиз.

Мавзу. Аралаш сонлар

Дарснинг таълимий мақсади: Таълим олувчиларни аралаш сонлар, уларни нотўғри касрга айлантириш, нотўғри касрни аралаш сон кўринишида ёзишга доир тушунчалар билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: таълим олувчиларда жамоа билан ишлашда ўзаро дўстона муносабатда бўлиш, ўзгалар фикрига ҳурмат билан қараш, топқирлик, ижодкорлик ҳислатларини шакллантириш.

Дарсни ривожлантирувчи мақсади: таълим олувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстириш.

Дарс методи: оғзаки баён қилиш, «баҳс-мунозара», «сал-вол-жавоб», «кичик гуруҳларда ишлаш».

Дарс жиҳозлари: дарслик, қўлланма, тарқатма материаллар, кўрсатма материаллар, компьютер, экран, видеопроектор.

Дарсда қўлланиладиган педагогик технология: «Мусобақа дарси»

Дарс режаси:

Т/р	Дарс босқичлари	Ажратилган вақти
1.	Ташкилий қисм	2 дақиқа
2.	Ўтилган мавзунини сўраш	10 дақиқа
3.	Янги мавзунини ўрганиш	12 дақиқа
4.	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	16 дақиқа
5.	Таълим олувчи лар фаолиятини баҳолаш ва уйга вазифа бериш	5 дақиқа

Дарсинг бориши

I. Ташкилий қисм:

а) синф хонаси ва таълим олувчиларнинг дарсга тайёрлигини аниқлаш.

б) саломлашиш.

д) давоматни аниқлаш.

II. Ўтилган мавзунини сўраш:

Таълим олувчилар билан тарқатма материаллар ва мавзуга доир савол ва масалалардан фойдаланган ҳолда савол-жавоблар «мусобақа» тарзида ўтказилади. Бунинг учун синф таълим олувчилари кичик гуруҳларга ажратилади.

Ўтилган мавзунини сўраш қуйидаги **2 босқичда** амалга оширилади.

1-босқич: Кичик гуруҳларга олдиндан тайёрланган саволлар берилади ва жавоблар аниқланади.

Масалан:

1-гуруҳга: «Бўлиш» амали деганда нимани тушунасиш? Мисоллар келтиринг.

2-гуруҳга: Қаср билан бўлиш амалининг қандай боғлиқлиги бор? Қаср чизиғи нимани билдиради?

3-гуруҳга: Ҳар қандай қасрни бўлиш амали ёрдамида ёзиш мумкинми? Мисоллар келтиринг.

2-босқич: «Мусобақа» тарзида.

Гуруҳлар бўйича умумий ҳолда мустақил иш сифатида» ким биринчи? Мусобақаси ўтказилади ва ғолиб таълим олувчиларга рағбат карточкаси берилади.

III. Янги мавзунини ўрганиш:

Мавзуга доир масала ечиш орқали «**Аралаш сон**» ҳақида тунча ҳосил қилинади. Қуйидаги масалани «**Баҳс-мунозара**»-шаклида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масала: она 8 та плиткали шоколадни 3 та фарзандига тенг қилиб бўлиши керак. Буни қандай бажаради?

Эчиш: Бунинг учун 8:3 амални бажариш керак. Ҳар бир фарзандга 2 та дан тегади ва яна 2 та шоколад ортиб қолади. Бу-

нинг учун ортиб қолган шоколадни ҳар бирини ҳам 3 тадан тенг қисмга бўлиб берса, $\frac{2}{3}$ тадан тегади. Демак, ҳар бир фарзандига 2 тадан бутун ва яна 1 та шоколаднинг $\frac{2}{3}$ қисмини беради. Буни $2 + \frac{2}{3} = 8:3$ ёки $\frac{8}{3} = 2\frac{2}{3}$ деб ёзиш мумкин. Демак, $8:3 = \frac{8}{3} = 2\frac{2}{3}$.

Нотўғри каср берилган бўлса, суратини махражигга бўлсак, ҳосил бўлган тўлиқсиз бўлинма берилган касрнинг бутун қисмига, қолдиқ суратига ёзилса, махраж ўзгаришсиз қолар экан. Аксинча кўриниш бўлса, яъни:

$$2\frac{2}{3} = \frac{2 \cdot 3 + 2}{3} = \frac{6 + 2}{3} = \frac{8}{3} \text{ ҳосил бўлади.}$$

Бундан, **аралаш касрни нотўғри касрга айлантириш учун бутун қисмини махражигга кўпайтириб, чиққан натижага суратини қўшиб ҳосил бўлган йигинди суратига ёзилади, махражи эса ўзгаришсиз қолади, деган қоида келиб чиқади.**

IV. Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун гуруҳлар бўйича навбати билан 2 та топшириқ асосида «Мусобақа» ташкил этилади.

1-топшириқ. **Нотўғри каср ёзинг, уни аралаш касрга айлантинг.**

Масалан: $\frac{17}{4} = 4\frac{1}{4}$; $\frac{23}{4} = 7\frac{2}{3}$; $\frac{29}{5} = 5\frac{4}{5}$; ва х.к. кўринишида

ёзиш мумкин.

2-топшириқ. **Аралаш касрни нотўғри касрга айлантинг:**

Масалан: $5\frac{3}{8} = \frac{5 \cdot 8 + 3}{8} = \frac{43}{8}$; $8\frac{3}{4} = \frac{8 \cdot 4 + 3}{4} = \frac{35}{4}$ ва х.к. кўри-

нишда ёзиш мумкин.

Кейинги босқичда дарсликдаги машқларнинг бир қисмини доскада «**Ким тўғри ва тез бажаради?**» шарт асосида бажари-

лади. Дарс якунида кўп балл тўплаган «Гуруҳ» ва «таълим олувчи лар» рағбатлантирилади.

Мавзуни ўрганиш учун 3 соатга ажратилган бўлиб, 2, 3- соатларда мавзуни мустаҳкамлаш учун дарслик ва қўлланмадаги машқлардан фойдаланиш мумкин.

IV. Таълим олувчилар билимини баҳолаш ва уйга вазифа:

Дарс ўқитувчи томонидан якунланиб, гуруҳлар бўйича «ғолиб гуруҳ» ва «энг билимдон таълим олувчи» аниқланади. Мусобақада фаол қатнашган таълим олувчиларнинг фаолияти рағбат қарточлари орқали тўплаган ўртача баллари бўйича баҳоланади.

Эслатма: рағбат қарточкалари ўқитувчи томонидан тайёрланиб, унинг ранги ва шакли уч кўринишида бўлади: қизил рангли учбурчак, кўк рангли квадрат, яшил рангли доира кўринишларида рағбат қарточкаси тайёрланади. Учбурчак шаклидаги қизил рангли қарточка 3 баллик, квадрат шаклидаги кўк рангли қарточка 4 баллик, доира шаклидаги яшил рангли қарточка эса 5 баллик бўлади.

Дарснинг технологик харитаси

Мавзу: «Аралаш сонлар» (5-синф математикаси)

<p>Дарснинг мақсади ва вазифалари (дарснинг мақсади вазифага айланади)</p>	<p>Қасрлар ҳақидаги тушунчаларни ривожлантириш; аралаш қасрларни турли, кўринишлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш; нотўғри қасрни бутун қасрга айлантиришга доир маълумотларга эга бўлиш.</p>
<p>Дарснинг мазмуни Дастур аннотация шаклида бўлиши мумкин.</p>	<p>Аралаш сон ҳақида тушунча бериш; аралаш сонларни натурал сонга айлантириш қоидалари билан танишиш; нотўғри қасрни аралаш сонга айлантириш қоидаларини билиш ва уни мисол, масалалар ечишда қўллай олиш; мустақил равишда аралаш сонларга доир масалалар туза олиш.</p>

<p>Ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси (Технология - ўқув жараёнини тўлалигича эгалловчи тизимли кетма-кетлик натижаси).</p>	<p>Шакл: оғзаки, ёзма, кўргазмали Метод: маъруза Таълим технологияси: мусобака (гуруҳларда ишлаш). Восита - тарқатма, кўрсатма материаллар, компьютер, экран, видеопроектор. Усул - савол-жавоб, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, мустақил иш. Баҳолаш - ўз-ўзини баҳолаш, ҳамкорликда баҳолаш, рейтинг асосида баҳолаш.</p>	
<p>Қутиладиган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи: аралаш сонлар билан таъништириш; аралаш сонларни нотўғри касрга айлантириш ҳақида маълумот бериш; нотўғри касрни аралаш сонга айлантириш ҳақида тушунча бериш.</p>	<p>Таълим олувчи : аралаш сонлар ҳақида маълумот олиш; аралаш сонларни нотўғри касрга айлантиришни ўрганиш; нотўғри касрни аралаш сонга айлантиришни ўрганиш.</p>
<p>Келгуси режалар</p>	<p>Ўқитувчи: ўтилган дарсларни таҳлил қилади; ўз-ўзини баҳолайди; мавзуни янги материаллар билан бойитади; мавзуни очишда янада самарали технологиялардан фойдаланишни режалаштиради; аралаш сонлар ҳақидаги тушунчаларни янада кенгайтиради.</p>	<p>Таълим олувчи : оддий ва аралаш касрни фарқларини анализ қилади; аралаш сонларни нотўғри касрга айлантириш ҳақидаги малакаларини ўстиради.; нотўғри касрни бутун қисмига ажратишга доир малакасини ўстиради.</p>

Дарсларни кузатиш ва уни таҳлил қилиш

«Энг яхши методист – энг яхши ўқитувчи» эканлигидан келиб чиққан ҳолда дарсни кузатувчи дарс жараёнида ҳам ўз касбий маҳоратини оширади, ҳам дарси кузатилаётган ўқитувчи касбий маҳоратини ошишига ёрдам беради.

Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи доимий равишда дарсларни кузатиши ва уни методик, педагогик ҳамда психологик жиҳатдан таҳлил қилиб бориши талаб этилади.

Эслатма. Ўқитувчида дарснинг ўқув режаси мавзу бўйича турли ишланмалар бўлиши, шу билан бир қаторда турли дидактик тарқатма материаллари, кўргазмали қурооллар тайёрлаган бўлиши керак. Дарсни таҳлил қилувчи томонидан ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки танишиб чиқилмасдан, унинг дарсга бўлган тайёргарлиги бутун дарс давомида кузатилиши ва таҳлил этилиши шарт.

Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Дарсга мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши. Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад қўйганми? Мақсадни қанчалик тўғри қўйган?

2. Ташкилий таҳлили. Дарс ўтиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги аввало таълим олувчилар кайфияти, соғлиги ва синф хонаси, досканинг тозалиги, бўр ва намланган латтанинг борлиги, замонавий таълим воситалари билан таъминланганлиги, синф хонасининг тозалиги, мободо айрим таълим олувчилар бирон сабабга кўра дарсга қатнашмаётган бўлса, уларнинг номи ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига қўйилиши кабилардан ташқари ўқитувчининг дарсга ҳозирлиги, унинг ташқи қиёфасига ҳам эътибор берилади.

3. Дидактик (таълимий) таҳлили. Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналганлиги, кўрсатмалилик ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлиги, жонли ва раvon тилда очиб берилиши.

4. Методик (услубий) таҳлил. Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони назарда тутилади.

Биринчидан, ўқув дастури бўйича мавзу неча соатга мўлжалланган бўлса уни қандай метод ва усул асосида таълим олувчининг ёши ва индивидуал-психологик хусусиятни ҳисобга олган

ҳолда етказиб бера олиши, таълим олувчиларни ўйлашга, изла-нишга мажбур этиши ва унга шароит яратиши.

Иккинчидан, ўзининг ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намойиш этиши. Бунда ўқитувчининг ижодкорлиги, методик маҳорати кўзга ташланиши лозим. Чунки, илғор педагогик ва новаторлик тажрибалар мана шу ердан бошланади.

5. Методологик таҳлил. Халқ таълими йўналишидаги қарор-лар, талаблар, давлат тили, миллий рух, маданиятнинг гўзал дур-доналари, шу соҳа бўйича буюк алломалар, олимларнинг қилган ишлари, фикрлари, ўзгаришлар асос қилиб олиниши мумкин.

6. Психологик таҳлил. Аввало таълим олувчининг кайфия-ти, унинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, таълим олувчининг ҳушёрлиги, диққатнинг барқарорлиги ва кўлами, фанга бўлган қизиқиши, дарс бераётган ўқитувчисига муносабати, таълим олувчининг ҳозир-жавоблиги, сезгирлиги ва топқирлиги, идро-ки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлаши, образли ва минтақавий тафаккури, таълим олувчи фантазияси, олдида тур-ган масъулиятга нисбатан таълим олувчининг иродали ёки иро-дасизлиги, таълим олувчидаги қобилият, билим, кўникма ва ма-лакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулод-да вужудга келган вазиятдан чиқа олиши, ўзини бошқара олиши.

7. Педагогик таҳлил. Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб, маъсулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, синф билан тил топиша олиш маҳорати, унинг маданияти, одобидан ташқари қандай қилиб дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг тар-кибий қисмларини таълим олувчига бера олиши ҳамда ўқитувчи-нинг нутқ маданияти назарда тутилади.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия, эколо-гик, иқтисодий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, нафосат ҳамда мил-лий истиқлол ғоясини сингдириш, тарбия элементлари қандай амалга оширилади?

Бу тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда эътибор бе-рилди?

Дарснинг тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди?

Бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг мазмунли, ра-
вон нутқини ҳеч қачон бошқа нарсага қиёслаб ёки алмаштириб бўлмайди.

8. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги таҳлили.

Таълим оловчиларни фикрлашга ўргатиши.

Аниқ фикр ва материалларни ўрганиб мулоҳаза юритиши, фикр билдириши.

Таълим оловчиларни изланишга, қидириб топишга ўргатиши.

Таълим оловчининг ўзи мустақил фикрга эга бўлиши.

9. **Яқуний таҳлил ёки хулоса қисм.** Кузатувчининг мутахас-
сис сифатидаги таклиф ва йўл-йўриқларини баёни.

Дарс яқунини таҳлил этиш жараёнида аввало дарс ўтган мута-
хассис гапиргани маъқул. Сўнг таҳлилда иштирок этувчилар га-
пиради.

Изоҳ. Ўқитувчининг дарсига ва унинг фаолиятига бир соатлик дарс таҳлили бўйича хулоса чиқариб бўлмайди, танқидий баҳо бериш учун ўқитувчининг ҳар бир шаклдаги бир неча дарсини кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарс ўтиш маҳорати, дарс мазмуни ва методини баҳолаш АНКЕТАСИ

Ф.И.Ш.					
Мавзу:					
Дарс тури:					
Т/р	I. Дарс ўтиш маҳоратини баҳолаш	Баҳолаш мезонлари			
		2	3	4	5
1	Асосий мавзунинг аниқ ёритилганлиги				
2	Дарснинг аниқ режа асосида олиб борилганлиги				
3	Кўргазмалар, қуроллар, компьютердан самарали фойдаланганлиги				
4	Ўқитувчининг ўзини тута билиши				

5	Ўқитувчининг таълим олувчиларни ўзига жалб қила олиш маҳорати				
6	Ўқитувчининг ҳис-ҳаяжон билан дарс ўтиши				
7	Ўқитувчининг таълим олувчиларни фаол қатнашиш ва савол беришга чакира олиши				
8	Ўқитувчи таълим олувчилар томонидан берилган савол ва жавобларга саводхонлик билан муносабатда бўлиши				
9	Ўқитувчининг нутқ маданияти				
10	Умуман олганда дарс «яхши ўтилди»				
	II. Дарс мазмуни ва методини баҳолаш				
11	Дарс мақсадининг аниқ ифода этилганлиги				
12	Ўқитувчи танланган методга амал қилиши				
13	Методикани яхши тушунишини намойиш этиши				
14	Дарс мазмунини аниқ ифода этилиши				
15	Ўз вақтида мантиқий ва тушунарли мисолларнинг келтирилиши				
16	Ўқув материални таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилганлигини мунтазам назорат қилиб борганлиги				
17	Дарсда кириш, асосий қисм, яқунловчи қисмларнинг мавжудлиги				
18	Умуман олганда дарс яхши тузилган ва яхши ўтилди				
Жами балл					

Юқорида қайд этилган талабларни ҳар бир ўқитувчи томонидан тўла бажарилиши, улар томонидан самарали дарсни ташкил этишлари, унинг мақсадларига эришишни кафолатлашда муҳим ўрин тутди.

4-§. Битта дарс ишланмасининг намунаси

МАВЗУ. Математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи

Кичик модуллар:

1. Математика ўқитиш методлари.
2. Математика ўқитиш методларининг таснифи.
3. Таълим технологияларининг таснифи.
4. Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси.
5. «Математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи» мав-зусининг лойиҳалари.

1. Математика ўқитиш методлари

Математика фанининг ўқитиш методлари умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги сифатини оширишда нимани, нима учун, қандай, нима ёрдамида ўқитса самарадорлик юқори бўлишига эришишни ўрганadi. Бунда ўқитиш методлари, уларни таълим жараёнларини ташкил этишда тўғри танлай билган ҳолда фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Анъанавий таълим методлари бу ўтган асрнинг 90-йилларигача кенг қўлланилиб келинган таълим методлар бўлиб, уларда доимо ўқитувчи томонидан тайёр билимлар берилган, ўқувчи-талабалар томонидан бу билимлар тайёр ҳолда қабул қилинган. Бундай таълим методларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи, ўқувчи-талабалар учун билимлар манбаи ҳисобланган ва улар жараёнда тингловчи сифатида иштирок этган.

Ўқитувчи эса ўта фаол иштирокчига айланган. Натижада ўқувчи-талабалар кўп ҳолларда дарс жараёнида ўқитувчи томонидан берилган билимлар доираси билан чекланиб қолган. Уларнинг пасивлиги туфайли мураккаб билим олиш фаолиятлари ривож-

лантирилмаган. Натижада ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, танқидий фикрлаш қобилиятлари етарли даражада ривожланмаган.

Бу ҳолатлар XX асрнинг охирларига келиб яққол намоён бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб дунё ҳамжамиятида ривожланган техника ва технологиялар бевосита кундалик ҳаётга кириб келди ва у XXI асрда янада ривожланишда давом этмоқда. Натижада кунлик ахборотлар оқими кунда-кунга кўпайиб бормоқда ва булар жуда тез эскириб қолмоқда. Ҳамда улар ўрнини янада мукамал бўлган техника, технология ва ахборотлар эгалламоқда. Масалан, компьютер технологиялари бўйича эгалланган билимлар қисқа бир йил ичида эскириб қолмоқда. Технологияга оид билимларнинг ярмидан кўпи 3 йилдан кейин эскириб қолмоқда. Шунингдек касб-ҳунар коллежларига оид билимларни ярми беш йилдан кейин, Олий ўқув муассасаларидан олинган билимларнинг ярми бир йилдан кейин эскирмоқда. Худди шунингдек ахборотлар оқими кундан-кунга ортиб бормоқда.

Масалан, «OPEL» русумли автомобилларни таъмирлашга оид қўлланмалар ҳажми 1933 йилда 202 саҳифадан иборат бўлган бўлса, 1995 йилга келиб бундай қўлланманинг ҳажми 13866 саҳифадан иборат бўлди. Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирги кунда таълим жараёнида ўқув вақтининг чекланганлиги ҳисобига ўқувчи-талабалар фаоллигини оширган ҳолда уларнинг мустақил таълим олишга йўналтирмасдан туриб бугунги кун таълим жараёни мақсадларига эришиб бўлмайди. Эски анъанавий таълим методлари ёрдамида биз қисқа вақтда кўп ва чуқур билимлар бериш имкониятларимиз чеклангандир. Ана шулар бу методларнинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Замонавий таълим мақсадларига эришиш учун, яъни ҳозирги замон технологияси ва техникасини бошқара оладиган, кундалик ахборот оқимлари (хаттоки ҳозирги кунда ахборотлар ресурс даражасига кўтарилди)ни ўрганиб, ундан ўз ахборотлар банки захираларига кераклиларини киритиб борадиган, техника ва техно-

логия оламида юз бераётган янгиликларни ўз вақтида ўзлаштириб бориши учун тайёр бўлган ёшларни тарбиялаб етиштириш таълим тизимини ва унинг мазмуни тубдан ислоҳ қилишни талаб қилди.

Шу мақсадда ҳозирги кунда мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар асосида таълим тизими тубдан босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида «Ноанъанавий таълим» методлари, яъни замонавий таълим методларига асосланган ҳолда таълим жараёни ташкил этилмоқда ва бу ўз самарасини бермоқда.

Таълим жараёнини замонавий таълим ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

Бизга тарихдан маълумки, ҳар доим янги авлод ўзидан олдинги авлодга қараганда ҳар бир жабҳада, жумладан янги билимлар, айниқса техникавий билим, малака ва кўникмалардан кўпроқ эгаллаган бўлади. XX-асрнинг ўрталарида фан, техника ва технологиялар ривожини эволюцион тарзда, аста-секинлик билан амалга ошар эди. Шунинг учун ҳам бу давргача кетма кет келувчи авлодларнинг илмий тараққиёти даражаси унчалик фарқ қилмас эди. Лекин XX-асрнинг иккинчи ярмига келиб, илмий-техник тараққиёт юксак даражага эришди ва кундан-кунга жадал суратда ривожланиб бормоқда. Бу бугунги авлод вакиллари билан бир қаторда ўз билимларини мустақил равишда ошириб боришни талаб қилмоқда. Негаки бугунги технологиядаги янгилик ўрнини эртага унданда мураккаброқ бир технологик янгилик эгалламоқда.

Моддий ресурсларга айланиб улгурган ахборотлар оқими тезлиги кундан-кунга ошиб бормоқда. Бундай шароитда таълим тизими билан замон талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаб бўлмай қолди. Маълумки, анъанавий таълим тизимида ўқитувчи ягона субъект сифатида намоён бўлиб, ўқувчи-талабалар объект

бўлиб хизмат қилади. Мазкур тизимда ўқитиш мажбурий тарзда амалга оширилиб, унда ўқитувчи етакчилик вазифасини бажаради.

«Синф-дарс» тизимига амал қилиниб, унда ўқитувчи томонидан ўқувчи-талабаларга тайёр билимлар мажбурлаб ўқитилади. Зўравонлик педагогикасига асосланган ҳолда ўқитишнинг тушунтириш, кўргазмали, оммавий ўқитиш методларидан фойдаланилади. Бундай тарзда ўқитишда авторитар ўқитиш юқори бўлиб, у ўқувчи-талабага бу ҳали шаклланмаган, шунинг учун у фақат бажариши зарур деган қарашларда намоён бўлади. Бу тизимда ўқитувчи ўта фаол, ҳамма нарсани биладиган, таълим жараёнининг ягона хўжайини ва ташаббускори сифатида намоён бўлади. Бундай таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги сифати ўқитувчининг дарс жараёнида кўзланган мақсадга қай даражада эришганлиги билан ўлчанади. Ваҳоланки, ўқувчи-талаба таълим жараёнида унинг кўзлаган мақсадига қай даражада эришганлиги муҳим ҳисобланади.

Анъанавий таълим методлари ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда асосий мақсад билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, шахсни ривожлантириш кўзда тутилди.

Анъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитишда ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилиятлари ривожлантирилмайди. Натижада уларда мустақил фикрлаш, танқидий фикрлаш каби қобилиятлар тўла шаклланмайди. Бу ўз навбатида келгусида уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиришга олиб келади.

Муқаддас ҳадисларимиздан бирида «Бешиқдан то қабргача илм ўрган», дейилади. Ҳозирги кунда ана шу муқаддас тамойилга асосланмасдан туриб, ёш авлод онгига ушбу муборак ғояни сингдирмасдан туриб, таълим жараёнининг ҳозирги кун талаблари даражасигача эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бугунги кун талаби бўлиб қолди.

Олимларнинг ва шу соҳа мутахассисларининг олиб борилган илмий-педагогик, илмий-методик кузатишлар, тадқиқотлар, таҳлиллар натижаси таълим жараёнининг марказига ўқувчи-талабани қўймасдан туриб, таълим жараёнини шахсни ривожланишга ва унинг табиий имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароит яратмасдан туриб мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш орзудан бошқа нарса бўлмаслиги аён бўлди.

Ҳозирги кунда замонавий таълим ва ахборот технологиялари таълим жараёнига кенг жорий қилган ҳолда бу борада ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Энди ноанъанавий ўқитиш методлари, яъни ўқитишнинг шахс ривожланишига йўналтирилган технологияларига тўхталиб ўтайлик.

Ўқитишнинг шахс ривожланишига (ҳар томонлама) йўналтирилган технологиялар (ноанъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитиш)нинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– шахсга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унинг ижодий фаолиятига ишонч билдирган ҳолда ривожланиши учун ҳар томонлама ёрдам бериш ва рағбатлантириш;

– таълимни демократлашувига олиб келиш, яъни ўқитувчи ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамкорлик, муносабатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

– шахсга ўз ҳаётий фаолияти йўналишини танлаб олиш эркинлиги ва мустақиллигини бериш, бунда ташқи таъсирлар натижасида эмас, балки ўз ички ҳиссиётларидан келиб чиқишига эришиш, яъни эркин тарбиялаш;

– таълим жараёнида ўқувчи-талабага инсоний-шахсий ёндашиш ва ҳ.к.

Замонавий таълим жараёнида ўқувчи-талабага шахсига янги-ча қарашни шакллантириш ва муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– таълим жараёнида ўқувчи-талаба шахсига объект эмас, балки субъект сифатида қараш (ўқитувчи ҳам субъект ҳисобланади);

– ҳар бир ўқувчи-талабага ўзига хос қобилият эгаси, кўпчилигига эса истеъдод эгаси сифатида қараш;

– шахснинг барча фазилатларига (ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳақгўйлик ва оқиллик, саломатлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, билимга чанқоқлик, интилувчанлик, ташкилотчилик ва ҳ.к.) ҳурмат билан қараш уларнинг шакллантириш ва ривожлантиришга доимо ёрдам бериш;

– ўқувчи-талабаларнинг ўз нуқатаи назарига, ўзининг мустақил фикрга эга бўлиши ва уни очиқ-ойдин айта олиш ҳуқуқи;

– эркин танлаш имконини бериш;

– таълим жараёнини ўқитувчи томонидан эмас, биргаликда ҳамкорликда бошқариш;

– ўқитувчи томонидан буюриш эмас, балки ташкил этишга эришиш;

– ўқувчи-талаба ўз фикрини, муносабатини билдиришда ҳа-тога йўл қўйиши мумкинлиги ва ҳ.к.

Юқоридагиларни жорий қилишнинг асосий мазмуни ва мақсади ҳозирги замон шароитида таълим жараёни самарадорлигини оширишга тўсқин бўлаётган эскича ўқитиш тизимидан ўқитиш сифатини оширишга имкон берадиган ҳолатлардагина фойдаланиш лозим. Чунки эски таълим тизимида ўқитишни давом эттириш ўқувчи-талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишини янада сусайтиради ва уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиради.

Замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш:

ўқув материални ўзлаштиришга қизиқиш уйғотиш;

билишга ва фаол ижодий фикрлашга бўлган интилишларни рағбатлантириш;

таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчи-талабалар мустақиллиги ва ташаббускорлигига таяниш;

ўз-ўзини бошқаришга кенг йўл очиш;

ҳар бир ўқувчини қобилиятлари ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш (ҳаммага бир ҳил билим беришдан воз кечиш);

ҳар бир шахснинг яхши хислатларини излаш ва уларни ривожлантириш;

ўқитувчи «ҳар бир ўқувчи-талаба истеъдодли» деган ишончга эга бўлиши, шунга таянган ҳолда уни ҳурмат қилиш, ҳар бир фикрига эътибор билан қараш, унга ишониш;

ўқувчи-талабанинг ҳар бир ютуғини қўллаб-қувватлаш, маъқуллаш, унга хайрихоҳ бўлган вазиятларни яратиш ва шулар асосида янада чуқурроқ билимлар эгаллашга бўлган интилишларини рағбатлантириш;

таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи-талабага ўз қобилиятларини намоён қилиш имкониятларини яратиш ва унга бу йўлда ёрдам бериш ва ҳ. к.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирги кун таълим тизимида самарали натижаларга эришиш учун биринчи навбатда ўқувчи-талабаларнинг барча мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитиш асосида мустақил билим олишга бўлган рағбатларини ошириш талаб этилади. Бунинг учун замонавий таълим ва ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги замонавий таълим методларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш талаб этилади:

ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланадиган педагогик усуллар

Педагогик технологияни ва унинг таркибий қисми бўлган ўқув машғулотларини лойиҳалашда ва амалиётга қўллашда қуйидаги учта тоифадаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи тоифадаги усуллар «Анъанавий усуллар» аталиб, улар ёрдамида талаба-ёшларга билимларни бериш «*Етказиб бериш*» тамойилига асосланади. Уларга: ахборотли – рецептив ёки иллюстратив – тушунтириш; репродуктив; муаммоли баён; эвристик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот, «айтиб бериш», «кўрсатиб бериш», «намоиш», «маъруза тақдимоти», «савол-жавоб» ва бошқалар киради.

Иккинчи тоифадаги усуллар ноанъанавий ёки «Интерактив усуллар» деб номланиб, ўқувчи-талабаларни билим эгаллашларида «Фаоллаштириш» тамойилига суянади. Уларга: «Шаталовнинг жадаллаштириб ўқитиш усули», «муаммоли дарс», «фикрий ҳужум», «ақлий ҳужум», «кичик гуруҳлар билан ишлаш», «давра суҳбати», «кластер усули», «Б.Б.Б.», «6x6x6», («3x3», «4x4»,...), «бумеранг», «қора қути», «бешинчиси ортиқча», «иш-боп ўйин», «ролли ўйин», «баҳс-мунозара», «қарама-қарши муносабат», «заковатли зукко», «зиг-заг», «чархпалак», «зинама-зина» ва бошқа кўпдан-кўп усуллар киради.

Учинчи тоифадаги усуллар «Илғор ёки замонавий усуллар» дейилиб, таълим-тарбия жараёнини «Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тамойилидан келиб чиқилади. Уларга: «йўналтирилган матн», «дастурлаштириш», «технологик харита усули», «модулли ўқитиш усули» ва «лойиҳалаш усули» ҳамда барча усулларнинг афзаллик томонларини ўзида мужассамлаштирган «Педагогик технология» усули киради.

Юқоридагилардан кўринадики, таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари усуллари мажмуаси бўлиб, бу фаолиятлар ёрдамида янги билим, кўник-

ма ва малакаларга эришилади, ўқувчи-талабаларнинг дунёқараши шакллантирилади ва қобилиятлари ривожлантирилади, яъни: ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради;

жамоанинг очиқ фикрини рағбатлантиради;

алоқа, тушунча ва ҳурматни икки томонлама жараён эканлигини (ўқитувчи, ўқувчи) очиб беради;

шахснинг ҳар томонлама ривожланишига шароит яратиб беради.

Дарс жараёнида танқидий фикрлашни шакллантиришга ва ривожлантиришга асосланиш:

ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамда ўқувчи билан ўқувчи ўртасидаги ҳурматни тарбиялайди;

дарс жараёнида ўқувчи тажрибасидан фойдаланилади;

маълум ўқув мазмунидан ўқувчи талабларига мос ҳолда аниқ фойдаланилади;

таълим жараёнида ҳар хил буюм ва қарашлар интеграциялашади;

дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади (ғайри ихтиёрий таълим);

ўқувчиларнинг мустақил таълим олиши учун шароит яратилади ва уларни тайёрлаш даражасига мувофиқ услублар аниқланади.

Юқоридагилар учта босқичда амалга оширилади:

1. Йўлланма – бу дарснинг шундай босқичики, бунда ўқувчи-талабалар мавзу бўйича билганлари ҳақида ўйлашга, мавзуга доир саволларни беришга ва ўрганиш учун вазифалар қўйишга йўналтирилади.

2. Аҳамиятни англаш – бу дарсни шундай босқичики, бунда ўқувчи-талабалар билимларни излайдилар ва ўрганадилар, шу билан бирга ўз фаолиятининг натижасида аҳамиятини англайдилар.

3. Фикрлаш – дарснинг шундай босқичики, бунда ўқувчи-талаба ўзлари тўқнашган фикрларга ва англаб етган маъноларга қайтишади. Шу билан бирга, саволлар берадилар, талқин этади-

лар, мунозара қиладилар, маъно ва аҳамиятларини шубҳа остига кўядилар ёки билимнинг янги соҳасига ушбу тушунчаларни тадбиқ этадилар.

Буларга эришишда ўқувчи-талабаларга таълим жараёнида фикрлаш имкониятини бериш, турли ғоя ва фикрларини қабул қилиш, таълим жараёни қатнашувчиларига кенг имкон бериш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда математика ўқитиш методикаси фанида таълим методи икки томони билан характерланади.

1. Ўқитиш, бу таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятини ўз ичига олади. Демак, ўқитиш ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини бошқариш, назорат қилиш ва текширишга доир ахборотлари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

2. Ўрганиш, бу таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг онгли фаолиятдан иборат бўлиб, у ўқув материални ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштиришнинг турлари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан кўринадики таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари усуллари мажмуаси бўлиб, бу фаолиятлар ёрдамида янги билим, кўникма ва малакаларга эришилади, ўқувчи-талабаларнинг дунёқараши шакллантирилади ва қобилиятлари ривожлантирилади.

2. Ўқитиш методларининг таснифи

Ҳозирги замон дидактикасида таълим методлари таснифига турли хил ёндашувлар мавжуд.

Бу борада Ю.К.Бабанский томонидан берилган тасниф бизнинг нуқтаи назаримизда ҳозирги замон таълим тизимида энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида таълим методларига таъриф берганда, улар ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг аниқ мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти эканлигини кўрдик. Бундай фаолият доимий ра-

вишда ташкил қилиш, рағбатлантириш ва назорат қилишни назарда тутати. Шунга кўра академик Ю.К.Бабанский [75] таълим методларини учта гуруҳга ажратади:

I. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари:

II. Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш методлари:

III. Ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

I. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари

Бу методлар гуруҳи ўз навбатида бир нечта гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифланади:

а) ўқувчи-талабаларнинг ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилишга:

– оғзаки методлар (маъруза, тушунтириш, суҳбат, ҳикоя, китоб билан ишлаш ва ҳ.к.);

– ўқув ахборотларини кўргазмани узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари, кўргазмани методлар (теварак-атрофдаги предметлар ва ҳодисаларни кузатиш, уларнинг моделлари ва тасвирларини қараш, замонавий таълим воситалари ва ҳ.к.);

– ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш методлари; ўқувчи-талабаларнинг амалий ишлари (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

б) Ўқувчи-талаба фикрининг йўналишига кўра:

– индукция;

– дедукция;

– аналогия.

в) Педагогик таъсир, таълим жараёнини бошқариш даражаси, ўқувчи-талабаларнинг ўқишда мустақиллик даражаси бўйича:

– ўқитувчи бошчилигида бажариладиган ўқув ишлари методи;

- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлари методи;
- д) Ўқувчи-талабаларнинг мустақил фаолликлари даражаси бўйича:
 - изоҳли иллюстратив метод;
 - репродуктив метод, билимларни муаммоли баён қилиш методи;
 - қисман изланиш ва тадқиқ қилиш методи.

1. Ўқувчиларнинг ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилишга кўра ўқитиш методлари Оғзаки методлар

Қисқа вақт ичида ҳажми бўйича энг кўп маълумотлар бериш, мазкур жараёнда ўқувчилар олдида муаммолар қўйиш, мазкур муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиш имконини берувчи ўқитиш методлари – **ўқитишнинг оғзаки методлари** деб юритилади.

Ўқитишнинг **оғзаки методлари** ўз навбатидаги қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Тушунтириш методи. Бу метод асосида дарс ташкил этилганда ўқитувчи янги ўқув материални баён қилади, ўқувчилар эса билимларни тайёр ҳолда қабул қиладилар. Бунда ўқитувчидан ўқув материални аниқ, қисқа ва тушунарли баён қилиш талаб этилади.

б) Сухбат методи. Бу етакчи ўқитиш методларидан бири бўлиб, ундан дарсни турли босқичларида қўлланилади. Мазкур метод – ўқитишнинг савол- жавоб методи ҳисобланиб, бунда ўқитувчи томонидан дарс мақсадидан келиб чиққан ҳолда олдиндан тайёрланган саволлар ва уларга бериладиган жавоблар орқали ўқувчиларда назарий билимлар ва амалий кўникмалар шакллантирилади.

Математика фанини ўқитиш жараёнида янги математик тушунчалар ўрганилаётганда унга тааллуқли бўлган турли қону-

ниятлар моҳиятини очиб беришда суҳбат методидан фойдаланилади.

Математикани ўқитиш жараёнида катехизик ва эвристик суҳбатдан фойдаланилади.

Катехизик суҳбат. Ўқитувчи томонидан олдиндан шундай саволлар тузиладики, улар ўқувчилар томонидан илгари эгалланган билимларни осонлик билан қайта эслашни талаб қилади. Бундай савол-жавоб методи таълимда катехизик суҳбат методи деб юритилади. Мазкур методдан ўқувчилар томонидан олдиндан эгалланган **билимларини текшириш ва баҳолаш, янги материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш** дарсларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади..

Эвристик суҳбат («Эвристика» юнонча сўз бўлиб, у ўзбек тилида «топман», «очаман» деган маънони билдиради) методи ўқитишнинг шундай савол-жавоб методи-ки, бунда ўқитувчи ўқувчиларга **тайёр билимларни бермайди**, балки усталик билан **олдиндан тайёрланган саволлар орқали** уларнинг **ўзларидан олдиндан эгаллаган билимлари, кузатишлари, шахсий ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда янги тушунчаларни эгаллашга, янги мавзу бўйича хулосалар чиқаришга ва янги қоидаларни ўзлаштиришларига** олиб келади.

Эслатма. Ўқитувчи томонидан тайёрланган саволлар ўқувчиларни фаол фикрлашга, уларни турли воқеа, ҳодиса ёки фактларни таққослашга, уларни турли гуруҳларга ажратишга ҳамда улар орасидаги турли боғланишларни излашга мажбур қилиш керак.

в) Ҳ и к о я методи. Бу метод ёрдамида дарсни ташкил этишда да фойдаланилганда янги билимларни тушунтириш ҳикоя кўринишида амалга оширилади. Математикани ўқитишда асосан «математика тарихи» ҳақида маълумотлар беришда фойдаланилади.

г) Ўқувчиларнинг китоб билан ишлашлари. Дарслик - асосий таълим воситаларида бири ҳисобланиб, ундан ўқувчиларни тўғри фойдалана олиши муҳим ҳисобланади. Айниқса, математикадан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида фойдала-

нишда унда берилган математик матнни мустақил ўқий олиш, мисол ва масалаларни ечишда олдиндан берилган кўрсатмаларга эътибор бериш ва шу орқали янги билимларни мустақил эгаллаш малакаларини олдиндан шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кўргазмали методлар.

Ўқитишнинг кўргазмали методлари – ўқитишнинг бундай методлари ўқувчи-талабаларга шахсий кузатишлари асосида янги билимларни эгаллаш имконини беради.

Ўқитишнинг кўргазмали методларидан фойдаланишда атроф муҳитдаги предмет ва ҳодисалар, уларнинг турли моделлари кузатиш объектлари бўлиб хизмат қилади.

Ўқитишнинг кўргазмали ва оғзаки методлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, улардан таълим жараёнида кўп ҳолларда биргаликда фойдаланилади. Масалан, дарс жараёнида кўргазмаларни намойиши тушунтириш методидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Педагог олим **Л.В.Занков**[76] ўз илмий-педагогик, илмий-методик тадқиқотларда кўргазмали ва оғзаки методлардан биргаликда фойдаланишнинг қуйидаги 4 та асосий кўринишини алоҳида ажратиб кўрсатган:

1. Ўқитувчи оғзаки нутқи ёрдамида ўқувчи-талабаларнинг кузатишларини бошқаради;

2. Оғзаки тушунтиришлар кузатилаётган объект тўғрисида янада чуқурроқ маълумот бериш имкониятини беради;

3. Кўргазма воситалар ўқитувчининг оғзаки тушунтиришларини тасдиқловчи ва конкретлигини таъминловчи иллюстрация бўлиб хизмат қилади;

4. Кўргазмали методлар ўқитувчининг ўқувчи-талабаларни кузатишларини умулаштиришда ва умумий хулоса чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Амалий методлар:

Ўқувчиларда бирор тушунча ёки мавзу юзасидан ҳосил бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда янада тако-

миллаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган методлар **ўқитишнинг амалий методлари** деб юритилади.

Одатда ёзма ва оғзаки машқлар, амалий ва лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг айрим турлари ўқитишнинг амалий методлари ҳисобланади.

Ёзма ва оғзаки машқлар асосан эгалланган янги назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш, эгалланган билимларни татбиқ қилиш, олинган назарий билимлар бўйича малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бирор амални ўзлаштириш ёки уни мустаҳкамлаш мақсадида режали равишда амалга оширилган такрорий бажариш - **машқ** дейилади ва улар характериға кўра тайёрлаш, машқ қилдириш, ижодий каби турларға бўлинади.

Ўқувчи-талабаларда олинган назарий билимлар асосида малака ва кўникмаларни шакллантириш ва уларни янада мукаммаллаштириш жараёниға хизмат қиладиган методлар ўқитишнинг амалий методлари бўлиб, улар ёзма ва оғзаки машқлар методи, амалий ва лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг баъзи турлари каби методлардан иборат бўлади. Амалий методлар олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва эгалланган билимларни амалиётда қўллай олиш малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришда қўлланилади.

2. Ўқувчи-талаба фикрининг йўналишиға кўра ўқитиш методлари

Индукция методи. Бу метод ёрдамида ўқувчи-талабани фикрини яққалиқдан умумийликка ўтишға, хусусий хулосаларға асосланган ҳолда умумий хулосалар чиқаришға ўргатади. Чунки индуктив хулоса, бу хусусий хулосаларға асосланган ҳамда умумий хулосаға борадиган чиқариш йўлидир.

Дедукция методи. Бу метод ёрдамида ўқувчи-талаба ўзида мавжуд бўлган умумий билимларға асосланган ҳолда янги хусусий билимларни эгаллаш имкониятиға эға бўлади.

Аналогик методи. Бу метод хусусийдан-хусусийға борадиган, бир конкрет фактдан бошқа бир конкрет фактға борадиган хулоса бўлиб, бунда предметлардаги баъзи белгиларнинг ўхшашли-

ги бўйича бу предметларнинг бошқа белгилари ҳам ўхшаш деган тахминий хулоса чиқарилади.

Юқорида кўриб чиқилган «Ўқувчи-талаба фикрининг йўналишига» кўра (индукция, дедукция, аналогия) методларидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш ўқувчи-талабаларда ҳозирги кун таълим тизимининг энг катта муаммоларидан бири ҳисобланган мантикий фикрлашларини ва шу асосида танқидий фикрлашларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Педагогик таъсир, таълим жараёнини бошқариш даражаси, ўқувчиларнинг ўқишда мустақиллик даражаси бўйича ўқитиш методлари

Ҳозирги ахборотлар оқими кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда таълим жараёни самарадорлигини оширишда ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлари методига катта эътибор билан қараш талаб этилмоқда. Мустақил ишлар ҳозирги кунда таълим жараёнининг барча босқичларида, жумладан, янги назарий билимларни эгаллаш босқичида ҳам кенг қўлланишини кузатиш мумкин.

Дидактик адабиётларда мустақил иш тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Бизнинг нуқтаи назаримизда академик **Б.П.Есипов**[77] томонидан мустақил иш тушунчасига берилган таъриф ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. **Б.П.Есипов** изланиши натижаларига кўра «Ўқувчи-талабаларнинг таълим жараёнига қўшилувчи мустақил ишлари, бу ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, ўқув режаси бўйича махсус ажратилган вақт давомида унинг топшириқлари асосида бажарилган, аниқ мақсадга йўналтирилган иш бўлиб, бунда ўқувчи-талабалар топшириқда қўйилган мақсадларга эришиш учун яқка ҳолда ёки гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз кучларини сарфлайдилар. Ақлий ёки жисмоний (ёки иккаласини бир вақтда) ҳаракатлар натижасини

бирор шаклда ифодалаб, мақсадга эришиш учун онгли равишда интиладилар».

Мустақил ишлар мазмуни ва мақсадига кўра турлича бўлиб, ўзаро бир-биридан қуйидагиларга кўра фарқ қилинади:

1. Дидактик мақсадлар бўйича. Бундай кўринишдаги мустақил ишлар янги назарий материални ўзлаштиришга тайёрлашга, янги назарий билимларни ўзлаштиришга, уларни мустаҳкамлашга ёки илгари ўрганилган материалларни такрорлашга йўналтирилган бўлиши мумкин;

2. Ўқувчи-талабалар мустақил ишлаётган материал бўйича. Масалан, дарслик билан ёки дидактик материал устида ишлашда ва ҳ.к.

3. Ўқувчи-талабалардан талаб қилинадиган фаолият характери бўйича. Бунда мустақил ишлар берилган намуна бўйича ёки берилган қоида бўйича бир-биридан фарқ қилинади.

4. Ташкил қилиниши усулига кўра. Бунда бутун гуруҳ иши (бунда бутун гуруҳ битта топширикни бажаришади), кичик гуруҳларга бўлинган ҳолдаги иш (бунда гуруҳ аъзолари кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳар бир гуруҳ алоҳида-алоҳида ҳар хил топшириқларни бажаришади), якка тартибдаги иш (бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси махсус топшириқ устида мустақил ишлайди).

Ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлари методларига қуйидагилар киради (бу методлар ҳозирги кунда фаол методлар деб ҳам юритилади):

1. Изоҳли-иллюстратив метод. Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан тайёр маълумотлар ҳар хил воситалар ёрдамида ўқувчи-талабаларга берилади, улар бу маълумотларни қабул қиладилар, тушуниб оладилар ва эслаб қоладилар. Бу маълумотларни беришда ўқитувчи оғзаки (гапириб бериш, тушунтириш) методлари, ёзма (дарслик, қўшимча ўқув қўлланмалари) методлари, кўргазмалар (картиналар, расмлар, схемалар, ҳаракат усулларини кўрсатиш) методлар орқали амалга оширади. Бу жараёнда ўқувчи-талабалар билим-

ларни чуқур ўзлаштириш учун зарур бўладиган барча фаолият кўринишларини бажарадилар. Масалан, тинглашади, кўришади, сезишади, ўқишади, кузатишади, янги ўрганган маълумотларни илгари ўрганганлари билан таққослашади ва эслаб қолишади.

2. Репродуктив метод. Бу методнинг асосий белгиси фаолият усулини тинглаш ва ўқитувчининг топшириқлари бўйича такрорлашдан иборат. Бу метод ёрдамида ўқувчи-талабаларда малака ва кўникмалар шакллантирилади.

3. Муаммоли баён қилиш методи. Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи у ёки бу қоида айтиш билан чегараланиб қолмасдан, овоз чиқарган ҳолда мулоҳаза юритиб, ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўяди ва уни ҳал қилиш жараёнини кўрсатади. Бундай тушунтириш ишончлироқ бўлади ва у ўқувчи-талабалар фаоллигининг ошишига олиб келади. Натижада уларнинг фикрлаш қобилиятлари ривожланади, билиш характеридаги мустақил изланишларни олиб боришга ундайди.

4. Қисман изланиш (эвристик) методи. Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўяди, ўзи эса ўқув материални баён этади. Лекин мавзунини баён қилиш жараёнида у ўқувчи-талабалар олдига саволлар қўйиб боради. Бу қўйилган саволлар улардан жавобларни излаш жараёнига қўшилишни ва натижада билиш характеридаги бирор топшириқни бажаришни талаб этади. Натижада ўқувчи-талабаларда мустақил излаш, мустақил изланиш каби қобилиятлар шаклланади. Пировард натижада уларда мустақил ва мантиқий фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

5. Ўқитишнинг тадқиқот методи. Бу метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчи-талабалар олдига муаммо қўйилади. Улар қўйилган муаммони тушуниб олгандан сўнг ўзлари уни ҳал қилиш режасини тузишади, текшириш усулини аниқлашади, кузатишлар олиб боришади. Тажрибаларни тўплашади, олинган фактларни таққослашади, таснифлашади, йиғилган маълумотларни умумлаштиришади ва якуний хулосалар чиқаришади.

ди. Кўриниб турибдики, бу методдан фойдаланишда мантиқий фикрлаш амалларига асосланиб иш олиб борилади. Демак, бундай метод ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш ўқувчи-талабаларнинг мустақил билим олишини рағбатлантириш билан бир қаторда улардаги фикрлаш қобилиятларининг янада ўсишига олиб келади.

Дарс жараёнида муаммоларни ҳал қилиш йўли билан ўқувчи-талабаларга янги билимлар беришда муаммоли баён қилиш, қисман изланиш ва тадқиқот методларидан биргаликда фойдаланиш тақозо этилади.

Ўқувчи-талабалар изланиш фаолиятларининг мустақиллик даражасида юқоридаги методларни бир-биридан ажралган ҳолда намоён бўлади.

Масалан, тадқиқот методи ёрдамида дарс жараёнини ёки ўқувчи-талабалар мустақил таълимини ташкил этишда уларнинг мустақиллик даражаси энг юқори даражасига эришади. Бунда ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятлари ўз характери ва босқичларига кўра илмий тадқиқот ишларига яқинлашиб боради.

Ҳозирги кунда энг оммаланиб бораётган **муаммоли ўқитиш методи** билимларни муаммоли баён қилиш, қисман изланиш ва тадқиқот методини ўз ичига олган олади. Бу уч методдан фойдаланган ҳолда таълим бериш методи муаммоли ўқитиш методи деб юритилади. Ҳозирги кунгача ҳам муаммоли ўқитишнинг бир қиймати таърифи бирор олим томонидан берилмаган.

Лекин кўпгина олимлар бу йўналишда катта ишларни амалга оширган ҳолда «Муаммоли ўқитиш методи» тушунчасига аниқлик киритишган. Бу борада Т. И. Шамова[79], М. И. Махмутов[80], Ф.Янушкович, В.Оконь[81] ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган.

Муаммоли ўқитиш деганда:

- муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш;
- муаммони шакллантириш (бунда аста-секин ўқувчи-талабаларнинг ўзлари жалб қилинади);

– муаммоларни ҳал қилишда уларга зарур ёрдамларни бериш ва бу ҳолатларни текшириш;

– эгалланган билимларни маълум тизимга солиш ва уларни мустақкамлаш жараёнига бошчилик қилиш каби ишлар мажмуасини тушуниш мумкин.

Муаммоли ўқитиш жараёнида қўйилган ўқув муаммолари амалий ва назарий қийинчиликларни юзага келтирадики, буларни ҳал ўқувчи-талабалардан тадқиқотчилик фаоллигини талаб қилади. Натижада улар маълум талаб ва эҳтиёжларга амал қилган ҳолда муаммони ҳал қилиш жараёнида юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтишга интиладилар. Натижада шу жараёнда янги билимларни эгаллайдилар, янги тажрибага эга бўладилар ва мустақил фаолият юритиш қобилиятларини янада ривожланишига эришадилар.

Юқоридагилардан кўринадики, муаммоли ўқитишнинг энг муҳим хусусияти бу муаммоли вазиятларни ярата билиш экан. Бу ўқитувчидан юқори касбий маҳорат ва назарий-амалий тайёргарлик талаб этади.

Муаммоли вазият – бу ўқитувчи томонидан янги назарий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчи-талабалар олдига билимлари етишмаслиги туфайли бирданига тўла жавоб бера олмайдиган саволларни қўйилишидир.

Муаммоли вазиятнинг асосини ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган номаълум ёки қўйилган муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун ҳозирча улар эга бўлмаган билимлар мажмуаси тушунилади.

Юқорида кўриб чиқилган таълим методлари таълим самарадорлигини белгиловчи ўқувчи-талабаларнинг дарс жараёнидан кўзланган мақсадларига эришишни таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб, бунда таълим методларини ўқитувчи томонидан тўғри танланиши муҳим ҳисобланади.

Таълим методларининг **самарадорлигининг асосий мезони** - белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун танланган метод унга мос бўлиши ва вақтдан унумли фойдаланиш имконияти юқори бўлиши(тежамкор) талаб этилади.

2. Уни қўллашда қийинчиликлар туғулмаслиги(содда ва осон) керак.

3. У энг яхши натижаларга эришишни таъминлаши билан бир вақтда уларга эришишнинг кафолатлай олиши керак.

Таълим методларини танлашнинг асосий омиллари :

1. Мақсадни белгилаш.

2. Ўқув-ахборот мазмуни, ҳажми ва мураккаблиги.

3. Таълим методлари ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.

4. Ўқувчи-талабаларни билиш имкониятлари.

5. Вақт сарфи.

6. Таълим бериш шароитлари.

7. Ўқитувчи ва ўқувчи-талаба ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари.

8. Ўқувчи-талабалар сони;

9. Ўқитувчининг юқори касбий тайёргарлиги ва шахсий сифатлари.

Таълим методларини ўқитувчи дарснинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Масалан, янги назарий амалий билимларни ўрганиш дарсида муаммоли ўқитиш кўрғазмали методларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Олинган назарий билимлар асосида кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида ташкил этилган дарсларда амалий, кўрғазмали ва оғзаки методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан ўқитиш методларини тўғри танлаши ва дарс босқичларида ўринли фойдалана олиш, **биринчидан**, таълим жараёни мақсадига эришишни таъминлайди; **иккинчидан**, ўқувчи-талабалар билим эгаллашга эришади. Пировард натижада таълим жараёнининг асосий мақсади бўлган таълим самарадорлигини ошишига эришилади.

Таълим методларини танлашда асосий эътибор шу жараёнда ўрганиладиган тушунчалар тизимига берилиб, бу тушунчалар моҳиятини, уларнинг алоҳида томонлари ва белгиларини тўла очиб бериш учун бир-бирини тўлдириб боровчи бир нечта методлар бир вақтда қўлланади. Бунда ўқувчи-талабаларнинг умумий ривожланиш даражаси, таълим моддий-ўқув базасида маълум ўқитиш методларидан фойдаланиш имкониятлари, ўқувчи-талабаларини умумий назарий ва амалий тайёргарлик даражаси алоҳида ўрин тутади.

Таълим методларини танлаш ва уларни дарс жараёнида қўллаш амалий тажрибада ишлатиладиган фактлар ва шарт-шароитлар билан мувофиқлаштирилади, яъни ўқитувчининг назарий-амалий тайёргарлик даражаси, бутун ўқитиш жараёнининг қандай тарбиявий мақсадга йўналганлиги ва унинг асосларини билиш даражаси ҳисобга олинади.

Методларни танлашда **моддий-техника база**: бино, ундаги мебеллар (стол, стул, доска), ўқув жараёни учун зарур бўлган нарсалар (компьютерлар, аудио-видео техникалар, ўқув лабораториялар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, моддий ашёлар, машғулотни амалга ошириш учун шарт-шароитлар ва ҳ.к.), кутубхона ва бошқалар ҳамда **ўқув услубий база**: ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастурлари, назарий билимларни синаб кўриш учун ўқув-педагогик амалиётлар ўтказиш учун базалар ва бошқаларнинг замонавий талаблар даражасида таъминланганлиги ҳам муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим методларини танлашдан олдин ўқитувчи дарснинг мақсадларини (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) тўғри аниқлаб олиш, ўрганиладиган назарий ва амалий материал мазмунини аниқлаштириб олиши, бунда асосий вазиятларга аниқлик киритиш, ўқув материалининг мантиқан тугалланган элементларини ажратиб чиқиш ва фойдаланиладиган ўқитиш шакллари ва воситаларини аниқлаб олиши талаб этилади.

3. Таълим технологияларининг таснифи

Агар ўқитувчи-амалиётчиларнинг тадқиқотчилик даражасига кўтарилиш натижаси ўқитиш технологияларини амалиётга қўллаш маҳорати деб ҳисобланса, унинг якуни эса сифатли янги ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Ўқув курси учун яратилган ўқитиш технологияларининг айрим қисмларини ўзида мужассам этган даражани биринчи даража деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, чет тили курсида «Фонетика» ва «Грамматика»ни ўрганиш учун йўналтирилган ўқитиш технологиялари шулар жумласидандир.

Кейинги даражада ўқув фанига йўналтирилган бир фан доирасида ўқитишнинг белгиланган мақсад ва мазмунини амалга ошириш учун усул ва воситаларнинг системасини ўз ичига олган технологиялар туради.

Ўқув фанига йўналтирилган технологиялар жумласига: «Тўла ўзлаштириш технологияси» (Ж.Кэрролл, Б.Блум, республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаев), «Табақалаштирилган таълим технологияси», «Чет тили ўқитишнинг коммуникатив технологияси» (Е.И.Пассов), «Ўқитишга йўналтирилган таълим назарияси» (П.Блонский, Г.Ибрагимов, А.Тубельский, М. Шетинин, В.Шаталов, республикамизда Н.Н. Азизхўжаева, Н. Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов), «Модулли таълим технологияси» (П.И.Третьяков, Т.И.Шамова, П.Юцевичене, республикамизда Б.Зиямухамедов, Н.Саидахмедов, М.Тожиев, Ч.Мирзаев, Г.Изетаева), «Муаммоли-модулли таълим технологияси» ва бошқалар.

Намуна сифатида билимларни тўла ўзлаштириш, модулли ва дастурлаштирилган таълим технологияларини кўриб чиқиб, таълим технологияларини тизимлаштириш асосларига мурожаат қиламиз.

Таълим технологиясини фарқлаш ва тизимлаштириш учун таълим мақсадлари, ўқитувчи ва талаба ўрни, бошқариш услу-

би, ўқув-билим фаолиятини ташкиллаштириш характери, ўқитиш восита ва шакллари, назорат ва баҳолаш, ташқи ва ички назорат турлари, талабанинг ўқув-билиш фаолияти мотивлари турлари каби кўрсаткичлар мажмуи хизмат қилади.

Таълим технологиялари «Шахсга йўналтирилганлик бўйича», «Ташкилий шаклларига» кўра, «Мазмун ва тузилишига» кўра ҳамда «Устун турувчи усулга»га ажратилади.

Ташкилий шакллари: таълимнинг жамоавий усули; дифференциялашган таълим, гуруҳ, индивидуал, клуб, академик, муқобил, синф-дарс.

Мазмун ва тузилиши бўйича: гуманистик, технократи, умумтаълим, касбий, ўргатувчи, тарбияловчи, дунёвий, диний, монотехник, сингиб борувчи.

Устун турувчи усули: ахборот ёки компьютерли, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим, ижодий, ўйинли, диалогли, муаммоли-изловчи, тушунтиришли – иллюстрациявий, дастурлаштирилган таълим репродуктив, ривожлантирувчи таълим.

Ушбу ўқув ва илмий-методик қўлланмада фақат фанларни ўқитишда қўлланадиган «Тўла ўзлаштириш технологияси», «Модулли ва дастурлаштирилган таълим» технологияларигагина тўхталиб ўтамыз.

4. Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси

Билимларни тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэрролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсонлардир, республикамызда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.

Унда, анъанавий ўқув жараёнида таълим шартлари доимо ёзиб қўйилганлиги (барча учун бир хил ўқув вақти, ахборотни тақдим этиш усули ва ҳоказо) ҳолатига диққати қаратилади. Ўқитиш технологиясининг асосий ғояси, ўқув натижасининг

кафолатланганлигидадир. Таълимнинг натижасини доимий параметр, таълимнинг шартларини эса, ўзгарувчан деб, ҳар бир ўқитилаётганнинг белгиланган натижасидан келиб чиқадиган қилиб қўйилади.

Ушбу технологияда материални ўрганиш вақти чекланмаган вазиятда, талабалар қобилиятини ўргана борар экан ўрганувчиларни қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- камқобилиятлилар, улар, ҳатто ўқиш учун кўп вақт сарф қилинса ҳам, аввалдан белгиланган билимлар даражасини ва кўникмаларни ўзлаштира олмайдилар;

- иқтидорлилар (5%га яқин), уларнинг барча уддала олмайдиган нарсаларга қурби етади;

- кўпчиликни ташкил қилувчи талабалар (90%га яқин), уларнинг билим ва кўникма ўрганишга бўлган қобилиятлари, ўқиш учун вақт сарфлашига боғлиқдир.

Бу маълумотлар, ўқишнинг тўғри ташкил қилиниши, айниқса, вақт чекланмаганлиги, ўрганувчиларнинг 95 %га яқини ўқув курсининг барча мазмунини тўлиқ ўзлаштириши мумкин деган тахминга асосланади. Агарда ўқиш шартлари барча учун бир хил бўлса, унда кўпчилик талабалар фақат «Ўрта» натижаларга эришади.

Ушбу ёндашув асосида билимларни тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилган ўқитиш технологиясининг бошланғич вақти, ушбу тизим бўйича ишлаётган педагогнинг умумий ҳолатга киришидир: ўқув жараёни оқилона тўғри ташкил қилинса, барча ўрганувчилар зарур ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришга қодирлар.

Ушбу технологияни амалга ошириш учун, барча талабаларга бир хил ўқув вақти, мазмун, меҳнат шароитини берадиган, аммо чиқишда бир хил бўлмаган натижаларга эга бўлган анъанавий синф-дарс тизимининг сезиларли қайта ташкил қилиниши талаб қилинади.

**5. «Математика ўқитиш методикаси фанининг предмети,
фан сифатидаги унинг тараққиёт босқичлари, ўқув
предмети сифатида мақсади, мазмуни»
мавзусининг лойиҳалари**

5.1-жадвал.

Модулнинг номи ва мақсадлари

Модулнинг номи	Модулдан кўзланган мақсадлар
<p>Математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи</p>	<p>Таълимий: Талаба математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифини билади; анъанавий таълим методларини таҳлил эта олади; ноанъанавий таълим методлари ва унинг замирида қўллана бошланган замонавий интерактив таълим методларига асосланган таълим жараёни ташкил этиш куннинг долзарб масаласи эканлигини тасаввур эта олади; ўқитишнинг шахс ривожланишига йўналтирилган технологиялар, яъни ноанъанавий таълим методлари ёрдамида ўқитишнинг асосий тамойилларини тушуниб, англай олади; замонавий таълим жараёнида ўқувчи-талабаларда шахсига янгича қараш шаклланишини ва муносабатларни демократлаштиришга олиб келишини англайди; замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш кўникмаси шаклланади ва уларни амалда қўллай олади..</p> <p>Тарбиявий: Талаба математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи мавзу мазмунини тушунтириш орқали мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларга билимдонлик, ўрганувчанлик, зийраклик ҳамда уларни ижод қилиш хусусиятларини тарбиялашга ёрдам берадиган илмлар мажмусини ҳосил қилиш кўникмаси ҳосил бўлади.</p> <p>Амалий: Талабада математика ўқитиш методлари орқали дарс ўтилганда мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари билан биргаликда амалий характерда бўлган мисол ва масалалардан фойдалантириш кўникмаси шаклланади ҳамда уларда ўрганилаётган мавзу бўйича ўз билимларини мустақил ҳолатда ошириш кўникмаси ривожланади.</p>

**Модуль ичидаги кичик модуллар номлари
ва мақсадлари**

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	Математика ўқитиш методлари	Талаба математика ўқитиш методларини билади; таълим методини мазмунини ва бу метод орқали дарс ўтиш методикасини тушунади; замонавий таълим методлари асосида таълим жараёнини ташкил этишни тасаввур эта олади; уларни амалда қўллай олади.
2.	Математика ўқитиш методларининг таснифи	Талаба математика ўқитиш методларининг таснифини билади; Ю.К.Бабанский томонидан ажратилган таълим методлари гуруҳини тушунади; Л.В.Занковнинг илмий-педагогик, илмий-методик тадқиқотларда кўргазмалари ва оғзаки методлардан биргаликда фойдаланишнинг 4 та асосий кўринишини таҳлил эта олади; ўқитишнинг амалий методларини тушунади; ўқувчи-талаба фикрининг йўналишига кўра ўқитиш методларини англай олади; педагогик таълим, таълим жараёнини бошқариш даражаси, ўқувчиларнинг ўқишда мустақиллик даражаси бўйича ўқитиш методларини тасаввур эта олади; таълим методларини танлашнинг асосий омилларини билади ва уларни амалда қўллай олади.
3.	Таълим технологияларининг таснифи	Талаба таълим усуллари ва технологияларининг фарқини билади; таълим технологияларининг таснифини таҳлил эта олади; таълим технологияларининг «Шахсга йўналтирилганлик бўйича», «Ташкилий шакллари», «Мазмун ва тузилишига» ҳамда «Устун туривчи услуга»га ажратилишини англайди; уларни таълим жараёнига қўллай олиш кўникмаси шаклланади.

4.	Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси	Талаба билимларни тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэрролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсонлардир, республикамизда Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқот ишлари билан танишади; ўқитиш технологиясининг асосий ғояси, ўқув натижасининг кафолатланганлигини тушунади; ўрганувчиларни тоифаларга ажратишни билади; ўқув жараёни оқилона тўғри ташкил қилинса, барча ўрганувчилар зарур ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришга қодир эканлигини ҳис этади; ушбу технологияни таълим амалиётига қўллай олади.
----	---	--

5.3-жадвал.

Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Анъанавий таълим методлари, ўқитувчи эса ўта фаол иштирокчи, мустақил фикрлаш, танқидий фикрлаш қобилиятлари, ноанъанавий таълим» методлари, ўқитишнинг шахс ривожланишига йўналтирилган технологиялари, замонавий таълим методлари	1) Оғзаки метод деб нимага айтилади? 2) Амалий метод деб нимага айтилади? 3) «Технология» сўзининг маъносини кўрсатинг. 4) Мактаб математика курсида таълим методларини айтиб беринг. 5) Математика ўқитиш методларига нималар қиради? 6) Ўқитиш методларини танлаш нималарга боғлиқ? 7) «Ноанъанавий таълим методлари» деганда нимани тушунаси?

2.	Ўқитиш методларининг таснифи, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари, ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш методлари, ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари, оғзаки методлар, кўргазмали методлар, амалий методлар, ўқитишнинг тадқиқот методи.	<p>1) Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2) Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш методлари деганда нимани тушунасиз?</p> <p>3) Ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари деганда нимани тушунасиз?</p> <p>4) Кўргазмали методлар деганда нимани тушунасиз?</p> <p>5) Ўқитишнинг тадқиқот методи деганда нимани тушунасиз?</p> <p>6) Ўқитиш методларини таснифлаб беринг.</p>
3.	Таълим технологиялари, тасниф, ўқув фанига йўналтирилган технологиялар, табақалаштирилган таълим технологияси, ўқитишга йўналтирилган таълим назарияси, модулли таълим технологияси, муаммоли-модулли таълим технологияси.	<p>1) Таълим технологияларининг таълим методидан фарқини айтиб беринг.</p> <p>2) Таълим технологиялари таърифини келтириб беринг.</p> <p>3) Табақалаштирилган таълим технологияси деганда нимани тушунасиз?</p> <p>4) Муаммоли-модулли таълим технологияси нима?</p> <p>5) Таълим технологиялари таснифини таҳлил қилинг.</p>
4.	Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси, ўқув натижасининг қафолатланганлиги, камқобилиятлилар, иқтидорлилар, кўпчиликини ташкил қилувчи талабалар, анъанавий синф-дарс тизими.	<p>1) Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси нима?</p> <p>2) Анъанавий синф-дарс тизими нима?</p> <p>3) Талаба билимларини тўла ўзлаштириш технологиясининг муаллифлари америкалик психологлар Ж.Кэрролл, Б.Блум ва уларнинг издошлари Ж.Блок, Л.Андерсонларнинг тадқиқот ишларини таҳлил қилиб беринг.</p> <p>4) Билимларни тўла ўзлаштириш технологияси бўйича Х.Қаршибоев, Ч.Мирзаевларнинг тадқиқот ишларини таҳлил қилиб беринг.</p>

Назорат саволлари асосида тузилган тестлар

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар
1.	«Метод» сўзи юнонча «metodos» сўздан олинган бўлиб,..... деган маъноларни англатади.	<p>A «Билиш» деган маънони англатади.</p> <p>B «Тадқиқот йўли» деган маънони англатади.</p> <p>C «Назария», «таълимот» деган маъноларни англатади.</p> <p>D *«Билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот» деган маъноларни англатади.</p>
2.	Усул(метод) нима?	<p>A *Мақсадга етишишда қўлланадиган таълимий тадбирлар ёки ўқув жараёнини амалга оширишда қўлланадиган услублар системаси (мажмуи) (рус тилида у «метод» дейилади, лекин «усул» ни «метод» деб ишлатишимиз ҳам мумкин).</p> <p>B Таълим жараёнида тақдим этилган назарий ва амалий билимларни эгаллаш йўллари.</p> <p>C Ўрганиш ва билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар.</p> <p>D Билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуисидир.</p>

3.	Ўқитиш услуби нима?	<p>A *Таълимий ва тарбиявий мақсадларга эришишда, муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланадиган тадбир ва чоралар мажмуаси (русчада уни педагогик «приём» дейилади).</p> <p>B Ўрганиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар.</p> <p>C Билимларни эгаллашга хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, услублар мажмуасидир.</p> <p>D Таълим жараёнида тақдим этилган амалий билимларни эгаллаш йўл-йўриқлари.</p>
4.	Академик Ю.К.Бабанский таълим методларни нечта гуруҳга ажратиб ўрганган?	<p>A 5 та</p> <p>B 4 та</p> <p>C *3 та</p> <p>D 2 та</p>
5.	Математикани ўқитиш методларига нималар киради?	<p>A Кузатиш, тажриба, таккослаш, анализ ва синтез</p> <p>B Умумлаштириш абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш</p> <p>C Эвристик метод, программалаштирилган, таълим методи, маъруза ва суҳбат методлари, индукция, дедукция ва аналогия</p> <p>D *Эвристик метод, программалаштирилган, таълим метод</p>

6.	Оғзаки метод бу...	A	Муаммоли суҳбат
		B	Эвристик суҳбатлар
		C	*Суҳбат ва тушунтиришлар
		D	Тушунтириш, муаммоли суҳбат, эвристик суҳбат
7.	Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этишда қандай ўқиш методларидан фойдаланилади?	A	Кўргазмали, индукция методлари, дедукция ва аналогия.
		B	*Оғзаки амалий.
		C	Иллюстратив, муаммоли ва тадқиқий.
		D	Кўргазмали.
8.	Амалий ишларни бажаришда қўлланадиган методларни кўрсатинг?	A	Иллюстратив, муаммоли.
		B	Аналогия методи.
		C	*Индукция ва дедукция методлари.
		D	Тадқиқий.
9.	Ўқитиш методларини ажратиб кўрсатинг	A	*Монологик, кўрсатмалilik эвристик, алгоритмик.
		B	Илмийлик, репродуктивлик.
		C	Фаоллаштириш, янги билим, кўникма ва малакани ҳосил қилиш ва ривожлантириш.
		D	Илмийлик.

10.	Мактаб математика курсидаги таълим методлари қайсилар?	<p>A</p> <p>B</p> <p>C</p> <p>D</p>	<p>Умумлаштириш абстракциялаш, конкретлаштириш.</p> <p>*Илмий изланиш методлари, ўқитиш методлари, ху-лоса чиқариш.</p> <p>Программалаштирилган таълим методи, проблемали метод.</p> <p>Индукция, дедукция ва аналогия, кузатиш, тажриба.</p>
11.	Математикани ўқитиш методларига нималар қиради?	<p>A)</p> <p>B)</p> <p>C)</p> <p>D)</p>	<p>*Эвристик метод, программалаштирилган, таълим метод</p> <p>Умумлаштириш абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш.</p> <p>Эвристик метод, программалаштирилган, таълим методи, маъруза ва суҳбат методлари, индукция, дедукция ва аналогия</p> <p>Кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ ва синтез</p>

**Дарс тури ҳамда унда қўлланадиган
педагогик усул ва услублар**

Дарс тури	Қўлланадиган педагогик усул ва услублар
Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш	Усул тури: Муаммоли баён қилиш, тушунтириш, кўрсатмалилик Усул типи: Оғзаки ва кўрғазмали Услублар : Сухбат, тушунтириш

**Ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар
ва дидактик материалларнинг қўлланиш жойлари**

Ахборот технологиялар	Дидактик материаллар
Мавзу мазмунига доир тузилган тестлар, назорат саволлари ҳамда тест ва назорат саволлари асосида тузилган слайдлар орқали намоиш қилиш	Математика ўқитиш методикаси фанига доир дарслик, услубий қўлланмалар ва кўрсатмали қуроллар ҳамда ушбу фан ўқув жараёни лойиҳалари

5.7. «Математика ўқитиш методлари ва уларнинг таснифи» мавзусининг мазмуни ва ўқув жараёнини амалга оширишни ифода этувчи матн сценарийси кичик модулларда берилган.

Фойдаланиладиган қўшимча адабиётлар [Модулда фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати берилди].

Олтинчи боб хулосалари

Узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарс(ўқув машғулоти) бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг мантиқий тугалланган, яхлит, аниқ вақт билан чегараланган қисмидир. Ҳар бир дарсда унинг асосий элементлари ҳисобланган дарс мақсади, мазмуни, методи, шакли, воситалари тўла ўз аксини топган бўлиши талаб этилади. Ушбу бобда қуйидаги масалаларни ҳал қилишга боғишланди. Хусусан:

1. Ўқитувчи фаолияти лойиҳаларини ўқув амалиётга татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

2. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосий шакли сифатида замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилди.

3. Дарс тури, шакли, усул ва методикасининг ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашдаги аҳамияти асослаб берилди.

4. Ўқув жараёни лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилди.

5. Битта дарс ишланмасининг намунаси берилди.

Ушбу талабларни ҳар бир ўқитувчи томонидан тўла бажарилиши, улар томонидан самарали дарсни ташкил этишлари, унинг мақсадларига эришишни кафолатлашда муҳим ўрин тутади.

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎҚИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА КЎП ИШЛАТИЛАДИГАН ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОҲИ

Бугунги кунда, педагогика соҳасида баъзи тушунчаларнинг қўлланиши гоҳо ноўрин, гоҳида улардан нотўғри фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланганлиги боис ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда кўп ишлатиладиган тушунчаларни изоҳлаб бериш зарурияти пайдо бўлди.

Педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий модели	– ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология тамойилларидан оғишмаган ҳолда, мажмуилар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқувчи ва Республикамиздаги ижтимоий – педагогик шароитни ҳисобга олиб, ҳудуддаги профессор-ўқитувчилар ва педагогларнинг маърифий менталитетидан келиб чиққан ҳолда, республикамиз педагоглар жамоатчилигига тушунарли бўлган педагогик технология.
Методология	– ҳар қандай фаолиятни (бизнинг мисолда таълим жараёнининг лойиҳасини тузиш ва ундан амалда фойдаланиш) амалга оширишда фаолият юритувчи учун йўлчи юлдуз, яъни унинг фаолиятига тамойил бўлиб хизмат қилувчи, фаолият якунида эришила-диган мақсад кўрсаткичлари билан фалсафанинг энг умумий ва мазкур фаолиятнинг хусусий қонунлар мажмуига айтилади. Буни яна, шу фаолиятнинг фалсафий асоси ҳам дейилади.
Система (Мажму)	– қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик.
Тизим	– тизимли ёки чизиқли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди.
Методика	– мақсадга эришиш жараёнида қўлланиладиган усул ва услубларни қўллаш йўриқномаси.

Педагогик технология	– муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система (мажму) сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндашадиган таълимий тадбирдир
Инновацион педагогик технология	– таълим-тарбия беришнинг янги усул ва йўллари ўргатувчи, ўқув машғулотларини самараси юқори бўлишини кафолатловчи педагогик тизимнинг лойиҳасидир ёки таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар тизимидир.
Таълимни технологиялаштириш	– ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларини татқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиқ берувчи педагогик йўналишдир
Таълимга технологик ёндашиш	– маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва талаба мақсадларининг бирлашган нукталарида (ўқитиш ва ўқиш мақсадлари) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари орқали кўзланган мақсадга эришишдир.
Тарбия технологияси	тарбия натижаларига асосланиб, унинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, мазкур жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.
Модуль	– таълим-тарбия жараёнидаги ўқув материалининг ҳажми, олдига қўйилган мақсади, билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, иерархия поғоналарга ажратилган бўлаклари.
Модулли таълим	модуллаштирилган ўқув лойиҳалари асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни
Энг катта модуль	– ўта катта (бизнинг мисолда битта ўқув предметининг бутунлик ҳолати).

Катта модуль	– катта (бизнинг мисолда ўқув предметининг йирик қисми -боблари).
Ўрта модуль	– ўрта (бизнинг мисолда катта қисмлар ичидаги кичик бўлаги, у бир жуфт соатлик ўқув машғулотига тўғри келиши шарт).
Кичик модуль	– кичик (бизнинг мисолда, ҳар бир жуфт соатда ёки 45 дақиқада бериладиган билимларни алоҳида-алоҳида бўлақларга бўлинган ҳолатидаги қисми).
Таълим усуллари	– таълим берувчи билан таълим олувчиларнинг, билим бериш ва билим эгаллаш мақсадида ҳамкорликда олиб бориладиган ҳаракатлар тартиби.
Интерактив усул	– ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам талабани фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш услублари мажмуи
Таълим услублари	– таълим усуллариининг таркибий қисми бўлиб, таълим жараёнини амалга оширишда, учрайдиган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган тадбир ва чоралардир. Рус тилида «педагогический приём» дейилади.
Муаммоли ўқитиш	– муаммоли вазиятларни ташкил қилиш, муаммоларни формаллаштириш, қўйилган муаммоларни ечишда талабаларга зарур ёрдамни кўрсатиш, ушбу ечимларни текшириш ва ниҳоят эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тизимлаштириш жараёнига раҳбарлик қилишдан иборатдир
Технологик харита	– ҳар бир ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли яъни, процессуал баёни акс этган ва ўқув машғулотини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич амалга ошириладиган фаолият кетма-кетлигининг мазмунини ёритиб берадиган ҳужжат.
Лойиҳа	– педагогик жараённинг яхлит образи бўлиб, бирор ғоя, ўйланган режа ҳақидаги фикрларни амалда ишлаб чиқилган ҳужжат ёки бирор маҳсулотни тайёрлашдаги ташкилий ва амалий ишлар мажмуи

Лойиҳалаштириш	истикболдаги исталаётган моделни яратиш
Лойиҳалаш усули	– дидактик мақсадга эришиш учун муаммоларни топиш, аниқлаш ва уларни ишлаб чиқиш технологияси
Педагогик жараёни лойиҳалаш	– лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги, асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир.
Таълим жараёни лойиҳалаш	– ўқитувчи касбий фаолиятининг кўриниши бўлиб, таълим жараёни кенгайтирилган технологик харита мажмуиси, унинг натижасини таъминловчи усул ва воситалар йиғиндиси.
Ўқув машғулотини лойиҳалаш	– ўқув предметини яхлитликда кўриб, уни «Ўта катта» (мега) модуль деб англаб, бу модуль якунида қутиладиган мақсадини аниқлаш ва жадвал шаклига келтириш. Ушбу мақсад мазкур ўқув предмети учун белгиланган Давлат стандарти талабига мос ҳолда муайян ўқув предмети, яъни «Ўта катта» модуль ичидаги билимларнинг ҳажми, мантикий боғлиқлиги ва фикрнинг тугалланганлигидан келиб чиқиб, ундаги ўқув материални «Катта» (макро) модулларга ажратиш ва уларнинг ҳам мақсадлари белгиланиб жадвал шаклида ифодалаш. Ҳар бир «Катта» модуль ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан баробар бир жуфт соатда талабалар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуиларини, яъни «Ўрта» (мезо) модуль ажратиш ва уларнинг ҳам мақсадларини аниқлаш ва жадвал орқали ифодалаш. Бир жуфт соатлик ўқув машғулоти «Ўрта» модулни олиб, ичидан бир нечта «Кичик» (микро) модуллар ажратиш ва уларнинг мақсадлари ҳамда уларга ажратилган вақтни белгилаш.
Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаштириш	– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, ўқитувчи фаолиятини системали тартибга соладиган, ўқитишда инновацион ёндашувлар ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш усули асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган лойиҳа.

Мақсад	олдиндан белгиланган натижага эришиш махсули бўлиб, у таълим жараёнида унинг субъектлари (ўқитувчи ва талаба)нинг биргаликдаги фаолияти якунида режалаштирилган билим, кўникма ва ма-лакаларни эгаллашларининг олдиндан кафолатла-нишидир.
Идентив ўқув мақ-сади	– технологик жараённинг асосий компоненти бў-либ, кутиладиган натижага айнан мос келадиган ўқув мақсадидир.
Педагогик ташхис	– педагогик жараёни унинг умумий ҳолати, шу-нингдек, таркибий қисмларини ҳар томонлама, ях-лит текшириш орқали баҳолашдир.
Таълим	– билимга иштиёқманд кишиларга билим бериш. У кўпроқ ақлий фаолият билан амалга оширила-ди.
Тарбия	– таълим олувчининг, таълим жараёнида эгалла-ган билимларини, шу жумладан, ахлоқ ва одоб би-лимларини, амалиётда синаб кўриб, яъни, таълим олувчини ўқув жараёнида эгаллаган билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш. У кўпроқ жисмоний ҳаракатлар билан амалга оширилади. (Бунинг ил-мий асослари Б.Зиёмуҳаммадовнинг «Педагогик маҳорат асослари», «Тиб-Китоб» 2009 - 74-бетда ба-тафсил келтирилган).
Илм	– инсоннинг муайян соҳада тадқиқотлар олиб бориб янги билимларни аниқлаш мақсадида олиб борадиган фаолият тури. Илмий фаолиятнинг маҳ-сули «билим»дир.
Билим	– объектив борликдаги яхлитликни ташкил қи-лувчи унсурлар орасидаги, шу унсурларнинг тад-рижий ривожини натижасида пайдо бўладиган ўзаро зарурий алоқадорликдир . У қонун, қоида, ту-шунча, таъриф, ҳосса, хусусият сифатида намоён бўлади. Билим муайян соҳа фанига мулк вазифа-сини ўтайди.
Фан	– муайян соҳадаги, кишилиқ жамияти кашф қил-ган, билимларнинг маълум бир тартибдаги йиғин-диси (билимлар сандиғи).

Ўқув предмети	– муайян фан ичидан сараланиб, узлуксиз таълим жараёнининг муайян босқичида таълим олувчиларга берилиши мумкин деб ҳисобланган билимлар мажмуи.
Ўқув жараёни	– педагог билан таълим олувчиларнинг билим бериш ва билим эгаллаш мақсадида қилинадиган ҳамкорлик ҳаракатлари.
Ўқув машғулоти	– муайян вақт давомида мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини амалга ошириш учун қилинган ҳаракатлар мажмуи.
Дарс	– синфда тақвим-мавзу режа асосида белгиланган вақт давомида ўқитувчи томонидан таълим олувчилар учун ўқув-тарбия жараёнининг мақсадли ташкил этилишидир
Замонавий дарс	– ўқитувчи таълим олувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди ва таълим олувчи эса ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди
Назарий машғулот	– назарий билимларни эгаллаш мақсадида олиб бориладиган ўқув машғулотининг тури
Амалий машғулот	– назарий машғулотда эгалланган билимларни таълим олувчилар кўникмасига айлантириш мақсадида олиб бориладиган ўқув машғулотининг тури.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Монографияни хулосалар эканмиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947 сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-2909 сонли Қарорида белгилаб берилган асосий вазифаси таълим самарадорлиги ва сифатини кескин ошириш учун замонавий педагогик технологиянинг миллий моделини таълим жараёнига қўллашнинг механизмларидан бири бўлган ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш ва шу асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш куннинг талаби бўлиб қолди.

Қарорнинг ижроси асосида таълим муассасаларда ўқитиладиган фанлар бўйича янги таълим мезони ва фан дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди. Бу эса, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар қилинаётганлигидан далолат беради. Шуларни эътиборга олган узлуксиз таълим тизимидаги фанларини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ўқитувчи фаолиятини лойиҳалашда муҳим рол ўйнайди.

Айниқса ўқитувчи фаолиятида модулли ўқитиш технологиясининг аҳамияти бекиёсдир, чунки бугунги кунда хорижда ва республикамизда энг замонавий таълим турларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истикболини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда юксак ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассислардан касбий билимларни, юксак маданиятни, маънавий етукликни ва кенг дунёқарашни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб монографияда қуйидаги масалалар ҳал қилинди. Хусусан:

1. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда системали ёндашув тамойилларининг ўрни ва аҳамияти кўрса-

тиб берилди. Яъни, ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда умумий методологик асослардан бири, яъни фалсафий асоснинг бир қисми, диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамойилининг қоидаларига амал қилишлигидан келиб чиқиб, системали ёндашув тамойилининг асосий қоидалари илмий томондан очиб берилди.

Унда, мажму ёндашув тамойилида бундай қоидалар анчагина бўлиб, биз фақат ўқув жараёнинини ҳамда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда амал қилиниши шарт бўлган асосий қоидаларни кўрсатиб ўтдик. Шундан келиб чиқиб, ўқув жараёнини яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиб, ўқув машғулоти таълим ва тарбиянинг асосий шакли, у муайян миқдордаги доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир эканлиги учун ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда системали ёндошиш тамойилларини эътиборга олиш шарт эканлиги асослаб берилди.

2. Ўқитувчи фаолиятини технологиялаштириш ижтимоий заруриятдан келиб чиққанлиги таҳлил қилиб берилди ва шу асосида маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафаққият билан қўлланиб келаётган педагогик технологиялар, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш зарурияти пайдо бўлганлиги асослиб берилди. Чунки **педагогик технология, мажмулар назариясининг қонуниятларига юз фоиз сунган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.**

3. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаш таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири эканлиги илмий томондан кўрсатиб берилди. Унда, «Инновация» тушунчасининг маъновий мазмунига аниқлик киритиб берилди.

4. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси бўлган инновацион педагогик технология ва унинг замона-

вий таърифлари келтириб ўтилди. Инновацион педагогик технология таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар системаси эканлиги илмий асосланди.

Педагогик технология тушунчасига жуда кўп педагог олимларимиз томонидан ҳар хил таърифлар берилган бўлиб, ушбу параграфда оригинал таърифлар берилди ва таҳлил қилиб берилди. Шулардан келиб чиқиб, инновацион педагогик технология – таълим-тарбия беришнинг янги усул ва йўллари йўргатувчи, дарсни самараси юқори бўлишини кафолатловчи педагогик тизимнинг лойиҳаси эканлигини кўрсатиб берилди.

5. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда қўлланиладиган педагогик технология тамойиллари кўрсатиб ўтилди.

6. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли ўқитиш технологиясининг долзарблиги асослаб берилди.

Модулли таълим модуллаштирилган ўқув лойиҳалари асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни бўлиб, ундан ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришда восита сифатида фойдаланилади.

7. Модулли ўқитиш инновацион педагогик технологиянинг таркибий қисми эканлиги илмий томондан асослаб берилди. Таълим тизимида жорий этилаётган модулли технологиялар бугунги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин, қолаверса билим, кўникма ва малакалар шаклланишини босқичма-босқич таъминлаб беради. Таълим олувчи модуллар билан ишлаш жараёнида ўқув-билув фаолияти олдида қўйилган мақсадга мустақил равишда тўлиқ эришади. Ўқитиладиган фанларнинг ўқув машғулоти ва уларнинг лойиҳаларини тузиб чиқишда асосий ҳисобланади. Бу эса таълим олувчиларни ўқув материални самарали ўзлаштиришларини таъминлайди.

8. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли ўқитишнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Таълим тизими бошқарувининг жонкуяр мутасаддилари томонидан педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш технологияси асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб, таълим жараёнини ташкил этилишини куннинг долзарб масалаларидан бири этиб қўйилиши, қолаверса профессор-ўқитувчи ва педагогларимиз бу технологиянинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда таълимдаги фаолиятларини ташкил этсалар, таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кафолатланади.

9. Ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил қилишнинг омилларидан бири ўқитувчининг ўзи ўқитадиган ўқув фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясини қандай бўлишлиги кўрсатиб ўтилди.

Таълим тизимида ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини лойиҳалаб ўқитишга педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий моделини асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг томойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди. Том маънода фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди. Бундан эса, педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларни лойиҳалари асосида ўқитиш ўқитувчидан талаб қилинадиган ва унинг методик тайёргарлиги, компетентиясини шакллантиришда инновацион компонент сифатида хизмат қилади.

Ушбуларни барча ўқитувчи (педагог)лар яхши ўзлаштириб олиб, амалиётда тинмай кўллаб борсаларгина жамиятимиз маорифчилар олдига қўяётган ижтимоий буюртмани, фахр билан, бажара олишга муваффақ бўладилар.

10. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда андаза сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепцияси қандай бўлишлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатдан ҳам, педагогика олий таълим муассасаларда математика ўқитишни тубдан яхшилаш бўйича ижобий ишлар

қилинмоқда. Шуларни эътиборга олган «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

«Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг методик системасини ривожлантиришда М. Тожиев, М. Баракаев ва А.Хуррамовларнинг «Математика ўқитиш методикаси фани ўқув машғулотлари лойиҳаси» номли ўқув ва илмий-методик қўлланмаси асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди. Бу эса «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди.

11. Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни кўрсатиб берилди.

Таълим тизимимизга замонавий педагогик технологияни кенг жорий этилиши: ҳар бир таълим олувчига алоҳида шахс сифатида қараш, уларда мустақил танқидий фикрлашни ривожлантиришга эришиш ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил билим олишларини ривожлантиришнинг аниқ асосини белгилаш имкониятини яратади.

12. Ўқув машғулотларни лойиҳалаштиришнинг дидактик асослари кўрсатиб берилди ва ўқув машғулотларни лойиҳаларини тузиш намунаси келтириб ўтилди. Намуна сифатида «Математика ўқитиш методикаси» фани битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш тажрибаси берилди.

13. Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштириш асослари очиқ берилди.

Таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим амалиётини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий лойиҳалаш бугунги кунда тез ривожлана бошлади ва бунинг предмети сифатида техник ва социотехник объектлар эмас, балки авваломбор ижтимоий объект-

лар ҳисобланди. Таълим соҳасида ҳам лойиҳалаш тез ривожланмоқда. Бўлажак ижтимоӣ лойиҳалашнинг тури сифатида таълим жараёнини лойиҳалаш ҳисобланилади.

Таълим жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштириш ҳамда шу асосида ўқув жараёнини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширади ва сифатини кафолатлайди.

14. Ўқув машғулотларни лойиҳалаб ўқитиш методикаси берилди. Мисол сифатида, «Математик мантиқ элементлари» мавзусини лойиҳалаб ўқитиш методикасини ёритиб берилди.

Педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитиш тамойиллари асосида «Математик мантиқ элементлари»ни лойиҳаларини тузиб ўқитиш талабаларда мустақил фикрлашларини ривожлантиради ва ўқув фаолиятини оширади ҳамда таълим сифатини кафолатлайди.

Истиқболдаги асосий вазифа, нафақат таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, балки профессор-ўқитувчилар жамоаси педагогик маҳоратини доимий ошириб боришни, ўқув-тарбия жараёнини юксак назарий-услубий даражада амалга оширишга тайёрлашни, ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор усуллари, шакллари ва воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутади. Шундан келиб чиқиб ушбу бобда қуйидаги масалалар ҳал этилди. Хусуан:

15. Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологиялари ва уларни таълим амалиётига қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

«Тўла ўзлаштириш технологияси», «Модулли ва дастурлаштирилган таълим» технологияларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

16. Таълим усуллари ва технологияларининг таснифи таҳлил қилиб берилди.

17. Ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган интерактив усуллар системасига тўхталиб ўтилди ва қўллаш жойлари бўйича таклифлар берилди.

Интерактив усуллар асосида ўқув жараёнини ташкил этилиши албатта, таълим сифатини кафолатлайди.

18. XXI асрнинг замонавий усул ва технологияларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарс(ўқув машғулоти) бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг мантиқий тугалланган, яхлит, аниқ вақт билан чегараланган қисмидир. Ҳар бир дарсда унинг асосий элементлари ҳисобланган дарс мақсади, мазмуни, методи, шакли, воситалари тўла ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

19. Ўқитувчи фаолияти лойиҳаларини ўқув амалиётга татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

20. Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосий шакли сифатида замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилди.

21. Дарс тури, шакли, усул ва методикасининг ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришдаги аҳамияти асослаб берилди.

22. Ўқув жараёни лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилди.

23. Битта дарс ишланмасининг намунаси берилди.

Ушбуларни ҳар бир ўқитувчи томонидан тўла бажарилиши, улар томонидан самарали дарсни ташкил этишлари, унинг мақсадларига эришишни кафолатлашда муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909 сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли қарори.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
6. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз. – Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сон қарори.
9. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. «Case-study» услуби: назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: «Тафаккур қаноти», 2012. – 134 б.
10. Абдуллаева Б. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида):...дисс.автореф. – Т., 2006. – 49 б.
11. Bloom B.S. (ed) et al. A taxonomy of Educational objectives: Handbook 1: The Cognitive Domain. Harvow, 1956. Cobb C.W
12. Cobb C.W., Douglas P.H. A theory of production. – «American Economic Review», 1928, v.18, №1.

13. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М., 1995. – 25 с.
14. Монахов В.М. Методология педагогической технологии академика В.А.Монахова. – Москва, «Михайловка. МЦОП». 1997.
15. Кларин М.В. Инновационные модули обучения в зарубежных педагогических классах. – М., 1994.
16. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологиялари. – Т.: «Фан ва технология», 2006. – 145 б.
17. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003. 234 б.
18. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: «Фан», 2006. 243 б.
19. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши, «Насаф», 2000. – 118 б.
20. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. Услубий қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012 йил. – 154 б.
21. Мавлянов А., Жавлонов Ш.С., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. – Т.: 2010. – 117 б.
22. Зиёмухаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели. – Т.: «Lider Press», 2009. 132 б.
23. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс кулланма, – Т.: ТАСИС, 2001.
24. Шарипов Ш.С. Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: «Фан», 2011. – 206 б.
25. Қаршибоев Ҳ.Қ., Сувонов О., Қаршибоев Ж.Ҳ. Мустақил таълим фаолиятини ташкил этишнинг илмий-методик асослари. – Гулистон, 2011. – 60 б.
26. Юнусова Д.И. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2011, – 200 б.
27. Педагогик технология./ ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Тошкент: «ТАФАККУР», – 2009. Педагогик технология: таълим жараёнига татбиқи (Замонавий педагогик технология асосида «Математика ўқитиш методикаси» фанининг модели). I қисм./ Тожиев М., Алимов А.Я. – 135 б.

28. Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш // Ўқув ва илмий-услубий қўлланма/ М.Тожиёв, К.Мамадалиёв; Масъул муҳаррир: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ҳ.Раҳимов; фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Зиёмухамедовнинг умумий таҳрири остида; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Т.: «FAN VA TEXNOLOGIYA MARKAZINING BOSMAXONASI». 2013. – 160 б.

29. Тожиёв М, Шарипов Э. Педагогик технология миллий моделининг таълим жараёнига татбиғи: «Математик анализ асослари» ўқув фани дарсларининг лойиҳалари Қ.И: Ўқув ва илмий-услубий қўлланма/ – Т.: «VORIS – NASHRIYOT», 2012. – 170 б.

30. Сейтхалилов Э.А., Тажиёв М. Педагогическая технология: опыт практического применения и системно-содержательного анализа. /Учебное пособие. – Т.: «Tafakkur Bostoni», 2012, – 200 с.

31. Слостенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика инновационная деятельность. – М., 1998 г.

32. Тожиёв М. Олий таълимнинг бакалавр босқичидаги « (Математика) ўқув жараёнини лойиҳалаш» туркумдаги фанлар фан дастури ва адабиётларини яратишнинг методологик асоси ва методикаси // Ўқув-услубий қўлланма / М.Тожиёв, Б.Зиёмухамедов, К.Мамадалиёв, Г.Опаева; Масъул муҳаррир: Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ҳ.Раҳимов; техника фанлари доктори, профессор М.У.Мажидовнинг умумий таҳрири остида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TAFAKKUR-BO‘STONI». 2013. – 80 бет.

33. Зиёмухамедов Б., // М.Тожиёвнинг умумий таҳрири остида. «Таълим технологиялари» ўқув предмети битта мавзуси назарий ва амалий машғулотларнинг ўзбек модели асосида тузилган лойиҳалари, //Методик қўлланма. – Т.: 2012. – 60 б.

34. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010.

35. Тожиёв М., Зиёмухаммадов Б. Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва унинг баркамол авлод фазилатларини шакллантиришдаги ўрни. Монография./ – Т.: «MUMTOZ SO‘Z».2010. – 214 б.

36. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари./ Методологик аспект: янги педагогик технология, муаммолар, ечимлар ва баҳо-

лаш методлари.// Тожиев М., Салахидинов Р., Баракаев М., Абдалова С. – Тошкент, ЎзПФТИ. 2001. – 147 б.

37. Нишаналиев У.Н. Инструментарий обучения, воспитание и развитие // газета «Учитель Узбекистана». 1998. № 38.

38. Тожиев М., Хуррамов А.Ж. Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар.// Методик тавсиянома. – Т.: «Fan va texnologiya markazining bosmaxonasi». 2014. – 96 б.

39. Йўлдошев Ж.Ғ., Ҳасанов С. «Педагогик технологиялар».Ўқув қўлланма. – Тошкент: «Иқтисод-Молия», 2009. – 652 б.

40. «Математик анализ» фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари (Педагогик технологиянинг миллий моделини амалиётга татбиғи). /Ўқув ва илмий-услубий қўлланма// Тожиев М., Изатаева Г.К., Шарипов Э.О., Қ.И. – Тошкент: «TAFARRUR-BO‘STONI», 2011. – 192 б.

41. Бекниёзов Н.М. Ўқитувчи нималарни билиши керак. – Т.: «Fan va texnologiya», 2016. – 192 бет.

42. Тожиев М., Баракаев М., Хуррамов А.. Математика ўқитиш методикаси. // Ўқув қўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2016, – 328 б.

43. Байсалов Д.У. Научно-методические основы создания и использования модульного обучения в методической подготовке студентов-математиков в вузе. Док. пед. наук. – Алматы, 1998. – 46 б.

44. Голощёкина Л.П., Збаровский В.С. Модульная технология обучения: Методические рекомендации. – СПб: ЮНИТИ-ДАНА, 1993. – 135 с.

45. Горев В.М. Принципы модульного обучения. Ж.: «Вестник Высшей школы», 1987, № 8. с. 30-33.

46. Лаврентьев Г.В. Слагаемые технологии модульного обучения. – Барнаул, Алтайского гос. Университет, 1994. – 108 с.

47. Пидкасистый П.И. Проблемно-модельное обучение: вопросы теории и технологии. – Алма-Ата, 1980, – 208 с.

48. Эрдниев П.М., Эрдниев Б.П. Укрепление дидактических единиц в обучении математике. – М.: «Просвещение», 1986. – 255 с.

49. Ашурова С.И. Махсус фанларни модуллар ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш// Ж.: Касб-хунара таълими, 2004 йил, 5-сон.

50. Даминов М.И. Физика таълимини модулли технология асосида такомиллаштириш (академик лицейлар мисолида): 13.00.02.-таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Физика).-пед фан. ном. илм. дараж.

олиш. учун тақдим этил. Дисс автореф. – Т., 2008.-26 б ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий ном. ТДПУ.

51. Жампеисова М.М. Модульная технология обучения как средство развития ученика. – Алматы, 2002.

52. Мусаева Н.Н. Технологии модульного обучения в профессиональной подготовке младших специалистов: Автореф. канд. пед.наук. – Тошкент.

53. Наджимова С.М. Модулли ўқув машғулотларида ўз-ўзини баҳолаш технологияси // Замонавийлик контекстида педагогика фани ва унинг методологик муаммолари: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – Б. 144 –146.

54. Олимов Қ. Модуль технологияси асосида ўқув адабиётларини яратиш. Педагогик технологиялар // Ж.: Касб – ҳунар таълими. – Тошкент, 2004. № 6. – Б. 27 -29.

55. Толипова Ж. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар// Педагогика олий ўқув юрти таълим олувчилари учун дарслик. – ТДПУ, Тошкент, 2007. – 168 б.

56. Изетаева Г.К. Математик фанларни модулли технология асосида ўқитишнинг назарияси ва амалиёти. // Монография. Педагогика фанлари доктори, профессор М.Тожиевнинг умумий таҳрири остида – Т.: «Fan va texnologiya markazining bosmaxonasi», 2013. – 172 б

57. Юцявичене П.А. Теория и практика модульного обучения. – Каунас: Швеция, 1989. – 272 с.

58. Мирзаев Ч.Э. Ўрта таълим муассасаларида математика ўқитиш муаммолари. махсус курси учун замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган ўқув-услубий мажмуа. – Гулистон, 2010. – 128 б.

59. Ахунова Г.Н. Использование педагогических технологий в образовательных учреждениях среднего специального профессионального образования. – Т.: «Иқтисод-молия», 2006. – 218 с.

60. Ғаффорова Т ва бошқалар. Таълимнинг илғор технологиялари. – Қарши, «Насаф». 2003. – 112 б.

61. Узлуксиз таълим тизимида ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти // Монография / М.Тожиев, М.Баракаев, Г.Изетаева, Д.Турдибоев; Масъул муҳаррир: Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Х.Рахимов; Фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Зиямухамедовнинг умумий таҳрири остида; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими-ни ривожлантириш маркази. – Т.: «Турон иқбол» нашриёти. 2017. – 160 б.

62. Столяренко А.М. Психология и педагогика. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008. – С. 368.
63. Тожиев М., Баракаев М., Хуррамов А. «Математика ўқитиш методикаси фани ўқув машғулотлари лойиҳаси». – Т.: «Fan va texnologiya», 2015, – 224 б.
64. Коменский Я.А. Великая дидактика// Избранные педагогические сочинения. – М.: «Учпедгиз», 1955.
65. Монахов В.М. Технологические основы проектирования учебного процесса: Монография. – Волгоград: Перемена, 1995, – 152 с.
66. Ильин Г.Л. Теоретические основы проектирования образования: докторская диссертация. – М., 1995. – 180 с.
67. Смыковская Т.К. Технология проектирования методической системы учителя математики и информатики. Монография. – Волгоград, «Бланк», 2000. – 250 с.
68. Васекин С.В. Технологическая процедура оптимизации при проектировании учебного процесса по математике: Автореф... канд. пед. наук. – М, 2000. – 23 с.
69. Епишева О.Б. Деятельностный подход как теоретическая основа проектирования методической системы обучения математике: докторская диссертация. – М., 1999., – 460 с.
70. Монахова Г.А., Монахов Н.В. Проектирование собственной методической системы учителя: дидактический практикум для студентов педагогических университетов. – М., РИЦ «Альфа» МГОПУ, 2003. – 60 с.
71. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Ўралова М. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш» (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи). Қ.І: Ўқув қўлланма/ – Т.: «MUMTOZ SO‘Z», 2011. – 196 б.
72. Олий математика/ М.Тожиевнинг умумий таҳрири остида: ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази. Тошкент, «TAFARRUR-BO‘STONI», 2021. Қ.1. Олий математика фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи) /Қўчқоров М.У., Зулфиқоров И.М., Изетаева Г.К., Опаева Г.А. / Ўқув ва илмий-услубий қўлланма. – 240 б.
73. Тил-дарё. – Т: «F.Ғулум», 1999. – 167 б.
74. Педагогик атамалар руйхати. – Т: «Фан», 2008, 80-81-б.
75. Бабанский Ю.К. «Ҳозирги замон умумтаълим мактабларида ўқитиш методлари». – Тошкент. «Ўқитувчи», 1990. – 342 б.

76. Занков Л.В. Избранные педагогические труды – М., 1990
77. Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1987.
78. Хуррамов А. «Математика ўқитиш методикаси» фанини лойихалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси. // Ж.: «Университет ахборотномаси» 2-сон, 2017
79. Шамова Т.И. Активизация учения школьников – М., 1982
80. Махмутов М.И. Современный урок: вопросы теории. – М., «Педагогика», 1981. – 191 с.
81. Янушкевич Ф. Технология обучения в системе высшего образования. – М., 1986
82. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехколледжей. – Т.: «Фан», 1992. – 259 с.
83. Лернер Я.И. Качества знаний учащихся, какими они должны быть? – М.: «Знание», 1978.
84. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алқаров И.Ш., Усманов Н.Ў., Юзликаев Ф.Р., Аликулов Ҳ. Педагогика (педагогика назарияси, дидактика), 2-қисм. Республика олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: «Tafakkur-Bo‘stoni», 2011. – 280 б.
85. Олимов Қ.Т., Авлиякулов Н.Х., Рустамов Р. Касбий фанларни ўқитишнинг модуль тизими. // Ж.: Касб-хунар таълими, 2003, 2-сон, – 18 б.
86. Хуррамов А. Ж. Математика фанлари ўқитиш жараёнларини лойихалаш ва уни таълим амалиётига жорий этиш методикаси. Ёш олимлар ва талабаларнинг XXI аср – интеллектуал авлод асри шири остида ўтқизилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудий илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015. 124-129 б.
87. Тожиев М., БаракаевМ., Хуррамов А. Таълим жараёнини режалаштириш ва лойихалаштириш асосида математика туркумидаги фанларни ўқитишни самарали ташкил этиш методикаси. Ж.: «Ta`lim, fan va innovatsiya», 2015 й., 3-сони, 56-62 б.
88. Усмонов Б.Ш, Рахимов Ф.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишнинг гаровидир. Ж: Ta`lim, fan va innovatsiya, 3 сон, 2015.6-11 б.
89. Шаталов В.Ф. и др. Опорные конспекты по кинематике и динамике. – М.: «Просвещение», 1989 г.
90. Гузик Н.П. Учить учиться. – М.: «Педагогика», 1981
91. Лысенкова С.Н. Методом опережающего обучения. – М.: «Просв-е», 1988

92. Гальперин П.Я. Методы обучения и умственного развития ребенка. – М., 1985 г.
93. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – М., 1984
94. Унш И.Э. Индивидуализация и дифференциация обучения. – М., 1990
95. Занков Л.В. Избранные педагогические труды. – М., 1990
96. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения: опыт теоретического и экспериментального психологического исследования. – М., 1986 г.
97. Авлиякулов Н.Х. Замонавий уқитиш технологиялари. – Т.: 2001
98. Ахунова Г.Н.с соат. Педагогик технолгогияси... Т.: «ТГЭУ», 2007. – 220 с.
99. Гуломов С.С. ва бошқалар . Фан ва техникада системавий ёндошиш асослари. – Т.: «Молия», 2002. – 116 б.
100. Бекназаров Ж. Комиллик ибтидоси. Ж.: «Маърифат», 42, 44, 46, 48, 50, 56-сонлари, 2016.
101. Магзумов П.Т. Педагогическое мастерство. – Т.: 2002.
102. Давлетшин М.Г. Психология технических способностей школьников. – Т.: «Фан», 1971.
103. Юзликаев Ф.Р. Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в пединституте. – Т.: «Фан», 1995. – 203
104. Ғозиев Э., Педагогик технологияларнинг психологик масалалари.// Ж.: «Халқ таълими», Тошкент, 1999, №6. 36-38-б.
105. Икрамов Ж. Математическая культура школьника: Методические аспекты проблемы развития мышления и языка школьников при обучении математике. – Т.: «Ўқитувчи», 1982. 124 б.
106. Гайбуллаев Н.Р. Практические занятия как средство повышения эффективности обучения математике. □ Т.: «Ўқитувчи», 1989. – 243 с.
107. Колягин Ю.М. и др. Профильная дифференциация в обучении математике.// Ж.: «Математика в школе», М., 1990, №4, с. 21-27.
108. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Тожиев М. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар. // Ж.: «Та’лим, фан ва innovasiya». 2016. № 2. – Б. 10-16.
109. Столяр А.А. Роль математики в гуманизации образования // Ж.: «Математика в школе». 1990. № 6. – С. 5–7.
110. Мишин В.И. Лекции по методике преподавания математики. – М.: МГПИ.- 1978. – 75 с.

111. Изетаева Г.К. Ўқув машғулотларни модулли технология асосида лойиҳалаш ва таълим жараёнига қўллаш — куннинг талаби. Ж.: АндДУ «Илмий хабарнома». 2013 йил, 2-сон, 34-39 б.

112. Мордокович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте. Автореферат дисс...док. пед. наук. М. 1986. — 36 с.

113. Саранцев Г.И. Гуманизация и гуманитаризация математического образования. // Ж.: Педагогика. №4, 1999. 39-45с.

114. Злоцкий Г.В. О психолого-педагогической и методико-математической подготовке студентов математиков университетов к профессионально-педагогической деятельности// Ж.: «Таълим муаммолари». — Т.: 2000. - №2, С. 28-30.

115. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. — Т.: «Ўқитувчи», 2011. — 354 б.

116. Эшпўлатов Н.О. Политехнический принцип в процессе преподавания математики в средней общеобразовательной школе (мет. Рекомендац.). — М.: «Прометей», 1991 . — 48 с.

117. Хуррамов А. Математик мантиқ элементларини модулли технология тамойиллари асосида лойиҳалаб ўқитиш методикаси Ж: «Университет хабарлари» 3-сон, 2017

118. Арипов М. ва бошқ. Информатика. Касб-хунар коллежлар учун дарслик. — Т., 2002. — 404 б.

119. Юлдашев У.Ю. Информационные технологии. В 2-х частях. — Т., 2007. — 166 с.

120. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий технологиялар // Ж. «Педагогик таълим». — Тошкент, 2005. - №6. 15-17 б.

121. Тайлоқов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларини янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари (Информатика курси мисолида): Автореф. дис... пед фан. док. — Т.: 2006. — 48 б.

122. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В, Рихсимбоев О.К. Кейс-стади-иктисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий-услубий қўлланма. — Т.: «Тошкент давлат иктисодиёт университети», 2009.

123. Рахимов Б.Ҳ., Сейтхалилов Э.А., Мажидов И.У. Высшая школа на пороге модернизации // «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш тажрибаси ва илмий-назарий асоси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2010 йил 3-4 декабрь. — Тошкент, 2010 й. 3-8 бет.

124. Мамадалиев К. Янги очилган таълим йўналишлари, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига қўллаш методикаси.// Ж.: 3 сон, 2015. 67-71 б.

125. Ходжаев А. А., Хошимжонов А.А. Национальный квалификационный Рамки-современный, эффективный инструмент обеспечения интеграции и унификации квалификации Ж: «Та’лим, fan va innovasiya», 3 сон, 2016. 14-18 б.

126. Сейтхалилова Э.А., Қурбонов Ш. Управление качеством образования. – Ташкент, «Шарқ», 2004 г.

127. Қурбонов Ш. Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиқлол ғояси. Ж.: Халқ таълими, 1-сон, 2001. 4-13 б.

128. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. докт. пед. наук. – Т., 2004. – 578 с.

129. Хуррамов А. Инновацион-педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларни лойиҳалаб ўқитиш методикаси. Ж.: «Узлуксиз таълим», 3-сон. 2017,

130. Хуррамов А. «Математика ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг замонавий концепцияси. Ж.: «ГулДУ ахборотномаси», 2-сон. 2017.

131. Тожиев М, Баракаев М., Хуррамов А.Ж. Таълим жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштириш асосида математика туркумидаги фанларни ўқитишни самарали ташкил этиш методикаси. // Ж.: «Та’лим, fan va innovasiya». 2015. № 3. – Б. 56-62

132. Хуррамов А. Математик мантиқ элементларини лойиҳалаб ўқитиш методикаси.// Ж.: «УзМУ хабарлари», 3-сон. 2017.

133. Прокопенко И. Модульная система за усъвършенствование на руководни кадри на низова и средни звена// Проблема на труда. – София. 1985. № 2.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I БОБ Замонавий педагогик технология миллий моделнинг ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашдаги ўрни 7

1-§. Педагогик технологиянинг ўзбек инновацион модели асосида ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалаш босқичлари 7

2-§. Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашда системали ёндашув тамойили 12

3-§. Ўқитувчи фаолиятни технологиялаштириш — ижтимоий зарурият 18

4-§. Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалаш — таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан биридир 24

5-§. Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси бўлган инновацион педагогик технология ва унинг замонавий таърифи 29

6-§. Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашда кўлланиладиган педагогик технология тамойиллари 36

Биринчи боб хулосалари 42

II БОБ ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашда модулли технология восита сифатида 44

1-§. Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалаш да модулли ўқитиш технологиясининг долзарблиги 44

2-§. Модулли ўқитиш — инновацион педагогик технологиянинг таркибий қисми сифатида 47

3-§. Модулли ўқитиш ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси сифатида 57

Иккинчи боб хулосалари 63

III БОБ Ўқитувчи ва таҳсил оловчилар фаолиятини лойиҳалашда технологик ёндашув 65

1-§. Фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси — ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил қилишнинг омили сифатида 65

2-§. «Математика ўқитиш методикаси» фанини лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепцияси — математика ўқитувчиси фаолиятини лойиҳалашдаги роли 76

3-§. Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда таълим технологияси инновацион моделнинг ўрни 83

Учунчи боб хулосалари 96

IV БОБ Ўқув машғулоти лойиҳаларини тузиш – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашнинг асоси сифатида	98
1-§. Ўқув машғулоти лойиҳалаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва уни лойиҳаларини тузиш намунаси	98
2-§. Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштириш	110
3-§. Ўқув машғулоти лойиҳалаб ўқитиш методикаси	119
Тўртинчи боб хулосалари	126

V БОБ Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда фойдаланиладиган замонавий таълим усуллари	128
1-§. Таълим жараёнини ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологиялари	128
2-§. Таълим усуллари ва технологияларининг таснифи	130
3-§. Ўқув жараёнини ташкил этишдаги интерактив усуллар	139
4-§. XXI асрнинг замонавий усул ва технологиялари	152
Бешинчи боб хулосалари	183

VI БОБ Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолияти лойиҳаларини ўқув амалиётга таъбиқ этиш	184
1-§. Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар – ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосий шакли сифатида	184
2-§. Дарс тури, шакли, усул ва методикасининг ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалаштиришдаги аҳамияти	187
3-§. Ўқув жараёни лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар	196
4-§. Битта дарс ишланмасининг намунаси	213
Олтинчи боб хулосалари	246

Ўзлуксиз таълим тизими ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда кўп ишлатиладиган тушунчаларнинг изоҳи	248
--	-----

Умумий хулоса	254
----------------------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	261
---	-----

СОДЕРЖАНИЕ

Предисловие	3
ГЛАВА 1 Роль национальной модели современных образовательных технологий в проектировании деятельности учителя и учащихся	7
1-§ Принцип системного подхода в проектировании деятельности учителя и учащихся	7
2-§ Технологизация деятельности учителя и учащихся — социальная необходимость	12
3-§ Проектирование деятельность преподавателя – один из самых инновационных технологий в процессе преподавания	18
4-§ Инновационная педагогическая технология в качестве основы проектирования деятельности учителя и учащихся и ее современное определение	24
5-§ Принципы педагогических технологий, используемых в проектировании деятельности учителя и учащихся	29
6-§ Педагогические принципы, используемы (применяемые) при проектировании диятельности учителя и учащихся	36
Выводы по первой главе.....	42
ГЛАВА II Модульная технология в качестве средства в проектировании деятельности учителя и учащихся	44
1-§ Актуальность технологии модульного обучения в проектировании деятельности учителя и учащихся	44
2-§ Модульное обучение – в качестве содержательной части инновационной образовательной технологии.....	47
3-§ Модульное обучение в качестве основы проектирования деятельности учителя и учащихся	57
Выводы по второй главе.....	63
ГЛАВА III Технологический подход в проектировании деятельности учителя и учащихся	65
1-§ Современная концепция преподавания предметов путем проектирования – в качестве фактора эффективной организации деятельности преподавателя	65
2-§ Современная концепция преподавания предмета «Методика преподавания математике» путем проектирования – роль в проектировании деятельности преподавателя математики	76

3-§ Роль инновационной модели образовательной технологии в организации деятельности преподавателя.....	83
Выводы по ГЛАВА III	96
ГЛАВА IV Составление проектов учебных занятий – в качестве основы проектирования деятельности учителя и учащихся	98
1-§ Дидактические условия проектирования учебных занятий и образцы разработки их проектов	98
2-§ Планирование и проектирование деятельности преподавателя.....	110
3-§ Методика преподавания предмета путем проектирования.....	119
Выводы по четвертой главе	126
ГЛАВА V Современные методы обучения используемые при проектировании деятельности учителя и учащихся	128
1-§ Основные методы и технологии обучения используемые в организации учебного процесса	128
2-§ Классификация методов и технологий обучения	130
3-§ Интерактивные методы в организации учебного процесса.....	139
4-§ Современные методы и технологии XXI века	152
Выводы по пятой главе.....	183
ГЛАВА VI Осуществление проектов деятельности учителя и учащихся в учебной практике.....	184
1-§ Современный урок и требования к ним – в качестве основной формы проектирования деятельности учителя и учащихся	184
2-§ Значимость вида, формы, метода и методики урока в проектировании деятельности учителя и учащихся	187
3-§ Требования, предъявляемые к преподавателям в реализации учебных проектов на практике	196
4-§ Образец поурочной разработки	213
Выводы по шестой главе	246
Объяснение к часто используемым концепциям в проектировании деятельности учителя и учащихся при непрерывной образовательной системы.....	248
Общие выводы.....	254
Список литературы	261

CONTENT

Foreword	3
CHAPTER 1 Role of the national model of modern educational technologies in designing the activities of the teacher	7
1.1. Principle of the system approach in designing the activity of the teacher.....	7
1.2. Technological activity of the teacher is a social necessity.....	12
1.3. Designing the activity of a teacher is one of the most innovative technologies in the teaching process.....	18
1.4. Innovative pedagogical technology as a basis for designing the activity of the teacher and its modern definition.....	24
1.5. Principles of pedagogical technologies used in designing the activity of a teacher.....	36
CHAPTER 2 Modular technology as a tool in the design of teacher activities	44
2.1. The relevance of the modular training technology in the design of the teacher	44
2.2. Modular training - as a content part of innovative educational technology.....	47
2.3. Modular training as the basis for designing the activities of the teacher.....	57
CHAPTER 3 Technological approach in designing the activity of the teacher	65
3.1. The modern concept of teaching subjects through design - as a factor in the effective organization of the activities of the teacher	65
3.2. The modern concept of teaching the subject «The methodology of teaching mathematics» by designing - the role in designing the activity of a teacher of mathematics	76
3.3. The role of the innovative model of educational technology in organizing the activities of the teacher	83
CHAPTER 4 Drafting of training sessions - as a basis for designing the activities of the teacher	98
4.1. Didactic conditions for the design of training sessions and samples of the development of their projects	98
4.2. Planning and designing the activity of the teacher	110
4.3. Method of teaching the subject through design	119

CHAPTER 5 Modern teaching methods used in the design of teacher activities	128
5.1. Basic methods and technologies of teaching used in the organization of the educational process	128
5.2. Classification of teaching methods and technologies	130
5.3. Interactive methods in the organization of the educational process	139
5.4. Modern methods and technologies of the XXI century	152
CHAPTER 6 Implementation of projects of the teacher in the teaching practice	184
6.1. The modern lesson and requirements for them - as the basic form of designing the activity of the teacher	184
6.2. Importance of the form, form, method and methodology of the lesson in designing the activity of the teacher	187
6.3. Requirements for teachers in the implementation of training projects in practice	196
6.4. Sample pourochnoy development.....	213
Stages of designing the activity of the teacher.....	246
An explanation for frequently used concepts in the design of a teacher’s activity in a continuous educational system.....	248
General conclusions	254
Bibliography	261

ПРОЕКТИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ

Повышение качества и эффективность образования и вопросы подготовки конкурентоспособных кадров реализуются на основе создания проектов деятельности преподавателя, а также создания современных и интерактивных методов для использования на практике.

Проектирование учебного процесса широко используется в современном образовании, а также в последнее время вошло и в теоретической и практической методологии и дидактики. Проектирование учебного процесса является одной из основных форм поддержки современных образовательных технологий в учебном процессе.

В данной монографии изучен сравнительный анализ по составлению проектов учебного процесса и его реализации на практике ВУЗов зарубежных стран и нашей страны и рассмотрен на примере проектирования деятельности преподавателей предмета «Методика преподавания математике» в качестве матрицы в проектировании деятельности преподавателя в учебном процессе высших учебных заведений, а также использования на практике.

Кроме того, данная монография освещает роль и значимость современных образовательных технологий, ее актуальность в осуществлении деятельности преподавателя, а также в качестве основы для современной концепции обучения проектированием в непрерывной образовательной системы. В то же время в монографии приведены технологический подход к обучению, технологии образования и традиционной модели обучения, ученико-ориентированных технологий в образовании и его роль во введении в практику проектирования, обучения и образования методов, широко используемых в работе современного преподавателя в непрерывной системе образования.

Монография предназначена для работающих во всех сегментах системы образования, преподавателей, исследователей и специалистов в области науки, образования и профессиональной подготовки, для использования в процессе разработки и совершенствования методических разработок.

Авторы

DESIGNING THE ACTIVITY OF THE TEACHER

Improving the quality and effectiveness of education and the issues of training competitive personnel are realized on the basis of the creation of projects for the activities of the teacher, as well as the creation of modern and interactive methods for use in practice.

The design of the educational process is widely used in modern education, and also recently has been scrutinized in both theoretical and practical methodology and didactics. Designing the educational process is one of the main forms of supporting modern educational technologies in the educational process.

In this monograph the comparative analysis of the drafting of the educational process and its implementation in practice by universities of foreign countries and our country has been studied and is examined on the example of designing the activity of teachers of the subject «Methodology of Teaching Mathematics» as a matrix in designing the teacher's activity in the educational process of higher educational institutions, and Also use in practice.

In addition, this monograph highlights the role and importance of modern educational technologies, its relevance in the activities of the teacher, as well as as a basis for the modern concept of teaching design in a continuous educational system. At the same time, the monograph presents a technological approach to teaching, the technology of education and the traditional model of teaching, student-oriented technologies in education, and its role in the introduction to the practice of designing, teaching and developing methods widely used in the work of a modern teacher in a continuous education system.

The monograph is intended for working in all segments of the education system, teachers, researchers and specialists in the field of science, education and vocational training, for use in the development and improvement of methodological developments.

Authors

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО -
СПЕЦИАЛЬНОГО, ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

**Мамаражаб Тожиев, Бури Зиёмухамедов,
Ботир Усмонов, Анвар Хуррамов**

ПРОЕКТИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ

Ташкент – «TURON-IQBOL» – 2017
100182, г. Ташкент, ул. Х. Байкаро, 51.
Тел./Факс: 244-25-58

**М.ТОЖИЕВ, Б.ЗИЁМУХАМЕДОВ,
Б.УСМОНОВ, А.ХУРРАМОВ**

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Тошкент «TURON-IQBOL» – 2017
100182. Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 10-уй
Телефон: 244-25-58, факс: 244-20-19

Муҳаррир	<i>Н. Қосимова</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Смирнова</i>
Мусахҳих	<i>С. Абдунабиева</i>
Саҳифаловчи	<i>Э. Абдиқайырова</i>

Наشريёт лицензияси А1 №223, 16.11.12.
Босишга 29.09.2017 йилда рухсат этилди. Бичими 60×84 ¹/₁₆
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма усулда босилди.
Шартли босма табағи 16,27. Нашр табағи 16,0.
Адади 300 нусха. 96-сонли бунортма.

«TURON-МАТБАА» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.